

# ДИНШУНОСЛИК АСОСЛАРИ

„ЎЗБЕКИСТОН“

50-00

ft.\*

# ДИНШУНОСЛИК АСОСЛАРИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий  
ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
олий ўқув юртлари талабалари  
учун ўқув қўлланмаси  
сифатида тавсия этган*

Тошкент  
«Ўзбекистон»  
1995

Профессор Анвар АБДУСАМЕДОВ тахрири остида

Мухаррир — Назрулла УМАРОВ

СУЗ БОШИ

«Диншунослик асослари» ўқув қўлланмаси олий ўқув юртлири талабаларига мўлжалланган. Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлига кирганлиги, мустақилликни мустаҳкамлашда маънавий омиллар тобора биринчи уринга чиқиб бораётгани динга, диний ташкилотлар ва диндорларга илмий муносабат белгилаш, табаа (гражд;ш)лар Конституцион ҳуқуқларини химоя қилиш «Диншунослик асослари» курсига бўлган табиий эҳтиёжни ётар қачонгидан оширмоқда. Республикада сиёсий барқарорликни таъминлаш ҳам кўп жиҳатдан илм ва динимли ҳамкорлигини тақозо этмоқда. Ҳозирги замон фани на илғор қарашлари асосида тайёрланган ушбу кўлланма юқоридаги мақсадларга хизмат қилади. Ушбу кўлланманинг I, V бобларини А. И Абдусамедов, II бобини II. Худойбердиев, III бобини Ф. Набиев, IV бобини Н. Колемасова, V бобини А. Зайнитдинова, VI бобини И. Каримов, VII бобларини М. Усмолов, VIII бобини О. Бозоров, IX бобини А. Зайнитдинова, X бобини И. Каримов, XI бобини Н. Мамадалиев, XII бобини А. Қулназаров, XIII бобини А. Ортиқов, XIV бобини А. Абдусамедов, XV бобини И. Каримов, XVI бобини Ф. Н. Набиев, XVII бобини Х. Худойбердиев, XVIII бобини С. Қурбонов, XIX бобини Т. Тошлонов, XX бобини С. Абдуҳолиқов, XXI бобини Н. Колемасова, XXII бобини Л. Абдушуқуров, XXIII бобини Х. Яхшиликков ёзганлар.

Жумхуриятимиз олийгоҳлари учун «Диншунослик асослари» борасидаги дастлабки уринишлардан бири бўлган ушбу кўлланмада муайян камчиликлар бўлиши мумкин. Қўлланма муаллифлари олим, педагог ва китобхонлардан бу кўлланма юзасидан фикр, мулоҳазалар кутади "ва уларга олдиндан миннатдорчилик изҳор этгади.

ISBN 5-640-01503

0403000000-145

М 351 (04) 95

© «ЎЗБЕКИСТОН» нашриёти, 1995

/ БОБ

## «ДИНШУНОСЛИК АСОСЛАРИ» КУРСИ

### 1. КУРСНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Шу вақтгача олийгоҳларнинг барча факультетларида бошқа ижтимоий фанлар қатори «Илмий атеизм асослари» курси ўқитилиб келинди. Унинг дастурида динларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш тарихи, моҳияти ва жамиятда тутган ўрнини таҳлил қилишга нисбатан марксистик даҳрийлик таълимотиغا кенг ўрин берилар эди. Бу ҳолат даҳрийлик таълимотининг мазмунини, ижтимоий онгдаги тутган ўрнини ортиқча баҳолашга сабаб бўлган. Умуман, «илмий атеизм» иоми билан ўқитилиб келинган ўша курс партия элитасининг сиёсий мақсадларига бўйсундирилгани учун кўп ҳолатларда илмийликдан узок бўлиб қолганлиги эндиликда, совет мафкураси исканжасидан озод бўлганда аён бўлиб қолди.

Дин, диний ташкилотлар, диндорларга нисбатан қўлланиладиган Совет сиёсати илмий тамойилларни бузилишига сабаб бўлди. Унинг ўрнига динни, диний қарашларни бартараф этишни «тезлаштириш»ни мақсад қилган сиёсий даҳрийлик майдонга чиқди. Амалда диний ташкилотлар ва диндорларга нисбатан маъмурий буйруқбозлик методи қўлланилди.

Назарияда, хусусан амалиётда диний ташкилотларга, динга ишонувчиларга нисбатан бундай қараш, муносабат белгилаш қайта қуриш даври бошлангунга қадар давом этди.

Динлар тарихи халқлар тарихи билан боғлиқдир. Бинобарин, жамият тараққиётининг ҳар бир босқичида истеъдодли, қобилиятли олим ва шоирлар, адиб ва мутафаккирлардан иборат халқ ф'арзандлари етишиб чиқиб, ўз илғор фикрлари билан фан ва маданиятнинг турли соҳаларини ривожлантириб, хурфикрлилик мазмунини бойитганлар.

Диншунослик асослари» курсининг вазифаси олий-галабаларига шу соҳада чуқур билим бериш орқали Курс доирасига кирган масалаларни таҳлил этишда п **ИМИЙЛИК** ва объективлик услубини қўллаб, уларда диний қарашлар тараққиётга, инсон камолотига хизмат қиладиган жиҳатларини ажратиб олиш, мустақил фикр Юритиш орқали илмий-фалсафий дунёқарашга асослан-|,ш пмон ва эътиқодни шакллантиришдан иборат.

Ибтидоий дин шаклларида тортиб то уруғ, қабила и миллий динларгача, уларда жаҳрн динларининг пайдо бўлиши ва ривожланишининг ижтимоий, гносеологик (таърихий билиш) ва психологик илдилари мавжуддир. Апи шуларни ҳар томонлама тарихий далиллар асосида илмий таҳлил қилиш мазкур курснинг вазифасидир.

Жамият шаклланишининг дастлабки даврларида Пайдо бўлган дин халқлар ҳаёти билан боғлиқ ҳолда ривожланган, мослашган, секин-аста диний тизимни вужудга келтирган. Натижада маълум ижтимоий-сиёсий на маданий-ахлоқий вазифаларни бажаришни ўз зиммасига олган. Бундай функциялар жамият тараққиётининг юқори босқичларида айниқса яққол кўзга ташланади.

Бу ўринда диннинг, айниқса исломнинг Марказий Осиё халқлари ҳаётида тутган ўрни, вазифалари, фан ва маданият билан ўзаро таъсири хусусида фикр юритиш ўринлидир. Диннинг жамиятда бажарадиган ижтимоий, маънавий, рухий вазифалари қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, ҳа^\_к^ндай,,^дин\_ ўз хомийлари унун тўлдирувчи, овуғувчи (компенсаторлик) вазифасини бажаради. Масалан, инсонда диний эҳтиёж ҳосил бўлишини олиб қарайлк. У ўз ҳаёти, турмуш тарзи, табиат ва жамият билан бўлган муносабатлари жараёнида шахсий ва ижтимоий эҳтиёж, мақсадларга етишиши қийин, иложсиз бўлиб кўринганда бундай маънавий-рухий эҳтиёж вужудга келган. Чунки инсон ҳаётида қувончли ёки ташвишли онларда, орзулар рўёбга чиқиши иложсиз бўлган пайтда инсониятнинг динга эҳтиёжи жамият бўлиб яшаш талабларида бошланган ва дин бу ўринда маънавий-рухий эҳтиёжни қондирувчи, тасалли берувчилик вазифасини бажаради.

Иккинчидан, динлар ўз таълимот тизимини вужудга келтириб, унга эътиқод қилувчи шахс ва жамоани шу таълимот доирасида сақлашга ҳаракат қилади. Буни динларнинг бирлаштирувчилик (интегративлик) функцияси дейилади. Бунда дин муайян ижтимоий, этник ва

маънавий ҳаётнинг ўз таъсири доирасида бўлишини кўзда тутди. Масалан, ислом ўтмишда Марказий Осиё халқларининг ижтимоий ҳаётига, ахлоқий муносабатларига, ҳаттоки адабиёт ва санъатига ўз таъсирини кўрсатган.

| Учунчидан, дин диндорлар ҳаётини тартибга солиш, назорат қилиш (регулятивлик) функциясини бажаради. Ҳар қандай динларнинг маълум урф-одат, маросим ва байрамлари бўлиб, уларни ўз вақтида, диний таълим ва талаб асосида бажарилиши шарт қилиб қўйилади.

^Тўртинчидан, дин диндорларнинг бирлигини, жамият билан шахннинг ўзаро алоқасини таъминловчи хусусият — алоқа боғлашлик вазифасига ҳам эгадир. Бунда конкрет бир динга эътиқод қилувчи киши шу диндаги бошқа кишилар билан боғлиқ бўлиши, урф-одат ва ибодатларни жамоа бўлиб адо этиш кўзда тутилади. Черков, мачит ва диний ташкилотлар диннинг бу функциясини амалга оширишга кўмаклашади, айна пайтда, бу ҳолатни назорат қилади.

Булардан ташқари дин вазифаларининг фалсафий, назарий жиҳатлари бўлиб, инсоннинг яшашдан мақсади, ҳаётининг мазмуни, дорулфано, дорулбакр — дунё ҳақидаги масалаларга ўз муносабатини билдиришдан иборат. Динлар тарихи сиёсий функцияга ҳам эга бўлганлар ҳозир деярли барча динлар бундай функцияни бажармайди ёки бу функция сезиларли эмас. Ҳар қандай диннинг конкрет тарихий шароитда бажарадиган функциялари йиғиндиси унинг ижтимоий ролини белгилайди. Диннинг ижтимоий ҳаётга таъсири ҳамма вақт ҳам бир хил бўлган эмас. У вақтга, ўринга, шароитга қараб сезиларли даражада ўзгариб боради.

«Диншунослик асослари» диннинг пайдо бўлиши ва ривожланиш тарихини, унинг таълимотини, вужудга келиши ва шаклланишини ўрганувчи фандир. Бу фан жамият тараққиёти жараёнида дин билан боғлиқ бўлган барча ижтимоий ходисаларни — мафкура ва ақидалар, урф-одат ва маросимлар, мачит ва диний ташкилотларнинг талаб ва тартибларини ўрганиш, таҳлил қилишни кўзда тутди.

Хурфикрлиликка хос дастлабки ғоялар Марказий Осиёда — деизм, пантеизм, мўътазилилийлар, бу ўлкада яшаган, ижод қилган улуғ мутафаккирлар Форобий, Беруний, Ибн Сино, Умар Хайёмнинг ижтимоий-фалсафий қарашларида, Ибн Рушднинг «Икки ҳақиқат» таълимотида олға сурилган эди. XVII асрда Бобурнинг наби-

раем Шох Акбар, сўнгра XVIII асрда француз файласуфларининг динга, диний ташкилотларга муносабати XIX асрда илмий диншунослик хусусида янги оқим, йўналиш ва назариялар юзага келишига катта туртки бўлган. Бинобарин, XIX асрда мифологик мактаб (ака-ука Я. ва В. Гримм, М. Мюллер); антропологик мактаб (Л. Фейербах) ва бошқа йўналишлар пайдо бўлган. XX асрда диншунослик янада янги назариялар билан бойигаи. Бунда швейцариялик психолог К. Юнг ва айниқса француз социологи Э. Дюркгеймнинг «коллектив онг» ҳақидаги таълимоти диққатга сазовордир.

Аммо ўша давр диншунослиги динга ўз ижтимоий-сиёсий қарашларини баён этар экан, у ўз қарашларини диний ташкилотлар манфаатлари билан боғланмаган, мафкуравий жиҳатдан бетараф қилиб кўрсатмоқчи бўлган. Бу уринишларни «асослаш»да турли фалсафий ҳамда ижтимоий назариялардан фойдаланган. Амалда эса илоҳиётга кўпроқ ёндашган.

Олимларнинг диншунослик соҳасидаги изланиши муҳим ҳулосалар чиқаришга олиб келган. Биринчидан, ҳар қандай дин ижтимоий ходиса ҳисобланиб, ижтимоий онг шакллари билан биридир; иккинчидан, диний тасаввур ва эътиқодлар жамият тараққиётининг муайян ижтимоий шароитлари таъсирида турли-туман шакл ва кўриниш касб этган; учунчидан, ибтидоий диний тасаввурлардан тортиб жаҳон динларигача бўлган динлар ривожланиши эволюциясини эътироф этиш диншунослик ҳақида тўғри илмий ҳулоса чиқариш имкониятини беради.

Юкритдаги фикрларга асосланиб, «Диншунослик асослари» предметини қуйидагича таърифлаш мумкин: Диншунослик кишилик жамияти тарихий тараққиётининг муайян босқичида пайдо бўлган барча дин шакллари билан маънавий, ижтимоий, гносеологик ва психологик илдиларини, уларнинг таълимоти ва маросимчилиги, ижтимоий ҳаётдаги мавқеи ва ижтимоий функцияларини илмий жиҳатдан ўрганувчи фандир.

Яқин ва Урта Шарқ халқлари тарихида хурфикрлилик ғоялари Зардушт таълимоти, Маздак ижтимоий-сиёсий фаолияти таъсирида бўлган. Ал-Форобий, Ибн Сино, Умар Хайём, Ибн Рушд каби мутафаккирлар хурфикрлиликни кенг ривожлантирганлар. Шу сабабдан «Диншунослик асослари» курсини ўрганиш жараёнида булар таълимотининг ўзига хос томонларини кенгрок баён қилиш мақсадга мувофиқдир. Чунончи, хурфикрлилик ғояларининг пайдо бўлиши, шаклланиши ва ри-

вожланиши ҳар бир халқ тарихий тараққиётида, маънавий ҳаётида, динга бўлган муносабатини аниқлашда муҳим аҳамият касб этган. Бинобарин, Марказий Осиё халқлари тарихида ҳурфикрлиликни илмий ўрганиш, унинг ҳар бир босқичига объектив ёндашган ҳолда тўғри хулосалар чиқариш, унинг тажрибаси, ижобий жиҳатларидан фойдаланиш шу куннинг муҳим масалаларидан биридир.

## 2. КУРСНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ

«Диншунослик асослари» курсининг амалий аҳамияти, олий илмгоҳ талабаларининг шу соҳадаги билим доираларини кенгайтириш, уларни қизиқтирган масалалар юзасидан эркин фикр юритиш ҳамда илмий ва диний тушунчаларни ҳозирги фанлар ва талаблар нуктаи назаридан туриб ўрганишдан иборат.

Философиянинг бошқа таркибий қисмлари каби «Диншунослик асослари» ҳам дунёқараш билан боғлиқ масалаларни очиб беришга йўналтирилган. Бунда у фан-техника тараққиётининг улкан ютуқларига, олам ва унинг ривожланиш қонуниятларига суянади.

«Диншунослик асослари» ўзининг ўрганиш ва текшириш объектига эга. У диннинг пайдо бўлиши, ижтимоий моҳияти ва жамиятдаги ролини тадқиқ қилиш билан бирга диний эътиқодларнинг пайдо бўлиши ва яшаши, уларнинг жамият тараққиётидаги эволюциясини илмий жиҳатдан ўрганади. «Диншунослик асослари» курсининг вазифаси динни фалсафий, табиий-илмий, тарихий ва психологик нуктаи назардан ҳар томонлама таҳлил қилишдан иборат. Илмий фалсафа диннинг моҳиятини, унинг маънавий, ижтимоий, гносеологик ва психологик илдизларини очади, диний қарашлар ва тасаввурларни тарихий нуктаи назардан ёритади. Диншунослик асослари предмета табиий-илмий, инсоншунослик ва ижтимоий фанлар билан ўзаро боғлиқликда ривожланади. Унинг этика, эстетика, тарих, этнография, археология, психология, ҳурфикрлилик ва бошқа ижтимоий дамда тарихий фанлар билан мустақкам боғлиқлиги диншунослик назариясини бойитади.

«Диншунослик асослари» курсининг Ўзбекистан халқлари тарихи билан узвий боғлиқлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Зеро Марказий Осиё халқларининг тарихи умуман дин, хусусан ислом тарихи билан узвий боғлиқ бўлиб, фан ва маданият тарихий тараққиётида кейинги

минг йилликда ислом таълимотининг таъсири кучли бўлган. Ўзбекистан халқлари тарихи предмета қадимги замонлардан ҳозирги давргача жамият тараққиётидаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий ривожланиш босқичларини ўрганса, бу жараённинг барча жиҳатларида мавжуд динларнинг аралашуви, ёхуд кучли таъсири бўлган. Хусусан Марказий Осиё халқлари ҳаётида исломнинг кириб келиши ва ҳукмрон мафкурага айланиши бу халқлар тарихида катта из қолдирган.

Олий илмгоҳ талабалари учун янги ўқув предмети сифатида ўқитилаётган маданият тарихи ва назарияси билан диншунослик асослари курси ўзаро узвий боғлиқдир. Чунки маданият тарихи билан дин тарихи бир-биридан ажралмаган, аксинча бир-бирига ўзаро таъсир ўтказиб келган жараёндир. Бу тарихий тараққиёт ходисаларнинг объективлигини, ривожланиш қонуниятларини ўрганиш ҳар иккала ўқув предмети учун ҳам аҳамиятлидир. Бир-бирини тўлдирувчи Ўзбекистан халқлари тарихи билан «Диншунослик асослари» ўқув предмети лари ёшларни бу соҳадаги зарур билимлар билан қуроллантиради.

«Диншунослик асослари» курси ўқитишнинг яна бир амалий аҳамияти шундаки, мустақиллик туфайли мамлакатимизда бошланган ижобий ўзгаришлар дин тарихига, у билан боғлиқ бўлган маданий меросга объектив муносабатни ўрнатиш имкониятини яратди. Жумладан, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» ги қонуннинг қабул қилиниши ҳозирги шароитда демократок ва инсонпарвар жамият қураётган Ўзбекистан халқлари ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлиб, ўз натижасини кўрсатмоқда.

Динга, диний ташкилотларга ва диёдорларга нисбатан тўғри муносабатнинг қайта тикланиши ҳақиқий виждон эркинлигини амалга оширишга хизмат қилмоқда. Охирги 2—3 йил ичида урушдан кейинги даврга нисбатан бу соҳда кўп ишлар амалга оширилди. Чунончи, қонун доирасида диний ташкилотлар ва жамоалар учун тўлиқ эркинлик, янги диний жамоаларни, жумладан маҷит ва мадрасаларни рўйхатдан ўтказиш, диний ибодатларни бемалол адо этиш, диний адабиётлар нашр этиш, диний арбоблар ва ташкилотлар фаолиятига муносабатда жиддий ўзгаришлар бўлди. Диний ташкилотларнинг ижтимоий ташкилотлар, тинчлик ва хайрия ишларида фаол қатнашишдан иборат ҳуқуқ ва хоҳишлари таъминланади. Шунини эслатиш жоизки, 1988 йили Киев

Руси \D)11c l iiii11li!kiш қабул қилганлигининг 1000 йиллигини кенг байрам қилиниши, 1990 йилда ат-Термизий-<sup>1</sup> Ш1Нг 1200 йиллигининг тантанали нишонланиши бу йўлда амалга оширилаётган ишлардандир. 1989 йили совет ССРСРда барча диний йўналишлар бўйича уч мингга яқин диний жамоалар рўйхатдан ўтказилди, икки мингга яқин ибодат объектлари диндорларга қайтариб берилди. Ўзбекистонда 1988 йили фақат 84 маҳит ишлаб турган бўлса, ҳозирги даврда уларнинг сони 5000 дан ошиб кетди. Диний арбоблар ва рухонийлар учун оммавий ахборот (радио, телевидение, матбуот) воситасидан фойдаланиш имконияти берилди. Диний кадрлар тайёрлашни кўпайтириш чоралари кўрилди.

«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун диндор оилалар учун ўз фарзандларини алоҳида ёки гуруҳлар ташкил этиб, илоҳийни ўқитиш ҳуқуқини берди. Шу боисдан ҳозирги ёшлар ўртасида дин асосларини ўрганишга қизиқиш жумҳуриятимизнинг барча вилоятларида кўзга ташланмоқда, шу мақсад билан маҳитлар қошида дин асосларини ўргатиш учун гуруҳлар ташкил этилмоқда.

Буларнинг ҳаммаси мамлакатимизда қарор топган мустақиллик ва демократиянинг маҳсулидир. Биз ёшларда фақат диний тушунча ва тасаввурларни ҳосил қилиш билан чеклана олмаймиз. Уларда ҳозирги замон фан-техника ютуқлари асосида илмий дунёқарашни шакллантириш асосий вазифадир. Шу билан бир қаторда динни идеаллаштиришга, яъни уни ҳаддан зиёда кўқларга кўтариб, илм-фандан устун қўйиб, таълим-тарбиянинг ягона, ҳал этувчи дастурига айлантириб юбориш, уни сиёсийлаштириш ҳам ўринсизлигини ёшларга аёнлаштиришимиз зарурдир.

Демак, диншунослик асослари предметини ўқитиш жараёнининг тарбиявий аҳамияти ҳам мавжуд бўлиб, ёшларга дин ва ҳурфикрлилик ҳақида илмий билимлар бериш орқали диннинг ижтимоий моҳиятини, у тарихий ходиса эканлигини тушунтириш билан унинг жамият ривожланиши борасида замонавийлашувини, баъзан эса янги диний гуруҳлар пайдо бўлиш мумкинлигини ҳам тушунтиради. Шу билан бир қаторда талабаларда илмий дунёқарашни шакллантириш, шу асосда илмга асосланган имон ва эътиқодни беришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Бинобарин, келажак ёш мутахассисларимиз мустақил Ўзбекистон истиклоли учун фаол курашчилар бўлишлариغا ёрдамлашади.

## ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. «Диншунослик асослари» ўқув предмети нимага ўргатади?
2. Курснинг назарий ва амалий аҳамияти нимада?
3. Бу курс билан бошқа ўқув предметлари ўзаро боғлиқлигини қандай аҳамияти бор?

II БОБ

## ДИНЛАР ТАРИХИНИ ЎРГАНИШНИНГ ИЛМИЙ ВА МЕТОДОЛОГИИ ТАМОИИЛЛАРИ

Диний онг ижтимоий онг шакллари билан бири эканлигини юқорида айтган эдик. Аммо дин тўғрисида турли хил қарашлар бўлиб, уларнинг бир-биридан тафовутини аниқлаш мудим назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Диннинг пайдо бўлиши ва ривожланишини ўрганаётганда унга тарихийлик тамойили (принцип) асосида ёндашиш қатта аҳамиятга эга.

Марказий Осиё жумҳуриятларида исломнинг ўзига хос кўринишини тушуниш учун конкрет тарихий шароитни, халқнинг ўтмиши, яшаш тарзи, ишлаб чиқариш усуллари, этник хусусиятларини ҳисобга олиш зарур.

Ислом ва Қуръоннинг вужудга келиши тарихи билан боғлиқ бўлган муаммолар аввало Шарқ исломшунослари, сўнгра кўпроқ Европа исломшунослигида XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб ўрганила бошланган. Европа, Америка исломшунослиги ва қуръоншунослигида олиб борилган тадқиқотларнинг кўпчилиги, конкрет далилларга бойлигидан қатъи назар, уларнинг барчаси методологик жиҳатдан чекланган.

Дин тарихида диншунослар диннинг пайдо бўлишини турлича изоҳлаб келганлар. Унинг пайдо бўлиш сабаблари қадимги дунё диншуносларини қизиқтирган, бинобарин, унга жавоб топишга ҳаракат қилишган. Қадимги Хитой, Ҳиндистон ва хусусан, қадимги грек файласуфлари борлиқ тўғрисида фикр юритганларида дин, унинг келиб чиқиши ва моҳияти тўғрисида ҳам айрим-айрим фикрларни олға суришган.

Антик дунё фалсафасида бу муаммони ҳал этишда диншунослар икки гуруҳга бўлинган. Агар материалистлар худонинг гўё мавжудлигига ишончли табиий ва ердаги сабаблар билан боғлаб изоҳлаган бўлсалар, идеалистлар бунинг идеал (рухий) кучларнинг мавжудлигидан ахтарардилар.

Ўтмишдаги материалистлар динни инсон онгининг

махсули деб караганлар ва уларнинг дунёқарашлари марказида диннинг шаклланиш сабаблари, шарт-шароитлари тўғрисидаги масалалар турарди.

Диний онг, урф-одатлар, диний дунёқараш кўп жиҳатдан инсон хис-туйғулари, эҳтирослари, хаёллари таъсири остида пайдо бўлиши тўғрисидаги тушунча қадим замонлардаёқ мавжуд эди. Қадимги материалист файласуфлар (Демокрит, Лукреций Кар ва бошқалар) кўрқув, тахлика хисси динга ишониш манбаи бўлган дейишган. Б. Спиноза, Л. Фейербах сингари мутафаккирлар ҳам динга шундай ёндашиш тарафдорлари бўлишган. Чунончи, Л. Фейербах ўзининг «Диннинг моҳияти тўғрисида лекциялар», «Христианликнинг моҳияти» деган асарларида диннинг пайдо бўлиш сабабларини «Қарамлик хисси ва қарамлик англашилиши»дан кидириш лозимлигини, динни тушунтириб бериш учун «кўрқув» сингари салбий хис-туйғуларнигина эмас, балки «қувонч», «миннатдорчилик», «муҳаббат» ва «эъозлаш» сингари ижобий туйғуларни ҳам эътиборга олиш лозимлигини таъкидлаган эди.

Бу билан Л. Фейербах диннинг моҳиятини инсоннинг моҳиятидан иборат қилиб қўяди. Лекин инсоннинг моҳияти айрим одамга хос бўлган мавҳум эмас, балки ҳақиқат ҳолида у ҳамма ижтимоий муносабатларнинг мажмуидир.

Унинг фикрича, инсон моҳияти фақат «уруғ» деб жуда кўп алоҳида одамларни табиий воситалар билан бир-бирига боғлайдиган ички, тилсиз умумийлик деб тушунилиши мумкин. Шу сабабли Фейербах «диний хиссиётнинг» ўзи ижтимоий маҳсул эканлигини ва ўзи таҳлил қилаётган мавҳум алоҳида одам ҳақиқатда муайян ижтимоий шаклга мансублигини пайқамаслиги таъкидланган.

Классик фалсафа асарларида диннинг пайдо бўлиши ва уни ўрганишнинг илмий дунёқарашга асосланган методологик қоидалари баён этиб берилган.

Дин турлари мактаблар ва йўналишларга мансуб бўлган хорижий диншунослар ва файласуфларнинг диққат-эътиборида бўлган ва шундай бўлиб қолмоқда. Масалан, даниялик файласуф ва рухшунос Жеймс бундай деб ёзган эди: «Диний тажриба моҳиятан диний хиссиёт бўлиб, у барча динлар ва ҳамма диний нуқтаи назарларнинг муҳим хусусиятларини ташкил этади. Барча тасаввурлар унга нисбатан бўйсунувчи ва шартлидир». Жеймс «хиссиётни диннинг энг чуқур манбаи деб но-

тўғри ^йсоблаган, фалсафий ва художўйлик кайфияти эса асл нуханинг бошқа тилга таржимаси сифатида иккиламчи устуқурмадан бошқа нарса эмас» деб таъкидлаган эди. Бу фикрга асло қўшилиб бўлмайди.

Дунёвий диншунослик таълимотининг асосчилари ҳам диний онгда хиссиёт, эътиқод ва тасаввурларнинг муҳим ўрин эгаллашини яхши англаганлар ва уни талқин этишнинг илмий принципларини белгилаб берганлар.

Плеханов диний хиссиётни диннинг зарур жиҳатлари деб ҳисоблаган эди. Унинг фикрича, ҳаётда яхшилик билан ёмонлик деб аталадиган «Мангу муаммолар» мавжуд экан, одамлар ахлоқий камолотга интилиб, ана шу икки тушунча орасида гангиб қоладилар; бундай фурсатда диннинг моҳияти ўзининг юксак ахлоқий идеалларини намоён этарди. Бироқ, бу ўринда ҳам кўрқув билан таъқиб этиб турган ахлоқийлик тушунчаси охирадаги ҳаёт тушунчаси билан қоришиб кетарди.

Динда ижтимоий, тарихий, гносеологик ва психологик илдишлар мавжуддир. Булар орасидан психологик илдишларни алоҳида ажратиб кўрсатиш ўринлидир. Уларга гносеологик нуқтаи назардан ва энг аввало ижтимоий илдишлар мавқеидан қарашимиз зарур. Асримизнинг 50—60-йилларидаги тадқиқотлар эса, бу соҳадаги таълимотни янада ривожлантириб, диннинг маҳсул психологик илдишлари ҳам борлигини исботлади.

Дунёвий диншунослик диннинг тасалли бериш функциясига нисбатан салбий муносабатини ҳам шу маънода тушуниш лозим. Кимки қулни қулдорликка қарши кўзғатиш ўрнига унга тасалли берса, қулдорларга "ёрдам берган бўлади; тасалли беришнинг асл моҳияти ва аҳамияти тўғрисида гапирар эканмиз, черков тасаллиси ижтимоий вазифасини синфий кураш нуқтаи назаридан таҳлил этиш керак. Бунда тасалли бериш инкилобий ҳаракатни ривожлантиришга тўсқинлик қиладиган ижтимоий-психологик омил сифатида қараб чиқилиши керак. Буларнинг ҳаммасидан машҳур диншунослар тасалли беришга, бошига фалокат, мусибат, бахтсизлик тушган, алам-ситамга дучор бўлган кишилар тақдирига инсонларча ҳамдардликка салбий муносабатда бўлганлар, деган маъно келиб чиқмайди. Уларга инсон сифатида ахлоқнинг ана шу умумбашарий қоидаси асло бетона эмас, деган хулоса келиб чиқади. Муаммолардан бири шундан иборатки, диний хис-туйғу туғма деган муаммо илмий мунозара ва бахсларнинг мавзуи бўлиб

колди. Бунда диний дунёқараш мавқеида турадиган кишилар фақатгина диний ҳис-туйғу абадийдир деган ғояни ўринсиз ҳимоя қиладилар.

•./Диннинг пайдо бўлиш сабабларини ўрганишнинг илмий асослари дунёвий диншуносликда қуйидагича баён этилади: 1. Диний тушунчалар, таълимот ва тасаввурларнинг пайдо бўлишини изоҳлашда инсоният таракқиётининг шарт-шароитини ҳисобга олиш зарур. 2. Мавжуд ижтимоий-иқтисодий таракқиёт даражасини, унга мое равишда ижтимоий-сиёсий муносабатларга асосланган ҳолда инсониятнинг маънавий камолотини, уларнинг ташки дунё тўғрисидаги тасаввурларининг ва билимларининг даражасини билиш керак. 3. Табиат сирлари олдида ибтидоий одам ожизлиги оқибатида ташки дунё тўғрисида, унда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан нотўғри қарашлар, ғайритабиий ҳодисалар ҳақидаги асоссиз тасаввурларнинг туғилишига олиб келганлигини ҳисобга олиш лозим. 4. Меҳнат тақсимотининг пайдо бўлиши асосида зolimлик ва мазлумлик, бойлик ва қашшоқликнинг юзага келиши билан дин ҳукмрон синф ҳимоя қиладиган маънавий қуролга айланганлигини назарда тутиш керак. 5. Табиатшунослик илми, далилларини фан-техника ютуқларини ҳисобга олиш ва улардан табиат ва жамият сирларини тушунишда фойдаланиш лозим. Булар билан бир қаторда диншунослик асосан табиатшуносликка суяниши керак деган ғояларни ҳисобга олиш, диннинг найдо бўлиш сабабларинигина эмас, балки унга бўлган муносабатни ҳам тўғри талқин этишда назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Диннинг пайдо бўлиши ва ривожланишини илмий асослаб ўрганиш яна: а) объективлик; б) конкрет-тарихий шароитни ҳисобга олиш; в) илмийлик; г) синфийлик; д) умуминсоний қадриятлар билан боғлиқлик; е) дин мавжудлигини, умуман ғносеологик ижтимоий-иқтисодий ва психологик сабабларни ҳисобга олишни тақозо этади.

Ҳозирги замой воқелигининг характерли хусусияти шундаки, жамиятнинг ҳамма томонларига илмий тафаккурнинг таъсири кескин кучаймоқда, унинг ижтимоий таракқиёт омили сифатидаги роли ортмоқда. Фаннинг 20- аердаги муваффақиятлари чиндан ҳам ғоят буюқдир. У бевосита ишлаб чиқарувчи кучларга айланиб, инсоига табиат сирларини тобора чуқур англаш имконини бермоқда. Бу йўналишдаги энг муҳим босқич — ин-

сон омилига ва унинг маънавий қадриятларига бўлган ижобий муносабатлардир.

Ҳозирги вазиятда илмий диншунослик назарий ютуқларни ва мамлакатимиздаги диний ташкилотларнинг ғоявий ва амалий иш фаолиятини ҳисобга олганда дин ва диндорларга бўлган муносабатларни қайта қуриб чиқишни тақозо этди. Бундай зарурат диний ташкилотларнинг ҳозирги ижтимоий тузумга бўлган ижтимоий-сиёсий муносабатларига объектив баҳо беришни талаб этади.

Буларнинг ҳаммаси давр талабидан ва келажақдаги масъулиятни ҳис этган ҳолда республикаимизда аҳоли диндорлиги даражасини аниқлаш, диндорлар ва диний уюшмаларнинг жамиятда тутган ўрнини тўғри талқин этиш ҳамда дин билан давлат ўртасидаги муносабатларнинг умуминсонийлик принципларини тиклаш, дин ва диний муассасаларга доир муаммоларга бўлган ҳолисона ёндашишдир. Бу ҳаракат кўпёқлама хусусиятга эга бўлиб, мустақил республикаимизнинг ички ва ташки сиёсатида ўз аксини топмоқда. Республикаимиз Шарқ ва Ғарбдаги барча тинчликсевар давлатлар билан уларнинг ижтимоий тузуми, динга муносабатидан қатъи назар, иқтисодий-ижтимоий, маданий алоқаларни кенг йўлга қўймоқда. Ижтимоий-сиёсий ҳаётда диний ташкилотлар фаоллигининг ортиб боришини демократия жараёнида улар ўрнининг мустаҳкамланиши деб қараш мумкин. Аввало диний ташкилотларни давлатдан ажратиш, унинг сиёсатдан узоқлашувига олиб келади, аммо черков фаолияти маълум маънода сиёсий характерга эга бўлиб келган. Диний ташкилотларга хос ижтимоий сиёсий активликнинг ортаётганини эътиборга олиб, уни икки йўналишда — ижтимоий ҳаётда ва дунёқарашда шахснинг фаоллигини ошириш керак. Диний ташкилотларнинг ижтимоий-сиёсий йўналишларда ҳақиқий воқеликка ошқора ва ижобий ёндашишлари кенгайиб бораётганлиги одат тусига кириб бормоқда. Бунга республикаимиз ҳаётига ҳозирги кунда диний ташкилотларнинг ҳолисона муносабатлари, бераётган ижобий бахрлари жонли шохид бўла олади. Бунда айрим диний ташкилотларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятлари аҳамиятга моликдир. Шунинг учун ҳозирги даврда уларга нисбатан бўлган муносабатларда умуминсонийлик, демократик ҳолислик принциплари тикланмоқда. Динга эътиқод қилувчиларга маъмурий-буйрукбозлик тазйиқи ўтказишдан воз кечилмоқда. Узининг мураккаблиги билан

мустакил республикамизда айни вақтда вужудга келган демократии, инсонпарварлик, -хуқуқий давлатчиликнинг ҳозирги вазиятлари собиқ Совет ҳокимиятида вужудга келган вазият билан баъзи ўхшашлик томонлари бор: кучларнинг бўлиниши, ғояларнинг хилма-хиллиги, / оммавий-сиёсий фаоллигининг юқори даражага кўтарилиши. Лекин дин ва фандаги муаммоларни қайтадан кўриб чиқиш, турғунлик давридаги эскича қарашлардан воз кечиш ва илгари жанговар атеизм йўл кўйгай кўпол хатоларни тузатиш қатъий талаб этилмоқда.

Кузатилаётган табиат ва жамиятдаги ҳодисалар моҳиятига кўра ниҳоятда мураккабдир. Табиий ва ижтимоий фанларда буюк муваффақиятларга эришган ҳозирги замонда ҳам ҳали билиб етилмаган сирли жараёнлар мавжуд. Табиат ва жамиятда ҳамма нарса-ҳодисалар доим ўзгариб ва ривожланиб боради.

Фан ҳам доим ўзгариб ва ривожланиб борар экан, унда ҳали ечилмаган янги-янги жумбоқлар, муаммолар юзага келиб туради. Фаннинг ривожланиши йўли ҳам шундан иборатки, табиат ва жамият ҳақидаги билимлар тобора бойиб боради, кузатилаётган ҳодисаларнинг моҳиятига янада чуқур кириб бораверади, Одамзод ақли табиатда кўп ажойиб-ғаройиб нарсаларни кашф этган, шу билан табиат сирларини ўрганиб боради.

Дунёвий диншунослик билишнинг диалектик усулидан фойдаланиб, диннинг гносеологик ва ижтимоий илдиларини, унинг моҳиятини, келиб чиқиши ва ривожланиб боришини муфассал таҳлил этиб берган. Диннинг психологик илдизи инсон психикасининг хусусиятларига боғлиқ бўлиб, у оламнинг одам онгида инъикос этиши учун имкон яратади.

Динга ишонувчининг рационал ва ҳиссий элементларини ўз ичига олувчи бу рухий ҳолатлари диний ўз-ўзини англаш ва ўзини ўзи ҳис этиш вужудга келиши учун шарт-шароит ва имконият яратади. Улар муайян ижтимоий, аввало салбий омилларнинг таъсирида рўёбга чиқиши, амалга ошиши мумкин. Бу омиллар турли хил салбий ҳислар пайдо бўлиши учун сабабдир.

Диннинг психологик ва гносеологик илдилари бири-бири билан чамбарчас боғланган. Бунда шаҳе психикасини ақл ёрдамида англаш ва ҳиссий-иродавий ҳис этиш элементлари амал қилади.

Диннинг психологик хусусиятларига эса диний ҳис-

туйғу, ирим-чирим, турли диний маросим, хатти-ҳаракат, сажда ва шу сингарилар қиради.

К. К. Платонов кўрқув, аввало ижтимоий ҳис-туйғу сифатидаги кўрқув сингари инсон психикаси ҳодисаларини динга хос психологик илдиларга тааллуқли деб ҳисоблайди. У инсон психикасидаги англандан ва англанданмаган ҳодисалар тўғрисидаги зиддият диннинг яна бир психологик илдизидир деб ҳисоблайди. У кўпгина диний хатти-ҳаракатлар психологик структурасининг зарур элементлари ҳисобланган мусиқа, театр, адабиёт, шеърятни қабул қилиш билан боғлиқ мураккаб психологик кечинмалар — катарсис (покланиш) эмоционал ўзига хос ҳиссиётни ҳам диннинг психологик илдилари элементлари қаторига киритади.

Ҳозирги вақтда тадқиқотчилар, ижтимоий уюшмалар ижтимоий психологиянинг субъектлари бўлиши керак, деган тўғри хулосага келдилар. Булар доирасида эҳтиёж, қизиқиш, ижтимоий норма, қадриятлар, жамнатчилик фикри ва шу сингариларни ижтимоий-психологик ҳодисалар сифатида самарали ўрганиш имконини беради. Динни ҳам ижтимоий бирликлар доирасида ўрганиш, баҳолаш, тавсифлаш лозим. Шаҳе ижтимоий-психологик ҳодисаларнинг, илтимой бирлик ижтимоий психологиянинг ифодачисидир.

Шунинг учун ҳозирги замон талаби динни? ўрганишда фаннинг инсоншунослик соҳаларида, яъни тарих, фалсафа, жамиятшунослик, психология фанларида мавжуд бўлган материаллардан ва услублардан атрофлича фойдаланишни, унинг туб моҳиятини тўғри тушунишни ва ижтимоий муҳитдаги ўрнини илмий талқин қилишни такозо этади. Шу нуқтаи назарга асосланган ҳолда, диннинг психологик илдиларини ёритишда инсон психикасига хос бўлган хусусиятларни, ривожланиш жараёнларини ўрганишда психология фанидан ва унинг методларидан фойдаланган ҳолда динни илмий асосда ўрганамиз.

Шаҳсга илмий ва методологик нуқтаи назардан ёндашув ижтимоий гуруҳнинг рухий ҳолатини, унинг ҳис-туйғуси, кайфияти ва ҳоказоларини айрим одамлар кечинмаларининг мажмуи сифатида кўриб чиқишни кўзда тутаяди. Бунда ижтимоий гуруҳнинг яхлитлик, бир бутунлик сифатидаги ўзига хос психологик ҳолатлари диққат-эътиборда бўлмайди.

Ижтимоий фанлар мавқеидан ёндашув эса, аксинча, жамиятнинг ишлаб чиқариш усули бирламчй, ижтимо-

ий-психологик ҳодисалар эса ҳосила бўлиб, уларни айрим одамлар онгининг ҳолатига тааллуқли деб бўлмайди, деган қоидадан келиб чиқади.

Материалистик фалсафанинг инсон ижтимоий муносабатлар мажмуидир, деган қоидага асосланганидан бўлсак, жамияттаги бирликларни, социал психологияни шакллантиришда ижтимоий омиллар ҳал қилувчи роль ўйнаши, шахе ижтимоий омилларнинг қонуний маҳсули эканлиги аён бўлади.

Ижтимоий фанлар тадқиқотчини жамиятга ҳос психологик ҳодисалар хусусиятларини, уларнинг пайдо бўлиши, ўзгариши ва ривожланишини аниқлашга ундайди ва аниқлашга ёрдам беради.

Тарихий-социологик усул деб аталмиш бундай ёндашув тарихий этнографик тадқиқотларни олиб боришда айниқса яхши самара беради. Бу усул диншуносликда ҳам эвристик қимматга эгадир, чунки у ёш авлодда диний эътиқодларнинг ва анъаналарнинг сақланиши ва такрорланишига сабаб бўладиган социал-психологик омилларни тадқиқ этишда тўғри йўналишни белгилаб олиш имконини беради. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ижтимоий-психологик ҳодисаларнинг хусусиятларини ҳисобга олмай туриб динни тушуниш, изоҳлаш, тавсифлаш мумкин эмас. Дин маънавий, аниқроғи, ғоявий-маданий омил бўлибгина қолмай, айни вақтда, кўпгина жиҳатлардан ижтимоий-психологик ҳодиса ҳамдир.

Дин ижтимоий бирликлар ва гуруҳлар мафқураси ва психологиясининг таркибий қисми, байрам, урф-одат ва маросимларнинг манбаи бўлиб, жамоа ва гуруҳлар фикрли шакллантиради, шахе ва ижтимоий гуруҳларнинг дастурларини, кадрият йўналишлари ва мотивларини белгилайди. Шу билан бирга, диннинг пайдо бўлиши ва эволюцияси, муайян жамияттаги шарт-шароитни ва унинг дастлабки шакллари — сеҳргарлик, тотемизм, фетишизм, анимизм, оташпарастликларни ўрганиш, шунингдек турли ижтимоий-иктисодий формацияларда диннинг пайдо бўлиш, мавжуд бўлиб туриш шарт-шароитлари ва илдизларини ўрганишни ҳам тақозо этади.

Ўзбекистон, унинг турли минтақалари, шу жумладан ислом анъанавий кенг ёйилган Марказий Осиё минтақаларида диннинг эволюцияси ва сақланиш сабабларини билиб олиш айниқса талабалар учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистонда динга ишонувчилар онги ва психологиясида, диннинг таъсири сақланиб қолаётганлигини аниқлашда анъанавий йўллар билан ёндашиш энди эскириб қолди. Бу сабабларни энди фақат диндорлар фаолиятига, тарихий инерция кучига, дахрийликни тарбиялаш ишидаги камчиликлар ва буржуа-клерикал тарғибот таъсирларигагина боғлиқ қилиб қўйиш тўғри эмас. Диний дунёқараш ва мафқурано булар билангина боғлиқ қилиб қўйиб бўлмайди. Бу мураккаб психологик ва ижтимоий-психологик ҳодисалардир. Динга эътиқод қилишни илмий таҳлил этиш, диндорларнинг хатти-ҳаракатларини бевосита кузатиш шундан далолат берадики, биз диннинг ижтимоий-психологик илдизларини, ҳозирги динга ишонувчиларнинг диний психологиясининг хусусиятларини, ҳозирги диндорликнинг кўринишларини чуқурроқ ўрганишимиз лозим.

### ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Илоҳиётчилар динни қандай талқин этмоқда ва ўрганмоқдалар?
2. Диншунослик фанининг илоҳиётдан бу соҳадаги фарқи нимада?
3. Диндорлар, диний ташкилотларга муносабатда қандай ўзгариш юз бермоқда?
4. Динни илмий диншунослик асосида ўрганишнинг ҳозирги замонадаги аҳоли ва унинг даражалари қандай?

### III БОБ

### ДИН — ИЖТИМОИЙ-ТАРИХИЙ ҲОДИСА

«Дин» тушунчаси ифода этган ижтимоий ҳодиса кўп қиррали, мураккаб ва зиддиятли жараёндир. Ундан ўтмишда ва ҳозирги мураккаб шароитда ҳар хил ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар турли мақсадлар йўлида фойдаланишга интиланлар.

Дин сўзи узбек тилига араб тилидан кириб келган бўлиб, ишонч, инонмоқ маъносини билдиради<sup>1</sup>. Эътиқод сўзи ҳам араб тилидан кириб келган бўлиб, чуқур, мустаҳкам ишонч маъносини англатади<sup>2</sup>. Демак, диний эътиқод деганда мустаҳкам, чуқур ишонч, маслак, ишонч тушунилади. Диний нуктаи назардан «дин, «диний»

<sup>1</sup> Қаралсин: *Ўзбек Совет Энциклопедияси*. 4-т., 41-бет.

<sup>2</sup> Қаралсин: *Ўзбек тилининг изоҳли луғати*, 2- т., 459- бет.

эътикод» тушунчалари табиат, жамият, инсон, унинг онги, яшаш мақсади ва тақдири бизни бевосита қуршаб олган моддий оламдан ташқарида бўлган, уни яратган, айни замонда инсонларга бирдан-бир «тўғри», «ҳақиқий», «одил» ҳаёт йўллари кўрсатадиган ва ўргатадиган илохий кучга ишонч ва ишонишни ифода этадиган маслак, қарашлар, таълимотлар сифатида тушунилади.

Араблар Урта Осиё халқлари ҳаётига турли йўллар билан исломни жорий қилишда исломгача бўлган дин билан боғлиқ ёзувларни, тоат-ибодат буюмларини йўқ қилишган. Ибодатхоналар<sup>1</sup> ўрнига масжидлар қурилган, араб алифбосига асосланган ёзув киритилган. Давлат тили, илмий тил асосан араб тили ҳисобланган. Бу ҳақда Беруний. ўзининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида ёзишига кўра, Хоразмда араб лашкарбошиси Кутайба исломгача бўлган дин билан боғлиқ бўлган ёзувларни яхши биладиган ва ўз билимини бошқаларга ўргатадиган кишиларни ҳалок этиб, бу ёзувларни буткул йўқ қилиб юборган<sup>1</sup>.

Исломгача бизда «дин» сўзининг ўрнига «тангри йўли», «унга ишонч» иборалари қўлланилган бўлса керак. Туркий халқларнинг исломгача бўлган диний қарашларига биноан «тангри», «тангрилар» бутун оламни, инсонни яратган. Ҳозиргача қўлланиладиган «тангри» ибораси «юксаклик», «энг баланд», «баҳайбат» деган маънони ҳдм англаган.

Муайян ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва ғоявий сабабларга кўра диний дунёқарашлар тўла ҳукмрон бўлган шароитларда ҳар қандай илғор, табиий, илмий, ижтимоий қарашлар ҳам диний қарашларни, уларнинг мавжудлик сабабларини, моҳияти масалаларини четлаб ўта олмаган; лекин уларнинг дин ҳақидаги қарашлари руҳоний ва уламоларнинг расмий қарашларидан жиддий фарқ қилган. Биз бу вазиятни Форобий ва Берунийнинг динга бўлган муносабатларида кўришимиз мумкин.

Форобийнинг динга муносабати асосан унинг «Фозил шаҳар аҳолиси ҳақида китоб» рисоласида баён қилинган. Унинг фикрича, дин ҳам фалсафа каби воқеликни ўрганишга қаратилган. У моддий оламни далиллаш,

Гмайаб, оқибат боғланишларини аниқлаш орқали ўрганади. Дин воқеликка бу услуб билан эмас, балки тасвир (образли), рамзий тасаввурлардан фойдаланиш орқали эътикод қилиш йўли билан ёндашади. Демак, дин воқеликни, сабаб ва оқибат боғланишларининг моддий асосини ўрганмасдан ишга киришади. Айни замонда воқеликни фалсафий билиш, ўз моҳиятига кўра, диний билишдан устундир.

Берунийнинг динга муносабати ушшг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» ва «Ҳиндистон» асарларида баён қилинган. Унинг фикрича,<sup>4</sup> дин ҳам илм бўлиб, бундай илм воқеликдаги нарса ва ҳодисаларни далиллаш, исботлаш орқали ўрганиш мумкин бўлмаган жойда қўлланилади. Диний билим исботсиз эътикодга, илмий билим эса далиллашга, исботлашга асосланади. Берунийнинг ўзи эса буткул далилларга асосланган билимлар билан шуғулланган. У моддий олам ҳақидаги илмий масалаларни ҳал қилишда диннинг таъсирини чеклашга интиланган. Форобий ва Беруний динга бундай ёндашишлар орқали илмий билимни дин таъсиридан ҳалос этишга ҳаракат қилганлар. Улар динга эмас, унга сингиб қолган мутаассибликка қарши чиққанлар.

Илмий билимларга асосланган таълимот оламнинг мавжудлик сабаблари масаласида диний қарашлар билан келишмасида, аммо инсонни, унинг ижтимоий фаолияти, маънавий ва ахлоқий кадрятларни ўрганишда минглаб йиллар мобайнида унинг бағрида қўлга киритилган билим, тажриба, уларнинг ҳозирги кундаги ижобий аҳамиятини рад қилмайди. Қолаверса, дин бағрида шаклланган маънавий-ахлоқий кадрятларнинг вужудга келиш сабаблари, уларнинг кишиларга ижобий таъсирчанлик масалалари илмий жиҳатдан ўрганиш ва бу маънавий-ахлоқий кадрятлардан фойдаланиш кўпроқ аҳамиятга эга бўлмоқда.

Маълумки, дин ижтимоий онг шаклларида бири бўлиб, унинг мавжудлиги ҳам ижтимоий борлиқ билан белгиланади. Яъни кишиларнинг ижтимоий ҳаёти моддий шароитга кўп жиҳатдан боғлиқ. Ижтимоий ҳаёт шу шароит оқибатида жамият билан табиат орасидаги бирликнинг муайян кўриниши бўлган ҳукмрон ишлаб чиқариш усулининг ривожланиш даражасидан келиб чиқади. Демак, ижтимоий борлиқ, бир томондан, жамият билан табиат орасидаги бирликни, иккинчи томондан, жамиятдаги кишилар орасидаги ўзаро муносабатни кам-

<sup>1</sup> Қаралсин: *Беруний. «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар»*. Танланган асарлар, I т. 72- бет.

раб олади. Дин ижтимоий онг шакли сифатида ана шу вазиятнииг муайян куринишларининг инъикосидир.

Ижтимоий борлик, кўп томонларга эга бўлган мураккаб ижтимоий ходисадир. Шундай экан, унинг инъикоси хисобланган ижтимоий онг, ҳам турли шаклларга, жумладан, диний онгга эга. «Дин» сўзи қадимий сомит ва яҳудий тилларидан келиб чиққан. Ҳозирги пайтда «дин» сўзи орқали муайян дунёқараш, яқин хис-туйғу ва маросимлар орқали одамлар, уларнинг уюшмалари, халқлар ва миллатларнинг яқинлашуви, маънавий-ахлоқий ҳаётдаги ҳамфикрлилик англашилади. Ислом нуқтаи назаридан дин «аллод йўли»дир. Диний имон ва эътиқод эса шу йўлнинг тўғрилиги, ҳақлигига ишончдан иборат маънавий-руҳий ҳолатдир.

Диндор ўз тасавурида ўзининг тоат-ибодатга оид ҳаракатлари орқали илоҳий куч билан алоқа, бевосита боғланиш ўрнатади. Дин муайян таълимотлар, хис-туйғулар, тоат-ибодатлар ва диний ташкилотларнинг фаолиятлари орқали намоён бўлганлиги учун улар диннинг элементлари (унсурлари) деб аталади. Бу таркибий қисмлар бир-бирлари билан узвий боғлиқдир ва диннинг мавжудлиги бу таркибий қисмларнинг ҳаммасини тақрзо қилади. Диннинг таркибий қисмлари орасида диний онг, диний тасавурлар етакчи ўрин эгаллайди. Бинобарин, диний маросимлар, диний психология, диний бирлашмалар эса диний тасавурларни мустаҳкамлайди ва узоқ даврларда яшаши учун хизмат қилади.

Диний онг бир-бири билан боғлиқ, бир-бирига нисбатан муайян даражада мустақил бўлган диний мафкура ва диний руҳиётдан иборат. Диний мафкуранинг вужудга келиши ва шаклланиши синфий жамиятда рўй берган ақлий меҳнатнинг жисмоний меҳнатдан ажралиши ва бунинг натижасида вужудга келган дастлаб қонинлар, кейинчалик руҳонийлар фаолиятлари билан боғлиқ. Улар ўз ғоявий фаолиятларида диний мафкура рани яратадилар ва буни асослаш, тарғиб қилиш билан шуғулланадилар.

Диний психология — руҳий ҳолат диний мафкурадан анча олдин вужудга келган. У оддий диндорларнинг хис-туйғулари билан боғлиқ одатлари, кайфиятларидан/ташқил топади. Диний мафкура диний руҳий ҳолатни ғоялар билан мустаҳкамласа, диний руҳий ҳолат эса диний мафкурани хис-туйғулар, одатлар билан чуқурлаштиради. Диний мафкура ҳамма вақт ҳам диний ру-

ҳий ҳолатлар билан тўла мое келавермайди. Ҳозирги даврда оддий диндорларнинг хатти-ҳаракатларидаги исломга хос бўлмаган ибтидоий динлар унсурлари бунга мисол бўла олади.

Диннинг таърифи, унинг таркибий қисмлари, диний онг даражаларини билишнинг илмий, амалий аҳамияти шундаки, у кишилар ҳаётидаги диний ва диний бўлмаган ҳаракатларни бир-биридан фарқлаш, уларга алоҳида-алоҳида ёндашиш имконини беради.

Дин билан идеалистик фалсафа кўп жиҳатдан бир-бирига яқин туради. Ҳар иккаласи моддий оламнинг мавжудлигини, унинг пайдо бўлиш сабабларини шу моддий оламдан ташқарида деб билади. Динда оламни яратувчи худо ёки худолар бўлса, идеализм «мутлақ ғоя», «дунёвий рух», «дунёвий ақл» ва шу каби маънавий омилларни моддий оламдан устун қўяди. Айни вақтда, булар бир-бирларидан жиддий фарқланадилар. Динда олдин эътиқод, сўнг мантиқ бўлса, фалсафий идеализмда олдин мантиқ, сўнг ишонч илгари сурилади.

Жамият моддий ҳаёт шароитларининг таъсири остида вужудга келган дин тарихий ва ижтимоий ходисадир. У ижтимоий тараққиётнинг муайян босқичида, маълум сабабларга биноан вужудга келган.

Ғайритабиий кучларга ишониш шаклидаги дастлабки диний қарашлар уруғчилик тузумининг илк даврларида, яъни бундан ўн минг йиллар илгари пайдо бўла бошлаган. Улар қаторига табиатдаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, барча нарса ва ходисалар қудратли ва сеҳрли қароматга эга деган тушунчалар билан боғлиқ бўлган тотемизм, анимизм, фетишизм, магия, яъни сеҳргарлик қабилар кирган. Диннинг мазкур тарихий шакллари унсурлари ҳозирги замон жаҳон динлари, жумладан исломда ҳам ҳамон сақланиб келмоқда.

Диний онг, диний тасавурлар жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тузумининг характерига мувофиқ равишга келиб чиққан ва ривожланган. Ибтидоий жамоа узуми емирилиши даврида политеистик, яъни кўп худоларга асосланган динлар пайдо бўлган. Ишлаб чиқариш қуроллари ва воситаларига хусусий мулкчилик келиб чиққач, бир неча қабилалар, элат, халқларни бирлаштирган йирик давлатлар вужудга келгач, яқка худолар тўғрисидаги диний тасавур ва таълимотлардан иборат бўлган монотеистик динлар вужудга келган. Улар қаторига милоддан олдинги VI—V асрларда Марказий Осиёда шаклланган зардуштийлик, буддизм, яху-

дийлик, христианлик, ислом киради. Ҳозирги даврда жаҳон халқлари эътиқад килаётган барча монотеистик динларда политеизмнинг тасаввурлари қисми бўлсада сақланиб қолмоқда.

Барча жаҳон динлари қатори мусулмон рухонийлари ҳам жамият аъзоларини маънавий жиҳатдан поклаш, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, мурувват сингари умуминсоний қадриятларнинг қайтадан тикланишига ёрдам бермоқда. Бу ўз навбатида ҳозирги даврда диннинг регулятив функциясининг аҳамияти тобора кучайиб бораётганлигидан, дин ижтимоий тараққиёт билан ҳамоханг бўлишга интилаётганлигидан далолат бермоқда.

Ислом шариати ва тариқати асосида шаклланган мусулмон ахлоқида инсон хулқ-атворининг барча томонлари қамраб олинган, хусусан унда мусулмонлар бир-бирини кўрганларида самимий саломлашишлари, ҳар бир ишни яхши ният билан бошлашлари, катталарни ҳурмат қилишлари, кичикларга нисбатан иззатда бўлишлари уқтирилган.

Жамият ҳаётининг барча соҳаларида бўлгани сингари маънавий-ахлоқий камчиликлар ҳукм сураётган ҳозирги даврда исломнинг меҳр-шафқат, мурувват, саховат, одамийлик хусусидаги панд-насихатларини умуминсоний қадриятлар сифатида олсак фойдадан холи бўлмайди. Зеро ҳаётимизнинг маънавий жабҳалари қайта қурилаётган бир даврда исломнинг регулятив функциясининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда, хусусан Мовароуннаҳр мусулмонларининг диния бошқармаси турли хилдаги хайри эҳсон, саховат жамғармаларини барпо этиб, халқимизнинг дардига малҳам бўлмоқда. Байрона ҳолатига келган маданият ва тарихий обидаларимизнинг умумхалқ ҳашари йўли билан таъмирлаш ишларини олиб бормоқда.

Ислом, унинг дунёвий вазифаларини ҳам бажарадиган рухонийлари асрлар мобайнида жамиятнинг ижтимоий ҳаёти, фан-маданият, маорифини ўз назорати остида ушлаб, тарихий анъаналар, инсонларнинг турмуш тарзига катта таъсир ўтказиб келган. У, шунингдек, исломга эътиқод қилувчи турли миллат ва элат ижтимоий табақалар вакилларининг Оллоҳ олдидаги тенглигини тан олган ва уларни ягона худонинг бандалари сифатида тенглаштирган. Бу диний таълимотларнинг умумийлигини мустаҳкамлаган ҳолда ижтимоий муносабатларнинг мавжуд системасини сақлаш функциясини берди.

Ижтимоий муносабатларнинг ислом идеали теократик, яъни ҳокимиятнинг дин ва рухонийлар қўлидаги давлат системасидир. Дастлабки халифаликларда халиф сиёсий ва диний ҳокимият халифаларнинг қўлларида бўлган; Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларида ҳам ҳокимият 'араб халифалиги ёхуд Туркия султони-нинг гўёки ўринбосарлари бўлган амир ва хонлар қўлида мужассамлашган эди. Урта Осиёлик амирлар ва хонлар сиёсий, ҳуқуқий, диний ва иқтисодий ҳаётни бошқариб борганлар. Халқ оmmasига улар худонинг ердаги сояси, деб ташвиқот қилиб, ҳокимиятни муқаддаслаштирганлар.

Исломнинг ҳаётга жорий этилишида унинг қўл остида бўлган маориф ва мусулмон ҳуқуқи катта роль ўйнаган. У ўз ихтиёридаги барча воситалар ёрдамида ҳукмрон тузумни мустаҳкамлашга уринган. Ягона тилда ёзилган муқаддас ёзувларда айтилган фикрлар асосида, ягона тилда тоат-ибодат ишларини олиб бориш барча мусулмонларни биродарлаштирган. Барча динларнинг арбоблари ўз динларини бирдан-бир тўғри дин деб тарғиб этадилар. Жумладан, ислом мусулмонларни бошқа динларга эътиқод қилувчилардан устун қўяди. У диний нуқтаи назардан кишиларни ислом динига эътиқод қилувчи мусулмонлар, ғайридинлар ва кофирларга ажратади. Исломда ғайридин ва кофирларга қарши олиб борилган «муқаддас» урушлар турли динларнинг тарафдорларини бир-бирдан ажралиб қолишларига олиб келган.

Хулоса қилиб айтганда, қадимги даврларда бўлгани сингари ҳозир ҳам барча динлар бир-бири билан боғлиқ бўлган бир қанча функцияларни бажариб келмоқдалар. Диннинг асосан гносеологик, яъни дунёни билишга дойр, ижтимоий, ёхуд жамиятни муайян диний тартибларда ушлаб туриш зарурати, психологик, яъни диндорларнинг маънавий-руҳий эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлган илдизлари мавжуддир.

Диннинг ғоят мураккаб илдизи унинг гносеологик, яъни дунёни, одамнинг ўз-ўзини билиш соҳасига дойр илдизидир. Дастлабки диний ғояларнинг келиб чиқиши ва тараққий этишида инсонлар томонидан дунёни билиш, хусусан, мавҳум тафаккурнинг риволуцияси муҳим бир босқични ташкил этган. Инсоннинг тафаккури табиат, жамиятдаги нарса ва ҳодисаларни ҳиссий идрок этиши билан тавсифланади. Ибтидоий жамият аъзоларининг дунёдаги нарса ва ҳодисалар ҳақидаги

тасаввурлари умумий белги ва хусусиятлари ажратган ҳолда уларга хос умумий тушунча яратиш, яъни мавхумлаштириш қобилиятига эга бўлмаган. Ижтимоий таракқиётнинг муайян босқичидагина инсонларда воқеликнинг айрим томонларини мавхум тарзда тасаввур қилиш имкониятлари вужудга келган. Мавхум тафаккурнинг бундан кейинги таракқиёти инсон орзу-хаёлларининг мавжуд дунё доирасидан чиқиб, воқеликдан узоқлашиб қолишига, фикрнинг нарса ва ҳодисадан, онгнинг материядан узоқлашиш имкониятларини вужудга келтирган. Бу ҳол дастлабки диний тасаввурларнинг келиб чиқишига имконият яратган.

Инсоннинг ўз билиш имкониятларидан тўла-тўқис фойдалана олмаслиги, дунёни билишдаги ожизлиги диннинг гносеологик илдизларига хос бўлиб, бу илдизлар диннинг бошқа илдизлари билан чамбарчас боғлиқ. Фан ва техника таракқий этган ҳозирги даврда ҳам табиатнинг сирлари тўла-тўқис тадқиқ этилмаганлиги, инсон чексиз дунёнинг кичкина бўлагинигина ўрганганлиги, учар ликобчалар, ўзга сайёралардан келганлар билан мулоқот, ҳаёт ва ўлим сингари жумбоқлар, айрим касалликларнинг сабаблари аниқланмаганлиги диннинг гносеологик илдизига ҳамон мадад бериб турибди.

Диннинг илдизларидан яна бири ижтимоий илдизлардир. Ибтидоий жамоа тузуми емирилиб кулдорлик жамиятига ўтилаётган даврда манфаатлари бир-бирига тубдан қарама-қарши бўлган синфларнинг пайдо бўлиши билан одамлар устидан ҳукмронлик қилувчи табиий кучлар ёнига ижтимоий кучлар ҳам келиб қўшилган. Инсонларнинг ижтимоий кучлар олдидаги заифлиги, ночорлиги улар онгидаги диний қарашларнинг янада мустақамланишига олиб келган.

Хулоса қилиб айтганда, диннинг пайдо бўлиши, қарор топиши ва қайта тикланишининг гносеологик, ижтимоий ва психологик илдизлари мавжуддир. Диннинг илдизлари ўзаро алоқадорликда бўлиб, ижтимоий таракқиётнинг турли босқичларида уларнинг эгаллаган ўрни ҳам, одамларга таъсир даражаси ҳам гоҳ кучайиб, гоҳ пасайиб туради.

Дин кишилар ўртасидаги муайян муносабатлар ва бу борада диний ташкилотларнинг фаолиятидан ҳам иборатдир. Диннинг ҳамма таркибий қисмлари сингари диний муносабатлар ва диний ташкилотлар фаолияти ҳам ижтимоий вазиятлар билан белгиланади. Булар-

...т фаолияти нисбий мустақилликка эга булиб, «киши»ларнинг воқеликка бўлган муносабатига муайян даражада таъсир этади.

^Диний тушунчалар, тасаввур ва кайфиятларга мослашиб, буларнинг бевосита таъсири натижасида вулқонга келадиган кишилар ўртасидаги алқодорлик ва диний жамоа, уюшма ва ташкилотларнинг фаолиятлари диний муносабатлар деб аталади. Диний муносабатлар гоёвий-ижтимоий муносабатларнинг тури бўлиб, оқибатда ишлаб чиқариш муносабатларининг махсули ҳисобланади.

Жамиятда диний муносабатлар алоҳида мавжуд бўлмай, ижтимоий муносабатларнинг бошқа турлари, чунончи сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий-маънавий муносабатлар, меҳнат жараёнлари билан узвий боғлиқ.

Диний муносабатлар, биринчидан, ҳэр бир диний жамоа, уюшма, ташкилотлар орасидаги, иккинчидан, диний ташкилотлараро ва учинчидан, ташки муносабатларга бўлинади.

Диний жамоа диний эътиқодга асосланган кишилар бирлигининг муайян кўриниши ва диний уюшманинг бошланғич бўлагидир. Бу бирликнинг асосий белгилари қуйидагича: 1) диний эътиқод, мақсад ва вазифалар бирлиги; 2) диний маросимлар ва ундан ташқаридаги фаолиятларнинг бирлиги; 3) этник бирлик туйғуси; 4) жамоа аъзолари орасидаги ўзаро тақсимланган мавқе ва вазифаларнинг бирлиги. Диний жамоаларнинг тузилиши анъаналар ва урф-одатлар, ҳуқуқ ёки умумий дастурлар, қоида, фатволар билан белгиланади./

Диний жамоа махсус мезонлар асосида расмий ва норасмий гуруҳларга: «жамоа кенгаши», «руҳонийлар», «қавмлар» ва «ваъзхонлар»га, шунингдек диний ва хўжалик, молия ишлари билан шуғулланувчи гуруҳларга бўлинади.

Муайян шароитларда диний жамоа қўшничилик, қишлоқ ва маҳаллачилик жамоасига мое келган. Бунда диндорлик даражаси юқри ва чуқур бўлади. Жамият таракқий этиш жараёнида ижтимоий муносабатлар тармоқланади. Унда шахарнинг мавқеи ортиб борган сари турли ахлоқий ва миллий гуруҳлардан ташкил топган ишлаб чиқариш жамоалари хреил бўлган ва кўпайиб борган сари диний жамоалар мустақил туге олган.

Дастлабки мусулмон жамоаси 622 йили Мадинада муҳожирлар ва ансорлардан иборат ҳолда ташкил топган. Инқилобгача кўп хрлларда диний бирлик этник

бирликка мое келгани учун хам дин этник миллий бирлик маъносини хам англаган. Мавжуд конунларга биноан 18 ёшга тўлган ҳар бир фуқаро диний жамоа аъзоси бўла олади. Диний жамоа камида 10 мўминдан иборат бўлиши лозим, акс холда диний гуруҳ, ҳисобланмайди. Диний уюшмалар фаолияти ўз аъзоларининг яшаётган жойи билан чекланади. У ихтиёрий ва мустақил ташкилот бўлиб, моддий жиҳатдан хам ўз-ўзини таъминлайди. Ишларни олиб бориш, диний мол-мулк ва пул маблағлари билан боғлиқ вазифаларни бажариш, ташқи алоқаларни йўлга қўйиш учун диний уюшма аъзолари ўз орасидан ижроия органини сайлайди. Диний ташкилот бу динга ишонувчиларнинг ва диний жамоаларнинг уюшмасидир.

Диний ташкилотлараро диний муносабатларга турли динларга эътиқод қилувчи ташкилотлар, уларнинг раҳбар ва идоралари, уларнинг аъзолари ўртасидаги муносабатлар киреди.

Диний ташкилотлардан ташқаридаги муносабатлар кишиларнинг ижтимоий ҳаётининг турли соҳаларидаги хатти-харакатлари диний нормалар билан белгиланганидан вақтда вужудга келади.

Диний муносабатларнинг бу учала шакли, бир-бири билан мутлақо ажралган холда мавжуд бўлмай, булар орасида боғлиқлик, ўзаро алоқадорлик мавжуд. Жамиятда ижтимоий муносабатлар ривожланган сари бу диний муносабатлар хам такомиллашиб боради.

Диний ташкилотларнинг ички муносабатлари, айниқса тоат-ибодатга, диний маросимчиликка тааллуқли муносабатлар «муқаддас» ёзувларда баён қилинган бўлиб, диндор учун мажбурий ва турғунроқ ҳисобланади. Ислолдаги намоз ўқиш, рўза тутиш, христианликдаги чўқинтириш, нон ва вино тоттишлар мисол бўлади. Диний муносабатларнинг бу жабҳасида руҳонийлар, раҳбар идораларининг кўрсатмалари хам катта аҳамиятга эга. Тоат-ибодатга, диндорлар орасидаги ўзаро муносабатларга тааллуқли бўлган бу кўрсатмалар ҳар бир янги ижтимоий вазиятнинг тақозоси натижасида қисман янгиланиб хам туради. Айрим давлатларда, жойларда тоат-ибодат, маросимчиликка оид бўлган талаблар бир этник, миллат бирлигига мансуб фуқаролар учун мажбурийлик даражасига кўтарилади.

Диний ташкилотлараро муносабатлар олдингисига нисбатан тез ўзгарувчидир, кўп ҳолларда сиёсий, ҳуқуқий вазиятлар билан бевосита боғлиқдир. Диний муно-

Свбатларнинг бу жабҳаси ривожланган мамлакатларда Кунёвий мохиятга эга бўлган ҳуқуқий қоидалар билан белгиланади.

Диний муносабатлар энг тез ўзгарувчан муносабатлар бўлиб, бевосита диний эҳтиёжлар билан боғланмай, айни замонда, кундалиқ ва муҳим ижтимоий вазифаларни ҳал қилишга "қаратилган, кишиларнинг хатти-ҳаракатларини диний қарашлар, панд-насихатлар, одатлар" орқали белгилаш, йўналтириш натижасида вужудга келади. Диний муносабатларнинг бу тури ўз мохиятига кўра кўпроқ дунёвий масалаларни ҳал этиб боришга қаратилган.

Марказий Осиё халқлари исломгача эътиқод қилган зардуштийликда диний қараш ва тасаввурлар дунёвий ишларга фаол муносабатда бўлишга чақирилган. Хусусан, бу динда чорва молларини боқиш, деҳқончилик билан шуғулланиш диндорликнинг асосий белгиси, вазифаси даражасига кўтарилган<sup>1</sup>. Тақводорликнинг асосий белгиси чорвага, оилага эга бўлиш ва дон экишидир. Дон эккан киши тақводорлик уруғини экади. Бунга ихлос қўйиш 10 минг марта ибодат қилиш билан баробар, юзлаб қурбонлик қилишга тенг.

Бу динда меҳнат жуда улуғланган. У фақатгина нознеъматлар манбаи бўлмай, балки биринчи навбатда, ахлоқий соғлом ва эзгулик манбаи бўлгани учун хам қадрланади. Бу вазият муайян шаклда бошқа динларда хам бор. Чунончи, ҳадисларда баён қилинган ота-она ва фарзандлар, бошқа миллат вакиллари билан муносабатлар, меҳнат билан боғлиқ фикрлар, қарашлар хам мисол бўла олади.

Диний ташкилотлардан ташқаридаги диний муносабатлар доираси жамият ривожланган сари торайиб боради. Бунинг натижасида ҳуқуқий, сиёсий, ахлоқий муносабатлар, шунингдек ижтимоий меҳнат билан боғлиқ жараёнлар бевосита дин таъсиридан озод бўла бошлайди ва дунёвий мазмунга эга бўлади. Ривожланган мамлакатлардаги ҳозирги сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий-ижтимоий шароитлар бунга мисол бўлади. Диний ташкилотлардан ташқаридаги диний муносабатлар ижтимоий вазиятлар билан белгиланганлиги туфайли ижтимоий-тарихий ҳодиса деб ҳисобланади.

<sup>1</sup> Қаралсин: *И. Жабборов. Зардуштийлик. «Фан ва турмуш» журна-ли, 1990 йил, 12-сон, 14-бет.*

Диний ташкилотлар ўзларининг мустакил хусусиятларига эга бўлган ташкилотлар сифатида биринчи бор тарихда синфий жамиятда вужудга келади. Бунинг сабаби ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнатнинг бири-биридан ажралиши натижасида рухонийликни махсус касб қилиб олган кишилар гуруҳининг пайдо бўлишидир. Шу нуқтаи назардан дин фақатгина мафкура эмас, ташкилот ҳамдир. Диний ташкилотлар ҳукмрон бошқарув системаси ва буни амалга оширувчи давлат билан ҳам муайян муносабатда бўлади. Бу муносабатлар давлат идоралари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ёки уларга қарши курашишдан бошлаб то давлат идораларининг вазифаларидан баъзиларини бевосита бажариш шаклларида бўлади.

Диний ташкилотларнинг фаолиятлари фақатгина диний ғояларнинг мазмуни билан чекланмайди. Бу фаолият қандай ижтимоий кучлар ва ҳаракатларнинг қўлида эканлигига боғлиқдир. Диний ташкилотлар фаолиятидаги ижобий ёки салбий томонлар мавжудлиги, зиддиятлар, келишмовчиликлар ёки ғамхўрликлар ғоясини илгари суриш ҳам ана шу билан белгиланади.

Диний ташкилотлар вужудга келган дастлабки даврларданок улар фақатгина кишиларнинг бевосита диний эҳтиёжлари, яъни тоат-ибодатга тааллуқли масалалар билангина шуғулланмаган; айна замонда жамиятнинг хўжалик, сиёсий, ҳуқуқий, илмий, айниқса ғоявий, ахлоқий жабҳаларда ҳам фаол иштирок қилган. Баъзи хорижий мамлакатларда бу жараён ҳозирда ҳам давом этмоқда. Чуноячи, қадимги Месопотамияда ибодатхоналар шаҳарлар марказларида жойлашган бўлиб, ҳунармандчилик ишлари билан шуғулланганлар. Ҳалла сакланадиган омборхона вазифаларини ҳам ўтаганлар. Умуман халқ хўжалик ишларини юритувчи марказлар бўлган. Шунинг учун ҳам бу ерда ёзувларга эҳтиёж пайдо бўлган ва бунинг натижасида ёзувлар ҳам дастлаб ибодатхоналарда вужудга келган.

Жамиятни демократиялаштириш натижасида вужудга келган янги шароит диний ташкилотлар фаолиятида янги кирраларнинг вужудга келиши ва кенг ёйилишига, унинг кенг халқ оммасига оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот қилинишига ҳам сабаб бўлмоқда. Мовароуннаҳр диний бошқармасининг хайрия, маданий меросимизни ўрганиш ва тарғиб қилиш масаласи билан фаол шуғулланиши ҳам ҳозирги кунда катта аҳамиятга эга. Бу йўналишдаги фаолиятларни фақатгина диндор-

Шр шас, динға ишонмайдиганлар ҳам қизғин қўллаб-қувватламОқдалар. Чунки бу фаолият кишиларда меҳр-ОҚИбатнинг қарор топиши, халқнинг маънавий-ахлоқий меросига бўлг4н қизиқиши ортиб боришига ҳам сабаб бўлади. Маънавий меросни ўрганиш орқали халқ, қолаверса, ҳар бир киши ўз-ўзини англайди.

Юзага келган янги шароитда диний ташкилотлар ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиш, бошқа ижтимоий уюшмалар каби оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланиш ҳуқуқига эга. Урта аср шароитларида ҳам монастырь, мачит ва мадрасалар дунёвий илм ва маориф, хўжалик ишлари билан шуғулланганлар. Бу вазият диний ташкилотларнинг жамиятда тутган мавқеининг юқори даражада бўлишига сабаб эди.

Ҳар бир тарихий давр диний ташкилотларнинг фаолиятлари ўзларига хос томонларига эга. Бу ташкилотларнинг муайян кўринишидаги фаолиятлари жамиятнинг ижтимоий тузилиши, мавжуд синфлар орасидаги муносабатлар, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражалари, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий, ахлоқий вазиятлар, ҳукмрон ғоялар, фанларнинг ривожланиш даражалари ва бошқа шу қабилардан иборат бўлган муҳим вазиятларга боғлиқдир. Шунинг учун ҳам диний ташкилотларнинг фаолиятларига ҳар бир тарихий шароитнинг ўзига хос томонларини ҳисобга олган ҳолда ёндошмоқ зарур.

Диний ташкилотлар мустакил туе олган ҳозирги шароитда унинг фаолияти асосан диндорларнинг диний эҳтиёжларини қондириш билан бевосита боғлиқдир. Бу ташкилотлар бошқа ижтимоий ва сиёсий уюшмалар, партия, қасаба уюшмалари, хотин-қиз, ёш, ижодий ташкилотлари шакллана бориши мобайнида улар билан муайян тарзда алоқа ўрнатишга интилади. Рухонийлар, оддий диндорлар ҳам шу ташкилотларга аъзо бўлишлари мумкин. Бу уюшмалар ўз моҳияти билан диний бўлмасида жамиятда ёки мамлакатлараро муносабатларда турли таъсир ўтказишда диний ташкилотлар қўлида хизмат қилиши мумкин. Хорижий Европа мамлакатларидаги христиан сиёсий партиялар, халқаро ислом ташкилотларининг фаолиятлари бунга яққол мисол бўлади.

Диний бошқарма моддий жиҳатдан ўз қарамоғидаги мусулмонларнинг ихтиёрий садақалари, мусулмонларга диний хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ тўловлар ҳисобига таъминланади. 1945 йилда ташкил топган Бухо-

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ТАРИХИДА ДИН

родаги Мир Араб мадрасаси ва Тошкентдаги Ислом махади (Олий ўқув юрти) (1917 йили ташкил топган) диний ходимлар тайёрлайди. Диний бошқарма ўзининг рўзнома, ойнома ва диний таквим-календарларига эга. У хориждаги ўнлаб диний ташкилотлар билан алоқа қилади; тинчлик учун ф'аол кураш олиб боради.

Ислом билан боғлиқ кўпгина халқаро ташкилотлар ҳам бор. Булар ўз даражалари, ҳаракатларига кўра куйидаги уч гуруҳга бўлинади:

1. Ҳукуматлараро Ислом Конференцияси Ташкилоти — ИК.Т. У 1969 йили тузилган.

2. Ҳукуматлар аралашмайдиган ташкилотлар: буларга сиёсий, жамоат арбоблари аъзо бўладилар ва ишида иштирок этадилар.

3. Соф диний ташкилотлар, диний мафкуравий марказларни бирлаштирувчи ислом ташкилотлари. Буларнинг вакиллари асосан динни тарғиб қилиш билан шуғулланадилар.

Ижтимоий эҳтиёжларнинг маълум бир даврдаги муайян тури бўлган диний эҳтиёжлар, у билан боғлиқ бўлган диний ташкилотларнинг фаолияти ижтимоий вазиятлар билан белгиланади. Демак, диний ташкилотлар, уларнинг фаолиятлари ҳам ижтимоий-тарихий ходисадир.

Рухонийлар ва барча диндорлар жамиятнинг сиёсий ҳаётида иштирок этишга ҳақлидирлар. Диний ташкилотларнинг фаолиятидаги бу янги вазият 1991 йил 14 июн<sup>1</sup> даги Ўзбекистон Олий Кенгаши қабул қилган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар» ҳақидаги қонунда ҳамда 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўз ифодасини топган.

## ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Дин, унинг элементлари хусусида қандай тушунчага эгасиз?
2. Дин билан фалсафа орасидаги муносабатлар, боғлиқликлар қандай вазият билан белгиланади?
3. Диннинг келиб чиқиши, мавжудлиги сабаблари, функциялари ҳақида қандай қарашлар мавжуд?
4. Диний муносабатлар ва уларнинг турлари нимадан иборат?
5. Диний ташкилотларнинг вужудга келиш сабаблари нимада?
6. Бизнинг шароитимизда диний муносабатларнинг ўзига хос томонлари ва унинг аҳамиятлари ҳақида қандай фикр билдириш мумкин?

Марказий Осий<sup>1</sup> халқларининг шаклланиш тарихи<sup>1</sup>нинг мураккаб ва ўзига хос томонлари мавжуддир. Бу вазият уларнинг диний турмушларида ҳам ўз аксини топди. Бу тарихий жараённинг мазмунини диннинг қадимги шакллари ва унсурлари, шунингдек, зардуштийлик, монихейлик, буддизм, христианлик, яҳудийлик ва исломдан ташкил топган динларнинг тарихи ташкил қилади. Қайд қилинган бу динлар Марказий Осий халқлари тарихида олдинма-кейин ўрин олган.

Бу ҳудуд халқларининг дастлабки манзилгоҳлари Фарғона водийси тош даврида — эрализгача бўлган 1 млн.—500 мингинчи йилларда вужудга кела бошлаган. Қуйи палеолит давридаёқ (эрализгача бўлган 10 минг йиллар) бу ерларда (Тешиктош, Шеробод ва бошқа ерлар) маънавий маданиятни шаклланаётганлигини ифода этувчи қояларга ўйиб тасвирланган расмлар, хайкал-тарошлик пайдо бўла бошлайди. Инсон, ўсимлик ва хайвонларнинг рамзий ифодаларини ҳаёлий тарзда ўзаро бириктирган, уйғунлаштирган бу бадиий асарлар воқеликнинг инсон томонидан ҳақиқий ва ҳаёлий ўзлаштиришларни ўзида ифода этиш билан бирга диний қарашларни ҳам вужудга кела бошлаганлигини ҳам билдиради. Кейинчалик, неолит даврида «муцаддас» хайвонларга, она — худога бағишланган хайкаллар, тоат-ибодатлар, диний маросимлар билан боғлиқ буюмлар пайдо бўла бошлайди.

Синкретизм<sup>2</sup> фақатгина инсон томонидан воқеликнинг ҳақиқий ва ҳаёлий тарзда ўзлаштирилганликнинг мураккаб кўринишда ўзаро уйғунлашганлигини, бирикканлигини ифода этмайди. Шунингдек, синкретизм, қадимги одамларнинг тафаккурини ҳам узлуклилик ва узлуксизлик табиатини, уни аниқ буюм ва нарсалар орқали ифода этилишини ҳам билдиради. Ушбу нуқтаи назардан ёндошилганда фетишизм — айрим нарса ва буюмларда ғайритабиний хислатлар, сифатлар бор деб

<sup>1</sup> Марказий Осий тушунчасида ҳозирги пайтда 5 жумҳурият — Қозоғистон, Ўзбекистон, Туркменистон, Қирғизистон ва Тошкент Жумҳуриятлари тушунилмоқда.

<sup>2</sup> Синкретизм — юнон тилидан олинган сўз бўлиб, бирор нарса, ҳодисанинг дастлабки, бир-бирдан ажралмаган, қоришиқ ҳолатини англатади.

билиш, диний тасаввурларнинг энг қадимги шакли будаиши мумкин деган фикрга борамиз. Хар қандай нарса ва буюмлар — тошлар, ёғочлар, дарахтлар хоҳ табиий бўлсин, хоҳ инсон меҳнати орқали яратилган бўлсин, фетиш сифатида кўриниши мумкин. Кўзмунчоклар, туморлар ва бошқа шу кабиларни тақиб юриш одатлари деярли Марказий Осиё ҳамма халқлари орасида ҳрзирда ҳам учраб туради. Бирок, шуни ҳам назарда тутиш керакки, айрим ҳрлларда туморлар, кўзмунчоклар, муқаддас ёзувлар диний хизматлар билан бир қаторда эстетик жиҳатдан ҳам муайян вазифаларни бажарганлар. Шунингдек, улар маҳаллий халқларнинг айрим тарихий маданий анъаналарини ҳам ифода этади. Аниматизм диний тасаввурларнинг ўзгариб бориши ва ривожланиши нуктаи назаридан фетишизмга нисбатан юқори босқичдир. Ҳозирга қадар бизнинг сўз бойликларимизда аниматизмга ҳос бўлган қарашлар билан боғлиқ бўлган сўз бирикмалари учрайди. Бунга «ёмғир келяпти», «куёш чиқяпти» кабилар мисол бўлади.

Шундан сўнг нарса ва бутун мавжудотларни «иккилантириш», яъни уларнинг инсон кўзига кўринмайдиган «жони», «руҳи» мавжудлиги ҳақида дуалистик тасаввур шакллана борди. Бундай қарашларни инглиз тарихчиси — элшуноси Э. Тайлор анимизм — табиатдаги нарса ва ҳодисаларни бошқариб борадиган жон ва руҳларнинг ҳақиқий мавжудлигига ишонч деб атади. Инсон вафотидан сўнг унинг руҳи яшаши ҳақидаги қараш ҳам анимистик қарашдир. Шарқ халқларининг қадимги диний қарашларида самовий жисмларга, ҳодисаларга итоат қилишлар ҳам кенг ўрин олган. Бу борада юлдузлар ҳаракатига кенг ўрин берилган. Марказий Осиё халқларининг осмон худоси бўлган «Тангри»га ишониши, самовий жисм ва ҳодисаларнинг муқаддаслаштиришлар билан боғлиқ қадимги бир қанча диний тасаввурларнинг ўзаро уйғунлашувининг натижасидир. Кўпгина туркий халқларда Тангри худо сифатида осмонга, ерга, ойга нисбатан ҳам қўлланилган. Бу вазият осмон, ер, сув, тоғ худоларини ҳали бир-биридаи ажратилмаган-Лигидан далолат беради. Шарқ халқлари орасида аждодларга, уларнинг руҳларига сиғинишлар, улардан мададлар кутишлар, ер, инсон саломатлиги учун фойдали бўлган чашма ва булоқларни муқаддаслаштиришлар, улар билан боғлиқ қурбонликлар қилиш учраб туради. Тоғ баландликлари, доволари, сўқмоқлари

билан боғлиқ руҳлар энг кучли ва қудратли руҳлар ҳисобланган. Улар шарафига бағишланган тош уюмлари, муқаддас тепаликлар, сунъий тўсиқлар, айрим ҳолларда эса хом ғиштлардан қурилган гумбаз том билан ёпилган маҳсул иншоотлар барпо қилинган. Одатда булар атрофига тоғ эчки ва қўйларининг шохлари териб қўйилган, узун таёқларга бир тутам гуллар,<sup>1</sup> латталар, пахталар ва ёввойи қўтосларнинг думлари осиб қўйилган. Ҳозирда ҳам бундай муқаддас жойларда, гарчи ҳеч ким дафн қилинмаган бўлса ҳам, мазорлар деб аталади. Булар ислом билан боғлиқ маросимчилик, тоат-ибодатларнинг таркибий қисмига айланиб қолди. Диннинг қадимий шаклларида она худо (Онахит) билан боғлиқ тасаввурлар ҳам қиради. Она худо ҳосилдорликнинг, мўл-кўлчиликнинг рамзий ифодаси, оила ўчоғини, янги ёш авлоднинг ҳомийси ҳам ҳисобланган.<sup>1</sup> Узбеклардаги Анбар она, қирғизлардаги Умой энелар шулар жумласига мансубдир.

Марказий Осиё халқларининг илк қарашлари тарихи тотемистик қарашлар билан ҳам боғлиқдир. Бу қарашлар асосан йиртқичларни муқаддаслаштириш орқали намоён бўлган. Муайян инсонлар гуруҳлари ҳайвон тундидан келиб чиққан деб фараз қилиш тотемистик қарашларнинг асосий мазмунидир. Масалан, ит, бўри, қийик ёки буғу, бургутлар туркий халқларнинг бош тотемлари ҳисобланган. Улар муайян уруғларнинг асосчиси ва ҳомийси деб билинган. Энеолит даврига келганда эса (эрамаздан 3—5 минг йил илгари) сопол идишларда ўсимликлар, буюмлар, геометрик шакллари эмас, шунингдек, тоғ эчкиси ва қўйлар аждаҳоларнинг тасвири<sup>1</sup> ри ҳам учрайди. Шунга кўра қадимги одамлар ёввойи ҳайвонларни бу дунёда эмас, балки ўзга дунёда — ғайритабиий мавжудотлар, худолар, руҳлар дунёсида яшайдилар ва одамлар билан худолар орасидаги боғланишларда воситачилик вазифасини бажарадилар, деб тушунганлар. Чунончи, туркман халқларининг афсоналарига кўра бургут одамлар учун эмас, балки эчкилар ва уларнинг болалари учун ёмғирни ёғдиради. Қозоқларда туғиши яқинлашган ва янги туққан аёлни ёвуз руҳ ҳисобланган «алвасти»дан асрашда бургутдан фойдаланиш ҳақидаги тасаввурлар сақланиб қолган. Узбек ва тожик халқларининг миллий бош қийими дўппиларда қушларнинг, жумладан, мусичанинг тасвири учрайди, деярли ҳамма ерларда болаларни кўз тегишлардан, балоказолардан сақлаш мақсадида уккининг пати ва пан-

жаларидан фойдаланилган. Бу ҳолат чорвадорларда ҳам учрайди. Дунё халқларида кенг тарқалган қушларни, айниқса сувда сузадиганларини эъзозлаш, инсон вафотидан сўнг унинг жони, руҳи қуш шаклида инсон танасини тарқ этади деб билишлар хоразмликларда ва тоғли туманларда яшовчи тожикларда ҳам учрайди. Тожикистоннинг узок тоғли вилоятларидан бирида яшовчи халқлар қабутарларни инсон руҳи деб қараб, уларга озор бермайдилар, истемол қилмайдилар, эъзозлайдилар. Марказий Осиё халқларининг илк диний қарашларида туя ва отларни муқаддаслаштириш кенг ўрин олган. Бу жараён эрампиздан олдинги даврларда кўчманчилик турмуш тарзи ва у билан боғлиқ хўжалик ишларининг шаклланиши туфайли янада ривожланган. Эрампизнинг III—IV асрларидан бошлаб 300 йилдан кўпроқ давр мобайнида қадимги Бухорода зарб этилган тангаларда, гарчи турли-туман кўринишларда бўлса ҳам, туянинг тасвирлари чоп этилган. Марказий Осиё халқларининг диний қарашларида бундай хайвон шаклларидаги муқаддаслаштиришларнинг қолдиқлари узок даврлар мобайнида сақланиб қолган. Чунончи, бу вазият Сиёвуш (бу «қора айғир от, тойча» маъносини англатади) билан боғлиқ қарашларда ҳам ўз ифодасини топади.

Фетишизм, анимизм ва бошқа шу қабилардан иборат бўлган қадимги халқларнинг илк диний қарашлари уруғчилик тузумининг емирилиши ва унинг ўрнида синфий табақавий жамият ташкил топиши жараёнида ўзгариб боради. Овчилик билан боғлиқ сеҳргарлик, афсунгарлик ва тотемистик хислатларга эга бўлган қарашлар ва ҳаракатлар, кейинчалик руҳлар, ёки шайтонлар ҳақидаги тасаввурларга, ҳамма нарса ва ходисаларни, шунингдек одамларни иккилантиришга, яъни бир-бирига нисбатан мустақил моддий ва руҳий томонлари бор дегак қарашларни вужудга келтирди. Шайтонлар ҳақидаги қарашларнинг вужудга келиши, дин тарихидаги муҳим ҳисобланган босқич, кўпхудоликнинг (политеизм) мавжудлиги билан ўзаро тутатиб кетади. Марказий Осиё халқларининг парилар, жин ва шайтонлар, девлар, алвастилар ҳақидаги тасаввурлари озми-кўпми бир-бирларига анча ўхшашдир. Бу ғайритабиий мавжудотлар ўзларининг хислатлари, одамларга бўлган муносабатларига кўра, шартли тарзда уч гуруҳга бўлинадилар: биринчи гуруҳга одамларга ҳрмийлик қилувчи, айни вақтда одамларга зарар ва хасталик ҳам келтирувчи

бўлиб, уларни зарар-заҳматидан қутулиш ва раҳм-шафқатга эга бўлиш учун ис чиқариш, қурбонлик орқали халос бўлиши мумкин бўлган руҳлар қиради. Буларга мазорларда яшайдиган арвоҳлар, руҳлар, ўт-ўчоқлар билан боғлиқ диний тасаввурлар ва маросимлар мисол бўла олади. Иккинчи гуруҳга, инсонларга зиён келтирувчи ҳисобланмиш алвасти, ажина, дев, аламон, саркиз, олмоз қабилардан иборат бўлган руҳий мавжудотлар қиради. Учунчи гуруҳга эса инсон билан ўзига хос тарзда жинсий муносабатда бўла олади деб тушунилган парилар қиради. Ҳозирда ҳам баъзи туманларда буларга бағишланган махсус маросимлар ўтказилади. Чунончи, жониворлар сўйилади, холвайтар, қатлама ва ҳоказоларга ўхшаш маросимчилик таомлари тайёрланади. Ана шу даврлардан бошлаб сеҳргарлик вужудга кела бошлади. Бунинг асосий белгиси айрим одамлар сеҳргарлар инсонлар билан рудлар ўртасидаги муносабатлардан воситачилик вазифасини бажара оладиган хислатларга эга деб ишонишдир. Махсус кийим кийган, чилдирма ушлаган ва бошқа турли нарсалар таққан сеҳргарларнинг халқ ўртасида рақс тушиб ва жазавога кириб руҳлар билан «алоқа боғлаши» ва улардан маълум йўл-йўриқ олиши сеҳргарликнинг асосий маросими ҳисобланган. Сеҳргарлар асосан руҳий, асаб касалликлари билан оғриган кишиларни даволашган, қаромат қилиш билан шуғулланишган. Қаромат қилишни ва сеҳргарларнинг айрим вазифаларини яна бир алоҳида тоифадаги кишилар —«дуохонлар» ҳам бажара олишган. Сеҳргарлик бир қанча диний тартиб ва усулларни ўзига хос равишда «пайвандлаган».

Касалликларни сеҳргарлик усули билан даволашга уринишлар ханузгача Марказий Осиё халқлари орасида учрайдиган ибтидоий турмуш тарзининг энг турғун бўлагидир.

Диний тасаввурларнинг дастлабки шакллари мавжудлик давриданок диний ишончлар, тоат-ибодатлар, афсунгарлик, сеҳргарлик, л<одугарлик ўзларининг мақсадларига, йўналишларига кўра яхши ва ёмон қабиларга ажратилган ва кишиларни ё овчилик, ё алоҳида малака, билимни талаб қиладиган бошқа ҳунар билан, ё даволашлар, ёки ихлос (иссиқ-совуқ қилишлар) билан боғлиқ бўлган турларга бўлинган. Сеҳргарликнинг асосини хавф-хатардан сақлашга қаратилган махсус ҳаракатлар (дуо ўқишлар, ҳар хил ирим-сирим билан боғлиқ ишлар) ташкил қилади.

1. . . . . МШниши илк боскичларидан тоат-ибодатлик ижтимоий ҳаётда жамоанинг, аъзолари бир хил шаклларда катнаш-чупки бу даврларда уруғдошлар, қабиладош- , ир ирасида ижтимоий тенглик ҳукм сурган. Кейинча-ЯИК уруғчилик-қабиладидик тузумининг емирилиш даврида, масъул кишилар учун махсус жойлар, руҳонийликни касб-хунар қилиб олган кишилар тоифаси (кохинлар, сеҳргарлар ва бошқалар) вужудга келади.

Диний тасаввурларнинг илк шакллари Марказий Осиё халқларининг кейинги диний қарашларининг таркибий қисмларида тарихий шароитлар таъсирида ўзгарган ҳрлда сақланган: уларнинг санъати, маданияти ва турмушига ҳам маълум даражада таъсир кўрсатган.

Зардуштийлик — Мовароуннаҳрда илгариги диний тасаввурлар ва кўп ҳудочиликка асосланган диний эътиқодларни пайгамбар Зардушт (баъзи манбаларда Зардўст) томонидан ислоҳ қилиниши оқибатида юзага келган диндир. Бу қадимий дин ҳақида бир-бирини истисно этувчи турли фикрлар хануз давом этиб келади. Кўп тадқиқотчилар Зардушт тарихий шахс бўлиб, у милодгача 589—512 йилларда яшаб ижод этган биринчи илоҳиётчи, файласуф, табиийётшунос ва шоир эканини эътироф этадилар.

Зардуштнинг диний ислохртини тушуниш учун ўша давр Мовароуннаҳр ижтимоий-иқтисодий аҳволи ва сиёсий вазиятни эътиборга олиш керак. Гап шундаки, Мовароуннаҳр иқлимининг нисбатан мўътадиллиги, географик жиҳатдан икки катта китъа ўртасида жойлашгани сабабли савдо-сотикнинг кучайиши бу ерларда сунъий сугоришга асосланган деҳқончилик эртарок вужудга келишига сабаб бўлган. Айни чоғда хунармандчилик, чорвачилик ва овчилик ҳам ривожланган. Бу ҳудудда йилкичиликнинг ривожланиши, айниқса Фарғона водийсида қорабайир зотига ўхшаш отлар боқиш кенг кўлам олгани ҳам ижтимоий ҳаётда катта роль ўйнайди. Унинг устига мис ва кўрғошин конларига бой бўлган Олтойнинг яқинлиги бу ерда темирчилик, мисгарлик ривожига асос бўлди.

Зардушт яшаган даврда ўтроқлик турмуши афзаллиги яққол намоён бўлган, аммо унга қабилалар ўртасидаги қирғинбарот урушлар рахна солаётган эди. Урушлар кўпинча ҳар бир қабила ва элатнинг ўз ҳудодларига кўплаб қурбонликлар қилиш одатлари зами-нида ҳам юзага келарди. Уз даврининг кохинлари,

сеҳргарлари ва мўътабар қариялари билан кенг мунозаралар олиб борган Зардушт юқридаги одатларни бартараф этиш ва халқларга тинч меҳнат билан шуғулланиш имконини яратиш учун кўпхудолик эътиқодларига ва оташпарастликка барҳам бериб, яккахудолик (арабча Аллоҳ)га сиғинишни тарғиб этиш деб билди.

Шоҳ Виштасиа фармонига биноан «Зардушт 1200 бобдан иборат пандномаси «Овасто»ни олтин тахтачаларга ёзиб, шоҳнинг оташкадасига топширган»,— дейди Фирдавсий. Кейинчалик у «Китоб» 12 минг хўкиз терисига битилган, македониялик Александр Шарқни забт этганда унинг нодир нухасини Элладага элтиб, керакли жойларини таржима қилдирган, қолганини ёқтирган<sup>1</sup>. «Овасто» энг қадимий,якка ҳудочиликка асосланган диннинг биринчи муқаддас китоби бўлиб, эътиборли тарихий манба ва маданият ёдгорлиги ҳисобланади. Унда дастлабки фалсафий қарашлар билан диний-афсонавий тасаввурлар уйғунлашиб кетади; шу заминда маънавий-ахлоқий баркамол одам эзгуликни барқарор қила оладиган курашчан, адолатпарвар инсонни шакллантириш ғояси марказий ўринни эгаллайди. «Овасто» да табиий илмлар — агрономия, метрология, зоотехника, медицина, фалакиёт, илми нужум, жуғрофияга дойр билимлар ҳам мавжуд.

Зардуштнинг диний ислохоти бўш жойда юзага келган эмас. Фарбий Европа ва рус тадқиқотчиларининг фикрича, милодгача бўлган 3—2 минг йилликларда Марказий Осиёда Орий деб аталган қабила яшаган. А. П. Примақнинг айтишича, Орийлар кўчманчи чорвадорлар бўлишган. Уларда ёзма адабиёт бўлмаган, аммо хайратомуз оғзаки ижод истеъдодига эга бўлиб, улар яратган ўзига хос ашула, гимнлар, ўғит-насихат шаклидаги кўшиқлар авлоддан-авлодга ўтиб борган. Умуман Шарқда қадимдан инсон ички оламини мунаввар этиш, ният билан амал муштараклигига жиддий аҳамият бериш диний ва фалсафий фикрларнинг марказида турган<sup>2</sup>. Англиядаги Оксфорд университетининг профессори Макс Мюллер Помир атрофида яшаган Орий қабилаларининг бир қисми бундан 3,5 минг йил муқаддам Ҳиндистонга, бир қисми Европа ва Эронга кўчиб кетишганини таъкидлаб, улар албатта ўзлари

<sup>1</sup> Ҳомидов Х. «Шоҳнома» нинг шухрати. Тошкент, 1991, 89-бет.

<sup>2</sup> Каранг: Примақ А. П. Резервы человеческой психики. М., 1987, С. 24.

билан бирга шу ердаги осориатикалар (мифология) ни ҳам олиб кетпшган, дейди. Демак, Европа ва Хиндис-ТОНга хндас Якин ва Урта Шарққа тарқалган кўп \ I • ,!нк асослари аввало Марказий Осиёда вужудга келган, шу билан бирга Зардушт асос солган якка худодлик дини ҳам бошқа жойда яшаётган халқлар эътиборини ўзига жалб этган. Зардуштийликнинг муқаддас китоблар тўплами «Овасто» Искандар асос солган хокимият тугагач, эрамизгача бўлган 250 йилларда аршохийлар даврида яна тиклана бошлаган ва у янги матнлар билан тўлдирилган. Сосонийлар докимияти даврида (милоднинг III—VII асрлари) бу иш нихоясига етказилди. «Овасто»нинг ўчта китоби қадимги тилда ва биттаси пахлавий тилида тикланган. Унинг биринчи китоби «Вадовдот», яъни девларга қарши қонун, деб аталади. «Ёсин» ва «Виспарад» ни қўшган долда «Вадавдот-Садэ» номи билан юритилган. «Вадовдот»ни покланиш қонун-қоидалари мажмуаси дейиш ҳам мумкин. «Овасто»нинг иккинчи китоби «Ёсин» бўлиб, Зардушт Хат (нома)лари унинг асосий мазмунини ташкил этади. У 72 «Ха»— башоратдан иборат бўлиб, биринчи башоратда табиат ва ҳалолликлар ҳукмдори, ҳамма нарсани билладиган ва ҳамма нарсага қодир Охурамазданинг вахийлари ҳақлигига имон келтиришга дойр дуолар бор. 19- башоратда олам юзага келмасдан илгари мавжуд бўлган худо шаънига шукроналар айтилади.

Имон калимаси, покланиш (ювиниш гигиенаси), ёвузликни қарғаётган пайтда танани қандай маромда тутишлик, дев-иблисларни ҳайдашга қаратилган харакатлар, гуноҳдан фориғ бўлиш, кечирим сўрашга доир дуолар мавжуд. Гуноҳдан фориғ бўлиш, имонни сақлаб қолиш учун мана бундай дуолар ўқиш тавсия этилади: «Эй оламнинг ҳукмдори Охурамазда! Мен барча гуноҳларимга иқрорман, уларни такрорламаслик учун сенга сўз бераман: мен ҳар қандай ёмон ният (фикр) лардан, дар қандай ёмон сўзлардан, ҳар қандай ёмон амаллардан воз кечаман: мен фикрлаган ва гапирган ёки қилмоқчи бўлган ва қила бошлаган ва қилган ҳамма ножўя ишларимдан воз кечаман: ниятларим, сўзларим ва амалий ишларим орқали бундан буён ишончингни оқлайман: гуноҳларимни кенг қараминг ила кечиргин, танам ва жонимни у дунёю бу дунёда мунаввар этгил, эй парвардигорим!»

Еснларнинг 7- бобида Зардушт орқали хабар берилган башоратлар ўз ифодасини топган. Зардушт

Охурамазддан ўз ахлоқий қонун-қоидаларини маълум этишни сўрайди. Охурамазда бутун мавжудликнинг икки олий ибтидоси — эзгулик ва ёвузлик ҳақида вахий килади. Бир-бирига қарама-қарши бўлган бу бошланғич қучлар ҳар доим биргаликда мавжуд бўлиб, улар ҳаёт ва ўлим, осмон ва жаҳаннам маъноларини англатади. Жаҳаннам Охурамазда вахийсида «ҳаётнинг энг ёмон онлари», осмон ва рухнинг энг юксак ҳолати сифатида гавдаланади. Оламдаги ёвузлик ва нотақомиллик нарсаси, ҳрдисалар ва уларнинг моҳиятидан келиб чиқади. Уларни бартараф этиш эса истиқболдаги иш бўлиб, имонли кишилар бу жараёнда энг катта фаоллик кўрсатишга даъват этиладилар. Улар Охурамазда юборган қонунлар, ўғит-насихатларга амал қилсалар, эзгулик ёвузлик устидан тантана қилиб бораверади.

Олам қарама-қаршиликлар қураши асосида қурилган: жисмоний (физик) нарсаларда ёруғлик ва зулмат, тирик табиатда ҳаёт ва ўлим, маънавий оламда эзгулик ва ёвузлик, ижтимоий ҳаётда адолатли қрунлар билан қонунсизликлар ўртасидаги қурашларда у ўз ифодасини топади. Диний соҳа эса эзгуликни қарор топтириш руҳи билан ёвузлик руҳи ўртасидаги қурашга асосланади. Охурамазда эзгуликни вужудга келтираверади, ёвузлик руҳи бўлган Аҳриман унга қарши одамларни ёмон ишларга бошлайверади. 30- башоратда эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги абадий қурашда оралик йўл йўқ, бинобарин, ҳар бир одам бу жараённинг у ёки бу томонида иштирок этишга мажбур, дейилади. Шунинг учун диндорликда имон-эътиқод барқамоллик нишонаси сифатида муҳим бўлиб, у одамларга эзгуликни ёвузликдан фарқлаш имконини беради. Имон-эътиқодли одам албатта эзгулик тарафида туради. Ёвуз руҳлар — дев, пари, иблис ва бошқалар гуноҳлар, адашишлар, ёлгонлар, касалликлар тимсоли сифатида тасвирланиб, Охурамазда улардан сақланишга даъват этади. Ёсиннинг биринчи башоратида худо — «Мен эзгу фикр (ният) ларни, эзгу сўзларни ва эзгу амалларни ёқтираман. Мен маздаёсин қрунларига асосланган тарғиботларни улуғлайман, дейди. Демак, зардуштийлик имони 3 таянчга асосланади; фикрлар софлиги, сўзнинг собитлиги, амалларнинг инсонийлигидан иборат. Охурамазда одамларни ўз истақларида ҳолис бўлиб, улар бир-бирлари билан муроаса қилиб яшашни одат қилишлари, ғаразгўйлик, каттазанглик (димоғдорлик), шухратпарастлик, қонунсиз ишлардан ўзларини тийиб юришга чакиради.

«Берган сўзининг устидан чиқиш, унга содик қолиш,, савдо-сотикда шартномага катъий амал қилиш, қарзни вақтида тўлаш, алдамчилик ва хиёнатдан холи бўлиш имонлилик аломатларидир». Имонли одам ўғрилик ва талончиликдан, бегоналарнинг мол-дунёсига кўз олайтиришдан, ўз-ўзига хиёнат қилишдан, яъни имонига хилоф иш қилишдан ўзини сақлай биладиган комил инсондир. «Таналарингизга нисбатан қалбингиз ҳақида кўпроқ қайғуринг», яъни аввал маънавий дунёингиз мусаффо бўлса, моддий турмушингиз ҳам мукамал бўлиб бораверади, дейди Охурамазда.

«Овасто»нинг муқаддас китобларида қадимий материалесток фалсафанинг асослари — тупроқ, сув, ҳаво, олов муқаддаслаштирилади. Тупроқ, сув, ҳавони булғаш, ифлослантириш энг оғир гуноҳлар қаторига қўшилади. Ҳатто марҳумлар ерни, сувни, ҳавони захарлаб қўймасликлари учун уларнинг мурдаларини махсус сопол идишларда қўмиш расм бўлган. Охурамазда «ерга яхши, мустаҳкам уруғлар сепишдан ортиқ савоб иш йўқ», дейди. Худои таолонинг бу айтганига амал қилиш, 10 минг марта ибодат этиш ёки юзлаб жониворни қурбонликка сўйишдан афзал ҳисобланган. Экин экиш ердаги ёвузликка барҳам бериш, демакдир. «Одам гўзаллиги дехқондан, дехқончиликдан,— дейилади башоратларда,— кимки ерга уруғ қадабди, у одамийликка имон келтиради, ягона шу йўлгина ҳақиқат бўлиб, қилгани саробдир. Зардуштийликнинг босиқ, мусиқа билан уйғунлашиб кетган доно ўғитлари она заминга, дехқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик ва Ватанга, халқда улуғ муҳаббат руҳи билан уйғунлашиб кетади.

Зардуштийликнинг барча маросимлари, жумладан, Наврўз, Меҳржон байрамлари тантаналарида бу руҳ айниқса улкан қудрат билан намоён бўлади. Бойчечакнинг чиқиши, лолақизғалдоқнинг очилиши, бодомнинг гуллаши, умуман баҳор билан бирга табиатнинг гўзаллаш-иб бориши эзгулик руҳининг тантанаси бўлиб, уларнинг ҳар бири катта шодиёналикка сабаб бўлган. Одамлар табиатнинг бу гўзалликларини муқаддас билиб, уларни халқ байрамлари ва сайилларига айлантириб юборганлар.

Ёсиннинг 29- башорат 5- ҳикмати ва 50- башорат 8- ҳикматида ибодатдан сўнг, икки қафтни олдинга ёзиб кўтарган ҳолда худои таолодан ўз талабларини илтижо қилиш расм-русуми ҳақида гап боради. Башоратларда

ер, осмон, океан, бошланиши йўқ ёруғлик соҳаси ва лсаннат ҳақида фикрлар мавжуд.

Башоратлардаги Одам Ато ҳақидаги фикрлар ўзига хослиги билан ажралиб туради. Ийим номи билан биринчи одам ва унинг фаолияти ҳақида гап боради. У Охурамазда иродасига мувофиқ, одамларни, ҳайвонларни ва қушларни парваришлайди, ер юзиде кизил шуълали оловни кўпайтиради ва шу тарзда 300'йил яшайди. Охурамазда унга олтин найза билан олтин қамчи ҳадя этади. ^ Ер одамлар яшаши учун торлик қилиб қолганда, Ийим найзани ерга суқиб, худодан уни кенгайтиришни илтижо қилади ва бунга эришади. Охурамазда Одам Атога музламачилик даври келаётганидан ҳабар беради, бу офатнинг олдини олиб қрлиш кераклигини айтади. Ийим махсус уй қуриб, мавжуд ҳамма ҳайвон ва ўсимликларнинг энг яхши зоти ва навидан бир жуфтдан сақлайди, натижада дунёда тирик табиатни офатлардан сақлаб қолади. Бирок Ийим ўз ишига ортиқча баҳо бериб, мағрурланиб кетади ва худо томонидан тақиқланган неъмат-йирик шохли ҳайвон гўштидан тановул қилиб қўяди. Оқибатда худонинг қаҳрига учраб, абадийликдан маҳрум бўлиб қолади. Одамзод ҳаётининг бу биринчи босқичидан сўнг, иккинчи даври бошланади. Бу давр Зардушт фаолияти ва унинг диний ислоҳоти билан боғлиқ бўлиб, у дин ва имон учун беомон курашлар билан характерланади. 3000 йиллик курашлардан сўнг, Зардуштнинг фарзанди бошчилигида дунёда осойишталик ва фаровонлик даври юзага келади, ёвузлик кучлари тимсоли бўлган дев — Ахриман енгиледи. 3- даврда қиёмат-қойим бошланади ва ўликлар тирилиб, худо ҳузурига ўз қилмишлари ҳақида ҳисоб бергани боришади. Ҳамма ишлардан воқиф бўлган ва ҳисоб-китоб қилиб борган худои таолони алдаб бўлмайди. Зардуштийлик эътиқрдица, одам ўлгандан сўнг унинг жони уч кун давомида танада туради, тўртинчи кунда ўз маҳрами — фариштаси йўлбошчилигида нариги дунёдаги «Чинвот» деган кўприкдан ўтиши керак. Эзгу ишлар қилган одамлар учун бу кўприк кенгайган ҳолда туради. Улар ундан бемалол ўтиб, жонлари абадий роҳат-фароғатда кетади ва охиратда ўликлар тириладиган кунда ўз таналарига кириб ётадилар. Ёвуз ишлар билан шуғулланганлар учун «Чинвот» қилдай тораяди ва улар жаҳаннам азобларига маҳкум бўладилар.

Овастонинг учинчи китоби «Виспарат» деб номлан-

ган. Унда оламни ёки ҳамма нарсани билишга дойр панд-насихатлар ўрин олган. У ибодат намозлари йиғиндиси бўлиб, 25 қисмдан иборат. Охирги китоб «Бундахаш» қадимги Эрон тили — пахлавий тилида ёзилган.

Ёштар ва ёсинлар 3 қатламдан иборат: Биринчиси халқ эпосларининг Зардуштгача бўлган кўшиқлари (шеърлари), иккинчиси Зардушт Хат (нома)лари ва учинчиси Зардушт халок бўлгандан кейин китоб холига келтирилган ва Кичик Авесто номи билан юритилган қисмидир. Демак, Авестонинг илк ва кичик (кейинги) қисмларидан унинг асосий қисми Зардушт Номаларини срақлаш лозим. Номалари кўп худочиликни, ўтга ва табиат стихияли кучларига сиғинишини қоралаб, якка худодикка эътиқод қилишни талаб этади. Ҳозиргача бўлган илмий адабиётлардаги фарқлар кўпроқ «Кичик Авеста» га асосланиб билдирилган. Бунда якка худодик ғоялари кўп худодик эътиқодлари билан қрришиб кетгани учун тадқиқотчилар зардуштнийлик кўп худодик ёки икки худо дини сифатида талқин этадилар. Бундай қарашлар зардуштийликнинг учинчи йўналиши — кўпхудочилик билан якка худочилик қрришмасидан иборат маздаизм билан аралаштириш оқибатидир.

Зардуштгача бўлган Охура, Митра, Мазда, Онахит ва бошқа худодар ҳақида фикрлар бўлган. Аммо у худодар одамлардек ҳаёт кечирган бўлсалар, Зардушт талқинида Охурамазда Олий ибтидо бўлиб, унинг на хотини, на болалари бор. У ҳамма мавжудотларни яратувчи ва бошқарувчи сифатида эзгуликни барқарор қилувчи, одамлар қалбини мунаввар этувчи Олий рух сифатида намоён бўлади.

Эрон шоҳлари ўз империяларини барқарор қилишда зардуштнийлик динининг ўрни ва ролига тўғри баҳо берадилар. Бироқ бу диндаги ўртаҳол дехқончилик, мўътадил, камтарона ҳаётдан иборат турмуш тарзини илоҳийлаштириб, қулдорчилик муносабатларини қоралаш уларга ёқмайди. Шунинг учун Эрон шоҳлари зардуштийликни Зардуштгача бўлган ва Яқин Шарқда ҳам кенг тарқалган кўп худочилик ғоялари билан аралаштирадилар. Зардушт ўрнига ўзларини худо ваҳийларини одамларга етказиб турувчи ийғамбар ўрнига қўядилар. «Кичик Авеста» да Охурамазда оламни яратувчи ва тартиб ўрнатувчиликдан кўра кўпроқ қабилавий худодарни бошқарувчи Бош худога айланиб қола-

чп. Ахамонийлар Грецияни босиб олиш учун олиб борган урушлари (бунда Марказий Осиёдаги турк жангчилари катта роль ўйнагани учун Александр Македонский улардан қасос олади) ҳамда грекларнинг Эрон ва Туронни ишғол этиши оқибатида Охурамазда қадимги Грецияда бош худо Зевс, Афлотун (Платон) сифатида талқин этила бошлаганига тадқиқотчилар эътибори қаратадилар. Ахамонийлар зардуштийликни ўз эътиқодларига бўйсундирган бўлсалар, Александр Македонский бу динни бутунлай йўқ қилиш учун унга оид китобларни ёқтириб юборган. Араблар Эрон ва Туронни босиб олишгач, маздаизм кўринишидаги зардуштийликка эътиқод қилувчиларни зўрлик билан исломга киритадилар. Уз эътиқодидан воз кечмаганларни ўлдирадилар, қувғун остига оладилар. Зардуштийликнинг бизгача етиб келишида унга эътиқод қилиб келаётган Ҳиндистондаги эронликларнинг ҳиссаси катта.

Бироқ ҳукмдорлар Зардушт асос солган ғояларни йўқ қилиб юборишга кучлари етмади. Уининг олам, одамнинг яратилиши, икки дунё ҳақидаги ғоялари, жаннат ва дўзах, қиёмат-қойим, охиратда жоннинг тирилиши, гуноҳ ва савоб ишлар ёзиб борилиши, сўроқ-саволлар, «Чинвот» кўприги, жиҳод, эркин ва озод турмушга асосланган барқарор тартиботларни қарор топиши, якка худо билан одамлар ўртасидаги воситачи-пайғамбар тўғрисидаги фикрлар будда, христиан, ислом динларида ўзига хос равишда ҳануз яшаб келмоқда. Шунинг учун тадқиқотчилар жаҳон динларининг вужудга келиши ва шаклланишида Зардушт асос солган зардуштнийлик динининг ўрни ва ролини муносиб баҳолайдилар. Масалан, Зардуштнийлик дини бўйича катта ва изчил тадқиқот олиб бораётган инглиз олимаси Мэри Бойс бундай дейди: «Зардуштийликнинг улғувор ва оригинал таълимотлари бутун Яқин Шарқ худудида таъсир этиб, унинг асосида иудаизм ривожланган, христианлик ва ислом пайдо бўлган», шунингдек, буддизмнинг махаяна оқими ҳам зардуштийликдан озикланган. «Шунинг учун,— дейди у,— жаҳон динларининг барча жиддий тадқиқотчилари зардуштийликни ўрганадилар»<sup>1</sup>.

Агар зардуштнийлик қадимги Мовароуннаҳр ва Бақ-

<sup>1</sup> Мэри Бойс. Зороастрийцы. Веравание и обычаи. 2-е издание, исправленное. М., 1988, С. 4.

триядагина эмас, балки Арахозия, Сакистон (ҳозирги Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистон), Форе, Мидия, Парфия, Ассирия, Вавилония, Лидия, Ликия ва Капподония (Кичик Осиё), Греция, Сурия, Фаластин худудларига ҳам тарқалганини ҳисобга олинса, ҳақли равишда уни жаҳонга тарқалган биринчи дин дейиш мумкин. Зардуштийликнинг Марказий Осиёда вужудга келганлиги, у жаҳон маданий ҳаёти (цивилизацияси) га кўрсатган зўр таъсирини инкор этиш кийин. Бу дин ҳақидаги маълумотларга эга бўлишимизда аввало инглиз Д. Ж. Бугер, сўнгра француз тадқиқотчиси А. Дюпперондан миннатдор бўлишимиз лозим. 1755 йилда Дюпперон Ҳиндистонга илмий сафар қилиб, у ердаги зардуштий (маздаий) лар орасида уч йил яшади, уларнинг ибодатлари, урф-одатлари билан яқиндан танишди ва «Овасто»ни француз тилига таржима қилди. Ҳозир «Овасто»нинг тўртдан бир қисмини энг нодир нусхаси Бомбайдаги Кама Шарқшунослик институтида сақланмоқда. У 1915 йилда кўчирилган бўлиб, 672 бетдан иборат. «Овасто»нинг Фарбий Европа, Эрон ва Ҳинд тиллари орқали бизга маълум бўлгани учун ундаги номлар ва терминлар, афтидан аслига тўғри келмайди. Кўпгина осориатикалар, исмлар, жойларнинг номлари ҳиндча тусда ёки ҳинди-европа тилларига хос шакл олган. Ундаги туркона жиҳатлар кам қолган. Ҳар бир соҳада биринчи иш, биринчи кадам, биринчи кашфиёт бағоят кадрланиб, инсоният бу кадамни бошлаб берган кишиларни миннатдорчилик туйғулари билан доимо эслаб туришни ўз бурчи ҳисоблаган. Шу маънода жаҳон динлари кейинги 2,5—1,5 минг йил давомида такомиллашган, уларнинг маросимлари, урф-одатлари, расм-русумлари нечоғлик хилма-хил тусе олган бўлмасин, улар барибир Зардушт асос солган якка худочилик эътиқодларининг вориси ҳисобланиши керак. Улур ватандошимиз Зардушт Сепитоманинг тарихда, маданий тараққиётда ўйнаган буюк ролини тиклаш орқали ўз миллий кадриятларимизни ҳам тиклаган бўламыз. Марказий Осиёликлар, жумладан ўзбеклар ҳам илмий адабиётлар харитасида Ҳитой, Ҳиндистон, Греция, Эрон, Арабистон, Европа халқлари орқасидан доимо эргашиб юрадиган халқ бўлмаганлиги, улар мустақил фикрлаш қобилиятига эга экаиблиги жаҳон афкор оммасига аён бўлиб қолади.

Бизнинг кунларимизда энг кичик халқлар, элатлар ҳам жаҳон ҳамжамиятлари орасида ўз ўринларини то-

..... умуи ўтмишларини илмий асосда тиклашга интил-  
UWinp. Баъзи кўп сонли ва қудратли миллатлар  
.....!Ка халқлар маданияти ва кадриятларини ўз-  
I финики қилиб кўрсатишгача бориб етмоқдалар ва  
.....ий бунга муваффақ бўлмоқдалар. Аммо туркий  
II шрнинг бундай қалбаки ишлар билан шуғулла-  
.....»ри учун ҳожат йўқ. Улар тарихнинг ичкарасига  
КИрнб боришдан қайтмасалар ва боскинчи — келгинди-  
|| ф кадриятлари доирасидан чиқиб олишга ақллари  
• иш қолса, бас, бой ва ибратомуз тарих тикланадики,  
Шуида ўзбекнинг ҳам кўзи очилиб, истиқлол сари ин-  
ГИЛИШда қ.удратли кучга эга бўлиб қолади, бу эса унинг  
миллат сифатида ўз миллий манфаатларини тўла-тўқис  
пгглаши, натижада вилоятпарастлик, уруғпарастлик  
и иатларидан холи бўлиши учун қафолат бўлиб қоли-  
iiii мумкин.

Яхудийлик (Иудаизм). Милодий йил ҳисобининг биринчи асрларидан бошлаб Марказий Осиё шаҳарлари Самарқанд, Бухорода ўзларининг миллий динлари [ган иудаизмга эътиқод қилувчи яхудийлар пайдо пула бошладилар. Иудаизм миллий дин сифатида ми-Чоддан олдинги иккинчи минг йилликнинг охирларида иужудга келган. Қадимги яхудийлар ва Арабистон ярим оролида яшаган қадимги арабларнинг диний қарашлари, шунингдек, Шумерликлар, Бобилликлар, Фипкняликлар, Мисрликлар ва Олд осиелик бошқа халқларнинг асотирлари, ривоятлари иудаизмнинг диний иомдеворлари бўлиб хизмат қилди.

Иудаизмнинг асосий ақидалари орасидаги энг муҳимлари: монотеизм — ягона худо бўлмиш Яхвега гътиқод: халоскорлик — худо томонидан юбориладиган халоскорга ишонч, бу халоскор дунёни қайта қуради ва бутун яхудийларни фаластиндан Синион (Қуддус яқинидаги тепалик) атрофига тўплаши ва уларнинг душманларини жазолаши, шунингдек нариги дунёга ишонч, охиратда хар кимнинг ўз қилмишига яраша ажрини топиши, жаннат ва дўзахларнинг мавжудлигига, дунёнинг охири борлигига, муқаддас китобларнинг бенуксонлиги кабиларга ишонишдир.

Илоҳиётчилар фикрига биноан, Библия<sup>1</sup>нинг бирин-

<sup>1</sup> Библия (юн.— китоблар). Нудизм ва христианликлар муқаддас ёзувлар тўплами бўлмиш бу китоб ўи бевд аср мобайнида (миллоддан аввалги XIII аср ва миллоднинг II аерлари) вужудга келган.

чи беш китоби бўлмиш Таврот (айнан таржимаси Қонун, Мусонинг беш китоби) яҳудийларга етказиш учун Мусо пайғамбарга худо Яхвенинг шахсан ўзи Синон тепалигида берган эмиш. Библиянинг бошқа қисмлари эса (Қадимги аҳдга тааллуқлиси) худонинг бевосита панд-насихатлари таъсири натижасида яҳудийларнинг бошқа турли пайғамбарлари томонидан ёзилган эмиш. Бироқ, ҳамма динларнинг муқаддас китоблари каби Библия ҳам инсоният томонидан яратилгандир. Одатда иудаизм шартли равишда икки даврга: қадимий (қулдорлик даври); милонинг II асригача бўлган бу даврда Библиянинг қадимий аҳд қисми юзга келган ва XIX асргача давом этган. Урта аср, феодал (Раввин — талмуд, анъанавий) даврларга бўлинади. Ана шу даврларда диаспораларда (юн. тарқок, фаластиндан ташқаридаги яҳудий колонияларининг номи) Тавротни талқин ва қайта талқин этиш натижасида иудаизмнинг янги бир муқаддас китоби Талмуд (қадимги яҳудий тилида ўрганиш) шаклланган, унда иудаизмнинг ақида ва маросимлари батафсил ёритилган, XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида иудаизмда янги босқич — ислоҳ қилинган иудаизм вужудга келади. Бу даврларда янги буржуа шароитига мослашиш мақсадида ақидаларни янгилаш ва Талмудда белгиланган бир қатор маълум йўл-йўриқлардан, ибодатлардан воз кечишлар рўй берди.

Ҳозирги замон иудаизмида ислоҳ қилинган иудаизм билан бир қаторда ортодоксал иудаизм ҳам мавжуддир. Ортодоксал иудаизм Исроилда алоҳида мавкега эга бўлиб, расмий давлат дини ҳисобланади. Бунга XX асрда вужудга келган консерватив йўналишдаги иудаизм, унинг идеологлари иудаизм ва сионизм иттифоқининг тарафдорларидир, шунингдек бизнинг асримизнинг 20—30-йилларида Ғарбда реконструкционизм деб ном олган, гўёки шахсий миллий мансублигини белгилайдиган иудаизм «яҳудийлар революциясидир» деб эълон қилган янги йўналишлар ҳам киради.

Марказий Осиёда яшаётган яҳудий диндорлари орасида асосан ортодоксал шаклдаги иудаизм мавжуд ва улар шартли равишда этник кўринишлар тартибига мувофиқ тўрт хил: европалик, бухоро, грузин, тоғли ёки тат яҳудийларига бўлинади.

Бу жойлардаги яҳудийларнинг асосий қисми, кейинчалик улар Бухоро яҳудийлари номини олган, чамаси, сосонийлар даврида Мавр ва Эрон орқали кириб кел-

ган бўлсалар керак. Бунга уларнинг қадимги Форс тилларининг тожик шеvasидан бири бўлмиш тили, Шунингдек айрим эроний одатлари ва ҳозирги кунгача қолган халқларнинг маданиятининг биргина қисми — яҳудийларнинг луғати 1327 йил Урганчда таълим тугатилгани бундан далолат беради. Бухоро яҳудийлари Эрон ўзларининг этник хислатларини ҳаммадан Кўпроқ аниқ сақлаб қолган яҳудийлардир. Буларга Библия иудаизмининг асослари оил'авий-маиший тартибдаги патриархал одатлар бўлмиш «халицо» — «тўрт шрсак», «кетуба», «қадиш» ўн кишидан кам бўлмаган диндошлар иштирокида вафот этган ота-онага бағишланган хотира ибодатлари киради. Эҳтимол, кўп асрлар мобайнида улар йўқотган асосий нарса, фақатгина диний ибодатларда сақланиб қолган ва жуда оз, тор даражадаги кишилар биладиган, қадимги яҳудий тили бўлса керак. Тат яҳудийлари ёки улар илгари айтилган пдедек Доғистон, Шимолий Қавказда яшовчи «тоғлик яҳудийлар» Эрон лаҳжалари шеvasидан бири бўлган тат тилида сўзлашганликлари учун ҳам эроний тилида сўзлашувчи халқ ҳисобланади. Чамаси, улар V—VI асрларда Дербентга Эрондан кўчиб келган бўлиб, аввал зардуштийликни, кейин эса (VIII асрлардан бошлаб) икки асрлик Ҳазар когонларининг ҳукмронлик даврида иудаизм таъсирига ўтганлар. Иудаизмда марказий диний ташкилот йўқ, Москвадаги хорал синагоги ва ешибатда (ўқув юрти) рухоний ходимлар: раввинлар, канторлар ва бошқалар тайёрланади.

Марказий Осиё халқларининг қадимги тарихи ва маданиятида буддизм муайян ўрин эгаллайди. У зардуштийлик дейишга таъсирида ва у билан ёнма-ён шаклланиган динлардан бири бўлган буддизм милондан аввалги VI—V асрларда Ҳиндистоннинг шимолида вужудга келган бўлиб, кейинчалик Жануби-Шарқий ва Марказий Осиё ҳамда Узок Шарқ мамлакатларида кенг тарқалди. Унинг вужудга келиши хинд жамоаларида рўй берган муҳим ўзгаришлар — уруғ-қабилачилик алоқалари ва тартибларининг емирилиши, синфий жамиятларнинг вужудга келиши ва йирик қулдорлик давлатларининг пайдо бўлиши билан боғлиқ эди. 3-асрга келиб дунёвий жамият (император Ашона)нинг фаол қўллаб-қувватлаши натижасида мулк даражада ягона бўлган будда ташкилоти (монахлик жамоаси — сингха) ва диний ақидачилик шаклланиган. Буддизмнинг таълим беришича, ҳар қандай борлик, (модиунлик) барча

кўриниш ва шакллардаги ҳар қандай ҳаёт — барча мавжудотларга азоб берувчи ёмонликдир. Ёмонлик ва азоб-укубатларнинг сабаби — инсоннинг ва барча тирик мавжудотларнинг бу дунёга қайта туғилиши дунёси (<сансара>)га боғланганлиги, кўнгил қўйганлигидир. Ҳар қандай инсоний туйғу, ҳиссиёт, эҳтирос ва истак азоб-укубатни чуқурлаштирадн. «Борлик гирдоби»дан чиқиб олиш учун ғафлатдан уйғониш, дунё моҳиятини англаш, ҳаётга чанқокликдан кўнгилхушликларга, лаззатларга, хокимиятга, бойликка интилишлардан воз кечиш лозим. Фақат шундагина «нажот топиш йўли» га кириш мумкин. Илк буддизмда бундай нажотга фақат зоҳид ёки монахгина умид қилиши мумкин эди. Фақат яхшироқ қайта туғилишни умид қилиши, бунинг учун эса у монахларга мўл-кўл хайр-садақа бериши ҳамда 5 ахлокий талаб (панча-шила) га амал қилиши керак. Бу ахлокий талабга кўра, ҳар бир киши ёмонлик қилишдан, ёлғон гапиришдан, ўғрилиқ қилишдан, хис-туйғуларга ортиқча берилишдан, ичкиликдан ўзини тийиши лозим эди. Буддизм ичида кўплаб секта ва йўналишларнинг кураши доимо содир бўлиб келган. Хинаяна буддизмининг энг қадимги шаклларида бири ҳисобланади. Ундан кейинроқ, асосан Ҳиндистондан ташқарида тарқалган шакли махаянадир.

Буддизмининг Марказий Осиё ва Шарқий Туркистонда тарқалиши милоддан аввалги II асрларда бу ерлардаги қабилаларнинг авлодлари томонидан тугатилган грек — бактрия подшоҳлигининг ўрнида қарор топган Кушон империясининг ривожланган даврига тўғри келади.

Кушон империяси ўзининг энг гуллаган даврида (милоднинг I—III асрида) ҳозирги Марказий Осиёнинг бир қисмини, Афғонистон, Покистон, Шимолий Ҳиндистон, эҳтимол Уйғуристонни ҳам ўз ичига олган. Кушон подшолиги даврида буддизм Ҳиндистондан Марказий Осиёга, ундан эса Буюк ипак йўли орқали Хитой ва Узоқ Шарққа тарқалган. Кейинги ўн йилликлар мобайнида олиб борилган археологик изланишларнинг натижалари<sup>10</sup> тарихий маълумотларни умумлаштирган ҳолда тахмин қилиш мумкинки, исломгача бўлган даврда буддизм Марказий Осиёда ғоявий турмушнинг муҳим таркибий қисмларидан бирини ташкил этган. Буддизм фақатгина махсус ибодатхоналаргагина эмас, шунингдек подшо саройларидан бошлаб, оддий камбағал деХК<sup>11</sup> хунармандларнинг кулбасигача кириб

• **гун** диндир. Буддизмни қабул қилган Марказий халқлари диний ибодатлар учун ҳар хил махсус ИЦШООТлар қурдилар.

Буддизм билан боғлиқ обидалар, пбодатхоналар, йИқаллар, деворларга солинган расмлар Марказий I Иёда топилган қадимги тарихий обидалар орасида им ўрин эгаллайди. Буддизм билан боғлиқ иморатлар, I ўрилишлар ҳозирда ҳам Шимолий Қирғизистон,бекистон ва Туркманистоннинг Жанубий туманлари- | | . I , Тожикистонда ва Қозоғистон жанубида маълумдир. Улар орасида энг йирик иншоот эски Термиздаги Қоратепаномли ғор ибодатхонасидир. Бу очик сарик рамгли катта тепалиқ бўлиб, унга қумтошли ғор бино- 18р ўйиб солинган ва ер устида бинолар барпо этил- I . N I , буларнинг ҳаммаси бир бутун уйғун бўлган буд- 18нинг 20—25 ибодатхоналарини ташкил қилиб, Кушон иодшоҳлигида буддизмининг муҳим аҳамиятга эгалигидан далолат беради. Деворларга солинган расмларни, шкалларни, тоат-ибодат буюмларини, тангаларга, совға қилинган сопол идишларга босилган ҳар хил (чувларни ўрганишлар Қоратепаниннг милоднинг I аср охири ва II асрнинг бошларида бунёд қилинганлигидан, араблар босқинчилигидан кейин улар тугатилган ва кейинчалик вайронага айланган.

Марказий Осиёда бир неча юз мингдан иборат кореис миллатига мансуб кишилар яшайди. Уларнинг оилавий-маиший анъаналари, миллий удумларининг айрим таркибий қисмлари махаяна (шимолий) кўри- нишдаги буддизм таъсирида шакллангандир. Ic

Христианлик. XI асрнинг охирида христианликнинг Шарқда томон ҳаракати ва тарқалиши оммавий туе олди. Бу динни маҳаллий аҳоли орасида тарқатувчилар Шарқнинг айрим вилоятларига илгарироқ кириб борганлар. 280 йилдаёқ Талое (Мерке)да черковлари қурилган бўлиб, Самарқандда (301 йилдан), Марвда (334 йилдан), Ҳиротда (430 йилдан), Хоразмда, Марида ва Марказий Осиёнинг бошқа шаҳарларида епископ- лик, кафедра, миссиялар, кейинчалик Самарқандда, Марвда (430 йиллар), Ҳиротда (558 йиллар) 6—12 епископикдан иборат диний ҳудудий жамоалар, бир- лашмалар бўлган. Хуросонликлар ва суғдиёналиқлар буддистлар, зардуштийлар, монийлар билан бир каторда христианлар ҳам бўлишган. Улар қорахитойлар ва сосонийларга қарам ерларда таъқиб қилинганлар.

Марказий Осиё территориясида исломнинг тарқалиш

даврларида ислом билан христианлик ўртасидаги зиддиятлар, келишмовчиликлар кескинлаша бошлади. Бирок., X асргача Самарканд, Хоразм, Тошкент вилоятларида христианларнинг манзилгоҳлари бўлган. Ҳатто Беруний яшаган даврда ҳам (973—1050/Марвда православ митрополияси бўлган.

Ана шу даврларда христианлик Кавказда ҳам тарқала бошлади. Арманистон (301 йил) ва Грузияда (318 йили) давлат динига айланди. Кавказ Албанияси территориясида эса (ҳозирги Озарбайжон ва Жанубий Доғистон территорияси) IV—VIII асрларда ҳукмрон дин ҳисобланган.

Уша даврдаги кўпдан-кўп ва бир-бирига қарши курашаётган динлар орасидаги Шарқнинг ҳукмронлари томонидан энг кўп ҳомийлик кўрсатилган дин христианликнинг шарқий йўналиши бўлмиш иесторианлик бўлган. Халиф саройларида иесторианлик патриархларига бутун шарқ христианлигининг ҳомийси сифатида қаралган, патриархнинг қароргоҳи эса Константине-, поддан Бағдодга кўчирилган. Несторианлар христианликни Туркистонда, Амургача бўлган Шимолий ва Ғарбий Хитойда тарғибот қилганлар. Несторианликнинг Марказий Осиёдаги таянчи ва исломга қарши курашдаги маркази, 1257 йилдан сўнггина ўз фаолиятини тўхтатган Самарканд митрополияси бўлган. Христианлик мухлислар сони жиҳатдан энг кўп тарқалган (1 миллиард 400 миллион) бўлиб, у бир қанча мустақил черковларга, секталарга, йўналиш ва оқимларга бўлинади: уларнинг ичида католицизм, православие ва протестантизм каби йирик йўналишлар бор.

Христианлик Фаластин ва Урта Ер денгизи яҳудийлари динлари ичида вужудга келди, ўнлаб йиллардан кейин эса бошқа, асосан географик жиҳатдан қаралганда Рим империяси билан боғлиқ ёки унинг сиёсий ва маданий таъсирида бўлган халқлар орасида тарқалди. Янги ва энг янги даврларда у мустамлакачилик сиёсати ва миссионерлик натижасида Европадан ташқарида ҳам тарқалди.

Христианлик вужудга келишининг сабаблари таназулга учраган Рим қулдорлик жамиятининг ижтимоий ва иқтисодий ҳаёт шароитлари, қулдорлик ишлаб чиқариш усулининг инқирози, қулдорлик тартибининг парчаланишлари ва ғоявий муносабатларда ресиубликачилик демократик коидаларининг йўқ бўла бориши, якка ҳокимлик ва мутлак ҳокимиятчиликларнинг мустаҳкам-

I НИШИ каби вазиятлар билан боғлиқдир. Француз врихчиси Н. Эншленнинг: «Христианлик ғалаба қил-III, чунки Спартак мағлубиятга учради» деган машҳур Ибораси бор. Эксплуатация ва ҳуқуқсизлик, умумий ГАртибсизлик ва харобаликлар, очлик, касаллик, урушлар натижасида умидсизликка тушган ва қийин аҳвол-и кутудиш умиди билан боғлиқ бўлган, ўзларининг...охларини мистикага, сеҳргарлик, дуохонлик, аза-Йимхонлик, шунингдек маънавий ҳузур-ҳаловат, маъна-г.iii таскинга жуда муҳтож бўлган кишиларнинг ҳолатларини жуда аниқлик билан ўзида ифода этган хрис-лпллик ҳам ислом каби иудаизм бағрида етилган. Мутлак, абадий, ўзгармас марҳаматни, билимни, бенпхоя қудратнинг эгаси бўлган якка худо ҳақидаги ғояни ўзлаштирган, лекин улардан (ислом ва иудаизмдан) фарқи шундаки, уч кўринишдаги якка худони \ пда мужассамлаштирганлик ақидасини яратди. Уч кўринишдаги худо ҳақидаги таълимотга биноан, худонинг ички ҳаёти сабаби ўз-ўзида мавжуд бўлган учликдаги уч асос ёки «муқаддас учлик» бўлган — ота-худо, ўғил-худо ва муқаддас рухнинг ўзаро муносабатидир. Уғил Исо баён қилинган таржимаи хрлига кўра ота — худодан, муқаддас рух ҳам ота-худодан яратилади (праваслав йўналиши таълимоти), (католицизмда эса ота-худо ва ўғил-худо ҳам худодан туғилади).

Худонинг мужассамланиши ёки Исонинг икки моҳияти — одам моҳияти, худо моҳияти ҳақида, «гуноҳни ювиш», яъни Исонинг ўзини ихтиёрий тарзда қурбон қилиши» ҳақидаги таълимот билан мустаҳкамланди. Христианлик муқаддас рух — ота худо, бола худо ва муқаддас рух — уч юзли худо тўғрисидаги таълимоти, тарғибот-ташкilotчилик, жаннат ва дўзах, охиратда, гўё дунёнинг охири борлиги, Исонинг қайта тирнлиши ҳақидаги ва бошқа ақидаларни ўз ичига олади.

Энг биринчи ажралиш христианликда IV—V асрларда рўй берди, яъни Исох Масих моҳиятини талкин қилишда фарқланадиган иккита диний-ақидавий йўналишлар: монофизилар ва несторианлар бир-бирларидан ажралишди.

Кўпчилик христианлар Исох Ма.сихни ҳам худо, ҳам одам табиатига эга деб билса, Константинополь архимандрати Евтаҳия таълимотининг тарафдорлари бўлган монофизилар у фақатгина худо моҳиятининг бирлигидан иборат дедилар. Константинополь патриархи Нестор қарашлари тарафдори бўлган несторианлар эса у

худо инсонлар ҳаёти каби яшаши учун вужудга келган одамдир, деб тарғиб қилдилар.

Эфес соборида (431 йил) несторианчиликка бидъат деб қаралиб, унинг тарафдорларини таъқиб қилиш бошланди. Натижада несторианларнинг Шарққа кириб, омлавий ҳаракатлар бошлашларига сабаб бўлди.

Хозирги кунда монофизитчиликка Яқин шарқдаги Яқобитчилар, Жанубий Ҳиндистон ва Эфиопия христиан ахрлисининг 96 фоизи амал қилади.

471 йилдан юқорида қайд этилган черковлар Қадимги Шарқ черковлари деб атала бошланди. Несторианлар, энг аввал, Ос—сурийлар орасида тарқалди, булар диний жамоаси ҳозирда ҳам Сурияда, Ироқда, Эронда, Ҳиндистонда бор.

1054 йилга келганда христианликнинг православ ва католик черковига бўлиниши расман тан олинган. Бу бўлиниш Рим империясининг Шарқий ва Ғарбий қисмлари орасидаги феодал муносабатларнинг тафовутларини ўзида ифода этди ва Рим папаси билан Константинополь патриархи ўртасидаги жами христиан черковлари устидан яқка ҳокимлик учун шиддатли курашлар билан боғлиқ бўлди. Христианликнинг алоҳида ва мустақил ғарбий тармоғи Рим католик черкови, яъни умумий, жаҳон Рим черкови деб атала бошлади. Дунёвий ҳокимиятга тобе бўлган Шарқий христианлик грек-католик (грекча — бутун дунё) ёки изчил, собитқадам (ортодоксал) христианлик деб атала бошланди. Православие ва католицизм ораларида умумийлик ҳам, бир-биридан фарқланадиган томонлари ҳам бор.

XVI асрдаги реформация жараёнида феодализм ва капитализмга қарши кенг қулоч ёзган ҳаракатлар Европадаги буржуа революцияларининг энг биринчи нфодалари эди. Католицизмдан бир неча Европа черковлари ажралиб чиқиши натижасида христианликда протестантлик ҳаракатлари вужудга келди. Бунинг доирасида лютеранлик, анабаптизм, англиканлик ва кальвинизм черковлари шаклланди. Бу ҳар бир черковнинг асосий маросимлари жиҳатидан ўзларига хос бўлган томонларга эга бўлиши билан бир қаторда, булар ҳам ўз навбатида бир неча йўналишлар, мазҳаблар ва оқимларга бўлинди.

Хрзирги христианликда турли йўналиш ва оқимлар орасидаги келишмовчиликларнинг камайиши бугунги кун учун хосдир. Бунга 1948 йилда ташкил топган Жа-

Ні Чорковлари Кенгашининг фаолиятлари ва экуменистианлар кўмаклашмоқда.

**Католицизм.** Христианликда энг кўп тарқалган йўналиш католицизмдир. У Европа, Осиё, Африка ва ЮТШ Лмерикаси мамлакатларида тарқалган бўлиб, шслари тахминан 800 млн. кишини ташкил қилиши ин.

Католицизм таълимотида жаннат ва дўзахлар оралиқдаги дунё, гуноҳкорларнинг руҳи, жони ҳақидаги, Исоҳ Масихнинг бенихоя ҳурматлаш ва унинг танаси ва шайтоннинг қўқларга кўтарилиш соҳасидаги диний ақиқатлар мавжуд.

Католицизмда Библияни шархлаш ҳуқуқи фақатгина Рим папасига берилади; чунки улар уйланмаслик шартларидаги диний талабга амал қиладилар. Диний ибодатлардаги асосий қисмлар ва саҳнашатирилган кўринишга эга, шунинг ўқиш, дуо, илтижолар лотин тилида олиб борилади. Православиедаги каби католицизмда ҳам фаришталар, икона, илоҳий куч, чиримайдиган марҳум жасадларига сиғиниш одатлари сақланиб қолган.

Католицизм бошқа йўналишлардан фарқли марказлашган тизимга эгадир. Ватикан ана шундай марказ шартларида (майдони 44 гектар) 1924 йилдан бошлаб Папа Пий XI нинг Муссолини ҳукумати билан тузган битимига мувофиқ мустақил теоретик давлат ҳисобланади. Рим Папаси черковнинг яқка раҳбари бўлиб, у Исоҳ Масихнинг ердаги ноиби ҳисобланади. 1870 йили оьтикод ва ахлоқ масалаларида унинг бенуқсонлиги ҳақидаги ақида қабул қилинди. 1978 йилда собиқ Польша кардинали Король Войтила 264- Рим папаси этиб тайинланди ва у ҳозирга қадар Иоанн Павел II номи билан вазифани бажармоқда.

Сон жиҳатдан унчалик катта бўлмаган католик жамоалари Марказий Осиёнинг айрим ноҳияларида ҳам мавжуд. Тошкентда 1990 йилдан католик маркази тузилди, унинг қошида жумҳуриятимизнинг бошқа ноҳияларидан рўйхатдан ўтган католик диний жамоалари ҳам ўз фаолиятларини олиб бормоқдалар.

Христианликнинг Шарқий тармоғи бўлмиш православиянинг ривожланиши жараёнида 14 мустақил (автокефал) черковлари: Константинополь, Александрия, Антиохия, Қуддус, Рус, Грузия, Серб, Румин, Болгар, Кипр, Эллада, Албания, Польша, Чехословакия, Америка черковлари шаклланди.

1/зининг ахамиятига кўра, православ дунёсида бе-

шинчи бўлган, лекин ўзининг мухлислари сони жихатдан биринчи бўлган рус православ черкови X—XI асрларда вужудга келди. Унинг пайдо бўлиши эндигина шаклланаётган феодал муносабатларнинг химояси учун, янги ғояга мухтож бўлган Киев давлатининг ижтимоий-сиёсий эҳтиёжлари билан боғлиқ эди. Руснинг христианлашуви дарров амалга ошган ижтимоий жараён бўлмай, балки бир неча аср давом этган зиддият-ли тарихий ходиса эди.

Православиенинг Марказий Осиё ахрлиси орасига кириб келиши XVI—XIX асрларга тўғри келади. Аввал савдо-сотик, кейин бу минтақа халқларини мустамлакага айлантиришдан иборат харбий ҳаракатлар жараёнида у кириб келди. 1870 йили Покровск монастири қошида миссионерлик жамияти ташкил килинди, улар маҳаллий миллатларга мансуб аҳоли орасида, гарчи жиддий натижаларга эга бўлмаган бўлса ҳам, христианлик билан боғлиқ, катта ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб бордилар. Шу мақсадда 1844 йили «Каромат кўрсатувчи Николайнинг ҳаёт йўли» номли рисо-лани кирғиз тилига таржима қилдилар ва чоп этдилар, махсус диний мактаблар очилди. 1872 йили Рус православ черковига қарашли Туркистон (кейинчалик Тошкент, Урта Осиё) епархиал бошқармалари очилди.

Православ черкови ҳозирги кунда жамиятимизнинг юксалиши билан боғлиқ тадбирларни қўллаб-қувватламоқда, айниқса диндорларни ахлоқий ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги ўзининг режаларини ишлаб чиқмоқда. Бунда инсон шахсининг кадр-кимматини улуғлайдиган, оила асосини мустаҳкамлайдиган ва меҳнатга, бутун жамиятга нисбатан софдил ва виждонлилиқ руҳида бўлган муносабатларни қарор топтириш назарда тутилган. Черковнинг ички тартибини қайта қуришни амалга оширишга, черкоз ҳаётини янгилашга, руҳонийлар орасида учрайдиган консерва-торлик ва сусткашликларни бартараф қилишларга ҳам катта эътибор берилмоқда. 1988 йилда бўлиб ўтган рус православ черковининг минг йиллик санасини тантанали, улуғвор нишонланиши, рус православ черковининг халқаро обрўсини кўтарилиб боришига таъ-сир кўрсатди. Муҳим санани нишонлаш билан боғлиқ бўлган тантаналар, байрамлар ва бошқа турли-туман тадбирлар руҳонийлар учун ўзларининг фақатгина ило-ҳиётчилик, черковнинг ички ҳаёти ва тартиби билан боғлиқ бўлмасдан, балки жаҳрнда, хусусан Осиё мин-

шрида тинчлик учун кураш, иркий камситишларга қарши бериш, табиатни муҳрфаза қилиш, соғлиқни қўллаш, демократик жараёнларни ривожлантириш, жа- . . . . . раёнларнинг ҳаётни қарор топтириш билан боғлиқ . . . . . ша масалаларни муҳокама қилиш учун фойдалан- . . . . . ишларни қўллаш. Улуғ байрам кунлари диний эътибор ва маро- . . . . . СНМчилик масалаларини ҳал қилишга ҳам қаратилди.

Тошкент ва Урта Осиё епархиал бошқармаси (унга 8 диний жамоа бўйсунди) ҳам мустақил жумҳурият- м виждон эркинлиги талабларига риоя қиладиган Гадбирлар белгиламоқда ҳамда халқлар ўртасида ОСОЙишталик қарор топиши учун ҳаракат қилмоқда.

Православ черкови кўп миллатли минтақада мил- латлар ва ҳар хил йўналишдаги динлар орасидаги муносабатларга, кишиларнинг ахлоқий жиҳатдан тар-биялашга ва жамиятни маънавий жиҳатдан соғломлаш- тириш учун кўмаклашишларга алоҳида эътибор бер- моқда. Шунингдек илоҳиётчиликка оид бўлган қараш- лар системасининг айрим томонларида православиета- га бошқа, шу қаторда ислом билан бир-бирига туташ- бўлган умумий алоқаларни кидирмоқдалар, фан на- мояндалари ва жамоатчилик вакиллари билан боғла- нншларни ривожлантирмоқдалар. У православлар билан мусулмонлар диний бошқармалари ўртасидаги му- лоқотларни ривожлантиришга қаратилган кўпгина йирик тантанали анжуманлар чакирилишининг ташаб- бускори бўлди.

Бундан ташқари рус православия черкови хайрия шаклидаги фаолиятларга: чунончи, ҳалок бўлган жанг- чиларга ёдгорликлар ўрнатиш, урушда жабр кўрган байналмилалчи жангчилар соғлиқларини тиклаш, тинч- лик ва болалар учун мўлжалланган жамғармаларни кўпайтириш ва бошқа шу кабиларга катта эътибор бермоқдалар.

Православиенинг ижтимоий-сиёсий қарашларини ва диндорларнинг диний онглари билан боғлиқ ҳамма ўз- гаришлар, уларнинг дунёқараш мавқеларини ўзгариш- ларига олиб бормайди. Зеро, русга христианликнинг кириб келишини тантанали тарзда байрам қилиниши- нинг ўзи жамоатчиликнинг кенг доиралари орасида муайян таассурот қолдирди. Масалан, бир томондан динга, жумладан ўз халқининг диний қарашларига, черковлар ва бошқа диний ташкилотлар, руҳонийлар- нинг ахлоқий-тарихий жиҳатдан оқланиши, обрў-эъти- бори ва ҳуқуқларининг тикланиши, иккинчи томондан

тарихда диний ғоя билан диний амалиётни бир-бирига карама-қарши қўйишга уринишлар, шовинистик ва миллатчилик хис-туйғулари шаклланишига мойилликларни кўрсатиш лозим. Шунинг ҳам эътибордан соқит қилмаслик керакки, церковнинг бир қанча ижтимоий-сиёсий масалаларга бўлган нуқтаи назарлари унинг ўз мохияти жиҳатидан ҳозирги кунда ҳам илм-фанга зид бўлган диний қарашларга айнан мос келмайди.

Христианликдаги яна бир йўналиш — протестантлик бўлиб, католицизм ва православиедан фарқли ўлароқ, диний қарашлар жиҳатидан ҳам, церковлар орасидаги муносабатлар жиҳатидан ҳам бир хил бўлмаган йўналишларни, фақатгина келиб чиқиши жиҳатидан бир-бирлари билан, XVI асрдаги янгиланиш ҳаракати билан боғлиқ бўлган кўпгина диний жамоалар, церковлар, мазҳабларни юзага келтирди.

Протестантизм умумхристианлик асослари ва қарашларини эътироф этиш билан бир қаторда, у гуноҳдан халос бўлишни янги асосларини илгари сурди. Исоҳ Масихнинг кишилар гуноҳини ювишга қаратилган ўзини-ўзи қурбон қилишига ишонч, динга ишонувчи барча кишиларнинг руҳоний бўлиши мумкинлигига ишонч, Библиянинг олий нуфузига ишонч орқали халос бўлиш ана шулар жумласига киради. Шундай қилиб протестантлик художўйликнинг асосий талабини динда одамнинг ташқи кўринишидан ички ҳаётига олиб ўтди ва уни ихтиёрий диний ишонч билан боғлади. Протестантчилик Библияга сиғинишнинг ўзига хос шаклини қарор топтирди, бу билан протестант ислохотчилари дастлабки христианликнинг олий мақсадларини, юксак орзуларини қайта тиклаш, уни кейинги давр церковлари томонидан «бузилишлардан» халос қилишга интилдилар.

Протестантлик диний маросимларнинг кўпчилигини бекор қилди (фақатгина лютеранликда нон ва вино билан чўқинтиришлар сақланиб қолди). Улганларга бағишлаб дуо ўқиш, азиз-авлиёларга сиғиниш, улар шарафига турли-туман байрамлар ўтказиш, муқаддас мурдаларга, санамларга топиниш бекор қилинди. Ибодат уйлари ортиқча ҳашамлардан, меҳроблар, санамлар, ҳайкаллардан холи қилинди, монастирлар ва монахликдан ҳам воз кечилди, руҳонийларнинг уйланмаслик шарти бекор қилинди. Библия миллий тилларга таржима қилинди, уни шарҳлаш ҳар бир художўйнинг энг муҳим бурчи бўлиб қолди. Лютеранлик, анабап-

ТИЗМ, англиканчилик, калвинизм, цвингчилик протестантизмнинг илк шакллари бўлган. Кейинчалик «сўнгги протестантлик» умумий номи билан маълум бўлган бир қанча диний оқимлар, ташкилотлар пайдо бўлди.

Марказий Осиёда ҳам протестантлик мухлислари учрайди. Лютеран жамоалари Қирғизистонда, Қозоғистонда ва Тожикистоннинг Жанубий томонларида, Туркменистонда, Ўзбекистонда, чунончи Сирдарё, Фарғона нпоятларида яшайдилар. Булар асосан немис миллатига мансуб бўлган диндорлардир. Тошкентдаги лютеранларга, диний тоат-ибодатларини бажаришлари учун, умумий диний эҳтиёжларини қондириш учун улар ихтиёрига 30-йилларда қурилган кирха берилган. Душанбада ана шундай диний мақсад учун диндорларнинг маблағлари ҳисобига ва кенг жамоатчиликнинг жумладан хорижий мамлакатдагиларнинг иштирокида янги Кирха қурилди. Бу жамоада диний ҳаёт билан боғлиқ чўқинтириш, марҳумга жаноза ўқиш, балоғат ёшига етганларни диндорлар сафига қўшиш ва никоҳ ўқитиш маросимлари ўтказилади. Диний байрамлар мунтазам нишонланади, диний тарғиботлар, ваъз ва хутбалар ўқилади, диний мулоқотлар ташкил қилинади.

Марказий Осиёда бошқа протестант йўналишлари ҳам мавжуд бўлиб, улар баптистлар, адвентистлар, иеговистлар, пятидесятниклар, менонитлар деб аталади. Бу сектантчиликлар ҳозирги шароитдаги тарихий ўзгаришлар таъсирини ўзида муайян тарзда ифода этган диний жамоалар ва гуруҳлардан иборат. У келиб чиқишига кўра қуйидаги вазиятларга, эски рус сектантчилик шакллари, протестантчилик ҳаракатига, православиядаги эскича маросимчилик ва бошқа йўналишларга, яъни 1917 йилдан олдинги церковлар орасидаги зиддиятлар ва синфий қурашлар шароитларига бориб такалади.

Эски анъанавий рус сектантчилигига Россиядаги крепостной тузум шароитларига, унинг ғоявий химоячиси бўлган ҳукмрон православ церковига, чоризмга нисбатан кенг дехқонлар оммасининг ижтимоий норозиликларини ўзида ифода этувчи диний ҳаракатлар асосида XVII аср охири ва XVIII аср бошларида вужудга келган духобарлар, молоконлар, христоверлар, субботниклар, екопчилар, иеговист — ильинчилар ва бошқалар киради. Улар сектантликнинг биринчи тоифасини ташкил қилади.

Анъанавий рус сектантчилигининг мухлислари уларни чор ҳукумати ва православ черкови томонидан таъкиб этилиши натижасида Ставрополь ўлкасига (кейинчалик у ердан Канадага), Сибирга, Кавказ ортига, Марказий Осиёга кўчиб борганлар. Марказий Осиёда Христиан сектантчилигининг пайдо бўлиши ва тарқалиши бу ерларнинг Россия чоризми томонидан босиб олиниши ва пул — товар муносабатларининг ривожланиши билан узвий боғланган. Ҳозирги кунларда Қозоғистон, Узбе-<sup>1</sup>кистон, Қирғизистон, Туркменистон ҳудудларида сон жиҳатдан унча кўп бўлмаган молоканлар, духобарлар; христоверлар мавжуд. Тошкентдаги молокан биродарларни жамоаси ва Жиззахдаги жимтурмас (пригун) молоканлар жамоалари жумхуриятдаги энг катта бўлган жамоалар ҳисобланадилар. Молоканларнинг катта бўлмаган гуруҳлари Самарканд, Хоразм, Фарғона вилоятларида ҳам бор.

Сектантчиликнинг иккинчи тоифасига Ғарб мамлакатларида капитализм ривожланишининг турли босқичларида вужудга келган ва Россия империяси территориясида, жумладан, Туркистонда ҳам капитализм муносабатлари шаклланиш жараёнида ва фаол миссионерлик ҳаракатлари натижасида қарор топган сектантчилик киради. Уз мухлисларининг сони жиҳатидан энг каттаси — баптистлар (*юнон.* сув билан чўқинтириш) бирлашмасидир. Узбекстондаги христиан секталарининг 65 фоиздан кўпроғини баптистлар ташкил қилади. Диний таълим ва маросимчилик борасидаги баптизм анъанавий протестантчилик асосларига таяна-<sup>1</sup>ди ва ўзининг янги асосларини ҳам яратади, чунончи<sup>^</sup> улар<sup>1</sup> фақатгина балоғат ёшига етганларни янгитдан чўқинтиришади ва ўз сафларига қўшадилар. Бу маросимни табиий суз ҳавзаларида бажарадилар. Чўқинтириш, нон ва винони татиб кўриш сирли маросим сифатида эмас, балки рамзий маросимлар, ҳаракатлар сифатида қабул қилинади. Ибодат уйларини жиҳозлашда христианликнинг рамзий белгилари ишлатилмайди, ибодатларнинг ўзи Библияни ўқишлар ва шарҳлашдан иборат бўлиб, тарғиботлар ва ашула айтишлар билан қўшиб олиб борилади. Фақатгина Исоҳ Масих билан боғлиқ байрамлар тан олинади, шунингдек, бирлик куни, ўрим-йиғим купу ва бошқалар бор. Фақатгина балоғатга етган ҳолдаги чўқинтиришларни тан олиш билан бирга, баптизм диндорлардан Исоҳ Масих-

НИНГ халоскорлик йўлидаги ўз-ўзини қурбон қилишига ИМИИЙ, «аниқ ишонч» талаб қилинади.

1944 йили собиқ СССРдаги баптистлар жамоалари ми кплчи-христианлар билан бирлашдилар. 1945—47, Пилларда бу бирлашма иттифоқига пятидесятниклар Н амоаси, 1963 йили эса менонитлар жамоалари ҳам қўшилдилар. Инжилчи-христиан баптист жамоалари обик СССРда Инжилчи-христиан баптистлар кен-<sup>1</sup>laiiui томонидан бошқарилиб туриларди. (Бу 1990 йилда пп/кплчи-христиан баптистларнинг иттифоқи деган НОМ олди.) 60-йилларда ипжилчи-христиан баптистларга қарши бўлган марказ ташкил топди ва инжилчи-христиан баптистлар черковининг кенгаши деган ном олди. Узоқ йиллардан буён бу марказ норасмий равишда фаолият кўрсатади.

Ўзбекистонда баптизм ўтган асрларнинг охирларидан бери мавжуд бўлиб, уларнинг Тошкентдаги жамоалари, шу жумладан, «Еттинчи кун» адвентистлари Ислоҳчи-адвентист, пятидесятниклар, менончилик, инжилчи-христиан баптистлар кенгаши, иегова шохидлари каби протестантизм жамоалари ҳам мавжуд.

Протестантчилик бошқармаларининг Марказий Осиё раҳбарияти ўз диний фаолиятларини янада фаоллаштирадиган воситаларни мунтазам тарзда изламоқда, жамоаларнинг тузилишларини мустаҳкамлайдиган жиддий тадбирлар билан шуғулланмоқда, тарғибот-ташвиқот ишларига алоҳида эътибор бериб, диний ғояларни ибодатлари ҳозирги шароитга мослаштириб, замонавийлаштирмоқда. Бу Марказий Осиё протестантчилик йўналишларидаги жамоалар ва уларнинг мухлислари сони жиҳатдан бирмунча кўпайишига, диндорлар орасидаги муайян бошбошдоқлик кайфиятлари юзага келишига ҳам сабаб бўлмоқда.

Ҳозирги кунда Марказий Осиёдаги протестантчилик бирлашмалари янги мустақил жумхуриятларда демократии ўзгаришларга мувофиқлашишга интиляптилар, ислоҳот жараёнларининг ривожланиш тўлқинларида ташвиқот, тарғибот ишларини фаоллаштирмоқдалар, диндорларнинг ижтимоий жараёнлардаги фаол иштирокларининг ўзларига маъқул бўлган шакллари белгиламоқдалар. Динлар ва диндорлар орасидаги ўзаро ҳамфикрлик ва мулоқотлар жамият тараққий этган сари ривожланиб боради. Динлар орасидаги мулоқотлар, ҳрзирги даврнинг асосий хусусиятларидан бири бўлиб, халқаро ахамиятга эга бўлган масалага айлан-

моқда. Марказий Осиёдаги диндорлар орасидаги алоқалар, муносабатларнинг янада чуқурлашуви улар раҳбарияти ва оддий диндорларнинг энг долзарб маънавий-ахлоқий муаммоларини, табиатни асраш ва уни муҳофаза қилиш, болалар ва қариялар ҳақида ғамхўрлик, тинчликни сақлаш ва хайрия ишлари, жамиятнинг демократик жараёнларига ва уни ижтимоий-сиёсий ривожланишига кўмаклашишлар билан боғлиқ, масалаларни ҳал қилишга қаратилган бирлашувлар асосида ривожланмоқда.

#### ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Марказий Осиё халқларида дастлабки диний тасаввурлар қачон ва қандай пайдо бўлган?
2. Зардуштчилик қаерда шаклланган ва унинг асосий ғоялари нима?
3. Сиз Ўзбекистон ҳудудидаги буддизм билан боғлиқ қайси тарихий обидани, ёдгорликни биласиз?
4. Иудаизм дини нима, унга қимлар эътиқод қиладилар?
5. Христианлик қачон ва қаерда пайдо бўлди, ундаги асосий оқимлар қайсилар?
6. Нима учун Киев Руси томонидан христианлик давлат дини сифатида қабул қилинди?
7. Христианлик қайси йўллар билан Марказий Осиёга кириб келди?
8. Христиан сектантчилигининг қандай ўзига хос томонлари бор?
9. Диндор христианлар ва мусулмонларнинг ўзаро мулоқотлари-га интилишларининг ривожланиши қандай шаклларда намоён бўлмоқда?

#### ҲАҚИҚАТ

#### ИСЛОМ — ЖАҲОН ДИНИ, УНИНГ ТУРМУШ ТАРЗИ ВА МАДАНИЯТДАГИ ЎРНИ

Исломи — дунёда кенг тарқалган жаҳон динларидан бири. Осиё китъасидаги Арабистон яриморали, Иордания, Сурия, Ироқ, Эрон, Туркия, Афғонистон, Покистон, Африка китъасидаги Мароқаш, Жазоир, Тунис, Ливия, Миср Республикаси, Сомали сингари мамлакатлар халқлари, Эфиопия, Ғарбий Суданда яшовчиларнинг бир қисми, Малайзия, Индонезия халқлари, Ливан, Ҳиндистон, Хитой ҳамда Филиппин аҳолисининг маълум бир қисми. Европа китъасида эса Болкон ярим-оралида яшовчи халқларнинг бир бўлаги исломга эътиқод қилади. Исломи Марказий Осиё, Закавказье ва Шимолий Кавказ, Волгабўйи, Ғарбий Сибирь ва бошқа

ШриЛ районларда яшовчи аҳолининг бир қисми онги (| турмушида мавжуд бўлиб, бу халқлар турмуш тар-ИИЛ \ t таъсирини кўрсатиб келмоқда. Ер юзида ис- I чътиқод қилувчилар, яъни мусулмонлар бир мил- Ш П •П• Нетди.

Европа, Америка ва Россияда исломи, унинг тарихи || маълумларини ўрганиш, яъни буржуа исломшунос-щгининг шаклланиши XIX асрнинг II ярмидан бош- liinaii. Лекин ислом тарихи, таълимоти, муқаддас ёзув-Ярени таҳлил, тадқиқ қилиш собиқ СССРда, айниқса N |бекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Шимолий Кав- l .'да кенг кўламда амалга оширилган. Бу иш энди ЦНада кенгрок микёсларда олиб борилмоқда.

Глзропалик олимлар исломшунослик фанини яратиш, полони тарихи ва маълумларини ўрганиш йўлида кўп хизмат қилганлар. Уларнинг хулосаларида айрим чек-лаишлар бўлишига қарамай, улар бу фаннинг ривож-ланишига муҳим ҳисса қўшганлар.

Рус шарқшунослигида ҳам ислом тарихи, диний маълумларни тадқиқ қилиш соҳасида баракали ишлар олиб борилган. В. Р. Розен асос солган машҳур «Рус академик шарқшунослиги»нинг вакиллари Н. А. Медников, Л. Э. Шмидт, А. Е. Кримский, В. В. Бартольд, И. Ю. Крачковский, Е. Э. Бертельс, А. А. Семенов ва бошқалар исломшунослик соҳасида қимматли асарлар мратганлар. Бу асарлар ҳозир ҳам исломшунос олим-лар учун бой маъна бўлиб хизмат қилмоқда.

Исломининг пайдо бўлиши ва унинг таълимотини илмий нуқтаи назардан ўрганиш масаласи 30- йилларга келиб собиқ Совет Иттифокида жиддий равишда ўр-тага қўйилди. Бу шарқшунослик ва умуман тарих фа-инининг тикланиш даври эди. Асрлар давомида тарих фани ва буржуа шарқшунослиги эришган ютуқлар ва юзага келтирган хулосаларни илмий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиш ва баҳолашдек жуда масъулиятли ва мураккаб вазифа турарди. Бундай шароитда ҳар бир муҳим илмий масала бўйича хилма-хил фикрлар-пинг мавжуд бўлиши табиий эди. Исломининг пайдо бў-лиши ва таълимоти юзасидан ҳам жуда кўп фикр ва мулоҳазалар ўртага ташланган ҳамда муҳракма ки-лингган.

Бундан кейинги даврларда ҳам исломшунослик со-ҳасида жиддий тадқиқотлар олиб борилди, ислом ву-жудга келишининг тарихий сабабларини, унинг иж-тимоий моҳиятини очиқ бериш йўлида катта ишлар

килинди. Бирок, у даврларда исломга ҳам «сиёсий атеизм» мавкеидан ёндашиб, жиддий хатоларга йўл қўйилган.

#### ИСЛОМ ДИНИ ПАЙДО БУЛГАН ИЖТИМОЙ-ТАРИХИЙ ВА ҒОЯВИЙ МУҲИТ

Исломнинг вужудга келишини таҳлил этиш ўша тарихий давр хусусиятлари, араб қабилалари ўртасида! ҳукмрон бўлган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва? уларнинг диний-ғоявий ҳаёти билан қисқача танишиб! чиқишни тақозо этади.

Арабистон яримороти иқлим шароити ноқулай қумли саҳролар ва тоғлардан иборат бўлиб, кўчманчи ахр-1 лиси V—VII асрларда чорвачилик билан шуғулланаЯ эди.

Яриморолнинг энг яхши иқлим шароитига эга бўл- ган қисмида жойлашган Яман вилояти қадимдан ривож-: ланган қишлоқ, хўжалик ва маданият марказларидан бири бўлган. У ерда қулдорлик тузуми тараккий этган, сўнгги қулдорлик давлати бўлган Химъарийлар под4' шолиги эрамизнинг II асрида ташкил топган ва VI аср1 бошларида таназулга юз тутган. Лекин яриморолнинг бошқа минтақалари — сувсиз саҳролардан иборат бўл- ганлиги сабабли ўтроқ деҳқончилик фақат ва айрим жойларда саҳролар ўртасидаги кичик воҳалардагина бирмунча тараккий этган эди. Бу ерларда деҳқончилик ҳам ноқулай иқлим шароити туфайли ҳар томонлама чекланган эди.

Яриморолнинг чексиз саҳроларида яшовчи, чорва- чилик билан шуғулланувчи араб қабилалари—бад?1 вийлар бундан ҳам оғир шароитда яшар эдилар. Улг ижтимоий тараккийёт жиҳатидан анча орқада қолг? 1 тараккийётнинг уруғ-қабилачилик босқичида эдил VI аср охири—VII аср. бошларида, яъни ислом вуж | га келиши арафасида турли араб қабилаларининг и | тимоий-иқтисодий тараккийёт даражаси бир хил эъ 1 эди. I

ҚадИмий тараккийёт маркази бўлган Яманда рив\* ланган қулдорлик тузуми ҳукмрон бўлиб, ярим ор III нинг шимолий қисмида жойлашган ва Византия ҳаъ III Эрон каби қадимий империялар таъсири остида бўл: 1 минтақаларда савдо муносабатлари эндигина риво. I лана бошлаган, саҳроларда кўчманчи чорвачилик би^ лан шуғулланган араб қабилалари ўртасида патриар-

' I, уруғ-қабилачИлик тартиби ҳукмрон эди. Бу тар- .....in' омирилиши ва синфий муносабатларнинг тар- .....]1hiи даври эндигина бошланган эди.

| >рив и қ л и м шароити ва ишлаб чиқарувчи кучлар I |Иф ривожлаиганлиги' сабабли Арабистон яриморо- |И II яшаган кўпчилик қабилалар тараккийёт жиҳатидан изантия, Эрон, Месопотамия каби қадимий ма- i.....ят марказларига нисбатан анча орқада қолиб м пап эди. Яриморолнинг ғарбий қисмида Қизил ден- |п I қпрғоқлари бўйлаб чўзилган ва Хижоз деб ном ол- Г8Н минтақа бу даврда иқтисодий жиҳатдан бирмунча ривожланганди. Бунинг сабаби сувли воҳаларда деҳ- қончилик билан шуғулланиш имконияти мавжуд бўл- гинлигида ва жанубдан шимолга томон қадимий кар- пон йўли ўтганлигида эди. Тарихий манбаларга кўра, VI аср ўрталарида бу йўл жанубда ^Яман орқали Ха- башистон ва Ҳиндистон билан, шимолда Сурия орқали Миср, Византия ва Эрон билан боғланган. Уз даври учун катта иқтисодий аҳамиятга эга бўлган Хижоздаги айрим аҳоли пунктлари, шаҳарлар, хусусан йўл устида жойлашган Ясриб (Тоиф) шаҳри, VI асрда анча кен- гайган ва гавжум савдо марказларига айланган эди.

Макка савдо маркази сифатида катта аҳамиятга ога бўлиб, атрофдаги қабилаларга бошқаларга нисба- тан кучлироқ таъсир курсатар эди. Араб қабилалари ўртасида Макканинг диний марказ сифатида роли ҳам анча ошган эди. Маккада Каъбатиллоҳ ибодатхонаси турли араб қабилаларининг 360 худоси (санамлари) мавжуд бўлгани туфайли бу шаҳар ўз атрофида яшов- чи кўп қабилалар учун эътикод маркази — зиёратгоҳ- '••аайланганэди.

- Каъба — ислом динида энг муқаддас ҳисобланган «Оллоҳнинг уйи» («Байтуллоҳ») деб ном олган ибо- тхона. У куб шаклида, 10X12X15 ўлчамда қулранг .-"дан қурилган бўлиб, унда ислом динида муқаддас- шгирилган қоратош \ («Хажар ал-асв од»Х жойлаш- 'рилган; у ерда Қуръоннинг қадимий қўлёзмаси сак- 1ади. Каъба мусулмонлар учун қибла ҳисобланади •қиблага қараб намоз ўқилади.

' Каъба ислом вужудга келмасдалцбир неча аср ил- ;и маълум бўлган. ЭрамизнингПуасерида юнон сай- лари у ерда бўлиб, бу ибодатхон^ни ва унинг атро- идаги кичик манзилгоҳни кўрганликлари ҳақида- маълумот қолдирганлар. Каъба ибодатхонаси ўша ерда мавжуд бўлган ва сувсиз саҳрода араблар учун нажот

манбаи сифатида муқаддаслаштирилган «зам-зам» булоғи билан боғлиқ холда вужудга келган, деган тахминлар мавжуд. Бу булокни яратиш учун худога ибодат қилиб, шу ерда қурбонлик қилиш араблар ўртасида қадимдан раем бўлган ва бу ходиса Куръоннинг «ал-Кавсар» («Чашма») деб аталган 108-сурасида ҳам ўз ифодасини топган.

Демак, ислом вужудга келмасидан 400—500 йил илгари ҳам муқаддас ҳисобланган бу чашма ва у билан боғлиқ равишда вужудга келган Каъба ибодатхонаси VII асрнинг 30-йилларида исломлаштирилган ва янги динда энг муқаддас жой деб эълон қилинган.

V—VI аерларда Маккада арабларнинг қурайш қабиласи ҳукмрон бўлиб, буларнинг юқри табақалари савдо-сотик авж олиши натижасида анча бойиб кетган; пул муомаласи, судхўрлик ривожланган, шунингдек, кул савдоси ва қулларнинг меҳнатидан фойдаланиш ҳам анча кенгайган.

Шарқшунос олимларнинг тадқиқотлари шундан далолат берадики, қадимий Яманни истисно қилганда, Арабистон яримролида яшовчи қабилалар учун V—VI аерларни иқтисодий уруғ-қабилачилик тузуми емирила бошлаган ва қулдорлик муносабатлари вужудга кела бошлаган давр, деб таърифлаш мумкин. Уша даврда кучли империялар бўлган Византия ва Эрон ўртасида Яманни қўлга киритиш ва қарвон йўлларида ўз ҳукмронлигини ўрнатиш учун кураш давом этган.

Яман сосонийлар ҳукмронлигига ўтган даврларда (572—628 йиллар) Эрон кўрфази орқали Ҳиндистонга борадиган йўл тез ривожлана бошлаган ва шу муносабат билан Ҳижоз орқали ўтган қарвон йўли инкирозга учраган. Бу ҳол фақат Ҳижоз шаҳарларигагина эмас, балки барча араб қабилалари ҳаётига ҳам жиддий таъсир кўрсатган ва Арабистонда ижтимоий-иқтисодий инкирознинг бошланишига сабаб бўлган.

Савдодан келадиган даромад камайиб кетиши натижасида қурайш зодагонлари ўртасида судхўрлик авжга чиққан; қуллар, камбағалларни эзиш кучайган Макка ва Ҳижознинг бошқа шаҳарларида мазлумлар билан золимлар орасидаги қарама-қаршиликлар кескинлашган. Бир томондан, кул эгалари билан қуллар ўртасида, иккинчи томондан, қабила зодагонлари билан оддий меҳнатқашлар ўртасида синфий қарама-қаршиликлар кучайган. Қабилаларнинг юқори табақалари, айниқса, Макка зодагонлари қўшни мамлакатларни

босиб олиб катта бойлик, ўлжани қўлга киритиш ва шу орқали ҳокимиятни мустаҳкамлаш, иқтисодий кризисдан қутулиш ҳақида тез-тез ўйлай бошладилар.

Аммо тарққлик ва келишмовчиликларга барҳам бериш, барча араб қабилаларини, уларнинг иқтисодий ва ҳарбий имкониятларини ягона давлатга бирлаштириш зарур эди.

Араб дунёсида VI аср охири ва VII аср бошларида ЮЗ берган жиддий тарихий воқеалар араб қабилаларининг ижтимоий ҳаёт тақрзоси билан вужудга келган марказлашишга интилишга асосланганди. Ислом айна шу интилишни ўзида акс эттирган мафкура сифатида юзага келган, марказлашган араб давлатининг вужудга келиши, қўшни мамлакатларнинг босиб олиниши, араб халифалигининг кенгайиши жараёнида кучли ғоявий қурол сифатида хизмат қилган.

Уз-ўзидан равшанки, ҳеч қандай диний таълимот бошқа мавжуд диний тасаввурлардан ажралган холда ва мустақил асосда вужудга келмайди. Ислом мавжуд диний системалар орасида энг кейингиси эди. Араб қабилалари ўртасида илгари тарқалган ибтидоий, политеистик диний тасаввурлар, шунингдек, иудаизм, христианлик, зардуштийликка хос таълимотлар исломнинг илк ақидалари таркиб топиши учун асос бўлиб хизмат қилган.

Марказий ва Шарқий Арабистон саҳроларида яшган араб бадавийлари ўртасида ибтидоий тузумга хос бўлган диний тасаввурлар ҳукмрон эди.

V—VI аерларда бу қабилаларнинг диний эътиқодлари тотемизм, фетишизм ва анимизм каби диний тасаввурларнинг қоришиғидан иборат эди. Кўп қабилалар алоҳида тошларга эътиқод қилар, инсонга ёрдам берадиган эзгу руҳлар, ёвуз жинлар ва шайтонлар тўғрисидаги тасаввурлар кенг тарқалган эди.

Ҳар бир қабила ўз худосининг санамига сиғинар, топинар эди. Бу ҳол диншуносликда кўп худолиқнинг арабларга хос кўриниши, деб таърифланади. Қўрғонда бундай эътиқод ширк деб ном олган. Бундан ташқари араб қабилалари ўртасида Қуёш ва Ойга топиниш ҳам мавжуд эди. Бу ёритгичларга топиниш қадимий Бобил (Вавилон) дан келиб чиққан бўлиб, бу эътиқод кейинчалик кўп халқлар ўртасида тарқалган. Бунинг таъсири остида ўрта аерларда Шарқ ва Ғарб халқлари ўртасида астрология деган фан (Шарқда «илми нуҷум») вужудга келган. Унга биноан сайёралар ва юл-

дузларнинг ҳолатига қараб воқеа ва ҳодисаларни олдидан айтиб бериш мумкинлигига эътиқод қилинган. Бу билан шуғулланувчи астролог (мунажжим) лар сароида муҳим мавқега эга бўлганлар. Ана шундай маъбудалардан учтасининг номи ал-Узза, ал-Лот ва Манот Қуръонда ҳам сақланиб қолган.

Макканинг ўз атрофидаги араб қабилаларига таъсирининг кучайиши Қабба билан боғлиқ бўлгани юқорида таъкидлаб ўтилди. Милоддан аввал вужудга келган бу қадимий ибодатхонада кўп қабилаларнинг санамлари сақланар эди. Милодгача араб қабилалари эътиқод қилган худолардан саккизтасининг номи ал-Лот, ал-Узза, Манот, Бадд, Суваъ, Йағус, Иаъук, Наср Қуръонда ҳам сақланиб қолган.

Арабистон ярим оролларида яҳудий, христиан, оташпараст ва собийлар<sup>1</sup> ҳам яшар эдилар. Иудаизм Яман араблари ўртасида кенг тарқалган бўлиб, VI аср бошларида химърийлар подшолигида у давлат дини деб эътироф этилган. Иудаизмга эътиқод қилувчи араб қабилалари Марказий ва Ғарбий Арабистоннинг айрим воҳаларида ҳам яшар эдилар. Бу динга эътиқод қилдиган араблар — контлар ҳали ҳам анчагина.

Христианлик асосан ярим оролнинг шимолий қисмида — Сурия, Фаластин, Месопотамия территориясида яшайдиган араб қабилаларидан баъзилари ўртасида тарқалган эди. Бу ерлар айрим даврларда Византия таркибига кирган ёки унинг сиёсий • таъйиқи остида бўлган территориялар эди. Араб қабилалари ўртасида кўпинча христианликнинг айрим мазҳаблари ва оқимлари тарқалган эди. Академик В. В. Бартольд фикрича, христианлик Арабистонга Ғассонийлар ва Лахмийлар давлати орқали кириб келган.

Шундай қилиб, яҳудийлик ва христианлик динлари ҳамда уларнинг айрим мазҳаб ва оқимлари ислом пай-

<sup>1</sup>. Собийлар — бошқа динларга эътиқод қилувчилар катори Қуръонда тилга олинган; бу халқ Қуйи Месопотамияда яшаган. Мандайлар (баъзан харранлар) ҳам дейилган. Улар осмон ёриткичларига эътиқод қилганлар. Баъзи слимларнинг тахмин қилишларича, собийлар қадимий Бобил қрдикларидан, бошқаларнинг фикрича, христианликнинг кичик ва жуда узоклашган мазҳабига эътиқод қилган бўлиши мумкин. Лекин бундан бошқа иккинчи бир элат ҳам ана шундай ном билан Қуръонда тилга олинган. Бу элат араб қабилаларидан бўлиб, Жанубий Арабистонда (Яман территориясида) яшаган ва Қусшга топинган. Бу мамлакат ҳукмдори хотин киши бўлган. Уларда энг қадимий араб ёзувларидан бири (собий ёзувлари) вужудга келган. Бу элатдан бир қанча ёдгорликлар сақланиб қолган.

до бўлиши арафасида араб қабилалари орасида маълум даражада тарқалган эди.

V—VI асрларда араб қабилалари уруғ-қабилачилик тузуми эмирига бошлаган, ибтидоий диний тасаввурлар лапазулига юз тутган. Қабилалар ўртасида марказлашишга бўлган интилишнинг ғоявий инъикоси сифатида якка худоликка хос диний ақидалар шакллана бошла-**ian**. Якка худолик тўғрисидаги бундай диний таълимот исломдагина шаклланган эмас, балки у пайдо бўлмасдан бирмунча вақт илгари Арабистоннинг айрим жойларида тарғиб қилина бошлаган эди. Ислом эса ана шу тарғиботларнинг галдаги шаклланиши ва тарқиб топишининг натижаси сифатида вужудга келган.

Исломдан илгари араб қабилалари орасида якка худолик тўғрисида тарғибот юритган, ўзини пайғамбар деб эълон қилган шахслар тарихий манбаларда «ханифлар» номи билан маълумдир. Исломнинг пайдо бўлиши араб қабилалари ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий таракқиётнинг муайян босқичи билан боғлиқ бўлган.

## 2. МАККА ВА МАДИНАДА МУҲАММАД ПАЙҒАМБАР ТАРҒИБОТИ

Исломда пайғамбар сифатида эътироф этилган, қурайш қабиласининг хошимийлар хонадояидан бўлган Муҳаммад ибн Абдулло ислом таълимоти шаклланишида муҳим роль ўйнаган.

Тарихий манбалардаги ва Қуръон оятларидаги айрим ишораларга кўра, Муҳаммад пайғамбар 570/71 йилда Маккада туғилган, ёшлигида етим қолган, аввал бобоси қўлида, у вафот этгач, амакиси қўлида тарбияланган, балоғатга етгач, савдогарлар қўлида хизмат қилган. 25 ёшида бева бой хотин Хадичага уйланган ва унинг маблағлари билан мустақил савдогарлик қила бошлаган. Савдо қарвонлари билан Сурия, Фаластин ва Месопотамиянинг айрим шаҳарларида бўлган, у ердаги диний эътиқодлар билан танишган, руҳонийлар билан суҳбат қилган. Муҳаммад пайғамбар тахминан 39—40 ёшларга кирганда Маккада якка худога эътиқод қилиш тўғрисидаги тарғиботни бошлаган.

Бирок бу таълимот, юқорида таъкидланганидек, ислом дин сифатида юзага келишидан анча илгари вужудга келган. Уша пайтларда, ҳар бир қабилла ўз ху-

досига эътикод қилган шароитда араб қабилалари орасида парокандалик кучли бўлган. Тарихий вазият буларни бирлаштиришни тақозо этган. Натижада якка худолилик тўғрисидаги дастлабки ғоялар юзага келиб, улар таълимотга айлана борган. Якка худога эътиқрд қилишни дастлаб тарғиб этган ханифлар (ҳақиқат изловчилар, эътиқрд қилувчилар) бу таълимотни Хижоз ва Арабистоннинг бошқа айрим вилоятларида тарғиб эта бошлаганлар.

«Ханиф» термини Қуръон оятларида бир неча бор учрайди ва кўпинча Иброҳим номи билан боғлиқ ҳолда тилга олинади. Исломда «Иброҳим халилуллоҳ» (Оллоҳнинг дўсти) номи билан юритиладиган пайғамбардир. Қуръонда Иброҳим тўғрисида шундай дейилади: «Иброҳим яҳудий ҳам, насроний ҳам эмас, балки ҳақ йўлдан тоймаган ҳолда (Оллоҳга) итоат қилувчи киши бўлган. У мушруқийлардан ҳам бўлмаган» (3—67) Арабда «муслим» «ўзини Оллоҳга топширган» деган маънони беради. Қуръон вужудга келмасдан илгари, ислом оғзаки тарғиб қилинган даврда бу сўз «Оллоҳ ихтиёрига топшириш» мазмунини берган. Кейинчалик «исломни қабул қилиш», «итоат этиш» мазмунини касб этган. «Мусулмон» «муслим»нинг бир оз ўзгарган шаклидир.

«Ханиф» термини Иброҳим билан боғланган ҳолда тилга олинган ўринлар ҳам, ўзи алоҳида келган жойларда ҳам «ҳақиқий мусулмон», «астойдил эътиқрд қилувчи» маъносида тушунилганлиги равшан. Шунинг учун булса керак, кейинги давр ислом анъанасида бу терминни «мусулмон» термини билан ўринсиз равишда бир маънода тушуниш одат бўлиб қолган. Аслида ислом динида мусулмон шахсни англатади. Утган аср ўрталарида Қозонда босилган Қуръоннинг 3-сураси 89-оятига берилган изоҳда «ханиф ҳозирги мусулмоннинг ўзидир»<sup>2</sup>,— дейилган.

«Ханиф» сўзи фақат Қуръонга хос термин бўлмасдан, у ислом дин сифатида вужудга келмасдан анча илгари ҳам якка худога эътикод этишни тарғиб қилувчи шахсларнинг номи сифатида маълум бўлган. Якка худолилик тўғрисидаги бу таълимот ва унинг тарғиботчилари дастлаб Яман вилоятида яшаган араб қабилалари

ўртасида маълум бўлган. Бу қабилаларнинг номи ҳам «бану ханифа» (ханифа авлодлари) бўлган. Демак, «ханиф» термини билан «бану ханифа» ўртасида ҳам қандайдир боғланиш бўлиши мумкин. Бу масала юзасидан академиклар Н. Н. Марр, В. В. Бартольд, шарқшунос Н. С. Каштанов ва бошқа олимлар тадқиқот олиб борганлар.

Хижозда бир неча «ханифлар» деб аталган ягона худога эътиқоднинг тарафдорлари Муҳаммад пайғамбаргача ҳам бўлган ва улар христиан ёки яҳудий бўлмаганлари ҳолда якка худога ва охират қунига ишонганлар. Улардан Мусайлима, Сажжох, Тулайх, Асвод қабилаларнинг номи ривоятларда сақланиб қолган.

Муҳаммад пайғамбар ханифлар тарғиботини маъқуллаган ва ислом тарғиботини бошлаган. В. В. Бартольд ўзининг «Мусайлима» асарида ханифлар тўғрисида, айниқса ямомада ханифлар тарғиботини олиб борган, аввал Муҳаммад пайғамбар билан яқин алоқада бўлган, кейинчалик мусулмонлар давлатига қарши курашиб, Абу Бакр даврида жангда ҳалок бўлган Мусайлима ҳақида кенг маълумотлар келтирилган)

Диний назарияда ислом Оллоҳ томонидан юборилган сўнгги мужассам дин эканлиги, Қуръон Оллоҳнинг мўъжиза каломи бўлиб, Муҳаммад пайғамбарга ваҳий тарзида тушган, тиловати ибодат ҳисобланувчи китоб деб тушунилган. Илк ваҳий, диний таълимотга кўра рамазон ойининг йигирма еттинчи қунига ўтар кечаси милодий ҳисоб билан 610 йилнинг 31 июлидан 1 августига ўтар кечаси бошланган ва 23 йил давом этган. Ваҳий тушган тун «Лайлатул қадр» деб атала бошлаган. Бу ходиса Қуръоннинг 97- «ал-Қадр» сурасида ифодаланган. Муҳаммад пайғамбар тарғиботи бошланган дастлабки йилларда жуда оз киши унинг изидан борган. Шу билан бирга қурайшийларнинг уммавийлар хонадонига мансуб бўлган ва Маккада сиёсий ҳокимият тепасида турган зодагонлар ўша даврдаёқ унинг тарғиботига қаршилиқ кўрсата бошлаганлар. Бадавийлар ҳам уни қўллаб-қувватламаганлар. Маккада аҳволи жиддийлашгач, Муҳаммад Макка ҳукмдорлари билан рақобатлашиб келган қабилаларнинг вакиллари билан музокаралар олиб борган ва 622 йили уларнинг ёрдамида Мадинага хижрат қилган, кейин кўчиб кетган.

<sup>1</sup> Қавс ичидаги шарҳлар Қуръоннинг ўзбек тилига таржимасини тайёрлаган Алоутдин Мансуровга тааллуқли.

<sup>2</sup> Л. И. Климович. Ислам. М., 1965, с. 30.

<sup>1</sup> В. В. Бартольд. Соч., т. VI, «Наука», 1966, с. 549.

Мусулмонларнинг хижрий йили ҳисоби шу кўчиш (арабча «хижра») д'ан бошланган. Маккадан кўчиб борганлар ислом тарихида «муҳожири» (кўчиб келган)лар, мадиналик қабилалардан исломни қабул килганлар эса «ансор» (ёрдамчи)лар деб ном олганлар.

Илк исломни вужудга келаётган кулдорлик тузуми мафкураси, деб баҳолаш тарихий ва илмий жиҳатлардан тўғридир. Бироқ ислом тарихидаги айрим масалалар, воқеаларни, хусусан, хижранинг сабабларини изоҳлаб бериш учун етарли эмас. Чунки, тарихий манбаларга қараганда, Макка зодагонларининг ўзлари биринчи навбатда кулдорлар эдилар. Муҳаммад иайғамбар тарафдорлари эса, аксинча, қисман савдогарлар ва ўртаҳол кишилардан, кўпчилик қисми камбағал та'бақаларнинг вакилларидан иборат эди.

VI аср охири—VII аср бошлари Маккада сиёсий ва иқтисодий зулм кучайган, бунинг натижасида камбағал табақалар билан зодагонлар ўртасидаги синфий қарама-қаршиликлар жиддий кескинлашган давр эди. Шундай бўлгач, янги тарғибот бошлаган ва маълум ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий программа билан майдонга чиққан ҳар қандай шахе ўз даврида мавжуд бўлган синфий кучлар ва қарама-қаршиликларни хиёобга олишга ва томонлардан бирининг тарафини олиб, иккинчисига қарши туришга мажбур эди. Муҳаммаднинг ана шу зодагонлар тарафида турмаганлиги унинг қувғун қилиниши ва кўчиб кетиши каби тарихий фактлардан кўриниб туради. Бинобарин, у дастлаб Макка зодагонларига қарши, уларнинг манфаатига зид тарғибот юритган. Ҳақиқатда ҳам Қуръоннинг илк даврларига оид сураларида тарозидан алдовчи қ-аллоблар ва судхўрлар билан бир қаторда, ноҳақ йўл билан бойлик тўплаганларни — судхўрларни ва умуман бадавлат зодагонларни фош қилишга қаратилган сўзлар анчагина учрайди. Чунончи, «Тарозидан алдовчилар» («Ал-Мутаффарин») деб аталадиган 83-сура қуйидаги оятлар билан бошланади: «Улар одамлардан (бирон нарсани) ўлчаб олган вақтларида тўла қилиб оладиган,<sup>1</sup> уларга ўлчаб ёки тортиб берган вақтларида эса кам қилиб берадиган кимсалардир» (1—3). Шунини эътиборга олиш керакки, «ўлчаб бериш» тушунчаси ар'абларда «тўлаш» мазмунида ишлатилган, чунки арабларда пул зарб қилинмаган, савдо алоқаларида тилла, кумуш ва бошқаларни ўлчаб тўлаш одати бўлган. Шунинг учун «тарозидан алдаш» сўзи нархдан ортиқча олиш ёки

1, | M iv.iaiii') маъносини англатади. П' -1... , генгма-тенг фойда олувчилар — с |1... |a \nm худди шундай сўзлар учрай; \*? £Г^|

Шу сабабли ҳам дастлабки даврлар/... араллар Муҳаммад тарғиботида э| ||ММвДНинг ўзи камбағаллашган хош. НИ |Н| жаилиги, Маккада ҳукмрон бўлган

1 и iii. 'iap у М М а в и й л а р хонадонига мансублиги, in |и| конадон ўртасида бирмунча даврлардан бўён и |1|н на иқтисодий рақобат ҳукм сурганлиги тарихий МийИбалардан маълум. Бундай шароитда Муҳаммад «ошимийлар хонадонининг илгариги шон-шухрати ва цокимиятини тиклаш учун ҳаракат қилиши ўз-ўзидан йавшан. Шунинг учун ҳам Макка зодагонлари билан |ухаммад ўртасидаги қарама-қаршиликни, биринчи Навбатда, бадавлат қурайш қабиласи хонадонларининг нчкп рақобати, улар ўртасидаги ҳоқимият ва бойлик учун курашнинг намоён бўлиши, деб таърифлаш илмий на тарихий ҳақиқатга тўғри келади.

Уз замонасининг сиёсий ша ғоявий муаммоларини чх|ии тушунган Муҳаммад Макка зодагонларига ра- ain курашда камбағал табақаларни ўз тарафига оғдириш лозимлигини ва бунга эришиш учун қандай тарғибот юритиш зарурлигини яхши билган. Шунинг учун \;|м ўз тарғиботида зодагонларни харом бойлик тўп- лпичпларни фош қилиш, бу йўл билан камбағал табақаларнинг вакилларини ўзига оғдириш ва уммавийлар- ia қариш курашда улардан фойдаланишни мақсад қилиб қўйган бўлса керак. Бу фикр ҳақиқатга яқин экан- лигини ислом тарихининг кейинги даври ҳам, Муҳам- мад вафотидан кейин шаклланган асосий диний манба- ларнинг умумий мазмуни ҳам яққрл кўрсатиб туради.

Макка зодагонлари манфаатига зид тарғибот олиб борган Муҳаммаднинг таъқиб этиш кучайган. Айниқса, ўли мажусий бўлса-да, унга хомийлик қилган амакиси Лбу Толибнинг вафотидан кейин Муҳаммад пайғамбарнинг ҳаёти хавф остида қолган. У ўзига содик барча кишилар билан Ҳижознинг шимолида жойлашган, унинг даврида «Мадина», яъни «Шаҳар» деб қайта номланган Ясриб шаҳрига кўчиб кетишга мажбур бўлган.<sup>1</sup> Қуръон оятларининг мазмунига қараганда, бу кўчиш анча вақт давом этган. Муҳаммад орқасидан одам-

<sup>1</sup> Бу ҳақда батафеил маълумоти В. В. Бартольднинг юқорида кайд этилган асарларидан олиш мумкин.

лар бирмунча вақт давомида гуруҳ-гуруҳ бўлиб келиб турганлар. Маккадан кўчиб келганларнинг кўпчилиги камбағаллар ва ночор кишилар эди. Шунинг учун ҳам дастлабки даврларда ансорлар уларга ёрдам кўрсатганлар.

Мадина шаҳрида Муҳаммад тарғиботини кўллаб-куватлаган ва унга эргашган муҳожир ва ансорлардан иборат мусулмонлар жамоаси (умма) вужудга келди. Бу жамоага Мадина арабларининг аъзо бўлиб кириши хижрийдан кейинги йилларда давом этган. Муҳаммад катта кучга айланган жамоага раҳбарлик қилар экан, ўз тарафдорларига Расул — «Оллоҳнинг элчиси», одамларга илоҳий йўл-йўриқ ва қонунларни етказувчи пайғамбар бўлиб танила бошлади.

Муҳаммад бошчилигидаги Мадина шаҳри араблари маккаликларни ҳам исломга бўйсундиришни, бу икки шаҳар ўртасидаги келишмовчиликка чек қўйишни асосий мақсадларидан бири қилиб қўйган эдилар. Шу муносабат билан 624 йилда Бадр қудуқлари олдида, 625 йилда Ухуд тоғи этагида жанглар бўлган.

626 йилда маккаликлар мадиналикларга узил-кесил зарба бериш мақсадида Мадина жамоасига қарши йирик сафарга отланишган. / Муҳаммад Мадинани узок камал шароитига тайёрлаган, шаҳар атрофига чуқур хандақлар қазилган ва у ерларга камшир ўқчилар жойлаштирилган камал дидиш<sup>1</sup> узокқа бормаган, чунки Ўсий Шла Гши ўнми отларТГхГан дақларга туттиб кртхан, кишнинг совуғи, изғирин ш2молиг камалчилар бардош беролмадилар, аксинча, улар уртасида низолар ди!^а-ДҰШлаган» Мадина қамалининг беТПрИ^йлиниши, Мадина жамоасини янада жипслаштирган, унга янгидан-янги бадавлат қабилалар келиб қўшилган<sup>1</sup>.

• Пекин мусулмонлар жамоаси тез -кенгайиб ва кучайиб борган, у ерда қабилалар бирин-кетин ислом динини қабул қила бошлаганлар. Исломни қурол кучи билан қабул қилдириш ва буни хохламаган қабилаларга қарши уруш олиб бориш ҳам ана шу даврдан бошланган.

Мадинадаги мусулмонлар жамоаси қисқа вақт ичида кичик, лекин кучли давлатга айлана борган. Муҳожир ва ансорлар орасидан -бир гуруҳи Муҳаммад

м.пи амбарга яқин турар, унинг маслаҳатчилари ҳисоб-қисми эди. Булар ислом тарихида «саҳобалар» ёки и облар» деб ном олган.

628 йили мусулмонлар жамоаси учун айниқса муқим бўлган бир воқеа юз берган. Муҳаммад пайғамбар хали ҳам Каъбани муқаддас деб эътироф этишини Имомийш қилиш мақсадида бир гуруҳ мусулмонлар билан бирга, барча қабилалар хаялга борадиган мавсумда Маккага жўнаган. Аммо унинг келишидан шубҳа тушган уммавийлар Маккадан анча нарыда — Худайбия водийсида уни тўхтатганлар. Музокаралар бошлапиб, ўртада шартнома тузилган. Шартномага асосан мадиналикларга келаси йилдан бошлаб ҳажга келишга ижозат берилган. Шартнома тузилган вақтда Муҳаммад пайғамбар ва унинг ҳамроҳлари орқага қайтиб кетишни, маккаликлар эса, ўз навбатида, келаси йилдан бошлаб мадиналикларнинг ҳажга келиши учун шароит яратиб беришни ўз зиммаларига олган<sup>1</sup> лар. Шундай қилиб, «Худайбия сулхи» деб ном олган бу ҳужжатда Макка зодагонлари Мадина мусулмонлар жамоасини мустақил давлат сифатида биринчи марта эътироф этишга мажбур бўлганлар.

Бундан кейинги давр мобайнида Мадина давлати янада кучайган, атрофдаги араб қабилаларига қарши юришлар қилиниб, уларнинг кўпчилиги бўйсундирилган. Бу давлатнинг мавқеи Маккага нисбатан жиддий равишда кучая борган. Натижада Макка зодагонлари Муҳаммад пайғамбар билан келишиш йўларини излай бошлаганлар.

629 йил охирида маккаликлар раҳбари Абу Суфён махфий равишда Мадинага келган ва Муҳаммад пайғамбар билан музокара олиб бориб, агар у Макканинг диний марказ бўлиб қолишига рози бўлса, шаҳарни мусулмонларга жангсиз топширишга рози эканлигини билдирган. Муҳаммад пайғамбар бунга рози бўлган ва ўртада шартнома тузилган.

630 йил баҳорида Мадина кўшинлари Маккага яқинлашганлар ва ҳеч қандай қаршиликсиз шаҳарга кириб борганлар. Зодагонлар Муҳаммад пайғамбарни пешвоз чиқиб кутиб олганлар. Шу вақтдан бошлаб у билан Макка ҳукмронлари ўртасидаги рақобат ва қарама-қаршиликлар тугаган. Улар Муҳаммад пайғамбарнинг яқин ёрдамчиларига айланиб, мусулмонлар давлатида юксак лавозимларни эгаллай бошлаганлар.

<sup>1</sup> Ислом. Справочник, 108- бет.

Муҳаммад пайғамбар хижрий 11-йилнинг раби-ал-аввал (632 йил июнь) ойда Мадинада вафот этган. Бу даврда анчагина мустақкам мусулмон давлати вужудга келган; у Ямандан Сино яримролигача, Қизилденгиз соҳилларидан марказий қум саҳралари — Саҳрои Кабиргача чўзилган катта территорияни ўз ичига олган эди. Муҳаммад пайғамбар вафотидан кейин унинг ўринбосарлари (халифалар) давлатни бошқара бошлаганлар. Шу муносабат билан мусулмонлар давлати ўзининг бундам кейинги тарихида «Араб халифалиги» деб ном олган. Муҳаммад пайғамбар вафот этган биринчи кунларданок мусулмонлар жамоасининг йўл-бошчилари ўртасида ҳркимият учун кураш ва ўзаро ихтилофлар бошланган. Бу курашда муҳожирлар гуруҳи ғолиб чиққан ва Муҳаммад пайғамбарнинг илк сафдошларидан бири Абу Бакр халифа деб эълон қилинган.

Абу Бакр ҳукмронлигининг (632—634 йиллар) дастлабки йиллариданок бир қатор араб қабилалари ўртасида Мадина ҳукмронлигига қарши ўз мустақиллиги учун ҳаракат бошланган. Бундан ташқари айрим жойларда ўзини пайғамбар деб эълон қилган маҳаллий тарғиботчилар раҳбарлиги остида исломга қарши диний-ғоявий мустақиллик учун кураш бошланган. Византиянинг кучсиз қўшинлари жиддий қаршилик кўрсатишга ожизлик қилганлар. Халифа Умар замонида истилолар янада кучайган; 634 йили Басра, 640 йили Қуддуси Шариф олинган ва Фаластин, Сурия ерлари тўла равишда халифалик қулига ўтган. Шу вақтнинг ўзида Месопотамия ва Эронга ҳам юришлар бошланган. 637 йили араб қўшинлари сосонийлар пойтахти Ктесифонга бостириб кирганлар, 644—645 йилларда Ҳиндистон чегараларига яқинлашганлар. 639 йилда Мисрга қарши ҳужум бошланган, шимолий ва шимоли-шарқий томонга юриш бошлаган араб қўшинлари 640 йилда Арманистонни босиб олганлар, 647 йилгача араблар Шимолий Африка қирғоқларини Тунисгача босиб олганлар.

Улардан кейинги халифалар — Усмон (644—656) ва Али (656—661) замонларида ҳам истилолар давом этган. Кавказ ва Марказий Осиё томонига ҳарбий юришлар кучайган. Қисқа вақт ичида Грузия, Озарбайжон, Эроннинг шимолий қисми, Хуросон, Марв ерлари араблар қўли остига ўтган ва халифалик қўшинлари Амударё соҳилларига чиққан. Шундай қилиб, 30 йилдан

" ч " ч мuddат ичида араб халифалиги юқорида эслатилган. Мl мртлари, ўша замондаги энг катта империя бўлган Ви штияга қаршли катта территорияни ҳам босиб олган, сосонийлар империясини тамомла йқитган.

Натижада Амударё соҳилларидан Шимолий Африкага, Тбилиси ва Д'арбанддан Яман ҳамда Уммонга чўзилган янги империя вужудга келган. Араб қўншплари бадавийлар ва бошқа ҳар хил қабилалардан I ИЛган бўлиб, ўз замонининг ҳарбий санъат ва техника даражасидан ҳам анча орқада эди. Осонлик билан I П эришилган ғалабаларнинг асосий сабаби уларга • и I дпй қаршилик кўрсатадиган кучнинг йўқлигида, борларининг ҳам тарқоклигида эди. Қадимий империялар — Византия ва Эрон ўзаро урушлар туфайли " . I чаи тойган, империяларнинг қудрати сўниб, чирий (шшлаган эди. Шимолий Ҳиндистон, Марказий Осиё ва Кавказда ҳам йирик давлатлар йўқ эди, майда феодал ланлатлар ўзаро урушлар натижасида кучсизланган ва гарқок холда эди. Шунинг учун ҳам араб қўшинлари нисбатан қисқа давр ичида ана шундай катта территорияларни босиб олишга муваффақ бўлган эди.

### 3. ИСЛОМНИНГ ТУРМУШ ТАРЗИ ВА МАДАНИЯТДАГИ УРНИ

Биз юқрида исломнинг вужудга келиши ҳақида фикр юритиб шу хулосага келдикки, бу ҳодиса араб халқлари тарихида ғоят катта ижтимоий-тарихий аҳамиятга эга бўлган. Мавжуд уруғчилик-қабилачилик тузумидан синфий жамиятга ўтилган. Марказлашган халифалик давлати вужудга келган. Натижада халифалик таркибига кирган юзлаб халқлар ва элатларга араб тили ва ўрта аср араб маданиятини ёйишга ҳаракат қилинган.

Марказий Осиё халқлари ҳаётига исломнинг кириб келиши билан Калом ва диний талабларни бажаришда араб тили ҳукмронлиги ўрнатилган. Сўнгра фан, адабиёт, фалсафа ва маданиятнинг турларига ҳам араб тилининг таъсири кучли бўлган. Аммо маҳаллий халқлар исломдан анча олдинок ўз она тилларида маданиятни, илм-фанни ривожлантиришга муваффақ бўлганлар. Бу жараён кейинчалик исломнинг таъсирида амалга оширилган. Масалан, кишиларнинг турмуш тарзи ислом талабига мослаша борган, урф-одат ва маросимлар диний тусе олган, ёшларга билим бериш учун мактаблар очилган, руҳоний кадрлар тайёрлаш учун кўплаб мадрасалар, корихоналар ташкил этилган.

Демак, Марказий Осиё халқларида илм-маърифат ва маданиятнинг ривожланишида исломнинг ижобий роль ўйнаганини эътироф этишимиз лозим. Марказий Осиёда исломнинг дастлабки элатлар ҳаётига кириб келган даврдан бошлаб ташкил этилган мактаб, Мадраса ва диний дорилфунунлар диний мақсадда тузилган бўлишига қарамай савод ва билимга йўл очган. Урта аерларда шаклланиб ижод этган саводли киши, олам, шоир, маърифатпарвар, мутафаккирларнинг ҳаёти ва фаолиятида исломнинг ижобий роли бор десак хата қилмаймиз.

Ислом Марказий Осиё халқлари турмуш тарзига, маданиятига турли қирраларда ўз таъсирини кўрсатган. Масалан, меъморчилик ёдгорликларини олиб кўрайлик. Мадраса, маежид, мақбара ва бошқалар дин манфаати йўлида қурилган ва унга хизмат қилган. Аммо у иншоотларни халқ курган, халқ ижодига боғлиқ маданий бойлик эканлигини биламиз. Шунингдек, халқлар орасида шахей уйларни қуришда уй пештоқларини, устунларини, эшикларини ўймакорлик қилиб ишлаш, ганчлардан турли шакллар ясаб ёпиштириш кабилар ҳам халқ ижодига мансубдир.

Энди халқлар турмушига киритилган, ҳаттоки уларнинг талайгина қисми ҳозиргача давом этиб келаётган ислом урф-одат маросимларига қисқача тўхтаб ўтамиз.

Ислом қавмларидан энг аввало, дин асослари — «аркон — ад-дин» ҳисобланувчи беш асосий амалий ва маросимчилик рукн талабларини бажаришни талаб этади. Булар, биринчидан, калимаи шаҳодатни билмок; иккинчидан, ҳар кун и беш вақт намоз ўқиш, учинчидан, ҳар йили рамазон ойида бир ой рўза тутиш; тўртинчидан, йилига бир марта шахей молидан закот бериш; бешинчидан, имкон бўлса, умрида бир марта ҳаж қилишдан иборат. Исломга хос маросимлар ва одатлар мана шу беш рукн билан чамбарчас боғлиқдир. Исломнинг бу амалий ва маросимчилик талаблари халқлар турмуш тарзига киритилиб, ўзига хос маданиятнинг, турига айлантирилган. Бу рукнларнинг ҳар бирига қисқа-қисқа изоҳ бериб ўтамиз.

Исломнинг рукнларидан бири — гашаҳудни — калимаи тоййибани билиш, яъни Оллоҳнинг бирлиги ва Мухаммад унинг элчиси эканлигига чин дилдан иқроп бўлиб, бу оятни доим такрорлаб юриш зарур деб ҳисобланади. Авваллари калимаи тоййиба араб тилида ай-

ши ан бўлса, ҳозирги пайтда ҳар бир мусулмон Ол-п\| а эътиқод қилишни ўз тилида айтмоқда.

Ислом ўз мухлисларидан кунда беш вақт намоз пиши талаб қилади. Булар — бомдод, пешин, аср, шом, хуфтон намозларидир. Намоз ўқишга киришишдап олдин таҳорат қилиш буюрилган.

Намоз Оллоҳга ҳамду сано ўқиш, намоздан сўнг ўз ииятларини айтиб, ундан марҳамат тилашдан иборат.

Ислом кундалиқ беш вақт намоздан ташқари, муҳим ишлар олдидан ҳам худога сизинишни талаб қилади. Яна ислом динидаги киши ҳар йили рамазон ойида бир ой рўза тутиши керак.

Ҳаж қилиш турғунлик йиллари жуда чеклаб қўйилган эди. 1991 йилдан бошлаб бу тадбирга кенг имконият яратилди. Натижада жумҳуриятимиздан ҳар йили дастлаб 500 киши, сўнг минглаб кишилар ҳажга боришга муваффақ бўлишди. Қурбонлик қилиш ҳам мая^бурий эмас. Булардан ташқари маҳаллий халқларда, исломгача бўлган кўпгина урф-одатлар ислом кенг тарқалган халқларда хусусан Марказий Осиёда яшайдиган мусулмонларда ўз таъсирини сақлаб қолган. Булар жумласига кинна солдириш, фол очирш, дам солдириш, кўчирик қилиш, чилла ўтириш, иситмасовутма, мозорларга, «Муқаддас жойларга» сизиниш кабилар баъзи диндорлар ҳаётига ўз таъсирини ҳалигача кўрсатиб келмоқда. Ортодоксал ислом буларни тан олмайди, балки қрралайди.

Ҳар бир диннинг ўзига хос маросимлари системаси, байрамлари бўлади. Диний маросимлар диний эътиқод, ибодатининг амалдаги ифодасини ташкил этади.

Диний маросимлар диний тасаввур, эътиқод юзага келиши билан пайдо бўла бошлайди. Бу маросимларнинг юзага келиши ибтидоий одамлар, кейинчалик уруғ ва қабилалар ҳаётидаги муҳим воқеалар — фарзанд туғилиши, балоғатга етиш, якка никоҳли оилалар юзага келгач эса, оила қуриш билан боғлиқ бўлган.

Ислом дини ёйилган жойларда қурбон ҳайит кенг байрам қилинади. Мусулмон мамлакатларида бу ҳайитга тайёргарлик катта бўлади; маежидда махсус ибодат бўлади, ваъзхонлик қилинади. Ҳайит уч кун давом этади.

Қурбон ҳайити кунлари мусулмонлар ўз ота-оналари, қариялар ва беморларни бориб кўрадилар, уларга қўлларидан келган ёрдамларини аямай, ҳурматини ўз ўрнига қўядилар, қурбонлик учун сўйилган моллар-

нинг гўштарини ўз уруғ-аймоқларига, хусусан кам даромадлиқ оилаларга, бева-бечораларга таркатадилар. Қурбонлик маросимининг яна бир тартиби сўйилган моллар гўшtidан таом тайёрлаб, худойи шаклида ўтказадилар.

Хижрий — қамарий таквим-календарь бўйича шаъбон ойи тугагандан сўнг рамазон ойи бошланиб, унда 30 кун рўза тутиш ислом динининг бош, асосий амалий ва маросимчилик талабларидан биридир. Илоҳиётда мусулмонлардан рўза тутиш жараёнида моҳи рамазон ибодатини бажариш зарур деб ҳисобланади. Унда Қуръон тиловати бирла, хайр-эҳсоилар, дуою илтижолар қилинади. Биноб'арин, ҳар бир мўмин-мусулмон бу ойни ғанимат билиб, астойдил ўзини худо йилига бағишлаб кечаю кундуз тоат-ибодат бирла бир кун ҳам рўза тутишни канда қилмаслик керак. Яна ислом таълимоти мусулмонлардан рамазон ойида Оллоҳдан ўз гуноҳларини кечиш, тавба-тазарру қилиш билан бир вақтда инсон учун нохуш бўлган жаҳлу ғазаб, дилзорлик, кўполликлардан холи бўлиб, хушмуомалалик, одамшавандалик, камтаринлик каби фазилатларни ўзига сингдира бориши зарур.

Ислом таълимотида, рўза ҳақида ёзилган турли диний манбаларда рамазон ойининг мазмуни, моҳияти, аҳамияти, унда мусулмонларнинг бурчи ҳар томонлама изоҳланган. Рўза ойининг ҳар бир кунини эъзозлаш, ифторликка алоҳида эътибор бериш кўзда тутилади. Муҳаммад 30 кун рўза ойининг уч даҳага бўлинишини эътироф этиб, уни шундай изоҳлаган: «Бу моҳи тариф шу қадар улуғ бир ойким, унинг биринчи ўн кунлик даҳаси — даҳаи раҳмат деб аталади, яъни Оллоҳнинг раҳмати ўз бандаларига муттасил ёғилиб турадиган кунлар. Иккинчи ўн кунлиги — даҳаи маърифат, яъни Оллоҳ ўз бандаларининг гуноҳу маъсиятларидан ўтиб афву маърифат қилиб юборадиган кунлар. Учинчи ўн кунлиги «иткун минан нор», яъни Оллоҳ ўз бандаларини оташи дўзахдан озод қилиб юборадиган башоратли кунлар»<sup>1</sup>.

Рамазон ойига нисбатан айtilган бундай таъриф ва тавсифлар мусулмон аҳли онги ва психологиясига кучли таъсир кўрсатиб, унинг диний кайфиятини мустаҳкамлайди. Бинобарин, рўза тутиш билан боғлиқ

бўлган барча талабларни, ибодатларни уз ваътида баъларини интилиш кайфиятини уйғотади. Шундай ҳам бўладики, диний эътиқодга эга бўлган баъзи оила бошлиқлари динга алоқаси бўлмаган фарзандларидан рўза тутишни талаб қиладилар. Уқувчи ва студент ёшларга бундай талабни кўйиш ўринсиздир. Чунки ўзини мусулмон ҳисоблаган ҳар бир киши ислом талабини тўлиқ бажарсагина унинг тутган рўзаси инобатга олипади.

Рўза ойи тугагач, шаввал ойининг 1 куниди рамаюн хайити — ийд ал фитр ўтказилади. Хайитнинг номидан-ҳам маълум бўлиб турибдики, рўза тутмаганлар ҳам, бир ой рўза тутган тақводор мусулмонлар ҳам рўзадан сўнг масжидга озик-овқат ёки пул билан садақа — фитр рўза тўлаши керак. Бу хайит ҳам уч кун давом этади.

Хайит кунлари ҳар бир диндор ўтган кунлари учун ўзига-ўзи ҳисоб бериши, рўза тутмагани ёки уни бузгани учун белгиланган миқдорда намоз ўқиши, закот бериши, муайян кунлар давомида рўза тутиши зарур. Баъзи мусулмонлар гуноҳидан халос бўлиш учун жонлик сўйиб қурбонлик қиладилар.

Бир ой рўза тутиб ўзини мусулмон ҳисоблаган кишилар учун хайит кунлари алоҳида аҳамият қасб этади. Улар бу кунларни зўр умидворлик билан кутадилар.

Чунки бу хайитни кенг нишонлаш одат тусига кирган. Хайитнинг биринчи кунини эрта билан барча мачитларда мусулмон аҳли тўпланиб, хайит намозини имоҳатиблар бошчилигида ўқийдилар. Хутба тинглайдилар.

Уч кун хайит давомида кишилар ўз ота-оналарини бориб кўрадилар, уларга совға-саломлар топширадилар. Марҳумлар яшаб ўтган уйларга, уларнинг қабрларига бориб дуойи фотихалар қиладилар, баъзан уйларида худойилар уюштирадилар. Бундан ташқари мусулмонлар учун хайит кунлари бева-бечораларни бориб кўриш, улар холидан хабар олиш, айниқса муҳим ҳисобланади.

Рамазон ойи тугаши кунлари фитр-садақа (фитр — рўза) ҳар бир жон боши учун бир кунлик овқат ҳисобида камбағал, юпун кишиларга йиғиб берадилар. Зотан, закот ал фитр айни шу мақсадда йиғиб олинади.

Бизнинг республикамизда диндорлар расман фитр (садақа) беришга мажбур этилмайди.

<sup>1</sup> «Халқ, сўзи» рўзномаси. 1991 йил 16 март сони.

Юқорида айтганимиздек рўза тугашига уч кун қолган тун — «лайлатулқадр» тунини мусулмонлар тантана билан ўтказадилар, чунки бу тун муқаддас ҳисобланади. Мусулмонлар тасаввурича, шу кеча мўъжизалар, ғаройиб ходисалар рўй беради, уларни кузатиш шарафига муяссар бўлган кишилар бахтиёр бўлади, дейилади.

Рўза кунларининг энг муқаддаси--рамазоннинг мана шу 27-туни кишилар кўз юммай, арши-аълодан келадиган мўъжизани кутадилар.

Исломда Муҳаммад пайғамбарнинг арши аълога чиқиши — меърож алоҳида нишонланади. Ривоятларга кўра, Муҳаммад- пайғамбар ражаб ойининг 27- кунда ал-Буроқ номли афсонавий отда тунда Маккада Қуддуси шарифга, сўнг у ердан Оллоҳ тахти — арши аълога мўъжизали сафар қилган ҳамда Оллоҳнинг марҳаматига сазовор бўлиб, у билан суҳбат қурган. Бу суҳбат давомида Муҳаммад 99 минг сўз айтган.

Меърож байрам сифатида Фаластинда халифалар ҳукмронлиги ўрнатилиб, Қуддус шарифнинг муқаддаслиги эътироф этилгач, бу шаҳардаги муқаддас жойлар тавоф қилина бошлагандан сўнг нишонлана бошланган. Уни нишонлаш даврида мусулмонларга Оллоҳ фақат мустаҳкам эътиқодли бандаларинигина бундай марҳаматга мушарраф қилиши тўғрисидаги фикр сингдирилиб, Оллоҳга ва пайғамбарга садоқат билан хизмат қилиш зарурлигига ишончи мустаҳкамланади.

Яна бир диний байрам ашуро бўлиб, уни шиа мазаҳибадаги мусулмонлар нишонлашади. Бу байрам яна «шахсей • — вахсей» деб ҳам аталади. Ашуро — тантанали мотам куни бўлиб, мусулмон руҳонийларининг айтишларича, Муҳаммаднинг набираси, халифа Алининг ўғли имом Ҳусайннинг «дин ва адолат» йўлидаги «азобли ўлиши» хотираси учун белгиланган.

Аслида Ҳусайн дин йўли билан бирга ҳокимият таллашиб, феодал курашларда ҳалок бўлган. Халифа Али ўлдирилгач, унинг ўғли—вориси Ҳасан ҳокимиятни Сурия ноиб Муовияга топширган. Муовиянинг ўғли ва вориси Язид I ислом қоидаларини бузишда айбланган ва унга қарши диний муҳолифлик кучайган.

Ҳусайннинг Куфа шаҳри аҳолисини Язид I га қарши чиқаришга интилиши хийла-найрангнинг ўзи бўлиб, ҳеч қандай самара бермаган ва у 680 йилда

Карбало даштида кичик отряд билан шон-шуҳратсиз ҳалок бўлган.

Ашурони асосан шиа мусулмонлари нишонлайди. Шу куни мутаассиб шиалар ўзларига азоб бериб, жа-1 завага тушадилар. Бундай байрам кишиларнинг ахво-ли руҳиясига ўз салбий таъсирини ўтказмай қрлмайди.

Исломда муқаддаслаштирилган кунлардан бири жума кунидир. Ислом кенг тарқалган мамлакатларда жума дам олиш куни деб эълон қилинган. Шу куни тақводор мусулмонлар ўз кунларини тоат-ибодат билан ўтказадилар. Унинг муқаддаслаштирилиши сабабини руҳрийлар қуйидагича изоҳлайдилар: Оллоҳ оламни яратишни жума куни бошлаган. Муҳаммад ҳам, Али ҳам жума куни туғилганлар. Муҳаммад 622 йилда Маккадан Мадинага жума куни ҳижрат қилган. Исломнинг «шуъласи» ҳам оламга айна жума куни тушган. Шу сабабли мусулмонлар жума кунини улуғлаганлар.

Мусулмонларда ой йили бўйича рабиул аввалнинг 12 куни Муҳаммаднинг туғилган куни—мавлуд нишонланади. Бу кунларда масжидларда Қуръон ўқилади, ваъзхонлик қилинади, диндорлар бўлган хонадонларда худойи ўтказилади. Шу кунлари пайғамбарнинг қилган ишлари тўғрисида хикоя қилиш савоб ҳисобланади.

Кейинги йилларда республикаимиз мусулмонлари талабини ҳисобга олиб, Президентнинг махсус фармони билан диний байрам, жумладан Рамазон ҳайити ва Қурбон ҳайит кунлари дам олиш куни деб эълон қилинди. Бу фармон халқимиз томонидан мамнуният билан қувватланди ва ҳайитлар кенг тантана қилинади. Худди шунингдек, халқимиз орасида қадимдан нишонлаб келинаётган «Наврўз», «Қизил гул», «Лола сайли», «Бойчечак» каби байрамлар ҳам тикланди, янги-янги боғлар ва истироҳат масканлари барпо этилмоқда, умумхалқ ҳашарлари ўтказилмоқда. Дарҳақиқат, асрлар давомида шаклланган бундай диний байрамлар, халқ сайллари ва маросимларини бундан буён ҳам халқ орасида кенг ёйиш мақсадга мувофиқдир. Чунки уларга бўлган муносабат маҳаллий халқларнинг кўпчилиги тасаввурида миллий анъана деб қаралиб адо этилади. Бу ўринда миллийлик билан динийлик бирмунча уйғунлашганини кўраимиз.

#### 4. ИСЛОМДАГИ АСОСИЙ ОҚИМЛАР ВА МАЗҲАБЛАР

Жаҳондаги барча йирик динлар ўз тараққиётининг муайян босқичида турли йўналиш ва оқимларга бўлинган. Чунки мазкур дин тарқалган ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий курашнинг кучайиши, муайян динга эътиқод қилувчи турли халқларнинг ижтимоий манфаатлари ва маданий даражалари турличалигидадир.

Ислом ҳам ўз тарихий тараққиётида бундай бўлиниш, аниқроғи, ажралишдан четда қолмаган. VII асрнинг иккинчи ярмидаёқ даставвал хорижийлар йўналиши шаклланган, сўнгра яна икки йирик оқим — суннийлик ва шиаликка ажралган. Юзаки қараганда, исломга эътиқод қилувчилар орасидаги ихтилоф гўёки фақат диний масалалар тўғрисида тугилгандек туюлади. Аслида эса бундай эмас. Тарихдан маълумки, исломнинг шаклланиш, мустақил динга айланиш даври узлуксиз давом этган жангу жадаллар билан ўтган. Зеро, Мухаммад давридан бошлаб Али даврига (661 йилга) қадар ва ундан сўнг ислом Арабистондан тортиб, Шимолда Озарбайжонгача, Шарқда Мовароуннаҳрга қадар, Жанубда Араб денгизига, Ғарбда эса Триполитанияга қадар ёйилган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, араб истилочилари Мовароуннаҳр (араблар Урта Осиёни шундай атама- билан — «даре ортидаги ерлар» деб атаганлар) ни босиб олишни VII асрнинг 70- йилларидан бошлаб фақат VIII асрнинг ўрталарига келгандагина тўлиқ тугаллашга муваффақ бўлганлар. Чунки маҳаллий халқлар араб истилочиларига қаттиқ қаршилик кўрсатганлар. Бу жараёни тасдиқловчи Муқанна, Сумбад Муг, Ғурак, Дивашти бошчилигидаги йирик халқ қўзғолонлари тарихдан маълум. Бошқа мамлакат ва халқлар ҳаётига исломни киритиш кейинги асрларда ҳам давом этган.

Ислом IX—X асрларда Татаристон, X—XII асрларда Бошқирдистон, Қозоғистон ва Қирғизистонда эса бу жараён XIX асрда ҳам давом этган. Диннинг бундай кенг миқёсда ёйилиши фақат ишонтириш билан бўлмаган, албатта. Бунда қилич ва куч ҳал қилувчи роль ўйнаган. Жиход ғояси динни ёйишда муҳим омил бўлган.

Исломдаги йирик йўналишларнинг пайдо бўлиши ва моҳияти ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

**Суннийлик** — бу исломда изчил, собитқадам йўналиш ҳисобланади. Мусулмонларнинг жуда кўпчилики

қисми — 90 фоизи суннийликка эътиқод қилади. Сунна арабча одат, анъана, хатти-ҳаракат тарзи деган маънони билдиради. Суннийлик деган арабча «Сунна» — «муқаддас ривоят», яъни Мухаммад тўғрисидаги ривоятлар ва унинг ҳадислари тўплами деган тушунчадан олинган. Яна Сунна фарздан фарқли равишда бажарилиши ихтиёрий бўлган кўрсатмалар, амаллардир.

Сунийлар уммавийлар сулоласидан бўлган халифаларнинг олий ҳокимиятга бўлган ҳуқуқини тан олганлар. Суннийликда Сунна Қуръондан кейинги асосий муқаддас манба, ҳадислар тўплами деб қаралади. У VII аср ўрталарида шакллана бошлаган. Унда халифаликдаги синфий муносабатлар, ижтимоий зиддиятлар, ислом мафқураси атрофидаги кураш ўз ифодасини топган. Уни тўплаш, шарҳлаш ва нашр қилишда ватандошларимиз Исмоил Бухорий, Имом Термизий асосий роль ўйнаганлар.

Суннийлик қисман Эрон, Жанубий Ирок, Яман, Марказий Осиё, Кавказ, Волга бўйи, Сибирь, Уролда, Кичик Осиёда, Миср ва Шимолий Африка, Индонезия, Малайзияда кенг тарқалган. Унинг муқаддас шаҳарлари Макка ва Мадинадир. Унда тўртта шариат мактаби — маликийлар, ханифийлар, ханбалийлар, шафиъийлар бор.

**Шиалик...** «Гурух», партия, «тарафдорлар» деган маъноларни берадиган арабча «шиа» сўзидан келиб чикқан. Шиалик ўз аҳамияти ва тарафдорлари сонига кўра исломдаги иккинчи йўналишдир. у VII асрнинг иккинчи ярмида мусулмонларнинг махсус ва сиёсий гуруҳи сифатида юзага келган. У чорёрларнинг тўртинчиси Али тарафдорларини бирлаштирган. У жуда кўп секталарга бўлиниб кетган. Булар орасида исмоилийлар ҳозир 35 миллионга яқин тарафдорга эга бўлиб, агахонлар бошчилигида ҳозир ҳам ислом доирасида катта роль ўйнамоқда.

Шиалар Арабистонда пайдо бўлган теократик давлат — халифаликдаги олий ҳокимият учун олиб борилган кескин кураш жараёнида келиб чикқан. Халифаликнинг барча бош лавозимлари 644 йилдан бошлаб кураш қабиласига мансуб бўлган халифа Усмон бошлиқ маккалик оқсуяклар — муҳожирлар қўлига ўтган.

Гарчи Исломда жабр-зулм қораланса-да, барибир, улар исломга бўйсундирилган бошқа халқлардан ташқари мусулмон арабларнинг ўзларини ҳам қаттиқ эксплуатация қилишаверади. Бундан иорози бўлган араблар Усмонга қарши қўзғолон кўтариб, уни Мадинада

ўлдиришган. Халифалик лавозимига Али кўтарилган. Бирок, у ўз ҳокимиятини қурайш оқсуякларидан ҳимоя қилишга мажбур эди. Али тарафдорлари у пайғамбарнинг амакиваччаси ва куёви бўлганлиги учун мусулмонларнинг бошлиғи бўлиши керак, унинг вафотидан кейин эса бу лавозим унинг авлодларига мерос бўлиб ўтиши керак, деб чиқишган. Бирок, тахт учун курашда Сурия ҳокими Муовия бошлиқ қурайш зодагонлари ғолиб чиққан. Али тириклик чоғидаёқ. Муовия халифа деб эълон қилинган.

Шиалар Алидан бошқа барча сунний халифаларни узурпаторлар, яъни сиёсий ҳокимиятни зўравонлик билан қўлга олган кишилар деб ҳисоблайдилар. Булар Алининг авлоди бўлган 12 имомдан иборат ўз сулодаларини уларга қарши қўйганлар. Улар Алини, унинг ўғиллари — Ҳасан ва Ҳусайнни ҳамда уларнинг авлодларини шахид, деб ҳисоблашган.

**Хорижийлар.** Бу оқимнинг номи «чиқиш», «қарши бўлиш», «кўзғолончи» маъноларини англатувчи арабча «хаража» сўзидан олинган. Бу оқим исломдаги илк секталардан ҳисобланади. У Али билан Муовия ўрта-сида халифаликнинг олий лавозимини қўлга киритиши учун олиб борилган кескин кураш жараёнида пайдо бўлган. Усмон ўлдирилгач, Мадина шаҳрида Али халифа этиб сайланган. Бирок Усмон ҳукмронлиги даврида ўзининг иқтисодий, сиёсий аҳолини мустаҳкамлаб олган араб зодагонлари Алининг халифалигини тан олмаганлар. Сурия ҳокими Муовия бошлиқ қурайш зодагонлари Алидан ўч олишга киришганлар. Уни ҳатто Усмоннинг ўлдирилишида ҳам иштирок этган, деб эълон қилганлар. Али билан Муовия тарафдорлари ўртасида шиддатли сиёсий кураш бошланган. Али ўзининг тураржойини Куфа шаҳрига кўчириб, Ироқ ва Эрондаги араб қабилаларига таянган. Хорижийлар ҳаракатининг пайдо бўлишига Алининг Муовияга қарши курашдаги кўрсатган қатъиятсизлиги, унинг ўз душманларига ён бериши бевосита сабаб бўлган. Алининг бундай журъатсизлиги унинг тарафдорлари норозилигига сабаб бўлган. Улардан энг қатъийлари (12 мингга яқин жангчи) Али томонида туриб Муовияга қарши жанг қилишдан бош тортган. Улар Алининг ўзига қарши душманга айланганлар, хорижийлар уюшмасини тузиб, Алига ҳам, Муовияга ҳам қарши жанговар кураш бошлаганлар.

Хорижийлар 661 йили Алини ўлдиришган. Муовия

фонлиги 1<sup>II</sup> илларда (661—680) ва ундан кейин хорижийлар Шимолий Африкада ҳатто ўз давлатларини — гамийлар сулоласини ҳам ўрнатишга муваффақ бўлишди. Хорижийлар ўз даврида бирмунча демократик ШИОрларни олға суришган. Бу оқим тарафдорлари хорижийлар иллатда аввалги сиёсий фаоллигини йўқотган, лекин Жазоир, Уммон, Танзания, Ливан каби мамлакатларда учрайди.

**Суфизм** — исломдаги йирик оқимлардан биридир. Уни суфийлик ёки тасаввуф ҳам дейилади. Бу исломдаги диний-мистик фалсафий оқим бўлиб, таълимоти асосий маъноси ислом ва ҳудода муносабатдир. Тоҳидлик ва мистик асосга қурилган бу оқим руҳий камолотга эришишнинг асосий йўллари 4 босқичдан иборат деб ҳисоблайди — шариат, тарикат, маърифат, ҳақиқат. Ҳар бир босқичнинг мураккаб талаблари инсон умрини тамоман камраб олар эмиш.

Суфийлик оқими тарикатлари ўрта асрларда турли жойларда турли кўринишда бўлган. Масалан, Марказий Осиёда нақшбандийлик, яссавийлик, кубровийлик, Қавказда — муридизм, Татаристонда — воисовчилар ва бошқа турлари тарқалган.

Ислом тарқалган мамлакатлардаги иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар натижасида турли даврларда мусулмонларнинг ҳар хил гуруҳлари, айниқса кўпроқ секталар пайдо бўла бошлаган. Булар сунний ва шиалар йўналишларидан ажралиб чиққан бўлиб, мусулмон секталари дейилади. Буларни исломдаги ҳанафий, ханбалий, шофиий, маликий каби мазҳаблар билан араштираш керак.

Ислом секталари мусулмонларнинг диний уюшмалари бўлиб, уларнинг сони жуда кўп, ислом мамлакатларининг деярли ҳаммасида мавжуд. Чунончи, ахмадий, алавий, ибодий, идрисий, кодирий, муридий, рашидий, тижоний, ҳамолий, шодий ва бошқалар суннийлар йўналишидан ажралиб чиққан секталардир. Хорижий, исмолий, зайдий, низорий, ионаашарий, друз, бахоний ва бошқа мазҳаблар эса шиалар оқимидан ажралиб чиққан. Ислом секталаридан баъзилари қисқача тўхталамиз.

**Зайдийлар сектаси.** Феодал низолар заминида VIII аср ўрталарида шиалар мусулмонлари сафидан яна бир гуруҳ ажралиб чиқиб, мустақил зайдийлар сектасини ташкил этган. Бу секта — Алининг эвараси, Хусайн-

нинг набираси 740 йили Куфада уммавийлар сулоласидан бўлган халифа Хишомга қарши халқ кўзғолонига бошчилик қилган Зайд ибн Али номи билан аталган ва шиаларнинг учинчи имоми Зайд халифа қўшинлари билан бўлган жангда ўз тарафдорлари билан бирга ҳалок бўлган.

Зайдийлар 864 йили Эроннинг шимолида ўз давлатларини тузишган. 901 йили эса улар Яманда давлат ҳокимиятини қўлга олишган. Бу давлат 300 йилча яшаган. Зайдийлар диний таълимнинг шаклланишига ишонишни, Қуръон «азалдан» мавжудлигини, ирода эркинлиги мавжудлигини, диний 'этикодни амалий ҳаракат билан мустаҳкамлаш зарурлигини тан олганлар. Улар кўпгина шиа маросимларига амал қилишган, бироқ ўз турмуш тарзига кўра суннийларга ҳам яқин тургаи.

**Исмоилийлар сектаси.** Бу секта тарафдорлари шиалар орасида энг кўпчиликни ташкил этган. Секта VIII асрнинг 2-ярмида Боғдод халифалигида пайдо бўлган ва имом Жаъфарнинг ўғли Исмоил номи билан аталган. Исмоилийлар диний таълимотида гуё бутун оламни яратган «дунёвий ақл» ва «дунёвий рух»га этикрд этиш асосий ўринни эгаллайди. Уларнинг таълимотида неоплатончилар фалсафаси ва буддизмнинг катта таъсири сезиларди. Исмоилийлар турли давраларда халқларга турли пайғамбарларнинг юборилиши — «дунёвий ақл» нинг ерда намоён бўлишидир деб ҳисоблашарди. Улар еттита пайғамбарни — Одам Ато, Нух, Иброҳим, Исмоил, Мусо, Исо ва Муҳаммадни тан олишади. Уларнинг фикрича, имомлар пайғамбарларнинг ворислари ҳисобланади. XI асрдан бошлаб исмоилийлар сектаси синфий зиддиятларнинг кучайиши натижасида турли қисмларга бўлиниб кетган. Ҳозирги пайтда исмоилийлар Урта Шарқ мамлакатларида, Хиндистон, Уганда, Кения, Танзания, Тожикистоннинг Тоғли Бадахшон вилоятида мавжуд.

**Друзлар сектаси.** Уз таълимотида кўра, бу секта исмоилийлардан келиб чиққан. Друзлар ваҳдоният-и'а — Оллоҳнинг ягоналигига этикрд этишади ва 998—1021 йилларда ҳукмронлик қилган фотимийлар халифаси Ҳакимни халоскор сифатида ерга иккинчи марта келади, деб ҳисоблашади. Улар ўзларининг «муқаддас» ёзувларига эга. Уларда диний маросимлар унчалик ривож топмаган, шу сабабли масжиди ҳам йўқ. Барча секталар каби, друзлар ҳам шариатни, шиа имомла-

....на суннийларнинг халифаларини тан олишмайди, мил болаларни хатна қилишни ортиқча иш деб ҳисоблашади.

Исломда яна XVIII асрда Арабистонда вужудга Квлган, ҳозир Саудия Арабистонида ҳукмрон таълимот кисобланадиган, асримизнинг 70—80- йилларида Тожи- I истонда, қисман Фарғона водийсида тикланган, хр- lii|> қарийб тарқалиб кетган диний-сиёсий оқим бўлган Вйххрбийлар оқими ҳам бўлган.

##### 5. ИСЛОМ МОДЕРНИЗМИ, ТРАДИЦИОНАЛИЗМИ ВА ФУНДАМЕНТАЛИЗМИ

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида ижтимоий-иқтисодий ҳаётда вужудга келган силжишлар, айниқса ислом кенг тарқалган ҳудудларда юзага келган илғор фикрларнинг жамият тараққиётидан орқада крлаётган ғояларга қарши кураши кўзга ташланади. Бу жараён исломга нисбатан ҳам қарашларда ўз аксини топган.

**Ислом модернизми** — исломнинг диний таълимотидаги иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий муаммоларга тааллуқли ақидаларини янги замон шароитларига мувофиқлаштириш, замонавийлаштириш орқали тараққиётнинг янги йўлларини ишлаб чиқишдир. Уз моҳияти билан ислом модернизми диний таълимот принципларини ўзгармайди деб ҳисоблайдиган ислом традиционализмига қарши ўлароқ исломнинг диний ва ижтимоий таълимотини. янги замон талабларига, ҳозирги шароитга мослаш ва шарҳлаш мумкин деб ҳисоблайди.

**Ислом традиционализми.** Бу оқимнинг тарафдорлари ўрта аср ақидаларига каттиқ амал қйлиб, буларни ўзгармас деб ҳисоблаган ҳолда динни ҳар қандай ислоҳ қйлишга, модернизмга қатъий қарши чикқанлар ва ҳозир ҳам шундай қилаётирлар. Исломга этикод қилувчи ҳар бир мўмин, қайси миллатга мансублигидаи қатъи назар, ўз ҳаётида ислом ақидаларига амал қйлиши, уларни оғишмай бажариши ислом традиционализмининг асосий принципларидан ҳисобланади.

**Ислом фундаментализми.** Демократия ва ошкоралик даврида «соф» исломни тиклаш ҳаракати асосида Марказий Осиё мусулмонлари, кўпинча ёш мусулмонлар орасида пайдо бўлган диний оқим. Мусулмон мамлакатлари халқлари тарихига назар ташласак, ислом

фундаментализми янги ҳодиса эмаслигини англаб оламиз. У, жамиятнинг иктисодий-ижтимоий ҳаётида, сиёсатда йирик ўзгаришлар содир бўлган вақтларда диний-сиёсий оқим сифатида вужудга келиб турган. Масалан, XVIII асрда ислом фундаментализмининг бир тармоғи сифатида марказий Арабистонда ваҳхобийлик оқими пайдо бўлган. Унинг асосий ақидавий ғояси, юқрида айтилганидек, Қуръон ва Суннанинг муқаддаслигини, яккахудоликни тарғиб этишдан иборат бўлиб, рухрнийларнинг исломни замон руҳига мослаб киритадиган ҳар қандай ўзгаришларини рад этишдан иборат. Ваҳхобийликнинг асосчиси Абдал-Ваҳхоб (1703—1787) ўша даврдаги Арабистонда вужудга келган ҳаёт қийинчиликлари, одамлар ўртасидаги ахлоқий муносабатларнинг тубанлашиб бориши, халқлар бирлигини таъминловчи ягона худога эътиқад қилишдан иборат бўлган ҳақиқий исломни унутилаётганлигидир] деб таълим берган эди. Бу таълимотга асосан жамиятнинг маънавий ва дунёвий ҳаёти Қуръон оятларига ва Сунна ҳадисларига амал қилишни талаб этади. Бир сўз билан айтганда, жамиятнинг маънавий, ижтимоий-сиёсий, иктисодий ҳаёти Қуръон ва Сунна асосида тузилган. Бугунги кунда ваҳхобийлик Саудия Арабистонининг сиёсий мафкурасини ташкил этади. Унинг баъзи кўринишлари Ҳиндистон, Жануби-Шарқий Осиё ва Африкада намоён бўлмоқда.

Марказий Осиёдаги айрим рухрнийлар ва диндорлар илгари сураётган ортодоксал исломни тиклаш ҳаракатидаги ғоя, яъни уй-рўзғор ишларига хаддан ташқари зеб бермаслик, ибодат ва маросимларни катта харажатлар билан ўтказмаслик, азиз-авлиёларга, «кадамжо» ларга сиғинмаслик каби талаблар ваҳхобий-ларнинг талабларига ўхшаб кетса ҳам мақсади билан ундан фарқ қилади. Шунинг учун мамлакатимизда ҳам пайдо бўлган бу оқимни ислом фундаментализми дейиш тўғри бўлади.

Хўп, ислом фундаментализмининг келиб чикичпиганима сабаб бўлган? Биринчидан, турғунлик даврида диний ташкилотларга, мачит-мадрасаларга, диндорларга нисбатан қўлланиб келинган демократик принциплар бузилган. Дин билан боғлиқ бўлган кўпгина тарихий обидаларни халқнинг мероси сифатида сақлаш ва ҳимоя қилиш ўрнига, улардан бошқа мақсадларда фойдаланилган, баъзилари эса бузилиб кетган. Биргина Узбекистонда 1- беш йиллик давомида 1500 мачит

.... лган. 1929 йили динга қарши курашнинг йупалиши пайдо бўлган. Унинг мақсади динга фиш курашишни «тезлаштиришдан» иборат эди. Шу йилда Ўш, Самарканд, Тошкентда ва республикаим бошқа вилоятларида мачитларни ёпиш учун равишда маъмурий чоралар кўрилган. Бу жараёнмизда демократия ва ошкоралик даври бошланган. Шу билан бир қатар давом этган. Шу билан бир қатар атеистик тартиб берилган. Бу ҳол динга ишонувчиларда норозилик туйғуларини вужудга келтирган.

11 кинчидан, мамлакатимизда бошланган жамиятнинг п.м. ратлаштириш, ошкораликни ривожлантириш нарийсида диндорларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ши/1.П, диний марказлар ва жамоалар янги шакллантирилган ижтимоий ташкилот ва фондларда иштирок этаётган бўлдилар (болалар ва хайрия фондлари, табиат ва маданий меросни сақлаш фондлари ва бошқалар). Ислонинг диний жамоалари таркибида эркаклар ва (мпларнинг салмоғи ортиб бораёттир, кўпгина диндорлар ўзларининг динга эътиқодини яширмайдиган бўлдилар. Диний ибодатни бажарадиганлар, мачитларга қатнайдиганлар, диний ўқишга қатнашувчилар сони кўпайди. Бу билан кўпгина ишчи-хизматчилар, қисман зпелиларнинг вакиллари динга эътиқад билан бир нақтда унинг жамиятдаги ижобий ролини эътироф этмоқдалар. Бинобарин, дин ва мачит, мадрасалар ролини тан олмоқдалар; дин ва мачит, мадрасалар тарихига, улар билан боғлиқ бўлган миллий маданиятга, диний адабиётларга қизикиш пайдо бўлди. Айни пайтда фундаменталистларнинг орасида исломни сиёсийлаштиришга уриниш ҳоллари учраши мумкин. Бундай ҳаракат «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» ги конституциявий қонунга зиддир.

1991 йили Узбекистон Олий Кенгашининг 12-чакриқ 5- сессиясида «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» ги қонуннинг қабул қилиниши республика мустақиллик ҳуқуқига эга бўлиши билан кўпгина диний ташкилотларни, шу жумладан жоме масжитлар ва диний ўқув юртларини рўйхатдан ўтказиш имконияти вужудга келди. Баъзи имом-хатиблар ва диндорлар фаолиятида гўё Муҳаммад давридаги соф исломни сақлашда камчиликларга йўл қўйилмоқда деган баҳона билан диний жамоа тузиш ҳаракати вужудга келди.

Д миги! I.т. мамлакатимизда иктисодий, ижтимоий, и I.иш муаммоларнинг кескинлашуви, хусусан ишга 5 ирокли кишиларни иш билан таъминлаш баъзи ҳудудларда кийинлашиши кузатилди. Кейинги йилларда мустақил Ўзбекистонда амалга оширилаётган катор тадбирлар — фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш, нафақаларни, меҳнаткашлар, ўқитувчилар ва талабаларнинг маошини ошириш, бозор иктисодиётига ўтиш шароитида республикамиз ижтимоий-иктисодий шароитини яхшилаш чоралари меҳнаткаш халқ моддий ҳаётини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Демак, ислом фундаментализми юзага келишининг объектив ва субъектив сабаблари бор экан. Уларни синчиклаб ўрганиб, чора-тадбирлар кўрилса, бу оқим ўз заруриятини йўқотади. Чунки исломнинг Қуръон, Сунна ва бошқа манбаларидаги диний талаб ва мақсадларни ҳимоя қилувчи диний бошқарма мавжуддир.

#### ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. V—VII аерларда араб қабилалари ўртасидаги ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва ғоявий шарт-шароитлар қандай эди?
2. Ханифлик ҳаракати, Муҳаммаднинг Макка ва Мадинадаги фаолиятини сўзлаб беринг.
3. Ислондаги асосий йўналишлар қайсилар ва улар ўртасидаги ўхшашлик ва тафовутлар нималардан иборат?
4. Марказий Осиё халқлари маданияти ривожланишига ислом қандай таъсир кўрсатган?
5. Ислондаги секта ва мазҳаблар ва уларнинг пайдо бўлиши сабаблари нималардан иборат?

#### VI БОБ

### «ҚУРЪОН»— ШАРҚ ХАЛҚЛАРИНИНГ МАДАНИЙ МЕРОСИ

#### I. ҚУРЪОН ТУШУНЧАСИ

Қуръон сўзи арабча, «кироат қилиш» ўқув феълидан олинган бўлиб, «ўқув» ёки «ўқиш» маъносини беради. Кўп динларда, улар вужудга келган давр тушунчасига хос равишда буларни «ёзув» ёки «ёзувлар» (масалан: христиан динида «писание» ёки «священное писание») деб аташ одат бўлган. Бунга ўхшаш номлар исломда ҳам Қуръонга нисбатан кенг қўлланилган. Масалан, «Каломи Аллох» (Оллох сўзи), «Калом аш-

Муқаддас сўз), «Мусхаф аш-шариф» (Муъёзув — бу ерда «мусхаф» ёзув маъносида) НИ к || ' " И суралари тўпланиб, тўрт нусхада кўчирил- |ўплам шаклига келтирилгандан кейин у («Ал- fl I пун» деб аталган бўлса-да, унинг энг қадим- III «Қуръон» («ўқиш») асосий атама сифатида • 'пин. долган). Бунинг сабаби шундаки, Қуръон ГИЛри оғзаки ижоднинг махсулидир. Илгарилари шр ўртасида ёзма ижод анъанаси деярли бўлма- ' иш, ёзув кенг ёйилмагани туфайли хилма-хил ижод палари ёд олиниб сақланиши ва оғиздан-оғизга ЧИБ, авлоддан-авлодга ўтиши одат бўлган. . Қуръон и i. ipii тўплаиандан кейин ҳам ўзининг оғзаки ШЖ(М фольклорга хос хусусиятларини сақлаб қола- Нi'ri ан.

Дупёдаги буюк уламоларнинг фикрига кўра, Қуръ- Он жаҳон маданий тараққиётига муайян ҳисса қўшган. I рыт ва унга асосланган ислом бугунги дунё маъна- |• III маданиятининг муҳим бир бўлагини ташкил эта- |п. Бу ўзга динлар, муқаддас ёзувлар ва ақидаларни ИИКОр қилиш деган сўз эмас. Жумладан, «Авеста», Гаврот, Инжил, Забур ҳам Қуръондан олдин юборил- 1 .til илоҳий ёзувлар деб ҳисобланади. Аммо дин нуқтаи на Iаридан ислом ўзидан олдинги динлардан фарқ қи- ЛИБ, ўзга динлардан сўнг вужудга келган охириги дин мсобланиб, у олдинги динларни, уларнинг пайғамбарла- рини инкор этмаган. Аксинча, Қуръонда ислом илгариги динларнинг вориси, Муҳаммад пайғамбар эса ав-<sup>1</sup> вал ўтган пайғамбарларнинг сафларини яқунловчи ва охирига етказувчи деб таълим берилган.

Қуръонда илгари ўтган халқлар ҳақидаги қиссалар, тарих, жўғрофия, астрономия, табиийёт ва бошқа билимларга оид ғоялар кўп учрайди. Қуръок ҳидоят китоби, яъни инсонларни тўғри йўлга бошловчи китоб деб ҳисобланади. Ундаги маълумотлар VII асрдаги араблар ҳаёти ҳақида маълумот берувчи манбалар деб тан олинган. Мусулмонлар каторига қирадиган барча халқларга хос фалсафа, адабиёт, тарих, жўғрофия ва бошқа билимлар ҳам Қуръон билан боғланган. Ибн Сино, Форобий, Беруний, Абу Мусо ал-Хоразмий ва бошқаларнинг бой илмий меросларида ҳам Қуръон оятларидан, унга боғлиқ маълумотлардан кенг фойдаланилган. Шоирларимиз Яссавийдан тортиб Жомий, Навоий, Бобур, Машраб, Сўфи Оллоёргача, ундан сўнг иикилоб-

гача ва инқилоб даврида ўтган кўплаб қалам ахлари ижодида Қуръоннинг катта таъсири бор. Уларнинг барчаси ўз замонасининг илғор фарзандлари сифатида Қуръондан ва бошқа диний билимлардан яхш хабардор бўлганлар. Шу боисдан уларнинг асарларида Қуръон оятларига ишора кўп учрайди. Ундан беҳабар одам уни тушуниб етиши қийин. Шу сабабли юртимизда яшаб ижод қилган забардаст уламолар Замахшарий, Розий, Абул Баракот, Исмоил Бухорий, Ҳаким Термизий ва бошқалар Қуръонни тафсир қилганлар.

Бу тафсирларда ислом илоҳиёти тараққиётидаги турли-туман оқим, мазҳаблар ўртасидаги ижтимоий-сиёсий ва ғоявий кураш, Қуръон мазмунини жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга мувофиқлаштиришга интилишлар ўз ифодасини топган. Қуръон мусулмон халқларининг фалсафий, ахлоқий ва ҳуқуқий қарашларига муайян таъсир этган.

Яна Қуръон бой тарихий ва адабий ёдгорлик ҳамдир. Унда арабларнинг VII асрдаги ҳаёти ва тасаввурига бой маълумотлар учрайди.

Ҳозирги вақтда республикамызга, кишиларимиз қалбига хурфикрлилик, виждон эркинлиги, миллий муносабатларни такомиллаштириш, ўтмиш маданий меросга хурмат, диний таълимотларга ҳолисона муносабатларни қарор топтираётган демократия ва ошқоралик Қуръон ва бошқа диний ёзувларни ўрганиш ҳаракатига зўр таъсир кўрсатмоқда.

Қуръон — исломнинг асоси, диний маросимлар! дастури бўлиш билан бирга ахлоқий даъват, ҳуқуқий меъёрларни, маросим ва анъаналарни, миллионлаб инсон ҳаёти ва яшаш тарзининг энг муҳим жиҳатларини ўзида мужассамлаштирган ёзувдир. Унинг оятлари оммавий ва хусусий маросимларда, намоз, давлат ва оила байрамларида, кундалик ҳаётга алоқадор турли анжуманларда ўқилган. Бу ёзувдаги жуда кўп сўз ва иборалар, тилидан ва миллатидан қатъи назар, исломни қабул қилган халқларнинг адабий тилига, кундалик муомала тилига асрлар давомида сингиб кетган.

Қисқаси, исломнинг муқаддас китоби ҳисобланган Қуръон жаҳон адабиётининг ўзига хос бир ёдгорлигидир. У Шарқ халқларининг ижтимоий ва маънавий ривожига улкан таъсир кўрсатган бутун башариятнинг маданий мероси қаторига киради.

Қуръон исломнинг муқаддас китоби сифатида маънавий Уламолар уни: «Оллоҳнинг мўъжизали каломи фи Ҳо, Муҳаммадга ваҳий орқали тушган, Тиловати Илоҳат ҳисобланувчи китоб» деб тавсифлайдилар.

I пвоятларга кўра, унинг мазмуни Муҳаммадга парив парча тарзида ваҳий қилиб борилган; бу ваҳийнинг биринчи баёни «Лайлатул қадр» кечаси бошланиб, 11 вафотигача, яъни 22 йил давом этган деб ҳисоблайдилар. Кейинчалик исломда муқаддаслаштирилган кечани шу кеча диний анъана бўйича ҳижрадан 12 йил олдин рамазон ойининг 27-кунига ўтар кечаси меълодий ҳисоб билан 610 йилнинг 31 июлидан 1 августига ўтар кечаси деб ҳисоблашади. Қуръонни ваҳий қилишнинг бошланиши тўғрисидаги тасаввур унинг 97-«ал-қадр» (қадр) сурасида ифодаланган.

«Албатта биз у (қуръон) ни қадр кечасида нозил қилдик. (Э Муҳаммад), қадр кечаси нима эканлигини сиз қаердан билар эдингиз. Қадр кечаси минг ойдан яхшироқдир» (97,1—3)<sup>1</sup>.

Ваҳийнинг бошланиши тўғрисидаги диний ривоятларда, жумладан ибн Исҳоқ ибн Ҳишомнинг «Сирату-р-расул-Аллоҳ» (Оллоҳ элчисининг ҳаёт йўли) асарида ёзишча, Муҳаммаднинг Макка яқинида жойлашган Хиро тоғидаги ғорга бориб тунаб қолиш ва ибодат қилиш одати бўлган. Бир куни кечаси у тушида осмондан келган «Уқи!» деган овозни эшитган. У «мен ўқишни билмайман?» деб жавоб берган; яна «Уқи!» деган овоз ва такрорий қийноқлардан кейин фаришта Жаброил ўрама қоғозни очиб турган ва Муҳаммад ана шу сурани ўқиган. Ислом анъанаси бўйича, ана шу кеча биринчи ваҳий қилинган кеча деб ҳисобланади. «Ал-алақ» («Лахта қон») номли 96-суранинг дастлабки бешта ояти ҳисобланади. Унда айтилишича, «Уқи! Яратган парвардигоринг номи билан, Иисонни лахта қондан яратганнинг номи билан, ўқи! Сенинг тангринг Олий ҳиммат, унинг ўзи қаламга ўргатган. Инсонга унинг билмаганини ўргатган» (96,1—5). Суранинг 4-ва 5-оятларида қалам ва инсонни ўргатиш тўғрисидаги ишорани анъанада ёзувни ва умуман билимни инсонга Худо ўргатган деган мазмунда талқин қилинади.

> III, ерда ва кейинги саҳифаларда биринчи рақам сурани, иккинчиси оятни билдиради,

Фақат диний анъаналаргина эмас, балки шарқшунослар ҳам бу суруни энг биринчи сура деб ҳисоблайдилар.

Диний ривоятлар орасида Муҳаммаднинг тушида келган бу ваҳий уйғоқ чоғида унинг қалбига мустаҳкамланиб қолгани, дастлаб тарғибот бошлашга журъат этмагани, шу сабабли Оллоҳ унга қайтадан мурожаат қилиб, уни тарғибот бошлашга даъват қилгани тўғрисида ривоят бор. Бундай ривоятлар Қуръоннинг 73- «Ал-Муззаммил» («Урганган») ва 74- «Ал-Муддассир» («Бурканган») номли суралардаги дастлабки оятларда ўз ифодасини топган. «Хой ўраниб олган! Урнингдан тур, кечанинг ози қолганда, Тун ярмида ёки унга бироз қолганда, Ё ундан ҳам бир оз ўтганда Қуръонни ўқи тиловат билан; Юборамиз биз сенга вазмин калом. Кечалар бедор бўлишнинг ҳақиқатда ҳам, таассуроти кучлинутқхам бунда равон. Кундузи зиммангда узоқ сафарингбор. Эганг исмини ёд эт ва унга астойдил интил. Шарқлар ва Ғарблар эгаси — ундан бошқа илоҳ йўқ ва уни ўзинга паногоҳ деб бил».

74- сура ҳам Оллоҳнинг Муҳаммадга юкоридагидек мурожаати билан бошланган: «Эй (либосларга) буркапиб олган зот, туринг-да, (инсонларни охират азобидан) огоҳлантиринг» (74, 1—2).

Диний ривоятларга кўра Қуръон мазмуни "Оллоҳдан ваҳий сифатида Муҳаммадга аён бўлган; у Оллоҳ сўзларини тарғиб қилган; улар ёзиб олиниб, кейинчалик Қуръон шаклида тўпламга айлантирилган. Шу сабабли исломда Қуръон мазмуни фақат Оллоҳ сўзларидан иборат, бунда Муҳаммаднинг ўз сўзлари мутлақо йуқ деб муқаддаслаштирилган. Муҳаммад фақат Оллоҳ сўзларини инсонларга етказиб берувчи элчи деб ҳисобланган.

Ислом манбаларида ривоят қилинишича, Муҳаммад 40 ёшга етганда, яъни 610 йили Макка шаҳри яқинидаги Хкра номли ғорда ёлғиз қолиб, ибодат билан машғул пайтида, фаришта Жаброил унга биринчи бор Қуръон оятларини келтирган. Одатда Жаброил Муҳаммадга оятларни ўқиб берар, у ёдлаб олиб, ўз издошларига етказар, улар ҳам ўз навбатида шундай қилар эдилар. Уша даврларда мутлақо кўпчилик, шу жумладан Муҳаммад ҳам ўқиш, ёзишни билмаганликлари учун ёдлаб олиш у даврнинг бирдан-бир усули бўлган. Бу ваҳий милодий йил ҳисобида 22 йил, хижрийда эса 23 йил давом этган. Оятларда одамларнинг

счполларига жавоб бериб, уларни тўғри йўлга етаклаган, юз берган ходисаларни талқин қилиб берилган. Ўнроқ ҳукмнинг тўғри ёки нотўғри экани баён қилина-берган. Муҳаммад вафот этганида унинг сафдошлари Қуръонни ёд билганлар. Уша пайтда оз сонли кишиларгина ўқиш-ёзишни билганлар. Саводли мусулмонлар бзиш имкони бўлган нарсаларга Қуръон оятларини апиқлик билан ёзиб борганлар.

Ривоятларга кўра, Муҳаммад Оллоҳга эътиқод қилиш ва мусулмонликни қабул қилиш тўғрисида тарғибот бошлагандан кейин, бир қисм маккаликлар унинг изидан борган, лекин кўпчилик унинг тарғиботига қарши чиққан. Қуръонда бу тарғиботга қарши чиққанларни «мушрик», яъни рад этувчи, эътиқод қилмовчилар деб аталган.

Демак, ислом диний анъанаси бўйича, Муҳаммадни охириги пайғамбар, Оллоҳ элчиси, Қуръон мазмуни Оллоҳ сўзларидан иборат, бунга эътиқод қилиш эса диннинг асосий талабларидан бири бўлган, деган ғоялар исломнинг асосий ақидаларидан ҳисобланади.

Исломшунослар Қуръоннинг вужудга келиши ва бунда Муҳаммаднинг роли тўғрисида, Қуръон, ҳадислар ва бошқа диний ёзувлар устида кўп текширишлар олиб борганлар. Муҳаммаднинг ҳаёт йўлини ёритувчи диний ёзувларни текшириб, уларнинг пайғамбар вафотидан анча кейин вужудга кела бошлаганлигини, унда ҳақиқатга хилоф фикрлар ҳам борлигини аниқлаганлар. Қуръон матнида Муҳаммаднинг оддий одам сифатида ҳеч қандай мўъжиза кўрсатишга кодир эмаслиги кўп марта таъкидланганлигига қарамасдан, диний асарларда Муҳаммаднинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги маълумотларга афсоналар қўшиб юборилганлигини аниқлаганлар. Муҳаммаднинг вафотидан кейинги бир неча асрлар давомида тўпланган ҳадислар ўзаро кураш олиб борган диний ва сиёсий гуруҳлар манфаатларини ўзида акс эттирган. Ҳар бир гуруҳ ўз манфаати йўлида хизмат қиладиган мазмундаги ҳадисни ўйлаб чиқариб, уни Муҳаммаднинг сўзи ёки ҳукми деб ишонтиришга уринган. Натижада бир-бирига мутлақо зид бўлган бир неча юз минг ҳадис вужуд<sup>1</sup>га келган. Лекин Оврупо шарқшунослари орасида ислом манбаларига ўта танқидий ёндашиш ва уларга ишончсизлик билан қараш ҳам кенг ёйилган эди.

Машҳур шарқшунос Е. Э. Бертельснинг таъкидлашича, янги ҳадисларни тўқиб чиқариш ҳеч қандай гу-

ноҳ деб ҳисобланмаган, юзлаб ҳадисларни чиқарганларини айтиб, шу билан мағрурланиб юрган кишилардан мадиналик Ибн Абу Яхъё, бағдодлик ал-Вокидий, хуросонлик Ибн Сулаймон, суриялик Ибн Саъид, қуфалик ибн Абу-л-Авж номларини келтириш мумкин. Ҳақиқии деб ҳисобланган ҳадисларнинг миқдори тўғрисида энг машхур илоҳиётчилар ўртасида ҳам ягона фикр бўлмаган. Масалан, Абу Ханифа ҳақиқий ҳадислар фақат 17 та, Малик ибн Анас 300 та, Ал-Бухорий—9200 та, ибн Ханбал —50000 деб ҳисоблаганлар.

Ислом анъанасида энг обрўли ҳисобланган ҳадислар тўпламини тuzган ал-Бухорий Мухаммаднинг сўзлари ва ҳукмлари деб ҳисобланган ривоятлардан 600 мингга яқинини тўплаб, улардан фақат 7250 ҳадисни «сахих», яъни ишончли деб топган ва ўз тўпламига киритган. Шу сабабдан ал-Бухорий ва ундан кейинги ҳадисларни тўплаш билан шуғулланган ан-Найсобурий (822—875) ўз тўпламларини «ас-Саҳих» деб атаганлар.

Фарбий Оврупо ва рус олимлари ислом тарихи ва унга оид бўлган манбаларни текшириш ва таҳлил қилишга катта ҳисса қўшган бўлсалар-да, лекин улар исломни келиб чиқиш сабаблари ва ижтимоий характери, Мухаммаднинг шахси ва Қуръоннинг вужудга келиш сабаблари каби бир неча жиддий масалаларни илмий жиҳатдан тўғри ҳал қилишга ожиз эдилар. Кўп масалаларда улар диний анъана таъсири остидан чиқолмадилар ёки улардан баъзи бирлари масалага христианлик мавқеида туриб ёндашганлар.

Машхур арабшунос олим, академик И. Ю. Крачковский Ленинград Давлат дорулфунунининг Шарк факультетида Қуръон бўйича 1949 йили ўқиган лекция матнларида бундай деб ёзган: «Биз Қуръонга Мухаммаднинг инсон сифатида қилган адабий ижодининг маҳсулоти — муайян муҳитда ва муайян шароитда вужудга келган. асар сифатида қараймиз. Айрим деталарни гапириб ўтилмаганда, бу ёдгорликнинг вужудга келишидаги Мухаммаднинг роли ҳақида фанда гумон йўк...

...Умумий хулоса — Мухаммад кейинчалик ривоятлар билан қопланган, 622 йили Мадинага кўчиб келгандан илгариги ҳаёти жуда оз маълум бўлган асосан тарихий шахсдир. У шубҳасизки, эрамининг VI асри охири ва VII аср бошида яшаган; шуниси ҳам шубҳасизки, Қуръон асосан 610 ва 632 йиллар ўртасида оғзаки шаклда вужудга келган асардир.

Биз бу ерда фақат академикнинг сўзларини келтириш билан чекландик. Лекин кўпчилик шарқшунослар, -•кумладан И. Ю. Якубовский, И. В. Пигулевская' 11 П. Петрушевский, Е. Э. Бертельс ҳам шундай ёки Шуига яқин/фикрда турганлар. ' 1

Исломшунослик соҳасида олиб борилган илмий и'кширишларнинг ҳозиргача маълум бўлган хулосаларига асосланган тақдирда Мухаммад ўз даврининг сиё-' СИЙ ва ғоявий шарт-шароитларини яхши тушунган, сиё-' СИЙ, диний, ғоявий курашларда маълум рол ўйнаган, давлат, жамоат арбобларидан биридир.

### 3. ҚУРЪОН СУРАЛАРИНИНГ ТУПЛАНИШИ ВА ДАСТХАТ ҚИЛИНИШИ

Исломшуносликда олиб борилган илмий тадқиқотлар шундан далолат берадики, Мухаммад вафотигача ислом оғзаки тарғиб қилинган даврда илк диний ақида, маросим, талаб ва таъқиқлар фақат диний тизим сифатида шаклланиши аббосийлар халифалиги даврида тугалланган.

Қуръон матнларининг тўпланиши, таҳрир қилиниши ва муқаддас ёзув сифатида эътироф этилиши Мухаммад вафотидан кейин 20—25 йил давомида, даст-' лабки халифалар Абу Бакр, Умар, Усмон даврида амалга оширилган.

Мухаммад сураларни ёддан ўқиган, тарғибот вақтида мусулмонлар ҳам уни ёд олган. Бошқа халқлардагидек араблар ўртасида ҳам фольклорга хос шеърлар, ривоятлар фақат ёд олиш ва оғиздан-оғизга кў-' чириш йўли билан авлоддан-авлодга ўтиб сақланган. Фақат айрим саводли кишиларгина баъзи сураларни пергамент, ёғоч тахтакач, курак суякларга ёзиб олганлар. Сураларни тўла ёдлаб олган мусулмонлар анчагина бўлган.

Абу Бакр ҳукмронлиги даврида барча сураларни тўла ёд билган 7 тагина одам қолган эди. Мухаммад умрининг охирида 5 йил давомида унга котиблик қилган. Зайд ибн Собит бТитта суранинг охиригини билмаган, қолган барча сураларни ёд билган. Купчи-' лик мусулмонлар айрим сура ёки парчаларни ёд билганлар, холос. Бинобарин, яна бир неча жанглардан сўнг сураларни ёд билган одамлар қолмаслиги ва Қуръон матнини тиклаш мумкин бўлмай қрлиш хавфи пайдо бўлган.

Шуни ҳисобга олиб, Абу Бакр энг яқин сафдоши Умар маслаҳати билан 633 йилда Қуръон сураларини тўплаб, дастхат қилдиришга қарор берган ва бу вазифани бажаришни Зайдга топширган. Ривоятлар бўйича, у масжидга ўтказиб кўйилган, саҳобалардан ҳар бири ўзи билган сураларни ўқиган, З'айд ёзиб борган. Ҳар бир сура, парча ёки оятлар қисмини аввал бир киши ўқиб, сўнгра иккинчи киши ўқиганда айнай мое келса, ўшандагина ёзиб борилган. Бу тўплам даставвал Сухуф (саҳифалар) деб ном олган. Бинобарин, у алоҳида пергамент саҳифаларига ёзилган бўлиши керак. Лекин бу нусха сақланиб қолмаган. У ҳақидаги маълумотларни биз фақат илк манбалардангина биламиз. <sup>1</sup>

Қуръоннинг ҳозирги нусхасидаги 114 та сура билан таққослаб кўрилса, Сухуфда ҳаммаси 109 та сура бўлганлиги ва 1,34, 41, 45 ва 96-суралар бўлмаганлиги аниқланади. Шундан ҳам маълум бўладики, Сухуф таркиби тўла бўлмаган.

Орадан 17—18 йил ўтгач, илгаридан ўз *ихтиёри* билан сураларни ёзиб юрган ва алоҳида тўплам қилиб олган айрим кишилар қўлидаги нусхаларни халифаликнинг айрим шаҳарларида ўқиш ва ибодатларда улардан фойдаланиш кенгайиб борган сари ана шу нусхалар орасидаги тафовут сезилиб борган. Бундай нусхаларни айрим шахслар ўз ихтиёри билан тўплаб юрган; шу сабабли уларда Сухуфга нисбатан баъзи суралар йўқ, ёки аксинча, сухуфда йўқ суралар бор бўлган. Илоҳий ёзувда келажакда юз бериши мумкин бўлган хилма-хилликларининг олдини олиш мақсадида Усмон барча дастхатларни тўплаб, таққослаб чиқишва улар асосида бўлажак Қуръоннинг ягона нусхасини тайёрлашга амр берган ва ўзи бу ишга бош бўлган.

Маълумотлар бўйича Муҳаммаднинг яқин саҳобаларидан Убай ибн Кеъб (вафоти 643), Ибн Маъсуд (вафоти 650) ва бошқаларнинг хусусий тўпламлари бўлган. Булар Дамашқ, Куфа, Басра, Ҳомис шаҳарларида /амалда қўлланилган.

<sup>1</sup>— Усмон амрини бажариш учун тўрт кишилик гуруҳ белгиланган. Унга Зайд раҳбарлик қилган, унинг таркибига Қуръонни яхши билган саҳобалардан аз-Дубайр, ал-Ос, ибн Ҳишомлар киритилган. Булар барча нусхалар ва тўпилган сураларни қайтадан текшириб, таққослаш асосида ягона нусхани тайёрлаган. Илгариги шахсий нусхаларнинг барчаси йўқотилган. Ингидан

дастхат қилинган ягона нусха тарихда «Халифа Усмон мусхафи» деб ном олган. Лекин айрим нусхалар сақланиб қолгани ҳам маълум. Масалан, машҳур австриялик лрабшунос олим Адам Мец ўзининг «Мусульманский ренессанс» китобида ўрта аср араб тарихчиси ал-Жавзийга асосланиб, бир воқеани келтиради. 1008 йилда расмий Мусхафдан фарқ қиладиган ва Ибн Масъуднинг қўлёзма нусхаси деган ном остида яна бир бор Қуръон дастхати пайдо бўлган, қозилар ҳукми билан бу нусха ёндирилган. Уша қуни ярим кечада дастхатнинг эгаси пайдо бўлиб, уни ёқиб юборилганини билгандан кейин, бу ишни қилганларни лаънатлаган. Бунга жавобан унинг ўзи ҳам ўлимга ҳукм қилинган. Ҳар ҳолда XI аср бошида юз берган ана шу воқеадан кейин, расмий Мусхафдан фарқ қиладиган Қуръон нусхаининг топилгани ҳақида бирор маълумот учрамайди.

Усмон буйруғи билан ёзилган Мусхаф Мадина шаҳрида сақланади. 1964 йилда у ерда нашр қилинган Мадина шаҳридаги ислом ёдгорликлари ҳақидаги китобда, бир неча асрлар давомида Мусхаф Мадинадаги Муҳаммад масжидида сақлангани, кейинчалик ислом мамлакатлари ҳукмронлари томонидан масжид яқинида ана шу Қуръонни ва Муҳаммаддан қолган муқаддас ёдгорликларни сақлаш учун махсус қурилган бинода сақланаётгани қайд қилинган.

Мусхаф қўлёзмаси тайёр бўлгандан кейин тез орада Усмон буйруғи билан ундан 2 нусха (баъзи маълумотлар бўйича 4 нусха) қўлёзма буқа терисига куфи алнфбосида кўчирилган ва ўқишда ҳамда ибодатда барча ерларда Қуръоннинг ягона матнидан фойдаланишни амалга киритиш мақсадида, бу нусхалар Куфа, Басра, Дамашқ ва бошқа шаҳарларга юборилган.

Ҳозирги кунда Ислом оламида 4 та қадимий Мусхаф нусхаларининг борлиги маълум. Улардан бири Мадинада сақланаётган асл нусха бўлиб, ислом манбаларида у «Имом» номи билан тилга олинади. Иккинчи нусха Каъбада, учинчи нусха Қоҳирадаги Миср мил<sup>1</sup>лий кутубхонасида сақланмоқда. Тўртинчиси Тошкентда Ўзбекистон халқлари тарихи музейида сақланиб, 1989 йил бошларида Мовароуннаҳр мусулмонлари диний бошқармасига топширилган.

Мусхафларнинг бу нусхасининг қандай қилиб Марказий Осиёга келиб қолгани ҳақида бир неча хил тарихий маълумотлар ва ривоятлар сақланган. Улар қисман илмий адабиётда ҳам тилга олинган. Мусхафнинг

Самарқанддан 1865 йилда Санкт-Петербургда олиб кетилгани, 1920 йилда мусулмонларга қайтариб берилгани, 1923 йилда Тошкентга олиб келингани ёритиб берилган.

Биз бу масалага муфассал тўхталиб ўтирмаймиз. Шунини илова қилиб айтиш кифояки, бу мусхафнинг Марказий Осиёга олиб келиниши билан боғлиқ бўлган маълумотлар ичида тарихий жиҳатдан асослироғи ва ишончлироғи соҳибкирон Амир Темурнинг Ироқдан Самарқандга Қуръоннинг қадимий бир нусхасини жўнатгани ҳақидаги маълумот деб ҳисоблаш мумкин.

Мусхаф кейинчалик мусулмон оламида тарқалган ва минглаб мартаба нашр қилинаётган Қуръоннинг асл нусхаси ҳисобланади. Қуръон қаерда нашр қилинмасин, унинг биринчи саҳифасида Усмон мусхафи матнига мувофиқ экани ёзиб қўйилган бўлади.

Қуръон сураларининг тўпланиши ва дастхат қилиниши илк ислом манбаларида батафсил баён этилган ва исломда энг кенг тарқалган йўналиши суннийликда эътироф этилган.

Лекин исломдаги иккинчи оқим — шиалар анъанасида Қуръон сураларини тўплаш билан шуғулланган Абу Бакр, Умар ва Усмон ўз манфаатларини кўзлаб,<sup>1</sup> унинг айрим қисмларини йўқоттирган, матнларга ўзгартишлар киритган, деб айбланади. Бундан ташқари у уларга «Сурат ан — нурайн» («Икки нур») деб аталган сурани Қуръонга киритмай қасддан тушириб қолдирган, деб айб қўядилар. Бу сурани француз олими де-Тасси ва машхур шарқшунос Козимбек нашр эттирганлар.

Суранинг асосий ғояси шуки, унда шиаларда биринчи имом ҳисобланган халифа Али Муҳаммад билан баробар даражага қўйилган. Козимбекнинг фикрича<sup>2</sup> бу сура шиалар билан суннийлар ажралгандан кейин, Қуръон услубига тақлид қилиб ёзилган қалбаки сурадан иборатдир. Бу сохта сура ўрта асрларда айрим шиалар илоҳиётчиларининг китобларида биридан-бирига кўчиб юрган, лекин ҳеч қачон шиалар бу сурани нашр қилган Қуръон матнига расман киритган эмаслар. Где Тасси бу сурани шиалар муаллифларидан Мухсини Фоний ёзган «Дебистони мазоҳиб» (мазҳаблар мактаби) номли китобдан топиб олиб нашр қилган.

Айрим исломшунослар Қуръон яна кўп тахрир қилинган, унинг тахрири кейинги асрларда ҳам давом

этган деб ҳисоблайдилар. Хусусан Л. И. Климович ўз китобларида Қуръонни VIII—IX асрларда ҳам тахрир қилиш давом этган, деган фикрни кўп такрорлаган. Лекин амалда бундай фикрлар мутлақо асоссиздир. Чунки Усмон Мусхафи дастхат қилингандан кейин, амалда ҳеч қандай шаҳе Қуръонни тахрир қила олмаган, диний анъана бунга мутлақо йўл қўйиши мумкин эмас эди.

Айрим тадқиқотларда Қуръоннинг охириги тахрири Умавийлар хонадонидан бўлган халифа Абд ал-Малик хукмронлик қилган даврда (685—705) амалга оширилган, деган фикр ҳам учрайди. Лекин аслида бу тахрир эмас эди. Шу давргача Қуръон матнида араб ёзувида хос бўлган қисқа унлиларнинг белгиларигина эмас, балки ҳарфларнинг устига ва остига қўйиладиган қалта чизиқча ҳам амалда бўлмаган. Бу ҳол ёзувнинг ўқилишида қийинчилик ва тугалланишида номувофиқлик туғдирар эди. Шунинг учун бу даврда Ироқ ҳркими бўлган ал-Ҳажжож Қуръон матнларининг ўқилишидаги чалқашликларга хотима бериш мақсадида шундай нуқталар ва белгилар қўйиб чиқишни буюрган. Демак, бу аслида фақат унли ҳарф белгиларини қўйиш билан боғлиқ иш бўлган ва бу вақтда Қуръон матнига ўзгартиришлар киритиш имконияти бўлмаган.

Қуръоннинг ҳозирги матни халифа Усмон мусхафи матнига тўла мое келади. Демак, унга 651 йилдан кейин хусусан ал-Ҳажжож буйруғи билан қандайдир ўзгартишлар ва тахрирлар киритилган, деб ҳисоблаш учун ҳеч қандай асос йўқ.

Бундан ташқари ал-Ҳажжож ислоҳларида Қуръон матнига уни ўқиш қоидалари билан бирга уни қироат қилиш усуллари ҳам қонунлаштирилган. Буни юқрида тилга олинган ва олимлар тадқиқ қилган Усмон Мусхафининг нусхаларини таҳлил қилиш ҳам тасдиқлайди. Бу қўлёзмалардан иккитаси (Мадинада ва Маккада сақланаётган нусхалар) га илмий тадқиқотчилар яқинлаша олмайдилар. Шунинг учун уларнинг матни ҳақида фан ҳеч қандай маълумотга эга эмас. Лекин Қоҳирада ва Тошкентда сақланаётган нусхаларни тавсифчилар тадқиқ қилган. Шу қўлёзмаларга бироз тўхталиб ўтамиз. Булар қадимий Куфа ёзувида ёзилган. Шу сабабли буларни шарқшунослар ўртасида «Кўфа Қуръонлари» деб ҳам айтилади. Буни текшириш билан шуғулланган рус шарқшуноси А. Шебунин бу нусхаларни VII аср охири ва VIII аср бошларида қўчириб

ёзилган бўлиши керак, деган хулосага келган. Л. И. Климович бу қўлёзмалар ал-Ҳажжож буйруғи билан қилинган охириги таҳрирдан кейин VIII аср 1 чораги охириларида вужудга келган нусхалар бўлиши керак, деган фикрни айтган. Лекин бу фикрларга мутлақо қўшилиш мумкин эмас. Бу нусхалар ал-Ҳажжож таҳрирдан илгариги даврга оид бўлган Усмон мусхафидан олинган нусхалар эканини тасдиқловчи фактни ана шу қўлёзмалар матнининг ўзидан топиш мумкин. <sup>1</sup>

Юқрида айтилганидек, VII асрнинг 90- йилларида қилинган ал-Ҳажжож таҳрири асосан Қуръон матнини ўқишни осонлаштириш ва унда тафовутга йўл қўйилмаслик мақсадида унли товушлар белгиларини, диакритик нукталарни, Қуръонни ўқиш услуби билан боғлиқ бўлган белгиларни қўйиб чиқиш ва ўқишнинг 7 хил услубини белгилашдан иборат бўлган экан. Демак, ал-Ҳажжож давридаги таҳрирдан кейинги қўлёзмаларда ана шундай белгилар бўлиши шарт. Лекин Тошкентда ва Қоҳирада сақланаётган нусхаларда ана шундай белгилар йўқ. Улар ҳеч қандай нукта ва товуш аломатларига эга бўлмаган «Куфа ёзувида» ёзилган. Шундай бўлгач, бу қўлёзма ал-Ҳажжож таҳриридаи албатта илгари, Усмон Мусхафидан дастхат қилинган бўлиши шарт. Демак, бу қўлёзмалар Усмон Мусхафидан кўчирилиб, бир неча шаҳарга жўнатилган нусхалар эканини илмий-тарихий далиллар тасдиқлайди.

Қуръон сураларини тўплаш, дастхат қилиш ва бир китобга айлантириш тарихининг илк ислом манбалари асосида қисқача баёнини охирига етказиш учун Европа ва собиқ совет исломшунослигида Қуръон муаллифи ҳақидаги масаланинг ёритилишига ҳам тўхталиб ўтишга тўғри келади. Чунки бу ҳақдаги асоссиз ва чигал хулосаларнинг узок вақт собиқ совет фанида ҳукмрон мавқега эга бўлганлиги исломшунослик ва қуръоншуносликнинг илмий ривожланишига жиддий ҳалакит берди.

Аввалги аерларда Европа исломшунослигида христиан ва яҳудий миссионерлари Қуръонни бошдан-оёқ Таврот ва Инжилдан кўчирма деб камситганлар. Бу фикр рус шарқшунослигига ҳам таъсир этган. Натижада Қозон илоҳиёт академиясининг миссионерларигина эмас, бошқа айрим тадқиқотчиларнинг асарларида ҳам бу фикр тилга олинган. Шу бобнинг бошида батафеил ёритилган араблар ва яҳудийлар анъанасининг к.адимдан бир илдизга — сомиё анъана ва эътиқодла-

рига бориб тақалишини ва шу муносабат билан уларнинг бирини иккинчисидан кўчирма деб ҳисоблаш уларнинг ягона тарихий илдизини инкор этишга олиб келишини юқоридаги асоссиз фикрларга етарли жавоб деб ҳисоблаш мумкин. Лекин бу олимларнинг барчаси Қуръонни асосан Муҳаммад пайгамбарнинг шахсий ижоди деб қарар эдилар.

Асримизнинг 30- йилларида Л. И. Климович «Муҳаммад тарихий шахе эмас» деган назариясини олга суриб, барча илмий ва тарғиботчилик адабиётидан ўрин олган ва бошқача хулоса берилган тадқиқотларни ўмуман нашр этиб бўлмайдиган ҳолат юзага келган эди. Шундан кейин Қуръонни ким ижод қилган ёки унинг сураларини ваҳий сифатида ким ўқиган, деган саволнинг ўзи муаллақ бўлиб қолган.

Буни тушунтириб беришга ва юқоридаги саволга манбалар асосида жавоб топишга Л. И. Климовичнинг ўзи ҳам ожизлик қилган; асоссиз фикрни ўртага ташлаб, уни барча адабиётга киритиш учун кураш олиб борган, лекин исботлаш учун бирор далил келтира олмаган.

Юқоридаги саволга ўз холича жавоб топишга уринган исломшунос Е. А. Беляев Қуръон узок, вақт давомида кўп тарғиботчилар, жумладан ханифлар ижод қилган суралар ва ривоятларнинг тўпламидан иборат; у тўплам цилингандан кейин Муҳаммаднинг ижоди деб таърифланган, деган ғоят чалқаш фикрни илгари сурган. Лекин, Муҳаммад бўлмаган бўлса ким бўлган, VII аср бошларида Маккада ким тарғибот олиб борган. Муҳаммаддан олдинги қандай тарғиботчиларнинг таълимоти тўпланган каби ўнлаб саволларга илк манбалар ва далиллар асосида жавоб кидирилмагандан кейин, Климович фикри ҳам, Беляев фикри ҳам муаллақ бўлиб қолаверган.

Лекин улар исломшунослар сифатида бу соҳада етакчи мавқени эгаллаб турган шахслар эдилар. Шу сабабли уларнинг асоссиз фикрлари амалда ислом ва Қуръон тарихини ва Муҳаммаднинг ҳаёти ва фаолия-<sup>1</sup>тини илмий ёритишни тўхтатиб қўйди. Бу хулосаларни, аксинча, исломшуносликка алоқаси йўқ бўлган ва фанга тасодифий кириб қолган муаллифлар байроқ қилиб кўтариб юрдилар ва даҳрийликни, халқларнинг ўтмиш маданиятини инкор қилиш йўлига йўналтириб юбордилар. Натижада бузиб тасвирланган даҳрийлик миллий маданиятларга маълум шикает етказди.

Юкррида илк манбалар асосида баён этилган Қуръон сураларининг ўқилиш даврлари, улар билан боғлиқ бўлган тарихий воқеалар, Мухаммад вафотидан кейин сураларнинг тўпланиши ва дастхат қилиниб ягона китоб шаклига келтирилиши тафсилотлари билан танишган ҳар бир китобхон исломшунослик ва қуръоншуносликнинг қандай машаққатли, эгри-бугри йўллари босиб ўтганини ўзи тасаввур қилиши ва зарур ҳулосаларни чиқариб олиши мумкин.

#### 4. ҚУРЪОННИНГ ИЧКИ ТУЗИЛИШИ

Қуръон VII асрга оид қадимий ёзма ёдгорлик бўлгани сабабли ички тузилиши, услуб, мазмуни, иборалари жиҳатидан ўзига хос хусусиятларга эга бўлган тўпламдир.

Қуръон 114 сурадан иборат. Ҳозирги замон тасавури нуқтаи назаридан сураи айрим олимлар бу ёзувдаги боблар билан таққослаб «боб» деб ҳам атайдилар. Лекин бунга қушилиш мумкин эмас, сура боб эмас, фақат Қуръонга хос бўлинишини аниқлаш атамидир. Шунинг учун уни бошқа ибора билан алмаштириш тарихий ёдгорликка нисбатан ҳурматсизлик бўлади.

Арабча «сура» атамасининг Қуръон вужудга келган даврдаги луғавий маъноси девор тиклашда териладиган гишт ёки тошнинг ҳар бир қаторини аниқлаш. Бинобарин, уни «тизма» маъносида тушуниш мумкин. Қуръон матнларида эса «сура» сўзи муайян равишда «оятлар тўплами» (оятлар тизмаси) маъносини берадиган жойлар кўп учрагани сабабли, бу термин асосан «оятлар йигиндиси» маъносида тушунилади.

Суралар Қуръонда ўз мазмуний изчиллигига ёки ўқилган вақтига, яъни хронологик тартибига қараб эмас, балки ҳажмига қараб жойлаштирилган. Сураларнинг ҳажми ҳам ҳар хил: энг катта ҳажмга эга бўлган 2-сурада 286 оят бор, энг кичик суралар фақат 3 оятдангина иборат.

Узун суралар китобнинг бошидан, қисқа суралар унинг охиридан ўрин олиши, тадқиқотларда аниқланишича, қадимий арабларнинг ва умуман Олд Осиёдаги сомиё халқларнинг анъанаси билан боғлиқ бўлган экан. Хилма-хил ёзувлар, ривоятлар ёки адабий асарлар тупланиб китоб қилинганда, катта ҳажмдаги асарлар биринчи ўринда, кичиклари кейин жойлаштирилган экан.

Зайд Ибн Собит ҳам Сухуфни тўплаб дастхат қилишда ана шу анъанага амал қилган бўлиши керак.

Қуръон — илк ислом ғояларини ўзида акс эттирган ягона ёзув бўлгани сабабли фақат ислом тарихи билан шуғулланган олимларгина эмас, балки ислом тарқалган халқлар адабиёти ва маданияти билан шуғулланганларнинг барчаси ҳам бу китобни таҳлил қилишга катта эътибор берганликлари табиий бир ҳолдир. Аммо, юкррида айтиб ўтилгандек, унинг суралари мавзулари асосида ёки тарихий-хронологик тартибда жойлашмаганлиги сабабли, бу китобни ўрганиш ғоят қийин ҳисобланади. Шунинг учун XIX аср ўрталаридан бошлаб манбаларда учрайдиган тарихий воқеалар ва шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ишораларга, шунингдек, ишлатилган ибораларга қараб сураларнинг ёки айрим гуруҳ оятларнинг вужудга келган даврини аниқлаш, қисқаси, сураларнинг тарихий-хронологик тартибини аниқлаш билан кўп олимлар шуғулланганлар.

Немис олимларидан Нольдеке ва Гримме, рус олимларидан И. Ю. Крачковский ва К. С. Кашталеваларнинг бу соҳадаги хизматларини алоҳида тилга олиб ўтиш керак. Улар олиб борган текширишлар натижасида суралар хронологияси фақат умумий тарздагина аниқланган.

Нольдеке (1836—1930) ўз хронологиясида барча сураларни умуман 4 асосий даврга бўлган: I. Макка даврида 48 та сура бўлиб, булар Мухаммад фаолиятининг дастлабки 4—5 йилига (610—614), II. Макка даврида 21 сура ундан кейинги 2 йилга (615—616), III. Макка даврида 21 сура хижрадан олдинги 6 йилга (617—622), Мадина даврида 24 сура Мухаммаднинг Мадинада тарғибот олиб борган даврига (622—632) тўғри келади, деган ҳулосани чиқарган. Гримме (1864—1942) бўлса ўз хронологиясида Мадина даврига оид сураларни ҳам 4 даврга ажратган: I. Мадина даври — Мухаммад Мадинага келгандан Бадр жангигача ўқилган суралар 4 та (622—624), II. Мадина даври — Бадр жангигача Ухуд жангигача 3 та сура (624—625), III. Мадина даври — Ухуд жангидан Макканинг олинишигача 13 та сура (625—630), IV. Мадина даври — Макканинг олинишидан Мухаммад вафотигача 4 та сура (630—632) ўқилган, деган ҳулосани чиқарган.

Лекин бу хронологияларнинг айрим жиҳатлари шартли бўлиб, қатор суралар ва гуруҳ оятларнинг

укилган даври ва уларнинг қандай ходисалар билан боғлиқ эканлиги устида олимлар ўртасида хали ҳам умумий фикрга келинмаган. Айрим жиддий ноаниқликлар ҳам бор. Масалан, кўпчилиги олимлар маъқуллаган Нольдеке хронологиясида 618—622 йиллар, яъни III Макка даври билан Муҳаммаднинг Мадинага кўчишигача ўтган 4 йиллик даврга бирорта ҳам сура киритилмаган. Аслида эса илк ислом манбаларида бу даврдаги айрим ходисалар билан боғлиқ бўлган сураларнинг даврлари ва йиллари кўрсатилган. Ҳатто айрим сураларнинг аниқ вақти, масалан, 72 сура 619 йил июль ойида Тоифдан орқага қайтиб келаётган вақтда ўқилгани каби фактлар уламолар орасида ҳам, тадқиқотчилар «азарида ҳам ҳеч қандай шубҳа туғдирмайди. 106—«Қурайш» сурасининг мазмуни ҳам аниқ тарихий ҳодиса билан боғлиқ. Унда Макка савдогарлари тез-тез қарвон ташкил қилиб, шимолга ва жанубга илоф жўнатиб тургани ҳақида гап боради.

«Илоф» ибораси, манбаларда таъкидланишича, Макка савдогарларининг савдо қарвонларини ташкил қилиши ва барчанинг ўз моллари юкланган маълум миқдордаги туялари, савдо вакиллари ва қарвон кўрикчилари билан, қарвонга кўшилиши билан боғлиқ бўлган ўзига хос ширкатдан иборат бўлган. Маккаликлар қишда ва ёзда катта қарвон ташкил қилиб, шимолга — Сурия, Фаластин ерларига, шунингдек Жанубга — Яманга жўнатиб турган. Исломи манбаларида кўрсатилишича, бу қарвонлар айрим ҳолларда 1000—2000 туядан иборат бўлган. 3-оятдаги «бу маскан» жумласида Каъба кўзда тутилади.

Қисқаси, Нольдеке ва Гримменинг XIX аср охирида илгари сурган хронологияси энди ислом манбаларини кейинги бир аср ичида ўрганиш натижасида аниқланган фактлар ва қилинган илмий хулосалар талабига жавоб бермай қолди. Лекин, афсуски, Европада ҳам, рус исломшунослигида ҳам суралар хронологияси бобида тадқиқотлар олиб борилмади.

Исломунослик ва Қуръонуносликнинг охириги хулосалари асосида, бизнингча, сураларнинг хронологик тартибини қуйидагича биров такомиллашган шаклда тасаввур қилиш мумкин.

I Макка даври (610 йилдан 615 йил охиригача). Бу даврда юксак адабий ижод намуналари бўлган сажъ жанридаги суралар ўқилган. Европа олимлари уларга «Назмий суралар» деб ном берганлар.

II Макка даври (616 йилдан 619 йил охиригача). Муҳаммад ва унинг издошлари доимий таъқиб остида яшаган ва кўпчилиги Ҳабашистонга кўчиб кетган мухитда ўқилган. Бу сураларда Оллоҳнинг «Раҳмон» сифати кўп тилга олинганлиги сабабли Европа олимлари уларни «Раҳмон суралари» деб атаганлар.

III Макка даври (620 йил бошларидан 622 йил сентябригача). Бу даврда ҳам Муҳаммад ва унинг издошлари таъқиб остида яшаганлар, махфий равишда, кўнinchа шаҳардан ташқари ибодатга тўпланганлар. Бу давр сураларида исломнинг акрид таълимотига кенг ўрин берилганлиги сабабли, европалик олимлар уларга «Пайғамбарлик суралари» деб ном берганлар.

Келтирилган сураларнинг хронологик тартибидан шу ҳол кўзга ташланадиги, Муҳаммад ҳаёти ва тарғиботининг Макка даврида юз берган ҳодисалар ва сураларнинг ўқилган йилларини аниқлаш масаласи хали жуда кўп тадқиқотлар ва аниқлашларга муҳтождир. Бу давр мавжуд илк манбалар асосида чуқур ва ҳолисона тадқиқ этилмаган, айрим олимлар Макка даврига оид воқеа ва ходисаларнинг барчасини афсона деб қараб келгани «атижасида илмий жиҳатдан хали кўп ҳодисалар етарли аниқланмаган ҳолда қолиб келмоқда. Хусусан рус исломшунослигида бу даврни тадқиқ қилиш узок вақт тамомила тўхтаб қолганлиги айниқса афсусланарли ҳолдир.

Мадина даврида юз берган воқеа Макка даврига нисбатан анча аниқроқ бўлиб, улар тегишли сураларда ҳам маълум даражада ўз ифодасини топган. Шу сабабли Мадина даврига оид сураларнинг тарихий хронологияси бирмунча аниқроқ ва тегишли далиллар асосида исботланган, деб ҳисоблаш мумкин.

Тарихий воқеалар аниқроқ кўзда тутилган ҳолда Мадина даврига оид 24 та сурани Гримме таклиф этган 4 даврга эмас, балки, бизнинг фикримизча, 5 даврга ажратиш маъқулроқдир.

I Мадина даври (622 йил октябрдан 624 йил мартигача), Муҳаммад Мадинага кўчиб келганидан маккаликлар билан биринчи йirik тўқнашув — Бадр жангигача ўқилган 4 сура (2, 98, 64, 62) бу даврга кирди. Бу сураларнинг ўқилган даврига мое тартибда жой олганлиги шубҳа уйғотмайди.

II Мадина даври (624 йил мартдан 625 йил мар-

тигача), Бадр жангидан кейин Ухуд жангигача ўтгав бир йил ичида ўқилган 3 та сурани (8, 47, 3) ўз ичига олади.

III Мадина даври (625 йил мартдан 627 йил мартигача). Ухуд жангидаги мағлубиятдан кейин Ҳандақ жангигача ўтган 2 йил ичида бешта сура (61, 57, 4, 65, 59) ўқилган.

IV Мадина даври (627 йил апрелидан 630 йил январигача). Ҳандақ жангидан сўнг Макканинг олинишигача ўтган салкам уч йил ичида ўқилган 8 та сура (33, 24, 63-, 58, 22, 48, 66, 60) шу даврга киради.

V Мадина даври (630 йил февралдан 632 йил майгача). Макка олингандан кейин Муҳаммад пайғамбарнинг вафотигача ўтган 2 йилдан ортиқроқ давр ичида ўқилган 4 та сура (ПО, 49, 9, 5) шу даврга киради.

Биз бу ўринда Қуръон сураларининг хронологик тартиби масаласига умумий тарздагина тўхталиб ўтдик. Бу гоят мураккаб илмий масалани фақат махсус тадқиқотдагина муфассал ёритиш мумкин.

Қуръон тузилиши ҳақидаги гапни давом эттирсак, ундаги ҳар бир сура оятлар йиғиндисидан иборат. «Оят» сўзи фақат Қуръоннинг ўзига хос ибора бўлиб, «мўъжиза», «хикмат» «илоҳий белги» маъносини англатади: Қуръон матнларида жуда кўп учрайдиган бу ибора ҳамма ерда ҳам бир хил маънода ишлатилган эмас. Лекин кўп ерда: «Мўъжиза» мазмунини беради: «Маръям ўғли Исо деди: «Э, Оллоҳ, парвардигоримиз! Бизга осмондан озик-овкатлар юборгин! У бизга байрам бўлади, биринчимиз учун ҳам, охиргимиз учун ҳам сендан келган оят бўлади...!» (5), (114). «Худо асалариларга амр қилди. «Тоғларда, дарахтларда ва улар (инсонлар) тиклаётган биноларда уя қур: сўнгра л<sup>а</sup>Р хил мевалар билан овқатлан ва Эганг йўлидан итоат билан бор». Улар (асаларилар)нинг ичидан одамлар учун даво бўладиган ҳар хил рангдаги суюклик чиқади.<sup>1</sup> Ҳақиқатда бу — ўйлаб кўрган одамлар учун оятдир» (16, 70—71) ва ҳ. к.

Оятларнинг ҳажми ҳам ҳар хил: айрим оятлар бир неча тугал фикрни билдирадиган катта бир жумладан (масалан, 2,256— Оят — ал — Курсий) иборат бўлгани ҳолда, айрим оятлар фақат икки сўздан (гапнинг бир қисмидан)гина иборат. Масалан: 1. Осмон ёрилганда. 2. Юлдузлар (хар томонга) сочилганда. 3. Дарё-денгизлар (ўртасидаги тўсик-тўғонлар) очилганда. 4. Қабр-

лар тўнкарилиб қўйилганда. 5. (Ана ўша кунда ҳар бир) жон ўзи (ҳаёти дунёдалик чоғида) қисиб ўтган на (ўзидан кейин) қолдирган (барча) иарсаларни (яъни ихши-ёмон амалларини) билур! (82, 1—5).

Қуръон — муқаддас китоб, унинг мазмунини Оллоҳ сўзларидан иборат деб ҳисоблаш ҳам Қуръоннинг ўзидаги кўрсатмаларга асосланган: «У (Оллоҳ) бундан илгари юборилган (китоблар)нинг тўғрилигини тасдиқлаб, сенга ҳақиқат китобини юборди», «Биз Нухга, Яқубга ва унинг авлодларига, Исога, Айюбга, Юнусга, Хорунга, Сулаймонга қандай ваҳий қилган бўлсак ҳамда Довудга Забурни қандай юборган бўлсак, сенга ҳам ўшандай ваҳий юбордик», «Сенинг Қуръонни одамларга парча-парча билан ўқиб беришинг учун биз уни бўлакларга бўлиб сенга юбордик».

Қуръон арабларга тушунарли бўлсин учун араб тилида юборилгани ҳақида ҳам кўрсатмалар бор. «Шундай қилиб, биз Қуръонни арабча гобордик ва унда бирмунча пўписа қилдикким, бу пўписадан қўрқишса ёки хотиралари уйғонса ажаб эмас!» «Биз уни арабча Қуръон қилиб юбордик, эҳтимол энди тушунарсизлар?». «Агар биз уни бошқа тилдаги Қуръон қилганимизда, улар «Қани энди унинг оятлари аниқ бўлса!» дер эдилар. Бошқа тилдаги арабча билан тенг бўладими!»

Биз келтирган ва бундан бошқа кўп оятлардан шундай ҳулоса келиб чиқадики, Қуръон ўзидан илгариги диний ёзувларни инкор этмайди, балки уларни тасдиқлаш ва ўша ёзувлардаги диний йўлланмаларни охирига етказиш учун юборилган китоб дейилади. Ислом ҳам ўзидан илгариги диний эътиқодларнинг вориси, Муҳаммад эса ўзидан илгари ўтган барча пайғамбарлар ишини яқунловчи ва охирига етказувчи расул — элчи деб танилади.

Қуръон 22 йил давомида ўқилгани сабабли давр ва шароитга мое равишда айрим кўрсатмалар ҳам ўзгариб борган. Шунинг учун насх ва мансух назарияси бўйича кейинги даврдаги оятлар ундан илгариги оятларни бекор қилиши мумкин. Буни қуйидаги оятлар исботлайди: «Қачонки, биз (бирор) оятни бекор қилсак, ёки уни унутишни буюрсак, Биз ундан яхшисини ёки ўшанга тенгини келтирамиз». «Бир оятни Биз иккинчиси билан алмаштирганимизда,— ахир Оллоҳ нимани юбораётганини ўзи яхшироқ билади,— улар: «Сен ўйлаб чиқарувчисан!» дейдилар. Ҳа, уларнинг кўпчилиги билмайдилар».

Ана шу туфайли ислом илоҳиётида «насах» (бекор қилиш) назарияси вужудга келган. Бу назария бўйича Қуръонда «носих» (бекор қилувчи) ва «мансух» (бекор қилинувчи) оятлар бор. Демак, мазмунан бир-бирига мое келмайдиган, бири иккинчисини инкор қиладиган: оятларнинг мавжудлиги тарихий давр такрзоси билан боғлиқ деб ҳисобланади.

Хуллас, Қуръон исломда муқаддас китоб, барча билимлар манбаи, қонунлар тўплами, мазмуни осмондан ҳудо ваҳий қилган китоб деб эътиқ қилинади.

Қуръон ички тузилишининг айрим бошқа хусусиятларига ҳам тўхталиб ўтамиз. Қуръондаги ҳар бир суранинг номи бор, бу ном сура бошланишида сарлавҳа қилиб берилган. Олимларнинг фикрича, сура башорат номлари ҳам Қуръонни таҳрир қилиш даврида киритилган бўлиши керак. Кўпчилик ҳолларда суранинг номи унинг мазмунига мое келмайди, бирор оятда тилга олинган бирор исмга, сўзга ёки ривоятга асосланиб сура-ларга ном берилган.

Олимларнинг фикрича, сураларнинг номлари дастлабки вақтда бир неча сўздан тузилган жумлалардан иборат бўлган, кейинчалик қисқара бориб, ўша жумладан бирорта сўз сақланиб қолган бўлиши мумкин. Шунинг учун 2-сура ал-Бақара (Сигир), 16-сура ан-Нахл (Асаларилар), 27-сура ан-Намл (Чумолилар) деб номланган бўлса, бунга ҳеч ҳам ажабланиш керак эмас. Уша сураларда тегишли ривоятлар келтирилган. Дастлабки шаклида «Ана шундай ривоятлар ҳақида сура» типидеги узунроқ ном бўлган ва кейинчалик қисқарган бўлса, ўз-ўзидан тушунарли ҳолдир.

Бундан ташқари ислом аънасида айрим муҳим оятларнинг ўзига хос номлари ҳам пайдо бўлган, улар ана шу оятларнинг мазмуни ва аҳамиятига қараб берилган. Масалан: 2,256—«Оят-ал-курсий» (Тахт ояти), 4,3—«Оят-ал-таъаддуд аз-завжот» (Купхотинлик ояти), 4—102 «Оят-ал-хавф» (хавф ояти) ва х. к. Оят номлари диний адабиётда кейинчалик берилган, Қуръон матнида ҳеч қандай оятга ном берилган эмас.

Қуръон тузилишининг яна бир хусусияти шуки, сура ва оятларда бир фикр ёки ривоят жуда кўп мартаба такрорланганини учратиш мумкин. Бу тарғибот даврида маълум ғоя, ривоят ва кўрсатмаларни такрор айтилиши билан боғлиқ бўлган. Шунинг учун Қуръон мазмуни, унинг таълимотини ўрганиш ва таҳлил қилиш учун маълум ғоя, ривоят ёки норма тилга олинган ўнлаб

оятлардан 2—3 таси унинг тўла мазмунини тушуниб-олиш учун кифоя қилади.

Қуръондаги 29 та суранинг бошланишида бир ёки бир неча алоҳида ҳарфлар бор. Илоҳиёт китобларида ва тафсилларида бу ҳарфлар «хуруф ал-муқаттъа» (ало-\пда, бир-биридан узик ҳарфлар) деб аталади. Масалан, 2, 3, 29, 30, 31, 32-сураларнинг бошланишида — «алиф», «лом», «ميم», 10. 11, 12, 14, 15-суралар бошида «алиф» «лом», «ро», 19-сурада—«каф», «хо» (хойи хавваз), «йо», «айн», «сод» ва х. к. Бу ҳарфлар ҳақида диний адабиётда асосан «бу ҳарфларнинг мазмуни сир, уни фақат Муҳаммад ўзи билган», улар «Қуръоннинг сири» деган фикр айтилган. Фақат баъзи йирик муфассиларнинг бу ҳарфлардан баъзиларини Оллоҳнинг сифатлари деб таърифлаган ҳоллари учрайди.

Европа исломшуносларидан баъзиларининг бу ҳарфлар мазмунини ечишга қаратилган уринишлари ҳам\* натижа бермаган. Масалан, Нольдеке бу ҳарфлар Зайд тўплаган вақтда айрим сураларни ўқиб берган шахслар номларининг бош ҳарфларини ёзиб қўйган бўлиши мумкин, кейин бу ҳарфларнинг мазмуни унутилган, деган фикрни айтган. Лекин бу фақат фарз ҳолос, уни: текшириш ва аниқлаш учун ҳеч қандай манба йўқ.

Қуръон матни сура ва оятлардан ташқари яна 30 та «жуз» (ўзбекча «пора»)ларга бўлинган. Шунини айтиш керакки, пора сура ва оятларга ўхшаб Қуръоннинг илк тузилиши билан боғлиқ эмас, балки ўқишда қулайлик туғдириш учун кейинчалик Қуръон матнини ҳам жихатдан тенг бўлақларга бўлишдан иборат бўлган. Шу сабабли энг узун 2-сура" порадан кўпроқ бўлгани ҳолда,! охириги қисқа суралардан 37 таси бир порани ташкил этади.

Қуръоннинг тузилишидаги биз кўрсатиб ўтган хусусиятлардан келиб чиқадиган хулоса шуки, унда: ҳозирги замон китобларига хос бўлган ва китобхонларимиз одатланиб қолган бўлинишлар — боблар, бўлимлар, параграфлар — уларнинг умумий мазмунини англаувчи сарлавҳалар йўқ. Унинг матнида VII аср араб тилига хос бўлган, ҳозир қийин тушуниладиган ибора ва тушунчалар кўп. Шунинг учун ҳам бу китоб, кўпчилик шарқшуносларнинг эътироф этишларича, ўқиш, тушуниш ва таҳлил қилиш учун энг оғир бўлган цадимий ёзма ёдгорликлардан бири ҳисобланади.

Қуръон йирик тарихий ва маданий ёдгорлик сифатида VII асрдаги араблар ҳаёти ва қарашларининг кўп-

Охаларини ўзида акс эттирган. Унда диний-фалсафий тасаввурлар ва ривоятлар, қабила-уруғчилик ҳаёт тарзига хос анъана, урф-одат ва маросимлар, ижтимоий ва -Иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий ва ахлоқий қонун ва қоидалар, жумладан, оила-никоҳ, аждодлар ва авлодларга муносабат, мулкчилик ва ворислик, савдо-сотик, қарз-муомалаларга хос кўрсатмалар ва бошқалар ўз ифодасини топган. Ана шу жумладан Қуръоннинг ахлоқ, инсоф, виждон, ҳалоллик каби соҳалардаги умумбашарий аҳамиятга молик йўл-йўриқлар, қоидалари ҳозирда ҳам ғоят зарур эканлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Юқрида айтиб ўтилганидек, Қуръон мазмунида ҳаётнинг кўп соҳаларига тааллуқли масалалар ўз ифодасини топган. Бу ўринда Қуръон қадимий араб тили, адабиётининг ғоят муҳим, илк ёдгорлиги эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Араблар тарихида Қуръонгача бирор йирик ёзма асар бўлган эмас. Қуръондан илгари маълум бўлган ёдгорликлардан иккитасинигина тилга олиш мумкин. Булардан бири Жанубий Арабистонда — Яманда вужудга келган Сабоъ ёзувлари бўлиб, улар фақат тошларга ўйиб ёзилган лавҳалар шаклида сақланиб қолган. Кейинги бир ярим аср давомида Европа олимлари ана шу тош лавҳалардан 700 дан ортиқроғини топиб, тадқиқ қилганлар. Улар асосан араб ҳукмронлари ва қабила бошлиқлари ёзиб қолдирган жанг, ҳарбий юриш, сулоалар ҳақидаги қисқа маълумотлар, чегара белгиси сифатида қўйилган лавҳалардан иборат.

Иккинчи хил ёдгорликлар исломдан илгариги қабилалар ҳаётига, қаҳрамонлик, жанг, мардлик мавзуларига бағишланган қасидалардир. Бу ижод намуналари араб халифалиги вужудга келгандан сўнг, Аббосийлар ҳукмронлиги давридаги тўплаб, китоб килинган.

Шунинг учун ҳам Қуръон араб халқларининг адабий ижоди тарихида биринчи йирик насрий асар сифатида араб тилининг ўша даврларга хос хусусиятларини, сўз бойлиги, иборалари ва атамаларини, грамматик тузилиши ва бошқа хусусиятларини ўзида ифода этган. Қуръон матни таҳлил қилиш жараёнида араб тили грамматикаси (сарф ва наҳв) батафсил ишлаб чиқилган, араб ёзуви ғоят мукамал шаклга келган. Шунингдек, Қуръон тили ҳар бир араб мамлақати ва элатларининг ўзига хос лаҳжалари сақланган ҳолда, барча

|раблар учун ягона бўлган адабий тилнинг шаклланишига асос бўлган. Ҳозир ҳам барча араб мамлақатларида нашр этилаётган китоблар ва вақтли матбуот ягона араб адабий тилида босилади ва у барча араблар учун тушунарлидир.

Қуръоннинг услуби ҳам кейинги адабиётга катта таъсир ўтказган, ундаги ривоят ва тасвирлар, ўхшатиш<sup>^</sup> насихат ва масаллар фақат динийгина эмас, балки, ʼутунбадий адабиётга, назм ва насрга, тарихий, ахлоқий, фалсафий ва бошқа адабиётга сингиб кетган. Шунинг учун Қуръонни яхши билмасдан араб халқлари ва умуман мусулмон халқлар маданияти ва адабиётини чуқур ўрганиш, тушуниш анча мушкулдир.

Маълумки, ҳозирги пайтда кўпчилик ўқувчиларнинг (шқр-мулоҳазалари эътиборга олиниб, Мовароуннаҳр мусулмонлари Диний Бошқармасининг ташаббуси билан Қуръон узбек тилига таржима қилиниб, нашр қилди.

Қуръон жаҳондаги жуда кўп тилларга таржима қилинган. Уни Ғарбий Европа тилларига таржима қилиш XI асрдан, рус тилига ағдариш XVIII асрдан Пётр I нинг ташаббуси билан бошланган. 1790 йилда нашр этилган М. Н. Веровкин таржимаси эътиборли рус олимларининг фикрига кўра, А. С. Пушкиннинг машҳур «Подражания Корану» («Қуръонга татаббуълар») асарига манба бўлган. Г. С. Саблуковнинг арабчадан дастлабки русча таржимаси Қозонда уч марта (1878, 1894, 1907) нашр қилинган. Қуръоннинг академик И. Ю. Крачковский рус тилига қилган таржима нусхаси унинг вафотидан кейин (1963, 1986 йилларда) нашр қилинган.

Қуръон туркий таржималарининг қўлёзма нусхалари ҳам кўп.

#### ТАҚРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. «Қуръон» ўзи қандай китоб?
2. Қуръоннинг муаллифи ким?
3. Қуръоннинг қандай нусхалари бор?
4. Қуръон сура ва оятлари ҳақида нималарни биласиз?
5. Қуръон қачон вужудга келган ва дастлаб ким томонидан; ёзилган?
6. Қуръоннинг ҳозирги нусхаси қандай?
7. Қуръон таржималари ҳақида нималар биласиз?

## ҲАДИСЛАР — ДИНИЙ-АХЛОҚИЙ ДАСТУРЛАР МАНБАИ

Дастлаб ислом жамоасида фақат Қуръон диншуносликнинг, шу билан бирга ҳуқуқнинг асоси ва манбаи деб тан олинган. Лекин араб истилоси даврларида (632—751 йиллар атрофида) бу манбанинг ўзи талабни қондира олмагач, аста-секин унинг ёнига бошқа манба (сунна) қўшилган.

Забт этилган Осиё олди, Марказий Осиё ва Шимолий Африка мамлакатларида араблар шаклланиб бўлган илк феодал жамиятига, эски араб жамиятига Қараганда нисбатан мураккаб иқтисодга, ижтимоий муносабатларга ва маданиятга эга бўлган жамиятга дуч келганлар. Араблар забт этган мамлакатларда ер-мулк муносабатлари, шаҳар ҳаёти, мулкий қонун-қоидалар мажмуи, ҳокимият ташкилотлари, ижтимоий-маиший ҳаёт араблар мамлакатига қараганда анча мураккаб эди. Бу ерларда араблар бутун бир қатор муммолар ва талаб-эҳтиёжларга дуч келдиларки, уларга Қуръон тўла жавоб бера олмас эди. Бу даврларда ҳали араблар диний жамоа ва давлат, дин ва сиёсат, диний қонун ва давлат ҳуқуқини аниқ фарқламаганликлари туфайли янги ижтимоий муносабатларга асосланган ҳаётнинг ҳамма талабларига жавобни истилочилар дин нуфузи билан асослашга ҳаракат қилганлар. Шундагина гўё пайғамбар Мухаммад ҳаётлигида бўлиб ўтган амалий ишлар ва унинг тахминий сўзларига таяна бошлаганлар. Айни вақтда такводорона сохтакорликдан ҳам ҳазар қилмас эдилар. Шу тариқа панд-насихатлар йиғиндиси — Сунна шаклланди.

Арабча Сунна (ас-сунна, кўпликда сунан)—йўл, йўналиш, кўчма маъноси — «аждоҳлардан қолган урф-одатлар», яъни «ривоят», «нақл», «хотира», «одат», «анъана», «хатти-ҳаракат» маъноларини беради.

Сунна исломда Қуръондан кейинги, уни тўлдирувчи манба, ислом илоҳиёти ва шариатининг иккинчи асоси сифатида эътироф этилган. У VII аср ўрталаридан эътиборан йиғила бошлаган. Унда араб халифалигидаги синфий муносабат, ижтимоий зиддиятлар, ислом мафқураси доирасидаги ички қурашлар ўз ифодасини топган. Исломгача даврдаги Арабистонда бу ном билан одат тусини олган ахлоқий-ҳуқуқий йўл-йўриқлар мажму-

Шимолий Арабистондаги эски жамоанинг оддий йўллари аталган. Синфий жамият ва ислом вужудга келгандан сўнг бу эски араб мажусий суннаси рад қилиниб, аста-секин янгиси, мусулмон суннаси билан алмашдирилди. Эскидан янгисига ўтган, араб эса гўё пайғамбар кўрсатмаси сифатида талқин қилиниши мумкин. Кейин, араб ҳарбий юришларидан сўнг мусулмон суннаси кўплаб Румо, Византия ва Эрон куқидан олинган христиан, иудаизм, зардуштнилик ишлари элементлари кирган, лекин яна улар пайғамбарларнинг қалаётган қоида ва йўл-йўриқлар сифатида ифода қилинган.

Мусулмон сунналари кўплаб ҳадислардан ташкил топган. Ҳадис сўзининг дастлабки маъноси (ар. кўпликда «аҳадис» сўзидан)—«хабар», «хикоя», «билдириш», тор маънода—«парча» (цитата). Расмий маънода ҳадис — Мухаммад сўзлари ва амалий ишлари ҳақидаги ривоятлардир. Бу маънода ҳадис фақат Мухаммад сўзларига нисбатангина ишлатилади.

Баъзи уламолар эса, ҳадис деганда фақат Пайғамбарнинггина эмас, балки саҳоба ва тобеинларнинг ҳам борган хабарларини тушунадилар.

Баъзи ҳадисшунослар фақат Пайғамбар сўзларинингина ҳадис деб, бошқаларникини эса хабар деб атаганлар. Шу боисдан ҳам Пайғамбар ҳадисларини тўловчиларга муҳаддис, бошқа тарих, қисса кабиларни нақл қилувчиларга ахборий дейилган.

Қандайлигидан қатъи назар, ҳар қалай, ҳозир мусулмон оламида ҳадис дейилганда Пайғамбарнинг сўзлари, феъл ва аъворлари тушунилади.

Ҳадис — исломда Қуръондан кейинги муқаддас манба ҳисобланган. Бунда Мухаммаднинг ҳаёти, фаолияти ва кўрсатмалари, унинг диний, ахлоқий дастурлари ҳам ўз ифодасини топган. Мухаммад бирор гап айтган ёки маълум ишни қилиб кўрсатган бўлса, ёхуд бошқаларнинг қилаётган ишини кўриб, уни ман этмаган бўлса, шу уч ҳолатнинг ҳар бири ҳадис деб аталаверади. Маълумки, ҳадисларда ислом аҳкомлари, яъни фарз, вожиб, суннат, мустаҳаб, ҳалол, ҳаром, макруҳ, мубоҳ каби амал турларидан ташқари, ахлоқ-одобга доир дастурлар талқин этилади. Унда халқ орасида кенг тарқалган ахлоқ-одобга оид макол, қимматли ҳикматли гаплар ҳам қамраб олинган.

Ҳадисларда ибодатнинг тартиб-қоидалари ва уларни астойдил бажаришга даъват этиш билан бирга ин-

соний фазилатлар кенг ташвиқ қилинган, инсонийлик шаънига доғ туширадиган разил хатти-ҳаракатлар кескин қрраланган. Шунинг учун ҳам исломнинг илк тарқалиш давриданоқ мусулмонлар орасида ҳадисларга жуда катта аҳамият берилган. Эшитган ҳар бир ҳадисни янглишмай, асл ҳолича бошқаларга етказишга қатъий риоя қилинган. Бу тўғрида Муҳаммаднинг ўзи мусулмонларни тез-тез огохлантириб турган. Ҳадис мазмуни ва иборасини бузиб ёки ўзича янги ҳадис тўкиб тарқатувчилар қаттиқ қрраланган. Бундай талабчанлик пайғамбар вафотидан анча кейингача ҳам ҳадисларнинг соф ҳолда сақланиб туришига имкон берган.

Лекин кейинчалик турли синфий ва ижтимоий зиддиятлар, исломдаги ички гоъвий курашлар натижасида кўпинча сохта ҳадислар ҳам юзага кела бошлаган. Натижада йирик уламолар ҳадисларни ишончли манбалар асосида қайта кўриб чиқиш ва уларни турли хатолардан тозалаб, асл ҳолига қайтариш учун анча захмат чекишган. Ҳадисларни оғзаки ҳолдан китоб шаклига келтириш хижрий йил ҳисобининг иккинчи асридан, яъни милоднинг VIII асридан авж олиб кетган.

Муайян бир ҳадис асосида ҳуқуқий ва урф-одат бўлган йўл-йўриқлар, диний маросимлар софлиги, ноз-неъматлар ҳақидаги кўрсатмалар маиший турмушдаги ахлоқ ва одоб тартиб-қридалари келтириб чиқарилган.<sup>1</sup> Қуръоннинг айрим кўрсатмаларига амал қилиш ҳам кўпинча унинг маълум матни билан боғлиқ бўлган ҳадис орқали белгиланар эди. Шу билан бирга тарихий характерга эга бўлган ҳадислар бўлган; улар Муҳаммад ёки саҳобалар таржимаи ҳолидаги айрим тафсилотларни акс эттирар эди. Шу ҳадислар асосида VIII—IX аерларда Муҳаммад ва унинг яқинлари, ҳарбий юришлари ҳақида «Юришлар китоби» ёзилган. Бу араб тилидаги илк тарихий асар ва Муҳаммад таржимаи ҳоли эди. Шу тарика, ҳадисларнинг маълум қисми — илк ислом тарихи бўйича бир манба бўлиб хизмат қилган, лекин бу соҳа алоҳида тадқиқотни ва тафеилотни тақозо этади.

<sup>1</sup>Маълумки, ҳадислар асосан Муҳаммад вафотидан кейин ёзила бошлаган. Исломда Муҳаммадга пайғамбарлик унинг қирқ ёшида насиб бўлган, деб ҳисобланади. Шунга кўра, Қуръон оятлари пайғамбар умрининг охиригача, яъни 23 йил давомида турли муносабатлар билан нозил бўлиб турган. Пайғамбар сафдош-

При саҳобалар бу оятларни махсус саҳифаларга ёзиб **Ворганлар**. Уларнинг баъзилари пайғамбарнинг айтиши сўзи ва хатти-ҳаракатларини ҳам ёза бошлаганда и, пп амбар бу ишни давом эттиришни таъқиқлаган ва ВУНга улар Қуръон билан суннани ажратолмай қоппларидан чўчишлигини сабаб қилиб кўрсатган.

Илк муҳаддислардан Ал-Худрий бу борада бундай ривоят қилади. Расулulloҳ айтадики, «Мандан эшитган ирпнгиздан ҳеч нарсани ёзиб юрманглар. Кимки Қуръон оятларидан бошқа бирор сўзни мандан эшитиб саиб олган бўлса, уни дарҳол йўқотсин... Кимки менинг ақимда сўз тарқатса, жаҳаннамга дохил бўлишиikka .уаирлик кўраверсии». Дарҳақиқат ислом тарихидан Ал-Кудрий пайғамбар ҳадисларини ёзиб боришиikka у кишидан ижозат сўраганда, рад жавобини олганлиги маълум.

Абу Хурайрадан яна бошқа мисол келтирилади «Биз ҳадис ёзар эканмиз, пайғамбар алайҳиссалом ёни-мнзга келди ва: «Сизлар нимани ёзаяпсизлар?»—де5 сўради. Бизлар: «Сендан эшитган ҳадисларни»—деб> жавоб бердик. Шунда пайғамбар: «Аллоҳнинг китоби— Қуръондан бошқа яна қандай китоб истайсиз? Сиздан бошқа миллатлар Оллоҳнинг китобидан ташқари яна бошқа китоблар ёзганлари учун залолатга кетдиларку!»— деган экан.

Манбаларда кўрсатилишича, ҳадисни тўплаб чиқаришни тақиқлашнинг турли хил сабаблари бўлган. Масалан, тарихчи ибн Қутайбанинг таъкидлашига кўра, бундай сабаблардан бири саводли хаттотларнинг камлиги бўлса, иккинчиси, араб алифбосининг ҳали етарли даражада тақомиллашмаганлигидадир. Шу сабабдан пайғамбар мусулмонларнинг ҳаммаларига ҳам ҳадис ёзиб боришга ижозат бермаган. Бундан фақат саводли ва мўътабар хаттотларгина мустасно эдилар.

Илк ёзилган ҳадислар қаторига Муҳаммаднинг хорижий ўлкаларга — Византия императорига, Эрон шохига, Миср ҳам Ҳабашистон ҳукмдорларига йўллаган мактублари ҳам қиради. Ундан ташқари кўплаб васиқа ва ҳужжатлар ҳам бўлганки, улар ҳам илк бор ёзилган ҳадислардан ҳисобланиб, уларда исломга даъват этиш, муайян вазифаларга тайинлаш, ер ва ундан олинадиган солиқлар, имон ва тавсия мактублари, пайғамбарга келган хатларга жавоблар ўрин олган.

Халифа Абу Бакр ва Умар ҳам ҳадислар ёзмокқа бел боғлаганликлари, хатто Абу Бакрнинг беш юз ҳа-

дисни бир китобга тўплагани маълум; баъзи сабабларга кўра бу китобни йўқ қилиб юборганлиги хақида ҳам хабарлар бор. Уз даврида Умар ҳам саҳобаларга ҳадис китоби ёзиш нияти борлигини изҳор қилади ва саҳобалар бу фикрни маъқуллаганлар. Орадан маълум бир муддат ўтгач, у ўз фикрини ўзгартиради. Унинг назарида ҳадис китоби ёзилгудек бўлса, мусулмонлар ҳадисга эътиборни кучайтириб, Қуръонни тарқатиши мумкин. Яна унинг назарича шундай кунлар келиши ҳам мумкин, унда одамлар ёзилган ҳадислардан ўзларининг ёвуз мақсадлари учун фойдаланишлари ҳам мумкин, деган фикрга боради. Шу боисдан Умар ҳам «Сунна» китобини ёзишдан воз кечади.

Ҳадисларни сақлаб, келажакка етказувчилар биринчи навбатда саҳобалар — пайғамбарнинг қариндошлари, дўстлари, ёрдамчилари ва шогирдлари, унинг ўлимидан кейин асосан Мадинада яшаб келганлар ҳисобланганлар.

Умуман «саҳоба» сўзи арабча бўлиб, «сухбат» сўзидан олингандир. Ҳадислардан бирига кўра пайғамбарни кўрган, у билан мулоқотда бўлган ҳар бир мусулмонни «саҳобий» дейилган. Имом Бухорий ҳам шу фикрни тасдиқлаган. Ибн Ханбал таъбирича, пайғамбар билан бир йил, ё бир ой, ё бир кун ва ёки ҳатто бир соат сухбат этган, ё бўлмаса ҳаётида бир марта бўлса ҳамки уни кўрган мусулмон киши саҳобалардан ҳисобланаверади.

Пайғамбар вафот этганда саҳобалар сони номаълум эди. Ислолда қанча ҳақиқий мусулмон борлигига далолат қилувчи ҳадисга кўра, пайғамбар: «Мусулмонлигини сўзи ва амали билан исботлаганлар исмларини ёзсинлар»—деб буюрганда рўйхатдан 1500 кишининг ўтганлиги маълум бўлади.

Ибн Махлуд «Муснад» номли асарида зикр қилишча, ҳадис яратган саҳобаларнинг сони 1300 га етади. Ибн ал-Жавзийнинг мазкур асарига таяниб кўрсатишча, саҳобалар сони 1060 нафардир. Бошқа олимларнинг фикрича, уларнинг орасида иккитадан ҳадис ривоят қилганларнинг сони 1000 та бўлса, қилган 300 таси қисман ҳадис ривояти билан машғул бўлган деса бўлади.

Абу Хурайрадан кейинги ўринда турувчи муҳаддис халифа Умар ўғли Абдуллоҳдур. У ривоят қилган 2630 ҳадисдан 2019 тасини ибн Ханбал ўз китобида нақл қилган.

Учипчи ўринда турувчи саҳобий ибн Молик бўлиб, 16 ҳадис ривоят қилган. Ибн Ханбал эса ўзининг Ч\спад»ида 2178 ҳадисни келтирган. Ибн Молик ривоят этган 2210 ҳадисни пайғамбарнинг сўнгги рафикаси ОГна ҳам таъкидлаган.

Ундан кейинги ўринда ибн Аббос туради; у 1660 **va**-line ривоят этган.

Ундан кейин 1540 ҳадисни ёзган ал-Худрий туради. Ибн Ханбал ўз китобида Жобирдан 1206, ал-Худрий-/.|и 958 ҳадис келтирган.

Ҳадис ривоят қилган саҳобалар сони ҳар хил бўлиб, муаллифлар ҳам ҳар хилдир. Масалан, 149 саҳобийнинг ривоят қилган ҳадислари ал-Бухорий ва Муслимнинг < .1х<sup>и</sup>» номли асарларида муштарак келган. Умуман и.и Пухорийда 208 та, Муслимда эса 213 та саҳобийдан ривоят қилинган ҳадислар келтирилган.

Ибн Моликнинг «Муватта» асарида 98, Абу Довуд-иипг «Муснад»ида 218, ибн Ханбал «Муснад»ида 700 га ЯҚКН саҳобий ривоят қилган ҳадислар берилган.

Юқорида келтирилган рақамлар ҳадисларни саҳобалар ривоят қилганлиги туфайли бизнинг давримизга етиб келганлигига далил бўла олади.

Пайғамбарнинг сафдоши ва сухбатдоши орасида 220 та Абдуллоҳ исмли саҳобалар бўлган. Улар орасида фақат 4 таси Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр, Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Умар ва Абдуллоҳ ибн ал-Амр пайғамбар вафотидан кейин турли масалаларни ҳал қилишда жонқуяр бўлганлар ва Абдулалар номи ила машҳур бўлганлар.

Яна 6—7 саҳобийлар борким, уларнинг ҳар бирлари турли масалалар бўйича фатво беришда жуда катта обрў ва эътибор қозонганлар. Улар Умар билан Алидан ташқари, Абдуллоҳ ибн Маъсуд, Абдуллоҳ ибн Умар, Абдуллоҳ ибн Аббос, Зайд ибн Собит ва пайғамбарнинг рафикаси Ойшадир. Улардан кейин ҳадисларни сақлаб, авлодларга етказганлар уларнинг ўқувчилари ва буларнинг шогирдлари бўлганлар. Кейинги авлод орасида кўзга кўринганлар аш Ша'би, ибн Зубайр, унинг шогирди аз-Зухри; ибн Мунаббих, Муса ибн Укба ва бошқалардир. Булар бутун ҳаётларини ҳадисларни тўплаш ва ҳикоя қилишга бағишлаганлар. Дастлаб ҳадисларни тўплаш, сақлаш оғзаки тарзда ёд олишга асосланган; кейинчалик ҳадисни пергамент қўзғозга ёзишган ва улардан тўпламлар тузган.

Қуръонни ўрганиш тафсиф илмини вужудга келтир-

ганидек, ҳадисларни йиғиш ва ўрганиш ривоятлар илмини вужудга келтирган. Диний адабиётнинг бу икк тармоғи асосида илоҳиёт ва мусулмон диний қонун (шариат) вужудга келган. Кўп вақт илоҳиёт ва ҳуку бир-биридан аниқ ажратилмаган.

Ҳадислар тарихини илмий-танқидий ўрганиш соҳасида венгер олими Гольдциер ва голланд олими Сну Хюргроньенинг хизматлари каттадир.

**VIII** аср бошларида ҳадис илмида уч мактаб ташкил топди: Мадина (Урва ибн Зубайр ва аз-Зухрий шу мактабга қарашли эди); Ироқ (Куфада, вакили аш-Ша'би) ва Сурия (Дамашқда) мактаблари.

Мадина мактаби кўпроқ Муҳаммад ва дастлабки тўрт такводор халифалар даври катъий эътиқод руҳини саклар эди; у асосан Муҳаммад ҳаёти ва юришларига бағишланган ҳадисларга эътибор берар эди. Лекин бу мактаб намояндалари Муҳаммад таржимаи ҳолини мунтазам тарзда биринчи бўлиб баён қилган муаллиф ибн Исҳоқни қадарийлар оқими тарафдори сифатида шубҳа ила Мадинадан қувиб юборганлар. Мадина мактаби намояндалари илоҳиётни ҳимоя қилар ва уммовий халифалар уларнинг сиёсати ва бошқариш усулларининг дунёвий хусусиятига қарши турар эдилар.

Шаклланган анъанага кўра ҳадис икки қисмдан иборат бўлиши керак эди: **1.** Иснод (ар. айнан—«таянч»), яъни шу ҳадисни етказган кишиларни санаб ўтиш ва **2** матн, яъни ҳадиснинг мазмуни.

Мусулмон анъанавий муҳаддислари айрим ҳадислар аниқлигига нисбатан ўзига хос танқидий қарашга эътибор берар эдилар. Лекин бу қараш шартли бўлиб, у албатта, ҳозирги замон тадқиқотчиларини қаноатлантирмайди. **VIII** асрдаёқ ҳадислар тўғрилигини аниқлашда бундай мезон шаклланган эди: унинг иснод қисми ҳадисшунослар номларининг мунтазам қаторидан иборат бўлиб, кейингилари машҳур, номига доғ тушмаган, эътиқодли, ҳурматга лойиқ, тўғри сўз кишилар бўлишлари керак эди. Ҳадисшунос-йиғувчи за авлодларга етказувчиларни риджал сўзи билан атар эдилар. Уларни ишонч нуқтаи назаридан текшириш ал-жарҳ ва т-та, дил дейилган. Ҳадисларни етказувчилар ишончга сазоворлиги ёки нолойиклигини аниқлаб, ҳадис илмида янги, тармоқ—маърифат ар-рижал деб номланган соҳа пайдо бўлган, табоқрт деб номланувчи махсус китоб ва маълумотнома вужудга келган, уларда ҳамма машҳур саҳрбалар, уларнинг шогирдлари, Муҳаммад замон-

инилари ва бошқа ҳадис тўплаб етказувчилар таржини III ҳоли алифбе тартибида туркумига қараб келтирилган эди. Булар жумласига Ибн Са'днинг «Табоқат», Ибн ал-Асирнинг алифбо тартибидаги луғати, шунингдек унинг машҳур тарихий «Ал-Комил фи-т-та-рих» деган асари кирарди. Адабиётнинг шу услубига «мужизлар», яъни ҳадис келтирувчилар ишончини қозонмаилар ҳақида маълумот берувчи маълумотномалар ш кирарди.

Абу Ҳурайра ёки Ойшага тегишли бўлган ҳадисларнинг ишонмаслик мумкин эмас деб ҳисобланган. Агар иснод ишонч қозонса, ҳадис мазмунидаги юзаки фикрларга ҳам эътибор берилмас эди. Муҳаммадга шундай ҳадис НИСбат берилардики. унга кўра, мусулмонлар ҳаммомга ооришлари керак, лекин маълум эдики, Муҳаммад даврида арабларда хали ҳаммом йўқ эди. Араблар у билан Пизантия вилоятларини қўлга киритганларидан кейингина танишган эдилар.

Ишончлигига қараб ҳадислар уч гуруҳга ажратилар эди. Ҳикоя қилувчилар рўйхати ҳеч қандай шубҳа туғдирмаса, бундай ҳадис саҳиҳ' («P» «ишончли, тўғри») дейилган. Агар ҳикоя қилувчилар рўйхатида айрим пуксонлар бўлса, масалан, иснодда айтилган бирон шахс кам танилган бўлса ёки ҳамма муҳаддислар уни бенуксон деб топмаган бўлса, ёки рўйхатда бирон халқа, бўлим узилиб қолган бўлса, ҳадис тўла қимматга эга деб тан олинмас-да, барибир, қабул қилинган; бундай ҳадис Ҳасан (*ар.* «яхши, марҳаматли») деб номланган. Ниҳоят, агар ҳикоя қилувчилар рўйхатида такводорлиги ёки ахлоқий обрў-эътибори нуқтаи назаридан мунофиқ келмайдиган кишилар бўлса, ҳадис ишончсиз ҳисобланган ва да'иф (*ар.* «заиф») деб номланган.

Ҳикоя қилувчилар рўйхати мунтазам баён этилган бўлса, бу ҳадис мутассил дейилган. Биронта ном, айниқса иккинчи ном, яъни саҳоба шогирди номи тушириб қолдирилган бўлса, мунқати (узилган) дейилган. Ҳадис иснодида шогирд-табиъ кўрсатилган бўлиб, ҳадис қайси саҳобадан эшитилганлиги номаълум бўлса, унда мурсал — «тушириб қолдирилган» деб номланган.

Ҳамма ривоятлар ҳам пайғамбарнинг сўзлари ёки амалий ишларига таянаверган эмас. Унга бориб тақалувчи ҳадислар марфу (пайғамбардан келиб чиққан) дейилади. Саҳобалар сўзлари ёки амалий ишларига асосланувчи ривоятлар маукуф (*ар.* «тўхтатилган») деб номланган. Фақат табиълар, яъни саҳрбаларнинг би-

ринчи шогирдларига бориб тақалувчи ривоятлар макт (*ар.* «кесик», «кесилган») дейилади. Шундай ривоятлар (мурсал ҳадислари каби айрим диншунос-крнуншунослар томонидан қабул қилинган, бошқалари рад этилган).

Ривоят айтувчилар бир катори дастлабки ҳадис айтувчи I-саҳобага бориб тақалса, тарик (*ар.* кўплик, «турук-йўл») деб номланган. Айнан бир ҳадис бир неча тарик орқали хикоя қилинган бўлса, яъни бир неча саҳобага бориб тақалса, у мутаватир (*ар.* мунтазам); ўч саҳобага бориб тақалувчи ҳадис машҳур дейилган, икки саҳобага бориб тақалувчи — азиз, фақат бир саҳобага боровчи ҳадис — аҳади (*ар.* «якка») дейилган.

Дастлабки ҳадислар тўплами тариқлар бўйича тузилган, яъни алфавит тартибда пайгамбар издошлари санаб ўтилган — саҳобалардан ҳар бирининг исми остида қайси ҳадис шу саҳобага тегишлилиги қайд этилган. Ҳадислар тўпланининг бундай тури муснад деб номланган. У ала-р-риджал тамойили, яъни ҳадисларни дастлаб айтган хикоя қилувчилар номларига кўра тавсифлаш асосида яратилган.

Бизга қадар етиб келган шундай ҳадислардан нисбатан машҳурлари 2 та. Бири Малик ибн Анас (795 й, ваф) нинг «Ал-Муватта») («текис сўқмоқ») асаридир. Тўпланда 1700 ҳадис бўлиб, буларни у ишончли деб топган. Иккинчи тўплам ибн Ҳанбалнинг «Муснад» асари бўлиб, 3000 ҳадисдан иборат.

Сўнграқ ҳадисларни турли хусусиятларига қараб ҳар хил тартибда ёзиш ҳаракати бошланган. Бу хижратнинг иккинчи асри бошларига тўғри келган. Масалан, ибн Ҳаибал каби баъзи муҳаддислар «муснад» услубида ёзганлар. Унда саҳобалар исмлари исломга киришдаги тартиблари бўйича жойлаштирилган. Масалан, «жаннатий» деб каромат берилган 10 саҳобалар, биринчи ўринда келтирилган. Улардан кейин «Бадр жанги»да қатнашган саҳобалар, сўнг «Худайбия жанги» қатнашчилари; кейин Худайбия билан Макка аҳолиси исломга киргунча ўтган саҳобалар, сўнг Макка фатҳ этилганда исломга кирганлар, ундан кейин кичик саҳобалар ва ниҳоят ровий аёлларнинг номлари берилади.

Баъзи муҳаддислар ровийлар номини «Хуруфи хижо» («алфавит») тартибда берганлар. Бу услубни ат-Табароний, ибн Роҳвайх, Аби Шайба ва бошқалар жуда муваффақиятли амалга оширганлар. Улар ҳадисларни иснодлари (нақл этувчи ровийлари) билан келтирган-

Ипа улар сохта ҳадисларни тарк этиб саҳих ва зақуипатли ва иллатли каби кўп турларга бўлиб чиқ- II таркииМ, бундай малака ҳар қандай илм соҳибига I муяссар бўлавермаган. Баъзи муҳаддислар фақат \адисларнинг ўзини жамлашга ҳаракат қилган I рр па уларнинг тўпламлари юзага келган. Биринчи ...бу ишни Исмоил Бухорий, кейин ибн Ҳажжож, ми ибн-ал-Ашъас, улардан кейин Исо ат-Термизий, • и Поспи ва Ибн Можжолар бажаришган. Мана шу ки- **шилар** оламга машҳур бўлган 6 та саҳих ҳадислар тўп- IIIмнинг ижодкорлари ҳисобланади.

Шу даврда яратилган, мусаннаф деб номланган ҳа- • т.чар кенг тарқалган ва оммалашган. Бу тўпланда I шлар ҳикоя қилувчилар номи билан эмас, балки фикр юритилган буюмларга қараб жойлаштирилган. i \ ирок тан олинган ва нуфузли ҳадислар тўплами 6 та. Улар суннийлар орасида кенг тарқалган. Булар қуйида- I ллар:

1. «Ал-жомий ас-саҳих» (Ишончли тўплам) ёки қис- кача «ас-Саҳих ал-Бухорий (809—870). Олдинги тўп- ламларга нисбатан бу анча маҳорат билан тузилган. Муаллиф бу тўпланда фақат қонуншуносликка ва урф- одатларгагина эмас, Муҳаммад ҳаёти ва саҳобалар, ҳатто Муҳаммад даври тарихий ва этнографик томон- ларига хос ҳадисларни тўплаган. Танқидий ёндашган ҳрлда 600 мингга яқин ҳадис тўплаб, бу тўпламга ишончли деб билганларидан 7250 тасини киритган. Бу тўплам катта шухрат қозонган ва кўп марта нашр қи- линган.

2. Шундай шухратга Муслим ан-Нишопури (817— 875 й.) нинг ас-Саҳих асари эга бўлган. У 300 мингга яқин ҳадисларни кўриб чиққан ва улардан 12 минг, яъни 4 фоизини танлаб олган.

Улардан кейинги ўринларда: 3-«Суннан» (Сунналар) Ибн Мадж (886 й. ваф), 4-Абу Дауд ас-Сижистони (888 й. ваф) нинг шу номли асари. 5-Муҳаммад ат-Тер- мизий (892 й. ваф) нинг «Ал-жа'ми ал-кабир» катта тўплами. 6-Ан-Ниса'и (915 й. ваф) — Ашхобод яқинида- ги Ниса деган жойда туғилган, Абу Дауд шогирди; Аса- ри — «Суннан». Бу олти асарнинг кейинги тўрттаси ан- ча заиф. Танқидийлик оз. Инкор этувчи ишончли асос бўлмаган, ҳар қандай ҳадисни тан олинаврган. Бу- лар кўпроқ ҳуқуқий масалаларга қизиққанлар. Био- график ва тарихий ҳадислар уларни қизиқтирмаган.

Маълумки, Марказий Осиёда ислом дини 708 йил-

кейин кенг тарқала бошлаганига қарамай, илоҳиё қатори муҳаддислик ҳам илдам ривожланган. Исло оламида машҳур ва энг ишончли деб эътироф этилган 6 ҳадислар тўплами муаллифларининг аксарияти Марказий Осиёдан чиққанлар. Масалан, Исмоил Бухори (810—870), ат-Термизий (824—897), ад-Доримий ас Самарқандий (797—868) ва Каспийбўйи халқларидан ибн Мажжа (824—886) ва бошқалар бу соҳанинг тараққиётига улкан ҳисса қўшганлар.

VIII—IX асрларда қонуншунос илоҳиётчи ибн Анос Муслим ва аш-Шафи айтишларича, ҳадисларни сохталаштириш жуда авж олган. Шунга қарамай кўпчилик қонуншунослар, айниқса, кейинги даврда деярли ҳамма ҳадисларни тан олиш тарафдорлари эди. Ҳозирги замон Европа исломшунослик фани кўпгина ҳадисларнинг аниқлигига шубҳа билан қарайди. Бунда Ц. Гольдциер хизмати катта. Ҳуқуқий характерга эга бўлган ҳадислар Византия ва Эрон вилоятлари қўлга киритилгандан кейин катъий ҳуқуқ нормаларини ўрнатиш учун кўплаб тўқиб чиқарилган. Забткорлар рим-византия ва эрон-согоний ҳуқуқларини қабул қилиш, ўзлаштиришга мойил эдилар, чунки улар феодал жамиятида ҳаётийроқ эдилар, Гольдциер айтишича, яҳудий ва христианлардаи олинган, ҳатто айрим юнон файласуфларининг фикрлари мусулмонлар орасида Муҳаммад сўзлари — ҳадислар сифатида тарқалган. Бошқа динларнинг исломга таъсири кўпроқ ҳадисларда ўз аксини топган.

Диний жамоа ва давлат, дин ва сиёсат доимо аравлашган ва ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар диний мазҳаб ва оқимлар илоҳиётчилик қобиғи остида ўтаётган жамиятда сиёсий эҳтиёжлар яна ҳадислар тўқишга ундар эди. Ҳаётнинг ҳар бир муҳим соҳасида ҳадислар тўқилаверган.

Шундай қилиб, Муҳаммадга нисбат берилган ривоятлар деб ҳисобланган кўпчилик ҳадислар тарихий жиҳатдан ишончсиздир.

Лекин бундан ҳадислар тарихий манба сифатида ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, деган хулоса чиқармаслик керак. VII аср иккинчи ярми ва IX аср охирида яратилган ҳадисларнинг кўп қисми халифалик мамлакатларида ижтимоий муносабатлар, тарихий силжишлар ва ўша даврда шаклланган ҳуқуқий қарашларни ўзида акс эттирган. Ҳадислар илк феодализм даврида халифалик мамлакатлари ижтимоий ва давлат тараққиёти тарихи учун манба аҳамиятига эгадир.

Хулоса шуки, юртимизнинг кўҳна тарихида жуда кўп машҳур шахслар яшаб, ижод қилиб ўтганлар. Уларнинг орасида дунёвий фанлар ва илоҳиёт бўйича дунёга таппан олим ва уламолар алоҳида ўрин тутадилар. Чунончи, Имом Бухорий, Имом Термизий, Ал-Газзолий, • |чахшарий, Ибн Сино, Ал-Хоразмий, Беруний, Форо- (м1ii, Навоий, Яссавий, Улугбек сингари бобокалонларимиз нафақат Шарқда, балким бутун жаҳонда маш- \ур бўлган кишилардир.

Афсуски ҳозирга қелиб, уларнинг аجدодлари ўз бобокалонлари, ўз тарихлари тўғрисида деярли ҳеч нарса инлмайдилар. Масалан, Ибн Синони табиб, Алишер Навоийни эса шоир сифатида танийдилар, холос. Бун- 1 а сабаб бир неча йиллар давомида тарихий ҳақиқатни Совет мафқурасига мувофиқ тарзда изоҳлаб келдик.

Лекин кейинги вақтда юз бераётган воқеалар, туб ўзгаришлар, демократиялаш ҳамда ошқоралик жараёни бугунги кунда диний ва дунёвий билимларни ўрганишга кенг имконият яратиб берди. Булар орасида ишончли деб эътироф этилган муҳаддисликнинг муаллифларидан бири Имом Бухорийдир.

#### АБУ АБДУЛЛОҲ МУҲАММАД ИБН ИСМОИЛ АЛ-БУХОРИЙ

Исло оламида энг етук ва машҳур муҳаддис Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий 809 йил 13 майда Бухорода туғилган. Оталари шайх Исмоил ибн Иброҳим аҳли ҳадислардан бўлиб, озгина тижорат ишлари билан ҳам шуғулланган. Катта бобоси ал-Муғира яманлик Жуъфий ибн Саъд қабиласидан бўлмиш Бухорода истикомат қилувчи ал-Яман ал-Жуъфий деган кишининг таъсирида мусулмон бўлгани учун Имом Бухорийга ҳам ал-Жуъфий деб нисбат берган.

Имом Бухорий гўдаклигиданоқ отадан етим қолиб, она қўлида катта бўлган. У 10 ёшиданоқ араб тили ва ҳадис китобларини ўқиш ва уларни ёдлашга кунт билан киришган. Кейин бухоролик муҳаддислар Муҳаммад ибн Саллалол Пайқонидий, Абдуллоҳ ибн ал-Маснадий ал-Жуъфийлардан ҳадис илмини ўрганиб, кўп ҳадисларни ёд олган. 16 ёшида онаси ва акалари билан бирга ҳажга сафар қилиб, 4 йил Маккада яшаган. Сафар асносида қайси шаҳарда тўхтасалар, ўша ердаги муҳаддислардан озми-кўпми ҳадис ўрганмай ўтмасдилар. Шу тарика Балх, Басра, Куфа, Бағдод,

Хумс, Дамашк, Миср, Макка ва Мадина каби кўплаб шаҳарлардаги машҳур ҳадисчи олимларидан шу илм асрорларини ўрганган.

Имом Бухорий ўта истеъдодли, зийрак, ўткир зехнли, қобилиятли олим эди. Басрада ҳадис дарсига қатнашган шерикларидан бири Хошидибн Исмоил айтади: «Имом Бухорий бизлар билан бирга устознинг дарсини эшитарди. Устоз ривоят қилган ҳадисларни биз ёзиб олар эдик, аммо Бухорий фақат кулок солибгина ўтирарди. Шу тарзда қанча кунлар ўтиб, орада устоз қарийб 15 минг ҳадис ривоят қилди. Шунда биз Бухорийга: «Сен нега ҳадисларни ёзмайсан?—деб таъна қилган вақтимизда: «Сизлар ёзиб бораётган ҳадисларни мен устоз "оғзидан ёдлаб олаётирман»,— деди-да, устоз ривоят қилган ҳамма ҳадисларни бир чеккадан ёддан ўқиб берди. Шундан кейин биз ёзиб олган ҳадисларимиздаги хатоларни унинг ёдлаганидан тузатиб оладиган бўлдик».

Баъзи ривоятларга кўра, Имом Бухорий 16 ёшга қадам қўйганда ал-Марвазий (736—798), ал-Жаррох (747—812) ларнинг китобларини батамом ёдлаб олган экан.

Имом Бухорий йигирма ёшларидан бошлаб китоб ёза бошлаган. Унинг «ал-Жомеъ ас-Саҳих» ва «ал-Абад ал-Муфрад» дан ташқари йигирмага яқин китоблари бўлиб, кўплари бизгача етиб келмаган. Мовароуннаҳр мусулмонлари диний бошқармаси қарамоғидаги кутубхонада «ал-Жомеъ ас-Саҳих» (Ишончли тўплам), «ат-Тарих ал-Кабир» (Қатта тарих), «ат-Тарих ас-Саҳир» («Кичик тарих»), «ал-Қироату халфа-л-Имом» («Имом ортида туриб намоз ўқиш»), «Рафъул-йадани фи-с салот» («Намозда икки қўлни кўтариш») каби асарларнинг қаламий нусхалари мавжуддир. Имом Бухорийнинг бошқа бир қанча асарлари ҳам бор: «Китоб асмоис-саҳоба», «Китоб афъол ил-ибод», «Китоб бад ил-маҳлуқот», «Китоб бирр ил-волидайн», «Тарих ус-сикат ва-з-зуъафо мин рувот ил-ҳадис», «Таърихи Бухоро», «Китоб уссулосийст», «Ал-жомиъ ассағийр», «Ал-Жомиъ ал-кабийр», «Китоб ул-фағоид», «Китоб ул-қиро а халфа-л-имом», «Китоб ул-виждон», «Китоб ул-ҳиба», «Хулқ афъол ил-ибод», «Китоб ул-муснод ал-кабийр» ва бошқалар.

Имом Бухорийнинг «Ал-Жомиъ ас-саҳих» деб номланган 4 жилд (жузъ) дан иборат ҳадислар тўплами ислом оламидаги бошқа муҳаддислар тузган тўпламлар

Присида энг ишонарли ва мукаммалидир. Тўпламда М\ ушмад ва унинг саҳобалари ҳақидаги ҳадислардан ҷипқари фикх, ислом маросимчилиги, ахлоқ-одоб, таълим-тарбия ҳамда ўша давр тарихи ва этнографиясига оид ҳадислар ҳам мавжуд бўлиб, унга 600 минг ҳадис-лрн фақат 7250 та энг «саҳих», ҳаққоний, ишончли ҳа-М.нар киритилган. Мазкур тўплам Миср ва бошқа бир қанча мамлакатларда жуда кўп марта чоп этилган, \ша йирик уламолар томонидан шарҳлар битилган. Бу Китоб ёзилганига хижрий бўйича 1200 йилча бўлди. Уша даврдан бошлаб барча уламолар бу асарга Қуръон-ҷан кейинги иккинчи ўринда турадиган манба деб баҳо бериб келадилар. Имом Бухорийнинг ушбу китоби маънавий кадрятларимизни тиклашда, киши\*ларда ахлоқ-одоб, ҳалоллик, ростгўйлик, поклик син-гари умуминсоний фазилатларни қарор топтириш ва мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳозир Узбекистон комуслар бош тахририяти Имом Бухорийнинг бу 4 жилдлик бетакрор мумтоз асарини арабчадан ўзбекчага ўгириб нашр қилди. Ҳадислар арабшунос олим профессор Н. Иброҳимов ва шоир М. Кенжабек тахрири остида босилиб чиқди.

Имом Бухорий чет эл' сафаридан Бухорога қайтгач, маҳаллий уламолар ундан таҳсил кўра бошлаган. Шу вақтда Аббосий халифалигининг Бухородаги ноиби аз-Зухалий: «Бундан буён амирлик саройига келиб туринг ва болаларимга (иккинчи ривоятда: сарой аҳлига) «ал-Жомеъ ас-Саҳих» дан даре беринг»,— деб мактуб юборади. Имом бу таклифни қабул қилмайдилар ва: «Мен илми хорлаб султонун амирлар эшигига олиб бормаيمان. Агар амирга илм керак бўлса, болаларини (иккинчи ривоятда саройдагиларни) уйимга ёки маежидимга юборсин!»—деб жавоб қайтарган.

Натижада у кишини кўролмаган баъзи ҳасадгўй, дили қора, худбин шахсларнинг фитна ва иғволари ту файли амир аз-Зухалий унинг Бухорони тарк этиши шартлиги ҳақида фармон берган. Натижада у Самарқанднинг Хартанг кишлоғидаги қариндоши ибн Жибрил деган кишининг уйига қўчиб кетади ва ўша ерда бетоб бўлиб ётиб қолган. У 870 йил 1 сентябрда 62 ёшида вафот этган. Эртаси ҳайит куни жаноза ўқилиб, шу Хартангда дафн қилинган.

Ҳозирги вақтда Самарқанд яқинидаги Пойарик тумани худудида Имом Бухорий номи билан боғлиқ зиёратгоҳ, мавжуд бўлиб, у Ҳожи Исмоил масжиди

номи билан машхур. Уни Бухоро амири Абдуллахои курдирган. 1974 йили Имом "Бухорийнинг 1200 йилля гига бағишланган жахрк анжумани ўтказилган эди.

#### АБУ ИСО МУҲАММАД ИБН ИСО АТ-ТЕРМИЗИИ

Маълумки, 1990 йил 14—17 сентябрда Тошкент шаҳрида буюк аллома, муҳаддис Ат-Термизий таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган «Имом Абу Исо Термизийнинг илмий мероси ва ҳозирги замон» деган мавзуда халқаро Ислом анжумани бўлиб ўтган эди.

Имом Термизий пайғамбар ҳадислари, хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги саҳиҳ ривоятлари, ул зотнинг оила аъзолари, яқинлари ва саҳобаларидан тўплаб келажак авлод учун улкан ва бебаҳо мерос қолдирган. Ислом дунёсида олтига саҳиҳ ҳадис тўпловчилар тан олинган ва Имом Термизий улар орасида муносиб ўринда туради.

Азиз ватапдошимиз буюк муҳаддиснинг тўла исми шарифлари Абу Исо Муҳаммад ибн Исо бия Савра бин. Мусо бин ал-Заҳҳоҳ аз-Зарир ат-Термизий ал-Буғий. Ул Зот ислом оламидаги машхур муҳаддислардан бири бўлиб, ҳадис, тарих ва бошқа кўплаб илмлар соҳасида асарлар ёзган.

Тарихий маълумотларга қараганда, Имом Термизий 824 йили Термиз шаҳрида туғилган. Ёшлиқ чоғларидан илмга катта қизиқиш ва иштиёқ кўрсатди. Ҳадис ўрганиш мақсадида у 850 йилдан бошлаб Ислом дунёсининг турли шаҳар ва диёрларига сафар қилган. Хижоз, Хуросон ва бошқа жойларда бўлиб, машхур муҳаддислар, уламолар билан мулоқотда бўлган, улардан таълим олган. Имом ал-Бухорийга шогирдликдан ташқари ат-Термизий Муслим ибн Саъид, ибн Мусо, ибн Гийлон, ибн Абдурахмон, ибн Башшор, ибн Хужр, ибн Муниъ, ибн ал-Мусанно, Суфён, ибн Вақиъ каби йирик муҳаддисларни ўзига устоз деб билган.

Манбаларда кўрсатилишича, Имом ал-Бухорий Имом ат-Термизийнинг ҳадисларни синчиклаб ўрганишдаги нодир қобилияти, такводаги устунлигини тан олган ва бунга шохидлик берган.

Таниқли муҳаддисларнинг кўплари Имом ат-Термизийнинг ҳадис илмиини такомиллаштириш ва уни келгуси авлодларга соф ҳолда етказишдаги хизматларини юқори баҳолаганлар. Ҳадис имомларидан ал-Идрисий-

минг таъбирича, у киши «ҳадис бобида иктидо қилинадиган имомлардан биридир».

«Китоб ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ» ёки «Сунани Термизий», «Китоб аш-Шамоил ан-Набавия». «Китоб Илал» («Илал сағир ва илал кабир»), «Китоб ат-Тарих», «Китоб аз-Зухд», «Китоб ал-Асно ва куна» Ат-Термизий қаламига мансуб асарларнинг туду бўлмаган рўйхатдир.

Ат-Термизийнинг фикҳ бобларига мослаб тасниф қилган «Сунан» номли китоби тегишли мавзуларни ўз ичига атрофлича қамраб олганлиги сабабли «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» деб ном олган. Бу асар 1867—68 йилларда Миртоҳда тошбосмада, сўнгра 1876—77 йиллари 2 жилд бўлиб Қоҳирада нашр этилган. Ат-Термизий тайёрлаган ҳадислар мажмуаси ҳам Қоҳирада «Саҳиҳ» деб, бошқаси «Жомеъ» деган ном билан чиққан. Унинг бу китобида такрор ҳадислар учрамаслиги ўтмиш муҳаддислар асарларида зикр қилинмаган. «Манокӣб» ва «Тафсири Қуръои» бобларининг кенгайтириб берилганлиги мазкур китобнинг қийматини янада оширади.

Ундаги ҳадислар уч гуруҳга бўлинган: Саҳиҳ, Ҳасан ва Заиф. Ҳар бир ҳадисни зикр қилган, уни қайси гуруҳга мансуб эканлигини айтиб кетади. (Масалан: «Бу ҳадис саҳиҳ, буниси эса Ҳасан ёки Заиф».)

Имом Термизийнинг «Жомеъ ас-Саҳиҳ» китобларига ибн Арабий номи билан машхур бўлган имом ал-Амбили «Оридат ал-Ахвази фишархи сунани ат-Термизий», Жалолуддин Суютий эса «Куталь—муттози ало Жомеъ ат-Термизий» деган шарҳ ёзганлар.

Имом ат-Термизийнинг «Кутуби ситта» («Олтин китоб») муаллифлари орасида тутган ўрнини белгилаш борасида кўпчилик уламолар ўз фикр ва мулоҳазаларини баён қилганлар. Жумладан, турк олимларидан профессор Талъат Кўжйигитнинг кўрсатишича, ат-Термизийнинг «Сунан» китоби ҳадисчи олимлардан бўлмиш ан-Насоний ва Абу Довуднинг китобларидан кейин учинчи ўринда туради.

Демак, биринчи ва иккинчи ўринларни ал-Бухорий ва Муслимнинг «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» китоблари олса, тибийки, ат-Термизийнинг «Сунан»и тўғридан-тўғри мазкурлардан кейинги китоб ҳисобланади. Бу фикрни машхур «Кашф аз-зунун» («Иккиланишлар пардасини очиш») асарига Ҳожи Халифа ҳам тасдиқлаган ва «Жомеъ» ат-Термизий «Кутуби ситта»нинг учинчидир— деган.

Муаллифга нисбат берилиб, шуҳрат қозонган бу китобни «Жомеъ ат-Термизий» ҳам дейишадш (Уни «Сунан» деб ҳам атайдилар, фақат биринчиси машҳур-рокдир.)

Имом ал-Ансорий ат-Термизийнинг китобини ал-Бухорий ва Муслимнинг китобларидан юқри кўяди. Зеро, унинг айтишича, уларнинг китобларидан фақат олимларгина фойдаланадилар, ат-Термизийнинг китоби эса ҳар бир оддий инсон учун фойдалидир,

Ихмом ат-Термизий ўзининг шоҳ асарини ёзиб тугатгач, уни замоиасининг машҳур уламоларига кўрсатган ва уларнинг розилигини олган. Бу ҳақда ат-Термизийнинг ўзи шундай дейди: «Бу китобни тасниф этгандан кейин, уни-Хижоз, Ирок ва Хуросон уламоларига кўрсатдим ва уларга маъқул бўлди». Пайғамбар ҳадисларини тўплаш ва ўрганишда ат-Термизий икки хил йўлдан борган. Биринчидан, ҳадисларнинг иснод (асл) манбаларининг мазмунини танқидий таҳдил этган. Иккинчидан, ҳар бир ҳадис атрофида борган мазҳаблараро нуктаи назарлар курашига эътибор қилган, уларга танқидий ёндашган.

У Абу Ханифа, Имом Шофеъийлар изидан бориб, бир томондан исломга Ижмоъ, Қиёс, Раъй каби оқилона тамойилларни киритган. Асарлари мусулмон Шаркидаги хурфикрлик, диний-фалсафий, диний-ахлоқий тафаккурнинг кенг қамровлигини, умуман исломнинг ниҳоятда замон ва шарт-шароитларга мослаша олиш қобилияти шаклланишида муҳим роль ўйнаган.

Бошқа томондан эса, ат-Термизий Марказий Осиё, Эрон халқларининг урф-одатлари, давлатчилик қонун-қоидалари ва қадимги диний эътиқодларни исломга мослаштирилган тарзда сингдиришда ҳам катта хизмат кўрсатган. Масалан, илк исломда жуда катта мунозараларга сабаб бўлган азиз-авлиёларнинг исломдаги нуфузи тан олинишида бу зот катта хизмат кўрсатган. Хусусан, «Қашф ал-Маҳжуб» асари муаллифи Хужвирийнинг фикрича, ат-Термизий суфийлар таълимотига валийлар ва уларнинг нуфузлари, даражалари тўғрисидаги мунтазам муаммони киритган.

Имом Термизий юксак ахлоқий ва инсоний фазилатларга эга, юксак заковат ва зехн соҳиби, фаннинг турли соҳаларида атрофлича чуқур ва етук билимга эга бўлган киши эди. Турмушда алоҳида ажралиб тўрар, кам таом истеъмол қилиб, кўп меҳнат ва ижод қилар, ахлоқсизликни қоралар эди. У зот ҳар доим илм-фанни

тарғиб қилар, айниқса ёшларни илм олишга даъват нарди. Айни пайтда, мулойимлик ва хушфезллик ул кишининг гўзал фезилатларидан бири эди.

Умр бўйи қилинган узлуксиз илмий изланишлар, мутолаа, асарлар яратиш машаққати, ҳаётий укубатлар ўз асоратини кўрсатган, умрининг охириги йилларига келиб кўзлари ожиз бўлиб қолган ва 892 йили 70 ёшида Термизда вафот этган.

Ҳозирги вақтда ат-Термизийнинг макбараси Шеробод тумани маркази яқинидаги қишлоқ қабристониди қад кўтариб турибди. Дадим-қадимдан мусулмонлар учун бу ер зиёратгоҳ ҳисобланади.

Бобоқалонимиз ат-Термизийнинг буюклиги шундаки, у ўз китобларида асосан шу ғояни тараннум этган: «Инсон инсоннинг дўсти, биродаридир. Инсон инсонга зулм ҳам қилмаслиги, муҳтож дамларда инсон инсонни ташлаб ҳам қўймаслиги керак». Худди шунинг учун ҳам жаҳрн халқлари бу маърифатпарвар зотни неча юз ниллар давомида эъзозлаб келяпти.

#### ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Ҳадис нима?
2. Муҳаддислардан қимларни биласиз?
3. Нима сабабдан ҳадислар ишончли, ҳақиқий ва ёлғон қисмларга бўлинган?
4. Имом Бухорий қим ва қандай асарлари бор?
5. Имом Термизий-чи?

#### VIII Б О Б

#### ШАРИАТ — ИСЛОМ ДИНИИ ҲУҚУҚ ҚОНУН-ҚОИДАЛАРИНИНГ МАЖМУИ

Исломнинг диний ҳуқуқ, қонун-қоидалари, норма, дастур ва тартиблар мажмуаси сифатида шариат Шаркидаги бир қанча мамлакатларда давлат ҳуқуқининг таърифи тарихида чуқур таъсир кўрсатиб келмоқда.

Ислом бошқа жаҳон динлари орасида Давлат ва ҳуқуққа нисбатан жуда ҳам яқин алоқада бўлиб, бу шариат шаклида мавжуд боғлиқликнинг узвийлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Ислом давлат дини ҳисобланган кўпгина мамлакатларда ҳуқуқий қонунлар шариат асосида чиқарилиб, Қуръон билан ичилган қанча самни бузиш катта гуноҳи азим ва жиноят ҳисобланади. Қуръон ва ҳадисларга таянган ҳолда шариат қонун-

лари оила ва жамият, мол-мулкка эгалик, ҳуқуқлар в  
жиноят ҳуқуқи, ҳазина — солиқ ва молиявий тартиб в  
ҳоказоларни бошқаради.

#### 1. ШАРИАТ ВА УНИНГ ТУЗИЛИШИ

Шариат (бу сўзнинг арабча луғавий маъноси тўғ-  
ри йўл, илоҳий йўл, крнунчилик демакдир)—ислом ди-  
ний ҳуқуқ крнун-кридалари ва нормалари мажмуаси-  
дир. Шариат (*араб.—шараа*) сўзидан «йўлламоқ», «йў-  
налтирмоқ», «йўл кўрсатмоқ», «крнунчилик» деган маъ-  
но чиқади, ундан «ташриун»— крнунлар мажмуи,—  
«шариун»— қонун чиқарувчи, «шуташариун»— қонун-  
шунос деган мазмунлар ўз ифодасини топади.

Шариатни диний ҳуқуқ мажмуидан кенгрок тушунча  
деб билиш керак. Чунки шариат диний ҳуқуқдан таш-]  
қари ахлоқий ва диний маросимчилик талабларининг  
мажмуини ҳам ўз ичига олади. Демак, шариат фақат-  
гина ҳуқуқ ва қонунчиликка хос масалалар билан чеад  
ланиб қолмайди. Шариат мусулмонларнинг ҳуқуқий  
ҳаётидан ташқари уларнинг ахлоқий ва кўп киррали  
диний ҳаётини ҳам ўз доирасига олади. Бундан таш-  
қари диний крнунлар даражасигача кўтарилган диндор-  
ларнинг шахсий ва оилавий ҳаёти ҳамда кундалик тур-  
мушига оид майда-чуйда масалаларни ҳам ўз назорати  
остига олади. Шу туфайли мусулмонлар орасида ис-  
ломни унинг умумий диний талаблари билан айнан  
маънода тушуниш одат тусига ҳам кирган. Лекин ша-  
риат тушунчаси нафақат ислом диний талабларини, бал-  
ки диний маросимлари ва уларни ижро этиш крида-  
ларини, оила, никоҳ ва талок масалалари, тижорат, ик-  
тисодий, мулкий муносабатлар, мусулмонларнинг шах-  
сий ҳаётига хос масалалар, дин ижозат берган ёки  
тақиқлаган хатти-ҳаракатлар, жиной ҳаракатлар, суд  
ва жазолашга ўхшаш бошқа кўп масалаларни ўз ичига  
олади.

Хуллас, шариат мусулмонларнинг ички ҳаёти, эъти-  
қоди ва диний виждонини бевосита назоратга олувчи  
диний ва ахлоқий қоидаларни қамраб олади. Шариат  
мусулмонларнинг ҳар кунлик ҳаёти ва турмушига ди-  
ний онг ва ҳис-туйғуни олиб кирувчи қурол, воситадир.

XIX асрнинг охиригача мусулмон оламида шариат-  
дан бошқа крнунлар мажмуи бўлмаган. Чунки қарийб  
ҳамма мусулмон давлатлари тарихида диний ва дунёвий  
ҳоқимият бир-биридан ажралмаган равишда мавжуд

бўлган. Шунинг учун шариат уларни алоҳида-алоҳида  
амалга ошуви масаласини олға сурмаган. Чунки минг  
йилдан зиёд вақт мобайнида ислом ҳукмрон бўлган мам-  
лакатларда дунёвий ва диний ҳоқимият бир шахенинг  
қўлида мужассамланган эди: давлат бошлиғи (халифа,  
султон, шоҳ ёки амир) амир ал-мўмининн \* (исломга  
м.тикод қилувчилар ҳукмдори) деган унвонга ҳам эга  
булар эди.

Қуръонда умуман бўлмаган ёки бўлса ҳам ноаник  
холда тасвир қилинган хатти-ҳаракатлар ёки тақиқ-  
ларни шариат аниқ ва равшан қилиб белгилаши ҳам  
упи узок муддатлар давомида сақланиб келишига за-  
мни тайёрлади.

Мулкчилик, меросий ва жиной ҳуқуқ, ҳимоячи  
(адвокатлар) фаолияти тартиби, қасам (опт) ичиш тар-  
тиби ва шакллари, вақфларга оид кўргазмалар сунний-  
ларда 4 шариат мактабининг усуллари асосида ва ши-  
аликнинг жаъфария шариат мактабининг ҳуқуқий тар-  
тиби асосида ишлаб чиқилган. Исломдаги суннийлик  
на шйаликларнинг шариат усуллари ўртасида муайян  
тафовут бор. Масалан, шиаликда муваққат никоҳ кр-  
нунлаштирилган. хМақка ва Мадинадан ташқари халифа  
Али, унинг ўғли Хусайн ва имом Ризо қабрларини ҳам  
айёрат қилиш шиаликда жорий этилган. Суннийликда  
/ьтироф этиладиган 4 диний рукндан фарқ қилиб, 5—  
ақида имомат — Али ва унинг авлодларидан иборат 12  
имом ҳоқимиятини тан олади.

Ислом ақидаси Аллоҳнинг иродасини қонунлар маж-  
муасининг бирдан-бир манбаи деб билади. Қонунлар  
мажмуига инсон фаолиятини дахлдор этиш бу ширк<sup>1</sup> қа-  
пўл қўйиш, одамни худога тенглаштириш каби гуноҳи  
азим бўлади. Қуръоннинг Юнус (12,40) сурасида куйи-  
даги оят бор: «...Хукм — ҳоқимлик фақат Оллоҳникидир.  
У зот сизларни фақат ўзигагина ибодат қилишга буюр-  
гандир. Энг тўғри дин мана шудир...». «...Хукм фақат  
Оллоҳнинг измидир.

...Барча таваккул қилувчилар унинг ўзигагина та-  
ваккул қилсинлар. (суянсинлар)».

\* Амир ал-мўминин унвони 3 та ҳоқимият битта шахе қўлида  
мужассамлашиши маъносида қўлланилган, яъни дунёвий давлат,  
линий ҳоқимият ва харбий ҳоқимият бир кишининг қўлида бўлган  
(суннийларда).

<sup>1</sup> Ширк, мушрикчилик (араб — шериклик)—худонинг шериклари  
бор деб ҳисоблайдиган тушунча.

Шунинг учун ҳам|Раъд сурасининг 14-оятда таъкидланишича, «Ҳақиқий дуо-илтижо фақат унга қилинур... ундан ўзга дуо-илтижо ...мустажоб<sup>1</sup> қилмас».

Бу даъватларни «Наҳл» сурасининг 51, 53-оятлари ҳам қуйидаги тарзда тасдиқлайди: «Оллоҳ: «Икки худога бандалик қилманглар! Фақат биргина илоҳ бордир, холос. Бас, Мендангина қўрқингиз!»—деди. «52. Осмонлардаги ва ердаги барча нарсалар Унинг мулкидир. Тоат-ибодат мудом ёлғиз Унга (бўлмоғи лозимдир). Оллоҳдан ўзгалардан (яъни, жонсиз^ бутлардан ёки ўзларингизга ўхшаган одамлардан) қўрқурмисизлар?! 53. Сизларга берилган барча ноз-неъматлар ёлғиз Оллоҳдандир. Шунингдек, қачон сизларга (бирон) бало-мусибат етса ҳам фақат Унгагина илтижо қилурсизлар». Ё К И «Бир минг бир «Ҳадис шариф» тўпламида «Доноликнинг энг боши Оллоҳдан», «Оллоҳга ишондим» деб айт, кейин дин чегараларини риоя қилиб яша», «Кинининг олижаноблиги динидир»<sup>2</sup> каби ҳадислар мавжуд.

Ислондаги диний-ҳуқуқий мазҳаблар ва уларнинг асосчилари, химоячи-оқловчи (адвокат)ларга оид тартиб-қридалар, қозилар фаолиятининг ташкилий ва тартиб-қридалари, қасам (онт) ичиш, ваъда бериш ва қасамёд қилиш, қарзни узиш, кафиллик, кафолат бериш, омонат сақлаш таҳлили ва уларга мансуб тартиб-қридалар шариатнинг асосий бўлимларидан ҳисобланади.

Шариат ислом маросимлари ва байрамларига, ислом^ га хос намоз ибодатлари ва у билан боғлиқ бўлган маросимлар, жаноза, рўза тутиш, ҳаж, диний байрамларга шариат исломгача бўлган хатна маросимини исломлаштиришга катта аҳамият берган. Аслида у фарзга эмас, суннатга киради.

Оила ва никоҳ бобида мусулмончиликдаги никоҳ ва унинг шакллари, талоқ ҳамда балоғатга етганликни аниқлаш усулларига шариат алоҳида эътибор берган. У ислом тақиқларига эса жуда ҳам синчковлик билан қараган. Бу бобда хусусан савдо ва молия соҳасидаги, муқрдас ҳисобланган ва сиғинадиган жойларни зиёрат қилишга қаратилган, рўза тутиш соҳасида, суннат, оила-никоҳ масалаларида, олтин буюмлардан мусулмонлар ҳаётида фойдаланиш, таомнинг мулозимат ва одобига қаратилган тақиқлари, ҳалоллик меъёри ва

<sup>1</sup> Мустажоб — қабул этиладиган, ижобат бўладиган.

<sup>2</sup> Бир минг бир «Ҳадис шариф». 451, 600 ва 606-ҳадислар.

қаромдан сақланиш, ундан покланишга доир масалалар таҳлилига эътибор берилган. Шариат жазога псбатан ўз йўл-йўриқ дастурларининг бутун қахру ғазабани ахлоқи бузук (фосик)ларни ва гуноҳ ҳисобланадиган хатти-ҳаракатларни кескин бартараф этиш-|.| қаратган. Шариат зўравонлик ва ўғрилиққа қарши айниқса шафқатсиз жазо бериш чораларини ҳам белгилайди.

Шариатнинг мол-мулкка эгалик ҳуқуқлари ва солиқка оид тартиб-қридаларга қаратилган бўлими ҳам диққатга сазовордир. Бу бўлимда шариат қонун ва қоидалари, мол-мулкка эгалик қилиш ва мерос ҳуқуқи, ижара иа кира (ишчи кучини ёллаш) қилиш, вақф<sup>1</sup> ва васият (васиятнома)га биноан, ерга эгалик қилиш (заминдорлик) ва ерни ижарага олиш, солиқка оид тартиб-қридалар, хумс<sup>2</sup>, закот, садақа, ушр<sup>3</sup>, ажнабийлардан олинадиган солиққа нисбатан ўз замонасининг сиёсатини инъикос этдирадиган тартиб ва қоидалар, қонунлар мажмуининг батафсил баёни берилган.

Савдо, молия ва хўжалик ҳаёти ҳам шариатнинг назаридан четда қолган эмас. Бу қисмда савдо-сотик, савдо битимларини расмийлаштириш ва бекор қилиш, хайвонларни сўйиш, овчилик ва хатто балиқ овлаш тартиб-қоидалари ҳам шариат назаридан четда қолмаган.

Ислом анъанаси ва ҳозирги замон уламолари Юсуф Муса ва Субҳи Махмасаниларнинг таъкидлашича, мусулмонлар шариат ва ислом ҳуқуқ-қридаларини Оллоҳ яратган, муқаддас деб ҳисоблайди. Шу сабабли уни илоҳий шариат ёки илоҳий йўл деб ҳам атаганлар. Аслида ҳамма динлардаги ҳуқуқий қоида, нормалар инсонлар ижодининг натижасидир.

## 2. ШАРИАТ МАНБАЛАРИ

Мухаммад ўлиmidан сўнг VIII аср охиригача ислом динидаги қонунчилик ва қонуншунослик асосан тасоифий йўл билан ривожланиб келган. Чорёрлар даврида асҳоб (саҳоба)лар Мухаммаднинг яқин сафдошлари билан бир қаторда тобеъий (издош, эргашувчи) лар

<sup>1</sup> Вақф (араб — дин йўлида ажратилган мол-мулк)—айрим шахс ва давлатнинг диний муассасалар, масжид, мадрасаларга ва бошқаларга ажратилган ер, мол-мулки.

<sup>2</sup> Хумс (ар. бешдан бир)—урушда қўлга туширилган ўлжаларни тақсимлаш қоидаси.

<sup>3</sup> Ушр (ар.— ўндан бир)—пул эвазига махсулот шаклида тўланадиган солиқ.

исломда саҳрбалардан кейин уларга эргашган, улар ишини давом эттирган илоҳиётчилар ҳам муайян ҳуқуцийбахс ёки мубоҳасаларни асосан Қуръон ва Сунна асосида ҳал қилишга уринардилар. Бу манбалардан асос ёки далил тополмаган таъдирда улар ақл-идрокка таяниб, ўз сафдошлари ҳамда йирик ҳуқуқшунослар билан маслаҳатлашган ҳолда қозиларга маълум даражада белгиланган қоида-қонун ёки йўл-йўриқлар берардилар.

VIII аср бошларига келиб, Қуръон ва Суннадан ҳуқуқий масалалардан жавоб тополмагач, унингчеҳимида бироз мустақиллик пайдо бўлган. Бунда Л. Р. Сюкияйнен деган исломшунос Яманга ҳоким қилиб тайинланган. Мауз билан Муҳаммаднинг суҳбатини изоҳловчи куйидаги ҳадисни мисол келтиради: Муҳаммад Мауздан нима асосида ҳукм чиқарасан?—деб сўргананда, Оллоҳнинг китоби асосида, деб жавоб берган. Агар ундан тоимасанг, Пайгамбарнинг Суннаси билан, агар ундан ҳам топа олмасанг, ўз ихтиёринг билан деганда, худога шукурким, у ўз сафдошларини тўғри йўлга солган пайгамбарни яратган, деган.

Бундан ислом тарихида беш аср мобайнида мусулмонлар орасида диний қоидалар бўлмаган деган маъно келиб чиқмайди. Илк ислом даврида Қуръон на фақат диний таълимотнинг, балки ҳуқуқнинг асоси ва манбаи булган. Қуръонда ақида, афсона ва ривоятларгина мавжуд бўлиб қолмай, унда ҳуқуқга дойр таълимот, маълумотлар ҳам бор. Исломшунос олим М. И. Садагдарнинг фикрича, Қуръонда 150 га яқин умумий ва 100 тагача аниқ, равшан ҳуқуқий тусга молик бўлган кўрсатма, йўл-йўриқлар мавжуддир.

Кейинроқ эса, яъни араб истилолари (632—751 йиллар) даврида Қуръондан замоннинг кўп талабларига жавоб топиш қийинлашди. Чунки босиб олинган *Яқин Шарк*, *Марказий Осиё* ва *Шимолий Африка* аҳолисининг баъзилари боскинчиларга нисбатан юқори ва илғор иқтисодий, ижтимоий ва маданий муносабатлар босқичида яшаб, мураккаброқ давлат идора тузуми, ривожланган турмуш тарзи, ерга ва мулкчиликка оид такомиллашгача тартиб-қоидаларга эга эдилар. Араб истилочилари ҳаётида ҳали пайдо бўлмаган диний жамоа ва давлат, дин ва сиёсий, диний қоида-қонунлар ва давлат ҳуқуқи орасидаги аниқ фарқларни ислом нуқтаи назаридан талқин этйш эҳтиёжлари юзага келган.

Босиб олинган жойларда маҳаллий аҳолининг ўзига хос мустақкам урф-одатлари билан ҳисоблашиш ҳам керак бўлиб қолган. Шунинг учун ҳам Қуръон суралари жойлардаги шариатга керакли талабларга старли даражада жавоб топишга қийналган мусулмон ҳуқуқшунослари шариатга қўшимча маибалар киритишга мажбур бўлиб қолганлар. Хуллас Қуръон билан бир қаторда Сунна келиб чиққан.

VII—IX асрларда диний жамоа ва давлат орасидаги гафовутлар назарий жиҳатдан асосланмаган эди. Шунинг учун бу даврда дин, шариат қонун-қоидаларини билувчи касб эгалари — илоҳиётчи ҳуқуқшунослар — фицхга асос солган. Фицх мусулмон ҳуқуқи сифатида шариатнинг таркибий қисминини ташкил этарди. Инглиз исломшуноси Макдональднинг таъбирича, фицх араб тилида аввал — «умуман билиш», сўнгра «диний қонунларни — шариатни билиш, кейинроқ эса — ҳуқуқий казуистика (умумий ҳуқуқ илми ва илоҳиёт таълимотларини аниқ ва муайян ҳолларга ёйиш)» деб талқин этиларди. Бора-бора фақиҳ деганда «умуман донишманд, дин бўйича мутахассис, ҳуқуқ соҳасида маслаҳатчи ва казуист (моҳир, билимдон юрист) деган маъно чиқарди. Шунинг учун фақиҳ қонуншунос — илоҳиётчи демакдир

Фицх илоҳиётнинг бир соҳаси сифатида мусулмон ҳуқуқшунослигида, шариат қонун-қоидаларини ишлаб чиқишда, ислом тарихида жуда муҳим ўрин эгаллаган. Фақиҳларнинг ғайрати билан бирин-кетин шариат манбаларини ишлаб чиққан, шариат қонунлари расмийлаштирилиб, унинг анчагина тўпламлари тузилган. Шариат жамиятдаги моддий ва маънавий ҳаётнинг барча томонларини уз'назорати остига олган эди. Проф. А. Усмоновнинг таъкидлашича, шариат қонунларини татбиқ қилишда мавжуд бўлган кенг имконият, эркинлик туфайли ҳар бир фақиҳ бу қонунларни ўзи лозим топган тарзда татбиқ этиш, унга ҳавола қилинган масалани ўзи хоҳлаганидек ҳал қилиш учун керак бўлган ривоятларни топиш имкониятига эга бўлган. Шунинг учун ҳам фақиҳлар катта эътибор ва обрў билан ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва диний-ахлоқий ва оилавий масалаларда салмоқли ўрин олганлар.

Ислом илоҳияти — каломнинг асосчиларидан бири

<sup>1</sup> И. П. Петрушевский. Ислам в Иране в VII—XV вв. Курс лекций. ЛГУ. 1966. 132-6.

Ал-Ашъарий (873—935) фикҳни «Мусулмонларнинг муқаддас ҳукуки» деб атаган эди. Фикҳ шариатнинг ғоявий ва амалий қарашлари, таснифи сифатида тақводор мусулмоннинг турмуш қоидалари бўлиб, ислом ижтимоий қарашларининг асосига айланиб қолган.

Урта аерларда фикҳ қоидалари оила, мактабда, мадрасада асосий дарсга, уламолар тортишувида асосий мавзуга айланган эди. Фикҳ мусулмон суд жараёни, қози ва муфтийлар фаолиятининг асосига айланган. Урта аерларда фикҳ асосларининг нозик томонларини билувчилар йирик мусулмон фақиҳлари, илоҳиётчилар ри — мужтаҳидлар юзага келган. Масалан, Самарқанд шайх ул-исломи, машхур қонуншунос ва илоҳиётчи Иброҳим ас-Самарқандий ўзининг «Фикҳ хазидаси», «Қуръон тафсири» каби асарлари билан ислом оламида машхур эди.

Имом ат-Термизий ҳам «Китоб ал-жомеъ ас-Саҳих» ёки «Сунани Термизий» асарида ҳадис илми фиҳхий масалаларга моҳирона татбиқ этган.

Мужтаҳид (*араб.* — интилувчи, ғайрат, ҳаракат қилувчи) — Урта аерларда исломда ижтиҳод ҳукукига эга бўлган, яъни мустақил ҳукм чиқара оладиган шахсдир. Суннийларда диний ҳуқуқ мазҳабларининг асосчилари, шиаларда юқори мартабали руҳонийлар ва диний ҳуқуқшунослар мужтаҳидлар деб аталади. Шаҳристинийнинг таъкидлашича, мужтаҳидлар уч даражага — олий, ўрта, қуйи даражаларга бўлинганлар.<sup>1</sup>

Олий даражали мужтаҳидларга исломнинг илоҳиёт ва ҳуқуқий асослари (усул) хусусида ҳукм чиқаришга кодир дин арбоблари киритилган. Буларга саҳобадар ва уларга эргашган тобеъийлар ҳамда у мазҳабларни асослаган имомлар — шариат манбалари соҳасида ижтиҳод қилувчилар киритилган.

Урта даражали мужтаҳидлар ҳам машхур. Лекин улар фақат шариат соҳаларида фикр юритиб, ҳукм чиқарувчилар эдилар. Булар мазҳаб асосчиларининг шогирди сифатида улар ишининг давомчилари фақиҳлардир.

Қуйи даражадаги мужтаҳидларга эса шариатга амал қилиб, иш юритувчи фақиҳлар киритиларди. Булар 1- ва 2-даражали мужтаҳидларга таянган ҳолда иш юритардилар.

Вақти келиб ҳадислар ҳам феодализм шароитида амалий талабларга жавоб бера олмай қолган. Қуръон, Суннанинг тафсилот доираси тор келиб қолганлигини

сезган илоҳиётчилар шариатга қўшимча яна бир манба — ижмоъни киритганлар.

Ижмоъ — (*араб.* — бирдамлик, якдиллик билан қабул қилинган қарор, диний жамоанинг ягона фикри). Қуръон, ҳадисларда аниқ кўрсатма берилмаган ҳуқуқий масалаларни ҳал этишда фақиҳ ва мужтаҳидларнинг тўпланиб, ягона фикрга келган ҳолда ҳукм чиқариши (фатво бериши)<sup>1</sup>. Ижмоъ шариатнинг 3-манбаи сифатида муайян масалаларни ҳал қилишда оят ожизлик қила бошласа, бирор ҳадис шарҳланган. Шу асосда турли-туман қўшимча, оғзаки талқинлар пайдо бўлган. Бунда машхур уламолар тўпланиб, якдиллик билан чиқарган ҳукмини тушуниш керак. Бу гуруҳ уламоларнинг ҳукмига асосланиб чиқарилган фатволар илоҳий деб ҳам ҳисобланадиган бўлган. Ижмоънинг талқинига қ.уйидаги ҳадис ҳам мисол бўла олади: «Қайси бир халқда қирқ киши ва ундан зиёд одамлар бирор ишга гувоҳлик берсалар, тангри уларнинг гувоҳликларини қабул этади»<sup>2</sup>.

Мадина, Ирок, Суриядаги фикҳ мактабларида олиб борилган тадқиқотлар Қуръон, Суннанинг диний ақоид ва ҳуқуқ масалаларининг қўпларига амалий жавоб бера олмаган. Бу шароитда келиб чиққан насх назарияси Қуръон, Суннадаги қайси ҳадислари (носих)<sup>3</sup> ундан афзаллигига қараб бекор этилиши ёки умуман бекор этилишига (мансух)<sup>4</sup> қаратилган адабиётлар кўпайиб қолган. Албатта, бу соҳада жуда катта тортишувлар юзага келиб, оқилона тарзда мантиқ илми асосида Қуръон ва суннадан ўхшаш ўринли далиллар топиб, унинг асосида ҳукм чиқариш келиб чиққан. Бундай усул — қиёс (солиштириш, таққослаш, ўхшатиш, муқояса — аналогия) деб аталган. Шунинг учун шариатнинг тўртинчи асоси, манбаи — қиёс келиб чиққан.

Қиёс Қуръон ва Суннада учрамайдиган бирор ҳуқуқий масала, улардаги шунга ўхшаш масала орқали берилган йўл-йўриққа, кўрсатмага мантиқий таққослаш, ўхшатиш йўли билан шарҳ, изоҳ этиш асосида ҳукм ёки фатво чиқарилади ва илоҳий деб ҳисобланади. Қиёс фақиҳлар ҳуқуқини кенгайтириб, шариатни кишилар ҳаётининг турли томонларига татбиқ этишга имконият берган. Бу ҳолат ҳокимлар ва уламоларга ҳам кенгроқ

<sup>1</sup> Ислам. Справочник. Т., 1986, 128-бет.

<sup>2</sup> «Фан ва турмуш», 7-сон, 1990, 16-бет.

<sup>3</sup> Носих — бекор қилувчи.

<sup>4</sup> Мансух — бекор қилинувчи.

эркинлик келтирган. Чунки улар ижмоънинг ёрдамисиз, бир гуруҳ уламолар ўртасида муҳокама қилиб ўтирмай, Қуръон ва ҳадислардаги бирорта такқрслаш мумкин бўлган ўхшаш ҳолга асосланиб, мустақил равишда, хоулаган томонга буриб ҳукм қилиш имконига эришдилар.

Қиёс усули камчиликдан албатта холи эмас эди. Оддий мусулмонлар бу усулни жуда ҳам кенг миқёсда татбиқ этиб, янги-янги ҳулосалар яратишга имкон топиб, диндорлар орасида низо, келишмовчиликларга олиб келиши турган гап эди.

Фикҳнинг тараккнети ислом қонунчилигининг алоҳида соҳаларини ўрганишни тақозо қилган. Натижада қонунчиликнинг алоҳида соҳаларини тадқиқ қиладиган бирмунча мустақил илмлар вужудга келган. Масалан, «илм усул ал-фикҳ», яъни шароит манбалари ҳақида илм; «илм фуруъ ал-фикҳ», яъни фикҳнинг айрим томонларини ўрганадиган хилма-хил соҳалардаги қонунларни ва қонунлар мажмуини ишлаб чиқадаган илм; «илм ал-фароиз»—ворислик ҳуқуқига тааллуқли илм; «илм ал-ҳиял», «яъни ҳийла илми-шариат қонунларини четлаб ўтиб, ҳийла ва найранг ишлатиш орқали шаърий ва қонуний йўллари топиш, ёки ҳийла ва найранг йўли билан уни бажармаслик, четлаб ўтиб унга шаърий тую бериб йўллари қидириш илми. Бунга, балким Қуръоннинг «Раъд» сурасидаги 42-оятда айтилган «...барча макр-ҳийлалар Оллоҳнинг (илкидадир)...тасдиқи дастур бўлгандир. Халқ орасида ва диний адабиётда бу соҳа ҳийлаи шаърий деб горитилган. Мусулмончилик тарихида ва ҳаётида бунга жуда ҳам кўп мисоллар бор. Шоҳи матодан кийим кийиш ман этилган. «Бир минг бир Ҳадис шариф» тўпламининг 107-саҳифасида келтирилган ҳадисда: «Кимки дунёда ипак кийим кийса, охиратда киймайди», дейилган. Лекин унинг астарини читдан тикиб кийиш мумкин. Чунки шоҳи бевосита баданга тегмайди, олтин ва кумуш идишларда таом ёки ичимликлар ичиш ман этилган. Шариат олтин ёки кумушдан бўлган идиш-товоқни шаклини бузиб ёки синдириб ишлатишни талаб қилади. Агар озик-овқат ва таом олтин ва кумуш идишларда сақланса, харом ҳисобланмайди. Аммо уни бошқа идишга солиб истеъмол қилишни шариат талаб қилади. Таҳорат қилишда эса олтин ва кумуш идишлардан фойдаланиш бутунлай ман этилган.

Юқорида зикр қилинган ҳадислар шу тўпламдаги 917-рақамли ҳадисда «Тилла ва кумуш идишларда еб-

ичишдан қайтардилар»,— дейилган. Лекин олтин ва кумуш идишлардаги таом ёки суюқликни чинни, шиша, сопол идишларга ағдариб олиб истеъмол қилиш мумкин. (Шариат томонидан олтин ва кумушни кундалик турмушда ишлатишни ман этилиши бу дунёда бойликка, шавқ-ҳавас қўйишни ман қилувчи ислом таълимотидан келиб чиққан. Охиратни муҳайё этувчи тоат-ибодатни сусайтирувчи бу дунёнинг шавқи-ҳаваси ва лаззатидан, бойликдан камбағал мусулмонлар фикрини узоқлаштиради.)

Юқорида баён этилган фикрлардан билиниб турибдики, шариатда ислом қонунчилигининг манбаларидан ташқари бир қанча амал, тавсиф, урф, қонун, йўл-йўриқлар ҳам мавжуд. Диний ҳуқуқдан ташқари дунёвий ҳуқуқдан ҳали исломгача юзага келган маҳаллий одатий ҳуқуқ-одатлардан кенг фойдаланилган. Шариат қоиунлари билан бир қаторда маҳаллий халқлар одати жамоа, давлат ҳаётини тартибга солишда муайян аҳамият касб этган, чунки одат ҳуқуқи ёзилмаган, табиий равишда юзага келиб, кўпинча иқтисодий, ахлоқий, оила ва турмуш тарзига тааллуқли одатий тартиб-қоидалар мажмуи сифатида шариат билан бир қаторда кенг амал қилган. Одатнинг жуда кўп ўзига хос тартиб-қоидалари, маромлари мавжуд. Албатта, ҳамма инсонлардаги қабил, Марказий Осиё халқларининг урф-одатлари орасида соф халқчил, фуқаролик, инсонийлик одатлари диний тую олган жойлари ҳам бўлган. Феодализм шароитида одатларнинг баъзилари ҳукмрон доиралар манфаатига хизмат ҳам қилган.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон халқлари орасида киши ўлганидан кейин еттизини, йигирмасини, қирқини, йилини ўтказиш одати кенг тарқалган. Ваҳоланки, шариат бундай маросимларни ўтказиш ёки ўтказмаслик ҳақида бирон-бир кўрсатма бермаган. Бундай урф-одатлар исломдан олдинги эътиқодларга бориб тақалади. Шариат албатта мамлакат ҳукмдорлари жорий этган дунёвий қонун, йўл-йўриқ, низо ва қатълардан ҳам кенг фойдаланган.

Демак, ҳар бир халқ ўзига хос муайян шароитига қараб қонунларни амалда татбиқ этган. Шариат дастурлари, фикҳ қонунлари ҳамма мамлакат шароити, тарихида турли оқим ва мазҳаб, муайян синф манфаатига мосланган ҳолда умумий қонунлар, жузъий омилар тарзида таҳлил этиб, бир қатор зиддиятларни келтириб чиқарган. Буларнинг зуҳур этилиши, юзага чиқиши оқи-

батида Суннийлик доирасида бир канча диний-хуқуқий мактаблар пайдо бўлган.

### 3. СУННИЙЛИКДАГИ ДИНИЙ-ХУҚУҚИЙ МАКТАБЛАР

Ислом тарихида 4 та диний-хуқуқий мактаблар, диний-хуқуқшунослик тартиб усули, яъни шариат усули мавжуд. Ислом манбаларида уларни «мазҳаб-ал-сунна», мазҳаб мухлисларини эса «аҳли сунна» деб атардилар.

1. Ҳанафия (Имоми Аъзам) мактаби. Бу мактабга Абу Ҳанифа (тахаллуси Имоми Аъзам — буюк имом — (699—767) асос солган, У энг йирик хуқуқшунослардан бири бўлиб, шариат ҳуқуқини тартибга солган, киёсни татбиқ этган, истихсон тартиб усулини (манбалар асосида чиқариш мумкин бўлган хулоса ёки ҳукмлардан мусулмонлар жамоаси учун макбулроғини қабул қилиб) ишлаб чиққан, маҳаллий ҳуқуқ-қоидаларини — одатни шариат билан келиштириб қўлланишни жорий этган хуқуқшуносликдан оқилона фойдаланиш унсурларини киритган.

Истихсон <sup>араб.</sup>— яхшилаш, маъқуллаш) шариатнинг чалкаш мураккаб масалаларига киёсни қўлланишнинг йўли билан мусулмон жамоаси ёки давлати учун мумкин қадар яхшироқ, фойдалироқ, маъқулроғини қўлланишнинг тарзи ҳисобланади. Бу икки ёки ундан ортиқроқ имконияти мавжуд бўлган мантиқий хулосалардан фойдалироғи, маъқулларини ажратиб олишдир. И. П. Петрушевский истихсонга қуйидаги мисолни келтиради: Қуръон ва ҳадисларда ўғирлик учун жазо белгиланган. Аммо очик, ошқора қарокчилик йўли билан ўғирлаш (талон-торож) ҳақида ҳеч нима айтилмаган. Ҳанафийлар эса жамоа ва давлат манфаатини кўзлаб, қарокчиларга ҳам ўғриларга бериладиган жазони мансуб деб топадилар.

Ҳанафийлар маҳаллий зодагон ва ҳукмдорлар қабул қилган низом ва қонунлар, маҳаллий урф-одатларга таянган одатий ҳуқуқлар ҳамда маҳаллий элатларнинг урф-одати асосида келиб чиққан одат ҳуқуқига кенг таянишлари исломнинг кўчманчилар орасида ҳам тез тарқалишига олиб келган. Чунки бу ўзларининг ибтидоий урф-одатларини ҳисобга олган исломни, хусусан ҳанафия мазҳабини ўзларига маъқул топганлар. Абу Ҳанифа фикҳнинг асосчиси ва улўғсифат илоҳиёт мутахассиси бўлган. «Агар диний эътиқрд Зухрогача йироқлашиб кетса ҳам, уни имом Абу Ҳанифа ерга қай-

тариб келади»<sup>1</sup>, дейишарди. Унинг «Ал-Фикҳ ал-Акбар» асари бошқа мазҳаб мухлислари орасида ҳам машҳур бўлган. Г. М. Қеримовнинг китобида имом ат-Шофиъийнинг қуйидаги сўзлари келтирилган: фикҳ илмида ҳамма Абу Ҳанифанинг болаларидир. Илоҳиётда ҳамма Прок олимларининг болалари, ироқ олимлари эса — Куфа олимларининг шогирдлари, куфа олимлари эса — Абу Ҳанифанинг шогирдларидир. Олимнинг ёзишича, у ҳуқуқий масалаларга оид 500 мингдан ортиқ мисоллар яратган ва диний ибодат ҳамда ҳуқуқ масалаларига оид 64 фатво нашр этган. Абу Ҳанифа зўр такводор киши бўлиб, зоҳидликда яшаган. У ҳақда махсус ҳадислар яратилган.

Мужтаҳид имом Шофиъий айтганидек, агар Имом Аъзам бирор нарсани олтин деб аташни хоҳласа, уни исбот этиш учун унинг маҳорати ҳам, истеъдоди ҳам етарди. Умуман ҳанафия бошқа шариат мактабларига қараганда христиан ва яҳудийларга нисбатан мўътадиллик нуқтаи назарида турган.

Ҳанафия мазҳаби қонунлари Абу Юсуф Ёқуб (795 й. да вафот этган), аш-Шайбоний (804 й. да вафот этган), Қодирий (1036 й. да вафот этган) асарларида ҳам ишлаб чиқилган. Ҳамюртимиз Марғинович ар-Риштоний (1157 й. да вафот этган)нинг фикҳга оид асарларидан энг машҳури «Ҳидоя фи-л-фуруъ— Шариат соҳаларй бўйича қўлланма» ҳанафия мазҳабларидагилар томонидан қонунлар мажмуаси (кодекс) сифатида фойдаланилган. Марғиновичнинг «Ҳидоя»си форс, инглиз ва рус тилларига таржима қилинган бўлиб, ҳозир ҳам Шарқ мамлакатларида (Ҳиндистон, Туркия ва б.) ҳанафия мактаби шариат соҳасидаги асосий қўлланма ҳисобланади.

Ҳанафия мазҳаби суннийлик йўналишига мансуб бўлган мусулмонларнинг учдан бир қисмини ўз ичига олади. Ҳозир ҳам республика тупроғидаги суннийларнинг оила, никоҳ, талоқ ва бошқа масалаларда бу мазҳабнинг таъсири бор.

2. Маликия мактаби. Асосчиси Малик ибн Онас (713—795) «Асхоб ал-ҳадис» (Ҳадис тарафдорлари) оқимининг йирик намояндаси бўлиб, Муҳаммад давридаги диний ҳуқуқ тартибни ёқлаб чиққан. Узининг «Ал-Муваттаъ» («Оммавий», «Барчага тушунарли») аса-

<sup>1</sup> Керимов Г. М. Шариат и его социальная сущность. М., Наука, 1978. с. 15.

рида Куръон ва Суннани ақлга асосланган ҳолда талқин қилишга қарши чиққан. У муҳофазақор илоҳиётчи фақиҳлардан бири эди. Бу мазҳаб тарафдорлари ўзларининг номўътадиллиги билан ажралиб турарди. Улар ханафияларга нисбатан қиёсنى қўллашда анча чек қўйишарди. Аммо ўзларининг истиснога қоидалари билан ханафиянинг истихсонига яқин турардилар. Ҳозирги даврда Маликия мазҳаби Тунис, Жазоир, Марокаш, Ливия ва бошқа мамлакатларда тарқалган.

3. Шофиъий мактаби. Унинг асосчиси имом аш-Шофиъий (767—820) кучли илоҳиётчи фақиҳлардан бири бўлган; Маккада яшаган, Яманда қозилик қилган. Али авлодлари билан яқинлашганлиги учун 803 йилда қамолга олинган. Афв этилганидан сўнг Мисрга келиб, Маликнинг шогирди сифатида фаолият бошлаган. 810 йилдан Боғдодда ўз таълимоти тарғиб қилган. Унинг шогирдлари чиқарган «Китоб ал-умм» тўплами ислом ҳуқуқини анъанавий тартиб-қоидалар билан боғлашга қаратилган, фикҳ асосларига тўла таъриф бериб, ижмоъдан фойдаланишга алоҳида эътибор қилинган.

Шофиъия мазҳабининг усули ханафия ва маликия усулларини ўзаро муросасига тарафдорлик қилишга уринган бўлса ҳамки, асосан маликияга мойил эди. Улар қиёсنى қўлланишда муайян чегарага йўл қўядилар. Истихсон усули кўп хулосавий имкониятларни яратиши ва у шахсий (ғаразли) фикрларга асосланган ҳукмларга олиб боришдан ҳадиксирардилар. Шунинг учун улар қиёсга таяниб истихсоҳ—муайян ҳолатга қўлланишига мувофиқ равшан исботини берувчи, фикҳ қоидасини ишлаб чиққанлар. Масалан, сафарда бўлган шахснинг улик ёки тириклигини билмасдан унинг мол-мулкига меросхўрлар эгаллик қилишлари мумкиими, деган саволга шофиъийлар рад жавобини берардилар. Бунга сабаб мерос эгасининг ўлими ҳақида исботловчи далилнинг йўқлигидир. Сурия ва Мисрда шакланган бу мазҳаб ҳозирги вақтда Индонезия, Шарқий Африканинг баъзи мамлакатларида, жанубий араб султонликлари мусулмонлари орасида тарқалган.

4. Ҳанбалия мактаби. Унинг асосчиси ва имоми ибн Ҳанбал (780—855) мустаҳкам эътиқодли суннийлик нуқтаи назаридан халифа Маъмун даврида давлат дини бўлмиш муътазийликка қарши курашгани учун бир неча бор қамалган ва жазоланган. 6 жылдик «Муснад» (суянчиқ ёки тиргак) номли асарида 40 мингта ҳадис асосида диний ҳуқуқ ва ҳуқуқшунослик соҳасини

тадқиқ этган. Унинг ҳуқуқ тартиботи ўта торлиги, диний масалаларда Куръон ва Суннага қаттиқ риоя қилишга, эркин фикр юритиш ва талқин этишга, ҳар қандай янгиликка қаршилиги, шариат тартиб-қоидаларига риоя этишда қатъий мутаассиблиги билан ажралиб турарди.

Ҳанбалия мактаби тарафдорлари авваллари фақатгина Куръон ва Суннагагина таяниб, шаръий ҳукмлар чиқарсалар, кейинроқ қиёс ва ижмони қўлланишда ҳам улар танҳо Муҳаммаднинг сафдошлари бўлмиш саҳобаларнинг ҳамжихатлигидан келиб чиққан ҳукмларининггина инобатга олар эдилар. Бунда улар тобеъийларнинг ҳам, улардан кейинги эътиборли диний арбобларнинг ҳам фикрларини тан олмас эдилар. Куръон ва ҳадислардан эса ҳеч қандай далил тополмаган тақдирда ноилож қиёсга мурожаат этардилар. Бу мазҳаб диний масалаларда ҳеч қандай эркин фикрни тан олмай, шариат қонун ва маросимларини ижро этишда ўта жиддийлик кўрсатувчи, диннинг ўтакетган фидойилари эдилар. Уларнинг расмиятчилиги, ўтакетган мутаассиблиги, жонли тарихий ҳақиқатдан узок турган қарашлари, ижтимоий ҳаёт ва турмуш тарзидаги ҳар қандай янгиликларга зид эканлиги сабабли—бу мазҳаб XII асргача кенг тарқалмаган. X асрда Эронда, XI—XV асрларда Сурия ва Фаластинда Ҳанбалиянинг издошлари бўлган.

XVIII асрга келиб, ибн Ҳанбал таълимоти ҳозирги Саудия Арабистонидаги ваҳобийларнинг шаклланишига асос солган. У ерда Ҳанбалиянинг илк исломга хос қонунлари ҳрзир ҳам амалда.

Ислом тарихида ва ҳозирги пайтда ҳам юқрида зикр қилинган мазҳаб суннийлар орасида тенг ҳуқуқли ҳисобланган ва улардан бирортаси ҳам дин асосларига зид ҳисобланмаган. Профессор И. П. Петрушевскийнинг ёзишича, Қоҳирадаги ал-Қаххор дорилфунунида ислом фикҳи тўрт мазҳаб бўйича ўрганилади.

Бундан кўриниб турибдики, ислом ҳуқуқи вақтга, ўринга, шароитга қараб муайян хилдаги ўзгаришларга учраган, ҳар хил шарҳларга мансуб бўлган.

Юқоридаги мазҳабларнинг фаолиятида фақатгина соф ҳуқуқий масалалар билан чекланмаганликлари тўғрисида булар шариат қонунларининг кенг тарқалишига олиб келган. Улар қонунчилик тартиб-қоидалари мажмуига нафақат ҳуқуқий масалаларни, балки диний маросимчилик, савдо ва солиқ, хулқ-атвор масалаларини

вим киритганлар. Ислом ҳуқуқшунослари шариат қозиларидан бошқа судловчи ташкилотлар бўлмаганидан, мусулмон ҳуқуқшунослари барча ҳуқуқий ва диний масалаларни ўзлари ҳал этардилар.

Кейинчалик ислом ҳудудида ривожланган давлатларнинг мустақил тараққиёти жараёнида уларнинг манфаатларини қўриқловчи турли-туман дунёвий қрнунлар вужудга кела бошлаган. Қуръонда турли-туман жоиз ва тақиқларнинг бир туркуми мавжуд. Кейинчалик бошқалар кенгайтирган бу элементлардан қонунлар мажмуи ёки ислом ҳуқуқи таркиб топган... Булар инсон фаолиятининг ташқи жиҳатларига хосдир. Дастлаб Қуръон, Суннада асосланган бу қонун фикҳ усул туфайли аста-секин бойиб борган ва турли мазҳабларга боғлиқ ҳолда ҳар хил шаклларга эга бўлган. Ҳозирги вақтда фикҳ тўпламларига қонун қучига эга, Қуръон ва Сунна тўпламлари эса ҳамма масалаларга жавоб бера олмайди.

Амалда шариатнинг асосий йўналиши ҳаётнинг турли масалаларига диний нуқтаи назардан баҳо беришдир. Соф юридик қарашлар унга кейинчалик киритилган.

#### 4. ШАРИАТ ЖОРИЙ ЭТГАН ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАР НАМУНАСИ

Ислом тарихида ҳуқуқ соҳасидаги чигал, мураккаб воқеа ва ҳодисалар, диний маросимлар, оилавий ва ижтимоий ҳаётни бирон қолипга солиб, назоратга олиш мақсадида шариат муайян тавсиялар белгилаган. Мавжуд адабиётларда таъкидланишича, қуйида таҳлил этиладиган тавсиялар шариатга мусулмонлар хатти-ҳаракатидаги айрим қоида ва тавсиялар жорий этиш билан чекланмаган, балки мусулмонларнинг турмуш тарзини белгилашни ҳам ўз зиммасига олган. Дастлабки даврларда мусулмонларнинг хатти-ҳаракатини шариат иккига — тақиқланган ёки тақиқланмаган, ижозат берилган ёки ижозат берилмаган ҳаракатларга бўлган. Булар ҳаром ва ҳалол тушунчалари билан ифодаланган.

Ҳалол мусулмонларга шариат руҳсат этадиган муайян хатти-ҳаракат, иш, тоза ва пок ҳисобланган озиқ-овқатлардир. Ҳаром эса мусулмонлар учун қатъиян ман этилган, тақиқланган хатти-ҳаракат, иш ва тановул қилишта ижозат берилмайдиган озиқ-овқатлардир.

Бу соҳаларда мусулмонлар дастурни албатта

Қуръондан оладилар. «Бақара» сурасининг 2-, 3- оятларида қуйидаги йўл-йўриқни ўқиш мумкин: «...Ушбу китоб ғойибга ишонадиган, намозни тўқис адо этадиган на биз ризқ қилиб берган нарсалардан инфоқ-эхсон қиладиган такводор кишилар учун раҳбар — йўлбошчидир».

Ҳаром ва ҳалол тушунчалари диндорларнинг қундалиқ фаолияти ва турмуш тарзи билан боғлиқ бўлган барча хатти-ҳаракатлар ва нарсаларни ўз ичига олади. Мусулмонлар ҳаётини фақат ақидавий ва маросимчилик маромлари билан чеклабгина қолмай, балки унга тазйиқ ўткази, баъзи хатти-ҳаракат ва нарсаларни тақиқлайди, баъзиларига ижозат беради, айримларини эса адо этиш мажбур деб белгилайди. Хуллас, бу категориялар диний маросимчиликка оид талаб, ҳуқуққа оид масала, тартиб-қоидалар, ахлоқий ва ижтимоий, иқтисодий муносабатларга оид тартиб-қоида ва фуқаролик тартиб-қоидалари, жиноий ҳуқуққа оид муносабатларни ўз ичига олади.

Кейинчалик шариат қрнунларининг такомиллашуви жараёнида бу «андоза»лар мураккаблашиб, барча хатти-ҳаракатлар шариат нуқтаи назаридан қуйидаги туркумга бўлинган.

1. Фарз (*араб.*— мажбурият) диний-ҳуқуқий категория бўлиб, бевосита Қуръонда қайд этилган, ҳар бир мусулмон қандай бўлмасин бажариши мажбур, шарт бўлган қатъий талаб, тартиб-қоидалардир. Масалан, Қуръонда қайд этилган аркон ад-дин (ташаҳҳуд, намоз, рўза, закот ва ҳаж) ҳамда эътикод, диний маросим, урф-одат талаблари, ахлоқий ва ҳуқуқий тартиб-қоидалар фарзга киритилган. Фарз деб белгиланган тартибларни бажармаслик қаттиқ гуноҳ бўлиб, исломдан чиққан ҳисобланган ва шариат қозилари гуноҳкорларни қаттиқ жазолаган. И. П. Петрушевскийнинг ёзишича, фарзни 2 маънода тушуниш ҳам бўлган. Фарз-ал-айн, яъни хлмма мусулмонлар учун бажарилиши мажбур бўлган хатти-ҳаракатлар. Масалан, таҳорат, беш вақт намоз, мачитга бориш ва хоказолар. Фарз айни-кифоя, яъни ҳамма мусулмонлар учун бажарилиши мажбурий бўлмаган, лекин ижро этиш қўлдан келадиган кишиларга мажбурий хатти-ҳаракатлар. Масалан, имомлик вази-фаси ёки масжидда муаззинлик қилиш, жиҳодга қатнашиш ва бошқалар.

М. Усмоновнинг фикрича, араб халифалари феодализмнинг юксак ривожланган даврига келиб вожиб

(араб, мажбурият, бурч) категориясини амалга кири-тиб, халифа, подшо, амир, хон каби хукмдорларнинг амрини ижро этиш ҳам мусулмонларга мажбурий бурч ҳисобланган. «Амри подшо вожиб» маъносида бу кате-гория талабини бажариш ҳам савоб деб ҳисобланади-ган бўлган. «Бу категория ўз моҳияти ва мавқеи жиҳа-тидан худо буйруқлари ҳисобланган фарздан кейин, ле-кин пайғамбар буйруқлари ҳисобланган суннатдан олдин иккинчи ўринни эгаллайди. Ана шу даврда узил-кесил шаклланган ва расман эътироф этилган шариат кодексларида мусулмонлар учун бажарилиши қатъий ҳисобланган талаблардан якка хукмдор тўла равишда озод деб кўрсатилади, унинг хатти-ҳаракатлари шари-ат доирасидан ташқарида ва ҳар қандай киши учун ҳам якка хукмдор шариат олдида жавоб бермайди», деб эълон қилинади. Бу ҳол шариатнинг хукмрон табақа-лар мансабини ҳимоя қилувчи ислоннинг ҳуқуқ маж-муига айланишига олиб келган.

2. Мандуб (араб.—тавсия этилган, лозим топилган) — диний-ҳуқуқий категория сифатида бажариш лозим ва савоб деб тавсия этиладиган, лекин мажбур ва гуноҳ бўлмаган ҳаракатлар (масалан, хатна, қурбонлик, мав-луд, мажбурий бўлмаган намозларни ўқиш ва эъти-крфхайр-эхсон ва ҳоказолар). Булар диний нуктаи назаридан яхши ва мактовга сазовор, охиратда тақдир-ланади, аммо ижро этмаган тақдирда масъулият талаб этилмайди. Агар бирон мақсад, орзу, ниятга эришсам, шунча рўза тутиб берардим, деб ният қилиб орзуси амалга ошиб, ўша рўзани тутса, вожиб рўзаси дейила-ди. Масалан, ҳажга борганлар ва бой-бадавлат мусул-монлар зиммасига Қурбон хайит кунлари жонлик сўйиб қурбонлик қилишлари вожиб қилинган.

3. Мубоҳ (араб.—умумий, ҳеч кимга тааллуқли бўл-маган)—шариат категорияси бўлиб, тор маънода ижо-зат бериладиган барча хатти-ҳаракатлар. Ижроси мак-товга ёки мукофотга сазовор бўлмаса ҳам, гуноҳ ҳи-собланмайдиган, у дунёда тақдирланмайдиган, инсон ҳаёти ва турмуш тарзи билан боғлиқ бўлган оддий хат-ти-ҳаракатлар (овқатланиш, ухлаш, ўйин-кулгу, уйла-ниш, дам олиш, ҳордиқ чиқариш ва ҳ. к.) Бу категория жоиз категорияси каби мажбурий деб ҳам ҳисобланма-ган, уларни бажариш ҳам тақиқланмаган.

<sup>1</sup> *Эътиқоф* — маълум муддаонн ният қилиб, масжид ёки уйдан чикмай рўза тутиб ибодат қилиш.

4. Макрух (араб.— рад этилган, қораланган, номақ-бул)— қатъиян тақиқланмаган, номақбул ҳисобланган на рад этилган хатти-ҳаракатларни ифодаловчи шариат категориясидир. Диний эътиқод нуктаи назаридан но-лозим, номақбул, аммо қатъиян рад этилмаган. Бу тақиқларни бузганлик учун жиноят ёки гуноҳ ҳисо-бида жазоланмайди, имонпи сақлаш учун жиноят, мак-рух ишларни қилмаслик лозим, аммо бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам жазога тортилмайди.

Макрух асосан диний маросимларни ижро этиш жа-раёни билан боғлиқ. Масалан, тоза бўлмаган, нопок кийимда, ёки таҳоратсиз номоз ўқиш, касал одам-нинг ёки эмизикли аёлнинг рўза тутиши, ой кўргандан кейин покланиш шартларини бузиш, диний матнлар ёзилган қоғоз, жариди ва жадалаларни оёқ ости қилиш, нарса ўраш (уларни ерга кўмиш белгиланган) ва бош-қалар.

Макрух мусулмонларнинг кундалик ҳаёти ва ахло-кий кирдикорларига ҳам боғлиқ. Масалан, бировнинг уйига ижозатсиз кириш, ўғирланган нарсани сотиб олиш, ҳаром нарсани гадойга бериш, пишмаган экинни пай-калида сотиш, қарздорни мажбуран хизматга олиш ёки катта одамлар олдида беодоблик қилиш ва ҳока-золар

5. Маҳзур — ёки ҳаром (араб.—маж этилган, руҳсат берилмаган, қатағон қилинган) мусулмонлар учун қатъий тақиқланган хатти-ҳаракат, муомала, қилиқ, фикр, ҳаёл, эътиқод, нарсалар, ейиш маън этилган озик-овқат ва ҳ. к.

Маҳзур зино<sup>2</sup> тушувида орқали янада ойдинла-шади. Масалан, қўлнинг зиноси ҳаром нарсани ушлаш, оёқнинг зиноси шариатда ман қилинган жойларга бот-риш, қўлокнинг зиноси ҳаром қилинган нарсаларни эши-тиш, кўзнинг зиноси ман қилинган нарсаларга қараш.<sup>^</sup> Демак, ўзини мўмин ҳисоблаган ҳар бир киши шу зино-ларнинг барчасидан ўзини сақлаши керак. Ҳадисда бундай фикрлар бор: «Кимки зино қилса, имони учади», «Зинокорлик—фақирлик келтиради», «Зинога яқин-лашманглар, чунки (бу) бузукликдир — энг ёмон йўл-дир». Қуйидаги ҳадис ҳам диққатга сазовордир: «Сиз-

<sup>1</sup> Ислон. Справочник, Т., 1989, 156—157- бетлар.

<sup>2</sup> Зино (араб.— бузуклик, фаҳш)— ўзаро никоҳда турмаган эр-как ва аёлнинг яқин алоқада бўлиши. Шариат зино учун аёлларни тошбўрон қилиб ўлдирish жазосини белгиланган. Эркакларга бундай жазо йўқ.

лардан кимки бирон кимсани шариатда қайтарилган мункар<sup>1</sup> иш қилаётганини курса, ундай одамни қўли билан бўлса ҳам (яъни жисмоний куч ишлатиб бўлса ҳам) бу мункар ишдан ман қилинсин, агар қўли билан қайтаришга имкони бўлмаса, тили билан панд ва насиҳат айласин, агар бунга ҳам қодир бўлмаса, ўша одамни қилаётган ишини қалби билан ёмон кўрсин. Бундай қалби билангина бировни қабих ишини ёмон кўрувчи одам, имони заиф одам бўлур».

Шариатда тамойил тартиб-қоидалари батафсил ишлаб чиқилган. Кўпчилик ўз илдизи билан исломдан олдинги даврга боғлиқ бўлишига қарамай, мусулмонлар орасида қаттиқ риоя қилинади.

Қуйидаги Қуръон оятлари махзур категориясини бундай тавсифлайди: «Бақара» сурасининг 168-оятисида: «Эй одамлар, ердаги ҳалол-поқ нарсалардан енглар ва шайтоннинг изидан эргашманглар: Шубҳасиз, у сизларнинг очик душманингиздир» (2:168), «Моида» сурасининг 3- ва 90- оятларида: «Сизларга ўлакка, қон, тўнғиз гўшти, Оллоҳдан бошқа бировнинг йўлида сўйилган нарса, бўғилиб ўлган, уриб ўлдирилган, баланд жойдан кулаб ўлган, (бошқа бирон ҳайвон билан) сузишиб ўлган ва йиртқич ҳайвон тишлаб ўлдирган жониворлар ҳаром қилинди...», «Эй мўминлар, ароқ (маст қиладиган ичкилик ичиш), кимор (ўйнаш), бутлар (яъни уларга сиғиниш) ва чўплар (яъни чўплар билан фолбинлик қилиш) шайтон амалидан бўлган ҳаром ишдир. Бас, нажот топишингиз учун уларнинг ҳар биридан узок бўлингиз!».

Дарҳақиқат, чўчка гўшти фақат ислом динидагина эмас, балки яҳудийликда ҳам батамом ҳаром қилинган. Бундай муносабат табиат қонунларига мувофиқ бўлган. «Шарқ юлдузи» ойномасининг 1991 йил 3- сонисидаги «Чўчка гўшти ва саломатлик» деб номланган мақола-нинг матни шу масаланинг моҳиятига қаратилган. Мақола муаллифи немис олими доктор Ровфиг шахсан ўзи ва бир қанча Европа олимлари ўтказган илмий тадқиқотлар асосида чўчка гўштида кўпгина моддалар инсоини захарловчи ва соғлигига путур етказувчи захарлар мавжудлигини исботлайди. Ундан ташқари иссиқ мамлакатларда бу гўшт жуда тез бузилади.

Демак, инсоният ўзининг илк тарихий саналарида чўчка гўштининг киши организмга захарли таъсири ҳақида муқаммал илмий тадқиқотлар асосида етарли

<sup>1</sup> Мункар (араб.)— қабих.

далилларга эга бўлмаган бўлса ҳам, амалий жиҳатдан унинг зарарини бевосита татиб кўрган бўлиши эҳтимолдан узок эмас. Шунинг учун ҳам бунинг олдини олишга жонбозлик қилиб, неча миллион инсонларнинг кирилиб кетишига чек қўйган фикр ва мулоҳазаларни тарихдан ўчириш мумкин эмас.

Шариат мунофиқларни<sup>1</sup>— кофирларни макруҳга — ҳаромга тенглаштиради. Афсуски, мавжуд адабиётимизда кофирни мусулмон эмас, деб ҳисобланади. Лекин улар мунофиқ эмас. «Кофир» тушунчаси нотўғри Таллин қилиниб, Шариат бўйича «худони инкор этиб, унга шерик (ширк) бор, Муҳаммадни пайғамбар эмас, деб ёки ислом маросимларини инкор этувчилар кофир ҳисобланади. Қуръон ва шариат эса насроний ва яҳудийларни мунофиқлар деб атамайди. Қуръонда бутпараст-маъжусийлар эътиқоди ва дин даражасида ҳисобланмай — мунофиқлар деб аталган. Иброҳим, Мусо ва Исоҳ Масиҳни Қуръонда ваҳдонийлар, яъни якка худога эътиқодчилар бўлганлари учун ҳам насроний ва яҳудийлар кофир ҳисобланмайдилар, яъни улар «аҳл-ул-китоб» — насроний ва яҳудийликка эътиқод қилувчилар, мусулмон бўлмасалар ҳам худога ишонувчилардир. Мабодо улар мусулмонларни кириб, ерларини босиб олишга интилсалар, уларни шариат кофирларга тенглаштиради. Бу уруш муқаддас бўлиб, жиҳод, ғазавот — дин учун курашга айланади. Агар шариат одамни кофир деб топса, у одам ўз-ўзидан ҳаром ҳисобланади. Шариат бўйича «кофирнинг бутун аъзойи-бадани ва ҳатто унинг сочи ва тирноқлари ҳамда териси ҳам ҳаром»<sup>2</sup> ҳисобланади. Агар мунофиқ калимани талаффуз этса — ҳалол бўлади.

Шариат нуқтаи назаридан ҳамма спиртли, кайф берувчи ичимликлар, ачиб-бижғиган суюқликлар ҳаром ҳисобланади. Бундан ташқари унда ҳаромдан покланишда сув биринчи ўринда (умуман шариатда бундай усуллар ўн битта)<sup>3</sup> эъзозланади. Шунинг учун сувни кадрлаш, уни кўз қорачиғидай асраш, сув билан фахрланиш, сув ризқ, сув ҳосил, сув барака... каби фазилатлар шариатда кадрланиши — ҳрзирги замон шароитида долзарб муаммолардан биридир.

<sup>1</sup> Мунофиқ (араб.— • иккиюзлама) — исломни юзаки қабул ҚИЛ1 III бўлиб, ўзининг аввалги қабилавий динига сиғинишни давом 91 Пир1 III арабларга қарата қўлланган тушунча.

<sup>2</sup> М. Керимов. Шариат... 135-бет.

<sup>3</sup> Уша жойда. 136, 138-бетлар.

Хуллас, мусулмонлар хулқ-атвори, муомала ва юрнш-туришини чегарага олувчи шариатнинг 5 категориясида диний-ҳуқуқий мазмун мужассамлашган. Унинг амри, ахлоқий-маросимий тақиқлари жиноий ва фуқаролик ҳуқуқи билан айнан маъноларда ишлатилган, яъни диний гуноҳ жиноий ва ҳуқуқий гуноҳлардан фарқ қилинмайди.

#### ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Шариат исломнинг қандай манбаи ҳисобланади?
2. Шариатнинг мазмуни, тузилиши ҳақида нима биласиз?
3. Шариат қандай манбаларга асосланган?
4. Исломда қандай диний мазҳаб ва ҳуқуқлар бор?
5. Шариатда мусулмонлар учун белгиланган хатти-ҳаракатлар қандай тавсифланади?

#### IX БОБ

### МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ МАДАНИЯТИ БА УНИНГ ИСЛОМ БИЛАН АЛОҚАДОРЛИГИ

XX асрнинг охирида ислом омилининг дунё мамлакатлари халқлари орасида этакчи кучлардан бирига айланганлиги муносабати билан мазкур динга, унинг кадриятларига ёндашув бирмунча ўзгариб бормокда. Жумҳуриятимизда ҳам исломга эътиқод қилувчиларга муносабат мустақилликни мустаҳкамлаш сиёсати доирасида ижобий ўзгариб бормокда. Чунинчи, Ислом кадриятларининг Марказий Осиё халқлари маданияти билан ўзаро алоқадорлиги муаммоси илм-фан олдига янги вазибалар қўймокда.

#### 1. ИСЛОМНИ ЭЪТИҚОДГА АЙЛАНТИРИШ ДАВРИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ МАДАНИЯТИ

Ислом ғоялари ёйилиши арафасида Марказий Осиё халқлари араблардагига нисбатан ривожланган маданиятга эга бўлганлар. VIII—IX асрлар бўсағасида Амударё билан Сирдарё оралиғида яшаган халқларни илмий адабиётларда сак, массагет, хоразмий, суғд, бактриялик, уйшўн, тохир, қўнғир, эфталит (оқ хун)лар\* деб

Бу номларнинг аксарияти истилочилар томонидан маҳаллий аҳолини ҳақоратлаш учун қўлланилган бўлишига қарамай, илмий адабиётларга кириб қолган. Масалан, Эрон босқинчилари ерли аҳолини «сак»-ит, «массагет»-катта ит, мўғуллар «хун»-одам деб аташган.

келинали. Ҳозирги Ўзбекистан территориясида, хусусан Тошкент воҳасида милоддан аввалги I минг йилликнинг ўрталаридаёқ турк элати ва маданиятини ўзида ифодалаган қабилалар вужудга келган. Кўчманчи туркий қабилаларнинг кўпчилиги милоддан олдинги X—VI асрлардаёқ ўтроклашган, шаҳарларда хунармандчилик, савдо-сотик, қишлоқ жойларда, тоғ этакларида чорвачилик ривожланган, иқтисодий, ижтимоий ва маданий яқинлашув ҳам амалга оша бошлаган.

Албатта, Марказий Осиё халқлари, жумладан, Ўзбекистонда араб истилосигача бўлган даврлардаги маданият етарлича ўрганилмаган. Бироқ, баъзи тарихий ёзма манбалар ва оғзаки адабиёт намуналарида маълум бўлишича, аجدодларимиз учун қахрамонлик, мардлик, жасорат, адолатпарварлик, дўстлик, ҳамкорлик туйғулари бағоят қадрланган.

Сурункали урушлар, чет эл босқинчиларининг диёримизга ҳужумлари туфайли халқимиз яратган маҳобатли ёдгорлик, обидалар секин-аста нураб ва йўқолиб кетган.

Олимларимиз, жумладан, археологларнинг тадқиқотларидан маълум бўлмокдаки, халқимиз исломгача бўлган даврда жуда чиройли иморатлар, улкан ва улғувор суғориш иншоотлари, нодир ва ноёб тасвирий санъат ҳамда меъморчилик намуналари, йирик бадий асарлар яратган. Булар қаторига Зардушт, Маздак каби уламоларнинг ҳам диний, ҳам дунёвий билимлар ҳақида бой маълумот берган асарларини, Спитамен, Тўмарис, Широқ каби халқ қахрамонлари номларини, қилган қахрамонона ишларини келтириш мумкин.

Марказий Осиёнинг антик даврга оид ёзма ёдгорликлари жуда оз сақланиб қолган. Қадимги Юнон ва Румо адабиёти намуналаридан эса ўтмишимизга оид, бизни қизиқтирган масалаларга жавоб топишимиз мумкин. Лекин бу манбалар ўтмиш маданиятимиз, турмуш тарзимиз, юртимизга бостириб қирган тажовузкорларнинг тарихчилари қаламига мансуб асарлар бўлиб, уларда ўтмиш авлодларимиз маънавий кадриятлари бир ёқлама ёритилган. Шунга қарамай мазкур асарларда жуда кўп амалий маълумотлар мавжуд бўлиб, улардан танқидий фойдаланиш мумкин. Чунинчи, антик дунё тарихчилари берган хабарларга қараганда, бу даврда Марказий Осиёда сак, скиф, массагет, суғд, даҳ қабилалари яшаган. Бироқ улар ҳозирги шаклланган ўзбек, қозоқ, тожик, туркман, қирғиз, қорақалпоқ мил-

латларининт қайси бирига тегишли эканини билиш мушкул. Фанда турли тахминлар мавжуд бўлиб, биз бу ҳақида аниқ бир маълумотга эга эмасмиз. Бирок шунга ишончимиз комилки, мазкур қабилалар қачонки инок ва ахил бўлиб яшашган бўлса, ўша даврда ташки тажовузлар кам бўлган ва тараққиёт нисбатан тез борган.

Юкритдагиларга кўра, маънавий маданиятимиз тарихини, унинг чуқур илдизларини фақат ислом билан боғлаш, ислом кадриятларига элтиб такаш ва ундан кидириш адолатдан эмас. Зеро исломга қадар ҳам Марказий Осиё халқлари асрлар давомида ўзининг буюк маданияти, маърифати, инсоний урф-одати билан танилган эди. Масалан, «Овасто»нинг китоб ҳолига келиши, пайғамбар Зардушт фаолияти билан боғлиқ ва яқка-худочиликни қарор топтиришга қаратилган диний ислохотлар ўлка аҳолиси маданияти нечоғлик ривож топганидан далолат беради. Исломога мавжуд бўлган диний ёдгорликлардан бири — Сурхондарё вилоятида жойлашган Фаёзтепадан топилган будда ҳайкали бўлиб, у халқимиз орасида исломгача бўлган даврда будда динига эътиқод қилувчилар ҳам бўлганлигидан далолат беради. Марказий Осиё халқлари ҳеч қачон босқинчиларга итоат этмаган, уларни ҳайдаб чиқариш учун қаҳрамонона курашганлари тарихий манбалардан маълум. Шуниси характерлики, Эрон ва Грек-Македон босқинчилари нечоғлик уринмасинлар, Марказий Осиё халқлари тили, маданияти ва ўзига хос диний эътиқодларини йўқрта олмадилар.

Марказий Осиёда бошқа жойлардаги каби соф қулдорликка асосланган муносабатлар бўлмаган. Феодал муносабатлари ҳам демократик элементлар билан ажралиб турган. Чунки сунъий суғоришга асосланган дехкончилик, эркин хунармандчилик анъаналари у муносабатларга алоҳида мазмун киритганки, бу ҳолат чуқур илмий тадқиқотга муҳтождир. Эрон, Ҳиндистон ва Хитой мамлакатлари билан савдо-сотик олиб борилган. Юнон, хинд ва Марказий Осиё халқлари маданиятининг аралашиб кетиши туфайли Шарқда ўзига хос жуда юксак эллинистик маданият вужудга келган. Марказий Осиё «Ипак йўли» орқали Шарқ билан Ғарбни бири-бирига боғловчи, тажрибаларни ёювчи маскан бўлган. Натижада Греция ва Ҳиндистон маданиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатган. Бу ерда пул-товар муносабатлари ҳам ривожланган. Тарихий асарларда Бактрия «2000 шаҳарли мамлакат» сифатида тилга олингани

бсжиз эмас. 1932 йилда Амударё бўйида эски Термиз яқинидаги Айритом харобасидан 2 та тоштахта топилган. Уларда куй чалаётган уч аёл образи тасвирланган. Бу фақат монументал санъат асари бўлибгина қолмай, балки ўтмишда Марказий Осиёда мусика маданияти ҳам ривожланганидан далолатдир. 1965 йилда Қадимий Афросиёб шаҳарчаси харобаларидан топилган тасвирий санъат обидалари VII асрга оид бўлиб, гўзаллиги жиҳатидан шу вақтгача жаҳонда топилган ёдгорликлардан устун туради.

Умуман Марказий Осиё халқлари иқтисодий ва маданияти ҳам ўша даврдаги яхши ривожланган мамлакатлар даражасида бўлгани учун улар билан савдо-сотик кенг ривожланган. Бу пайтда маҳаллий ўз-ўзини бېқаришга асосланган турк давлатчилиги тизими қарор топган. Бирок Марказий Осиё халқларининг бирлашиб, ягона қудратли давлат тузишларига Хитой хокрнлари, Эрон шоҳлари доимо монелик қилиб келганлар. Улар шу халқ орасидаги хиёнаткор, муқим эътиқорди бўлмаган одамларга таяниб, йирик турк давлатларини парчалаб юбориш сиёсатини тутганлар. Масалан, 600 йилга келиб, турк хокрнлари ўртасида юзага келган ўзаро урушлардан фойдаланган Хитой императори Қора Чурун (ёки Бугу хокрн, яъни Қаҳрамон Хокон) хоконлиги ичидан фитначилар ёллайди. Фитнанинг бош ижрочиси Жанғар туфайли Қора Чурун хоконлиги барҳам топиб, хитойларга қарам бўлган Жанғар бошлиқ кўғирчоқ ҳукумат шаклланди. Натижада Шарқий Турк хоконлиги Ғарбий турк хоконлигидан ажраб чиқди. Еттисув, Чу водийси, Волга ва Кубанинг куйи қисми, Эртўш (Иртиш) ва Ишим дарёларининг юқори қисмини ўз ичига олган Ғарбий турк хоконлиги ичида ҳам қабилалар ўртасида муттасил кураш авж олди. Манқурт Жанғарнинг бемақсад фаолияти натижасида турк элатлари ўзлигини йўқотиш даражасига келиб қолдилар. Узаро урушлар, келишмовчиликлар иқтисодий ҳаётни бутунлай издан чиқарди.

Бу ҳол вилоятпарастлик руҳининг қарор топиши, турк давлатларининг 15 та майда давлатчаларга бўлиниб кетишига олиб келди. Ана шундай тарихий вазиятда Марказий Осиёга араб босқинчилари йўл олдилар. Марказий Осиёда ўтмишдан хикоя қилувчи археологик қазилмалар, антик давр буюмлари, ўша давр моддий ва маънавий бойликларининг кўламидан дарак беради. Уларни чуқур ўрганиб, маданиятимиз сарчашмаларини

англаб етсак, бугунги кун қадриятларининг тарихий илдизларини билиб оламиз. Масалан, Тешиктош ғоридан топилган неандертал одам скелета, Амир Темур ғори, Омонқўтон ғори, Обираҳмат ғори ва бошқалар қадимда ибтидоий одамлар манзилгоҳлари бўлганлигидан гувоҳлик беради. Мазкур ғорлардан топилган ашёлар қадимги тош давридаги одамлар тўда-тўда бўлиб яшаб, овчилик ва хунармандчилик билан машғул бўлганликларини кўрсатади.

Мезолит даврида эса одамлар ўқ-ёй каби ов қуролларини кашф қилганлар. Аждодларимиз неолит даврида (милоддан аввалги 5 минг йиллик бошлари) кемачилик, тўқимачилик билан шуғулланишган; бу даврда умумий меҳнат тақсимотининг илк куртаклари — овчиликдан деҳқончилик' ва чорвачиликнинг ажралиб, мушакил ижтимоий фаолият соҳасига айланганини кузатиш мумкин. Қалтаминор ва Жайшун маданиятлари фикримизнинг ёрқин далилидир.

Бу даврда аёллар ва эркаклар орасида муайян меҳнат тақсимоти рўёбга келган, чунончи, аёллар деҳқончилик, эркаклар эса чорвачилик билан шуғулланишган. Мамлакат муҳофафасида аёллар фаол иштирок этганлар. Улар орасидан таниқли саркардалар ва подшолар чиққан.

Милоддан илгари 6—5- минг йилликларда шаҳар типидagi илк қишлоқлар (масалан, Олтинтепа), 3-минг йиллик охирида эса ҳозирги Ўзбекистан ҳудудида яшаган қабилалар мисдан қурол ясаб ов қилишган. Бронза даври (милоддан аввалги 2—1-минг йилликлар бошлари)да биринчи ўтроқ аҳоли қишлоқлари, Замонбобо маданияти, Далварзинтепа, Сополтепа ёдгорликлари қадимги давр иқтисодий-маданий тараққиётидан дарак беради.

Катта дарёлар бўйида яшаган аҳоли учун деҳқончилик хўжалик юргизишнинг асоси бўлиб, чўл ва тоғли ерларда чорвачилик, боғдорчилик ривожланган. Бу даврларда Аму, Сир, Зарафшон дарёлари хавзаларида йирик суғориш иншоотлари қурила бошлаган. Бу ерларда биринчи шаҳар типидagi давлатлар пайдо бўла бориб, ибтидоий жамоа тузумидаги ижтимоий тенглик секин-аста йўқола бориб, синфий ва этник тенгсизлик пайдо бўла бошлаган.

Шундай қилиб, Марказий Осиё ҳудудида ибтидоий жамоа тузумининг емирилиши билан милоддан аввалги 2-минг йилликнинг охири 1-минг йилликнинг бошла-

рнда Бактрия, Суғд, Хоразм, Парфия каби давлатлар иужудга келган.

Милоддан аввалги VI асрда Марказий Осиёнинг катта қисмини Эрон шоҳи Кир II босиб олиб, уни ахамонийлар давлати таркибига киритган, сўнгра Александр Македонский бу ерларни ишғол қилиб, жуда катта бойликларни, маданий обидаларни, жумладан, 12 минг хўкиз териға тилла суви билан ёзилган «Авесто» кинг ягона китобини ҳам олиб кетган.

Қадимги ўзбек адабиётининг йирик мутахассисларидан бири Азиз Қажумов бундай деб ёзади: «Буюк маданиятимиз илдизлари узок ўтмишға туташади. Ҳозирги замон нигоҳи қадим даврлар қаъриға йўналар экан, ота-боболар яратган ажойиб ўлмас обидаларға дуч келади. Урхун-Енасий битиклари деб аталмиш ёдгорликлар шулар жумласидандир. Улар катта тошларға битилган китоблардир. Қадимий туркий тилда, ўзига хос хатда битилган бу асарлар VI—VIII асрларда яратилган. Бинобарин, оғзаки адабиёт намуналаридан «Тўмарис», «Широк», «Зариандр ва Одатида» афсоналари халқимизнинг узок ўтмишда ҳам умуминсоний қадриятларға бўлган муносабатини, интилиши, тилақларини бадиий акс эттирган. Бўлиб ўтган тарихий воқеалар асосида яратилган бу киссаларда мардлик, матонат, инсонпарварлик, ёвуз душмаиға нисбатан нафрат хисларн халқимизнинг азалий хислатларидан эканлиги ҳақида шбҳидлик беради. Шундай юксак фазилатлар нафақат йигитларға, эркакларға хос бўлган хислат, балки улар аёлларға ҳам хос сифатлар эканлиги «Тўмарис» афсонасида ифодаланган.

Чунончи, Тўмарис босқинчи Дороға мурожаат қилиб: «Эй шоҳ, қилаётган ишингни тўхтат! Ҳали сен бошлаган ишнинг қа[1]дай тугагини билмайсан-ку! Қўй, сен ўз юртингда подшоҳлик қилавер, бизни ҳам ўз холимизға қўй». Мазкур сатрларда халқнинг ташвишини, бахтини ўз ташвиши ва бахти билан узвий хис этган, англаган исёнкор шоҳ аёл ўз душманига бирдан-бир оқилона йўлни кўрсатган. «Зариандр ва Одатида», «Широк» ривоятларида ҳам худди ана шу мавзу халқимизнинг орзу-умид, тилаги-истагини баланд бадиий пардаларда тараннум этади.

Улкамизға бостириб қирган ёвузларға муносабат бир муддат ҳам ўзгаргани йўқ. Зеро, ана ўша афсоналар оғиздан-оғизға кўчиб, ёзма адабиёт намуналари пайдо бўлгандан кейин эса тош битикларда, териға, ёғочға,

махсус коғоз ёзувларида ифодаланиб, халкимизнит. ўлмас обидалари сирасидан муносиб ўрин олган. Мазкур анъана Аҳмад Югнакий, Маҳмуд Қошғарий,, Юсуф Хос Ҳожиб, Рабғузий асарларида илк бор ривожлантирилган. Масалан, Қошғарийнинг «Девони луғатит турк» асарида:

«Олгил, ўғил, мендан ўғит, фазилат ол.  
Бунда улуғ олим бўлиб илмингни ёй».

ёки

«Борди қадим донолар,  
Тоғдай юксак билимда.  
Эслаб ўғитларини  
Кувонч ортар дилимда»<sup>1</sup>

Бундай эзгу фазилатлар Юсуф Хос /Ҳожибнинг «Бахт-саодатга элтувчи билим» китобида ҳам илгари сурилган.

VII аср охирлари VIII аср бошларидан бошлаб араб боскинчилари Марказий Осиё ерларини истило қилишга кириша бошладилар ва VIII асрнинг биринчи ярмида уни ўзларига тўла бўйсундиришга муваффақ бўлдилар. Тарихчи олим Б. Аҳмедовнинг таъкидлашича, араблар бу ерларга гул кўтариб эмас, балки қилич яланғочлаб ва найза кўтариб келганлар. Буни араб тарихчилари Табарий, Яъқубий, Балазурий-Мукаддасийлар ҳам эътироф этадилар.

712 йили бир неча кун давом этган оғир жанглардан сўнг Қутайба бошлиқ араб қўшинлари Самарқандни ишғол этдилар. Шундан сўнг суғд подшоси Турак (710—737) ўртасида тузилган шартномада, жумладан, бундай моддалар бор: 1. Самарқанд, Кеш ва Насаф халқи араблар учун шу пайтдан бошлаб бирварақайига 2 миллион дирҳам ва ҳар йили 200 минг дирҳамдан ўлпон тўплайди. 2. Суғдликлар йилига 3 минг кўй етказиб бериш мажбуриятини оладилар. 3. Исломни ихтиёрий равишда қабул қилмаганлар 2 минг дирҳам миқдорига ёки қиммати матолар билан жузья тўлайдилар. 4. Суғдийлар Оллоҳнинг бандаси халифа Абдумалик (705—715) га, амир ибн Юсуф (халифаликнинг Ажам мамлакатларидаги ноибига) (661—717) ва амир Қутайбага итоаткор ва тобеъдурлар (Ибн ал-Аъсам. «Қитоб ал-

<sup>1</sup> Узбек адабиёти бўстони. Қадимги ҳикматлар. Тошкент, 1987, 62—63- бетлар.

футух). Одатда фақат ғолиб билан мағлуб ўртасида шундай шартнома тузилиши ҳаммага маълум. Марказий Осиёга араблар бостириб кирмаган, балки бу ерларни ислом нуридан баҳраманд этиш учун очишган (фатх этишган) деган ва кенг тарқатилаётган фикрларга фақат тарихий хотирадан маҳрум бўлган гўл кишиларгина ишонишлари мумкин. Тарихий ҳақиқат шундан иборатки, араблар бу ерларни талаш, халқни асоратга солиш учун келганлар. Шу ниятда улар маҳаллий аҳоли тилини, ёзувини ва динини йўқртиш учун ҳам зўрлик, ҳам маккорлик сиёсатини изчил амалга оширганлар. Марказий Осиё халқларининг миҳхатга (руний ёзувлари) асосланган ҳарфларида ёзилган китоблар куйдириб ташланган, бу ҳарфни билувчилар қатли-ом этилган. Зардуштнилик динининг бир оқими бўлган маздаизм (дуализм)га эътиқод қилувчилар қувғун қилинган, ўлдирилган ёки улар қочиб кетганлар. Араблар зардуштнилик дини билан тутшиб кетган урф-одатлар, маросимларни қатъий тақиқлаб қўйганлар. Ҳатто жуда чуқур тарихий анъаналарга эга бўлган Наврўз байрамини тақиқлаганлар, аммо уни халқ хотирасидан чиқариб юборишга ожизлик сезгач, унга ислом руҳини беришга интилганлар.

Улкада араб истилочиларига қарши қаттиқ кўзғолонлар бўдиб ўтган. Муқанна бошлиқ кўзғолончиларни араблар фақат маҳаллий аҳолининг одасини бузиш воситаси билан бостиришга муваффақ бўлганлар. Аммо бир ёмон ишнинг яхши томони ҳам бўлар экан. Араблар Марказий Осиёда VII—VIII асрда авж олиб кетган ва халқни ҳолдан тойдирган қабилалар ўртасицаги урушларга барҳам бердилар. Натижада араб халифалигига қарам бўлган йирик давлат вужудга келди. Бунда Сомонийларнинг алоҳида ўрни бор. Улар исломни кенг ёйишда катта роль ўйнадилар. Айни чоғда дехқончилик, ҳунармандчиликни ривожлантириш учун илмфанга йўл очдилар. «Давлати Сомониён» асарининг муаллифи Н. Неъматовнинг ёзишича, ўша замонда Мовароуннаҳр ва Хуросонда кишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик ва чорвачилик юксак даражада ривожланган. Чунончи, Бухоро вилоятида, Зарафшон водийсида, Шохруд, Кармиш, Шопуркон, Варахша каналларида сув лиммо-лим оқиб, бутун атрофни яшнатиб турган. Самарқанд, Суғд, Афғонистон, Шимолий Эрон, Хоразм ерларидан иборат жуда катта ҳудудда туркий қабилалар жамоаси бирикувидан иборат Қорахонийлар сал-

танати вужудга келди. Қорахонийлар даврида ил-маърифат, маданият анча ривож топиб, қатор юсак илмий, ижтимоий-фалсафий асарлар асосан туркий тилда яратилган. Бу асарлар сирасига биринчи навбатда эслатиб ўтилган Махмуд Қошғарийнинг «Девони луғатит турк», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Бахт-соадатга элтувчи билим» асарлари билан бир қаторда Аҳмад Югнакийнинг «Хибат-ул-хакойик», Тафсир, Рабғузийнинг «Қиссаси Рабғузий» каби асарлари киради.

Кенг илмий жамоатчиликка маълум бўлмаган Рабғузийнинг «Қиссаси Рабғузий» асарини ўзбек китобхонларига таништириш яқиндагина ошқоралик сиёсати туфайли амалга ошди. Мазкур асарда мусулмон олами арконлари ҳисобланмиш пайғамбарлар ҳаёти мисолида инеонларни яхшилик, одиллик, мурувват, дўстликка садоқат каби энг яхши фазилатлар мужассамланиб бо-риши учун ҳаракат кучайди.

Рабғузий ўз китобида шундай олижаноб мақсад — муддаони ўз олдига қўяди. У ёзади: «Мунда мақсуд пайғамбарлар қиссаси эрди ва лекин Одамдин бурунрок яратилган бор учун андин бошласамиз фойдаси ортиқроқ бўлмай, деб тортиб узра яратилганлардан отоз қилдимиз»<sup>1</sup>.

Ҳадислар нафақат тарихий-маданий обида, балки у умуминсоний одоб-ахлоқ кадриятларини тарғиб қилиш, уларни муқаддаслаштиришда, демак, кўп жиҳатдан одам ўзидаги зоологик инстинктларга қарши курашга чоғлашшда ҳам муқим дастурдир.

Тарихчи Б. Аҳмедов «Ибн Сино даври» асарида таъкидлаб ўтганидек, «Айникса Бухоро, Самарқанд, Шош, Гурганж, Балх, Хирот, Марв ва, Нишопур каби шаҳарларда хунармандчилик гуллаб-яшнаган. Улкадаги хунармандчилик саноати ички бозорлар эҳтиёжини қондирибгина қолмай, ташки бозорлар учун ҳам мулк муҳсулот ишлаб чиқарарди. Бу ердаги шаҳарлардан кўшни мамлакатларга олиб бориладиган моллар турли-туманлигини ал-Муқаддасийнинг қуйидаги >сўзларидан билиш мумкин: «Термиздан — совун ва доқа, Бухородан — майин газламалар, жойнамозли гиламчалар, меҳмонхоналарга тўшаладиган гилам, шолча ва кигизлар, мис чироғдонлар, қалай идишлари, чарм, ўт-

қир наша ва олтингугурт, Хоразмдан кундуз, қоплон, сувсар, кўзан, латга мўиналари, пўстак, шам, асал, холва ва бошқа нарсалар чиқарилар эди».

Тоғ маъданларини қазиб олиш саноати ҳам анча ривожланган эди. Истахрий, Ибн Хавқал, Макдисий маълумотларига кўра, ўша вақтларда Марказий Осиё ерлари қаъридан олтингугурт, кўрғошин, қумуш, олтин, феруза, темир, кўмир, нефть, газ, туз ва бошқа моддалар қазиб олинарди.

Иқтисодий ҳаёт талаблари тақозоси билан Марказий Осиёда илм-фан тараққиёти янги босқичга кўтарилди бошлади. Буюк аждодларимиз ўзбек халқини, ўлқанинг бошқа халқларини бутун оламга машҳур қилган. Мазкур маданият оламга Мусо Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Форобий, Беруний, Ибн-Сино, Умар Хайём ва Навоий каби қатор етук сиймоларни етказиб берганки, улар билан бутун башарият фахрланади. Бу даврга келиб фалсафа, ахлоқ, сиёсат, ҳўқуқ, санъат ислом диний ақидалари билан уйғунлашиб бораверди. Оқибатда жуда катта икки қитъа ҳудудларида ягона тилда ривожлантириладиган фанлар, маънавий кадриятлар вужудга кела бошлаган. Албатта, араб тилидан бошқа тилларда, жумладан, туркий, форс тилларида ҳам адабиёт, санъат ва бошқа маънавий маданият намуналари пайдо бўла бошлаган ва ривожланган. Асотирлар ва ривоятларда турли халқ, қабила ва элатларни муштарак этувчи кадриятлар тарғиб этила бошлаган

Пайғамбар, улуғ алломалар ҳаёти ва, ижоди, яшаш тарзлари ҳақида жуда кўп афсоналар яратилган. Туркийшунос олим Э. И. Фозилов «Урта Осиёнинг араблар томонидан забт этилиши ва ислом динининг қабул қилиниши ерли халқлар ижтимоий, сиёсий ҳаётида, маданиятида янги босқични бошлаб берди», деб таъкидлайди. Шунинг учун ҳам Рабғузий *i* Оллоҳ номидан: «Ҳашд менинг мақтовим, менинг исмим Оллоҳ, раҳмон менинг хазиналаримнинг қалити, раҳим гуноҳкорларимнинг гуноҳини кечиш қалити, улуғлик менинг лозимим, буюклик менинг туним, азизлик ва сахийлик менинг гўзаллигим, гўзаллик ва улуғлик менинг мартабам, инсонлар ҳаммаси менинг қулларим ва чўриларим, авлиёлар ва пайғамбарлар менинг элчиларимдир ва

<sup>1</sup> Рабғузий Н. Б. «Қиссаси Рабғузий», Тошкент, 1990. 11-бет.

танлаган бандаларимдир, Муҳаммад менинг хабибим ва пайғамбарим ва унинг умматлари умматларнинг яхши-сидир ва менинг севган дўстларимдир» дейди

Фикримизча, Қуръондан келтирилган мазкур кридалар инсонни Оллоҳ олдида бир қадар масъулиятли қилиб қўяди ва инсон ўзининг ҳаёти давомида эзгулик талабларига риоя қилиши зарурлиги, шохни ҳам, гадони ҳам баб-баравар Оллоҳ олдида жавобгар этади ҳамда инсонни комил фазилятли бўлишга ундайди.

Ислом туфайли рўёбга келган маданият жаҳон маънавиятида салмоқли из қолдирган салоҳиятли сиймоларни етиштириб чиқарган. Уйғониш даврига хос қамрови улкай олиму алломаларни майдонга олиб чиққан. Деярли унутилаёзган қадимий юнон, румо файласуф ва табиийётшуносларининг буюк асарларини қайтадан тиклаган.

Араб тили ҳукмрон бўлган ва кенг тарқалган қатор мамлакатларда ўша даврнинг академиялари (байтул ҳикматлари) вужудга келган. Фозилу фузалолар, ҳақиму ҳуқомоларга хос бўлган барча улуг фазилятлар худди XV—XVI аср Ғарбий Европа уйғониш даврига хос хусусиятларга эга бўлган. Чунончи, мазкур даврда яшаган ҳар бир аллома бир нечта тилни билар, бир қанча мамлакатлар урф-одати билан танишган эди.

Худди шундай комил сифатларга эга бўлган дин ва дунёвий фанлар, давлат арбоблари фаннинг, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида зўр ғайрат билан меҳнат қилиб, бир вақтнинг ўзида ҳақим, файласуф, шоир, муҳандис, мунажжим, давлат арбоби вазифаларини ғоят катта масъулият билан адо этганлар. Масалан, Ибн Сино буюк ҳақим, тиб олими бўлиши билан бирга но-зик дидли шоир, кўзга кўринган файласуф, нафосатга бой носир ҳамда мунажжим бўлган. Унинг асарларида ўз даврининг илғор ижтимоий-сиёсий ва фалсафий ғоялари чуқур акс этган.

Маънавий маданият, юксак инсонийлик фазилятлари ўрта аср Марказий Осиёси даврида нечоғлик кенг қулоч ёйганлигини ўша давр сайёҳи Ибн Баттутанинг хотираларидан илғаб олса бўлади. Чунончи, у бундай деб ёзган: «Бутун оламда хоразмликларга ўхшаган чи-

<sup>1</sup> Рабғузий Н. Б. «Қиссаси Рабғузий». Тошкент, 1990, 19-бет (арабча матн), 184-бет (ўзбекча матн).

ройли ахлоқли, олижаноброк, хорижийларга нисбатан меҳмондўст кишиларни учратмадим». Бу даврларда Марказий Осиё шаҳарларига келган ҳар бир сайёҳ ўз хотираларини энг яхши тасаввурлар билан бойитганлиги бежиз эмас. Дарҳақиқат, ўз тарихий маданиятини қўшни мамлакатлар маънавияти, урф-одатлари билан янада бойитган аجدодларимиз нисбатан мустақил ва тўқис ҳаёт кечиришга интилганлар. Барча иш ва амалий фаолият Қуръон дастурларидан келиб чиққан.

Умар Хайём Наврўз байрамининг жорий қилиниш сабабларини ҳам қадим-қадим замонлардан буён расм бўлганлигини ёзади: «...Офтобнинг икки айланиши мавжуд, улардан бири қуйидагича: Офтоб ҳар уч юз олти беш куну кеча-кундузнинг тўртдан бирида Ҳамал буржининг биринчи дақиқасига чиқиб кетган пайтининг ўзида яна қайтиб келади ва ҳар йили бу давр камаё боради.

Жамшид бу кунни тушунгандан кейин Навруз деб атади ва байрам қилинишини одатга айлантирди. Подшоҳлар ва бошқа одамлар ҳам уни қабул қилдилар»<sup>1</sup>. Булардан олдин ҳам аجدодларимиз тақвим масалалари билан қизиққанлар; уни тузиш йўллари излаганлар ва қисман топганлар. Масалан, улар 1 йилда 365 куну 6 соат бўлишини билишган; эрамиздан олдинги минг йилларда ҳам шу тақвимга амал қилишган.

Инсон ҳаётининг турли соҳаларидаги ҳар бир диққатга сазовор ўзгариш ҳам, оддий, кўзга кўринмас воқеа-ҳодисалар "ҳам Оллоҳнинг иродаси билан боғлиқ ҳолда кўрсатилган. Бунинг устига ахрли турмуш тарзининг барча соҳалари, жамият ҳаётининг жуда кўп томонлари ҳам Оллоҳ иродаси билан боғлиқ деб ҳисобланган. Бу эса ўз навбатида бошқа ижтимоий онг шакллари унчалик ривожланмаганлиги учун диннинг қадрини, салоҳиятини янада оширган.

Тадқиқотчилар араб маданиятининг аҳамияти ҳақида сўзлаб, қуйидагиларни ёзганлар: «Аббосийлар тахтга чиқишлари билан барча мусулмонлар (ўз социал мавқеларига кўра) ҳуқуқда тенг бўлдилар, бутун халифаликда исломлаштириш ва араб тилини ёйиш бошланди, чунки бу тилда қуръон ваҳий бўлган ва диний-ху-

<sup>1</sup> Умар Хайём. Наврўзнома. Тошкент, 1990, 11-бет.

кукий ривоятлар (сунна) оғиздан-оғизга кўчиб юрган»<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, аббосийлар даврида (IX аср) араб маданияти, жумладан, мусулмон маданияти Марказий Осиё худудларида ҳам тарқала бошлаган давр бўлиб, бу даврда .бутун бошли бир халифалик худудидаги халқлар бир-бирларининг урф-одатларини, маданиятларини ўзлаштириб, маълум маънода турмуш тарзларини ҳам тубдан ижобий ўзгартириб юборганлар.

Маданий ҳаётни ислом маънавияти билан тўлдирилганлиги айрим салбий таъсирлардан ҳам холи бўлган эмас. Чунончи, мажбурий исломлаштиришга қарши ерли аҳолининг чиқишлари жуда қаттиқ жазолангак. Бухоролик тарихчи Наршахийнинг ёзишича, арабларнинг янги эътиқоди ерли аҳолининг, маъжусийлик — кўпхудоликка эътиқод қилган аҳолининг кучли қаршиликка дуч келган<sup>2</sup>.

Бухоро ва Самарқандда зардуштийликнинг ибодатхоналари, уларда эса ўз ўтхоналари мавжуд бўлган. Манбаларда несториан христианларининг ва бутларининг кўплаб аниқ тафсилотлари баён этилган. Масалан, Самарқанддаги бош бутхонани араблар ёқиб ташлаганларида ёғочдан ишланган бутлардан 50 минг мискол тилла олинган. Бу ерда эритилган бир бутдан 24 минг мискол кумуш олинган. Самарқанд ва Бухородаги ибодатхоналар жуда бой, уларда тилла ва кумушлардан ишланган жихозлар, қимматбаҳо тошлар мавжуд бўлган, масалан, марваридларнинг катталиги ҳатто товук тухумича бўлган<sup>3</sup>.

Бинобарин, ана шундай салбий таъсирларга қарамай, ислом дини, доирасида дунёга келган маънавий маданият ҳозирги кунга қадар ардоқли бўлиб қолмоқда. Албатта, мусулмон маданияти, деб ном олган улкан маънавий кадриятларни фақат ислом динидан иборат қилиб қўйиш тўғри бўлмайди. Лекин шунга қарамай, ҳаёт камрови жихатларига кўра, маданиятлар яқинлашуви ижтимоий тафаккурнинг сиёсий ва маънавий соҳаларининг барча томонларини янада кенгайтди. Ана шу маданиятлар муштараклигидан янги «араб тили маданияти» деган маънавий бдйлик — цивилизадкя",

<sup>1</sup> *Большаков О. Г. Введение. Қаранг: Очерки истории арабской культуры. V—XV вв. М., 1982, с—5.*

<sup>2</sup> *Қаранг: Наршахий М. Бухоро тарихи. Тошкент, 1966.*

<sup>3</sup> *Қаранг, Гафуров Б. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая культура. Душанбе, 1989, с. 362.*

вужудга келди, маданиятлар яқинлашуви ҳозирги кунда урф-одат, анъана, турмуш тарзи яқинлигига олиб келди. Аксарият кишиларда исломга эътиқод қилиш, ҳатто миллий бирликда ҳам алоҳида мазмун касб этмоқдаки, буни биз кундалик турмушда кузатиб турнб-миз.

## 2. ҲОЗИРГИ ДАВРДА ИСЛОМНИНГ МИЛЛИЙ МАДАНИЯТЛАР РИВОЖИГА ТАЪСИРИ

Мусулмон олами маданияти ҳозирги кунда бир миллиардга яқин аҳоли яшайдиган худудларда инсоният турмуш тарзи ва онгига баракали таъсир' кўрсатиб келмоқда. Ҳаёт зиддиятларини бартараф этишда фақат илмий билишнинггина қудрати камлик қилиб қолди. Қисқаси, илмий камолот доираси ҳаётнинг ранг-баранг соҳаларини қамраб ололмаётир.

Мамлакатимизда ҳам ислом дини ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларида фаоллик билан аралашуви олиб келди. Мазкур жараён Октябрь инқилобидан сўнг 70 йил давомида содир бўлган ижтимоий-иқтисодий соҳадаги хатоликлар илдинини кўп жихатдан маънавий омилимиз инқирозига боғлиқ эканлигини кўрсатиб берди. Собик СССРда сиёсий атеизмни қарор топтириш, уни умумбашарият эътиқодига айланттириш'ушун олиб борилган дахшатли сиёсат туфайли кўп дин арбоблари қатагонларга учраганлар, фаол ижтимоий ҳаракатдан четлатилганлар. Бугунги кунда динга нисбатан юргизилган нотўғри сиёсат оқибатларини тугатиш билан бирга, эндиликда хурфикрлиликнинг алоҳида йўналиши бўлган атеизмга, ўз ақл-идроки, инсониятнинг оламини ўзгартира олишига ишончдан иборат эътиқод эгаларига нисбатан нотўғри муносабатлар қарор топиб қолишидан эҳтиёт. бўлишга бошқаларни даъват этишимиз муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳақиқатларга таянган атеизм чинакам диний эътиқодга ҳеч қачон мурасасиз бўлмаган, балки эркин баҳс юритган. Чунки атеизм ҳам диний эътиқод каби ўзининг чуқур тарихий илдиларига эга бўлиб, инсон унга бир дақиқада эга бўлолмади, балки узоқ ҳаётий тажриба, кенг назарий билимлар воситасида у чинакам эътиқод сифатида шаклланади. Утмишдошларимиз оламини билишнинг илмий илдиларини тан олиб, бахт-саодатга эришувнинг ҳақиқий йўли инсоннинг ўз кўлида эканлигини таъкидлаганлар. Шоир Ғ. Ғулом айтганидай:

Тақдирин кўл билан яратур одам,  
Ғойибдан келажак бахт — бир афсона,  
Саодат-инсоннинг ўз хунаридир,  
Тақдирнинг қудрати эмас баҳона

Утмишнинг оғир истибдодидан кутулиш, бугуннинг яратувчилик ишига юксак ишонч, эртанинг истиқболини англаб етиш фақатгина диний кадриятлар доирасидагина мумкин бўлиб қолмайди. Биринчи навбатда илмий-ижтимоий кадриятларнинг гултожи ҳисобланмиш диалектик билиш назариясига таянган ҳолда тарихни, жамиятни англашимиз муҳимдир.

Қуръонда, ҳадисларда баён этилган қатор ахлокий қоидалар ҳаёт заруриятидан келиб чиқиб истеъмолга кирган, инсон ва жамият учун, уларнинг бирини-бирига мустаҳкам боғлаб турувчи тамойиллардир. Масалаи, ҳадислардаги «Сизларга яхшиларингиз билан ёмонларингиздан хабар берсам, сизларнинг яхшиларингиз — яхшилиги умид қилинадиган ва ёмонликдан эса ўзини тиядиганларингиздир. Ёмонларингиз эса, яхшиликдан умид қилинмайдиган, ёмонлигини тарк этмайдиганларингиздир»<sup>2</sup>, — деган ибора бизни шу маънавий манбадаги кадриятлар, диний арбоблар уқтирганларидек, фақат Муҳаммад пайғамбар ҳаёти, фаолияти ҳақидаги ривоятлар бўлибгина қолмай, шу билан бирга ижтимоий практика зарурати туфайли юзага келган аччиқ ҳаёт сабоқларидир. Мазкур сабоқларни пухта эгаллаган киши ахлоқ ва одобда етук ва баркамол бўлади.

Диний ақидаларнинг мусулмон олами сажда қиладиган кўринишлари ўзининг практика-амалиётга ўта яқинлиги ва маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи нормаларини чуқур ҳисобга олганлиги билан ҳам қимматлидир, Чунончи, атеизм қоидалари тарғиб қилинганида кўпинча халқнинг, миллат ва элатнинг этнографик хусусиятлари, урф-одатлари, қолаверса, жуғрофий яшаш муҳитининг ўзига хослиги ҳисобга олинмади. Аксинча, собиқ СССРда юксак коммунистик идеаллар ҳақида баҳс юритганда, мазкур идеалларни фазо ва вақтдан ташқарида олиб қаралди. Большевик арбоблар тарғиб этмоқчи бўлган ғоя маҳаллий аҳолининг турмуш тарзига, психологиясига (мабодо, иқтисодий, сиёсий қарашлари ҳисобга олинмаганда ҳам) эътибор бермади.

<sup>1</sup> *Ғ. Ғулом. Асарлар. 5-том, 78-бет.*

<sup>2</sup> *Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. Тошкент, 1990, 60-бет.*

Чунки ҳар қандай ғоя оммага тушунарли бўлмаса, худди тайёр бўлмаган заминга ғўза чигитини қадагандек бемақсад бўлади. Ҳаёт ҳақиқати ана шундай. Унга асосланмоқ зарур. Бинобарин, бир вақтлар коммунистик жамият қурувчисининг ахлоқ кодекси принципларида коммунизм ишига садоқат, социалистик мамлакатларга муҳаббат каби унча аниқ бўлмаган, мавҳум жумлалар халқни ҳаёт зиддиятларидан юз ўгиришга, қийинчиликларни ҳисобга олмасликка ундарди. Чунки коммунизм иши фақат раҳбарларнинг лафзларидагина мавжуд бўлиб, ҳаётда, турмуш-таомилида эса бошқача манзара мавжуд эди.

Кейинги пайтлаода биз ана ўша ҳап томонга оғишлардан халос бўлиб, ҳаётнинг тўла зиддиятларини худди унинг ўзидан англаб етишга киришдик. Жумладан, диний кадриятларга ҳам кенг йўл очиб берилди. Очиғини айтганда, ислом оғушида дунёга келган кадриятлар синонимига айланиб қолди. Исломга, Қуръонга, ҳадисларга бўлаётган кизиқиш мафкуравий ҳаёт зиддиятларини четга суриб чиқарди. Халқ ўзининг ўтмишини чуқур ўрганиш сабоқларини ислом кадриятлари доирасидан қидирмоқчи бўлиб, араб ёзувида эски ўзбек бадийи ва илмий адабиётини кенгрок ўрганишга киришди.

Ислом доирасида вужудга келган урф-одатларга эътибор, бу дин кадриятларига эҳтиромларда ўз ифодасини топмоқда. Масалан, кенг жамоатчилик Ўзбекистонда Каъба ва Мадина шаҳридаги Муҳаммад қабриппи тавоф қилишга, кўплаб ҳаж сафарига борганлар фаолиятини сергаклик ва ҳурмат билан кузатди. Яқин 70 йиллик тарихимиз жараёнида мустақиллик туфайли биринчи бор кўрсатилган бундай илтифот ва мурувватдан мамлакатимиздаги барча мусулмонлар жуда мамнун бўлдилар.

Исломгача мавжуд бўлган анъаналарнинг аксарияти соф диний хурофотдан иборат бўлмаган. Улар моддий оламнинг Муайян қруниятларидан келиб чиқадиган воқеа-ҳодисалар билан бевосита боғлиқ эди. СССР деб аталган империя кулаб, унинг харобалари устида мустақил республикаларнинг вужудга келиши ҳамда айни чоғда бозор иқтисодиётига ўтиш сиёсати туфайли мураккаб вазиятлар вужудга келди. Аҳолининг табақаланиши қучайиб бормоқда.

Уғрилар, босқинчилар, гиёҳвандлар, порахўрлар, юлғичлар ҳам мана шу ўтиш даври қийинчиликларидан фойдаланиб қолмоқдалар. Булар тараққиёт зид-

## МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТ РИВОЖИДА ХУРФИКРЛИКНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

диятлари. Ана шундай зиддиятли жараёнда фан била дин, фалсафа билан илоҳиёт, динга эътикод қилувчи билан илмий ҳақиқатлар атрофида эътиқоди қарор топган кишилар иттифоқи ниҳоятда зарур бўлиб турибди.

Мазкур муаммоларни бартараф этишда хурфикрлик негизида юзага келган маросимлар билан бирга диний кадриятлар, урф-одатлар инсон қалбини мунавар этишдек улуғ хизмат қилмоғи лозим.

Шундай маросимлар умуминсоний фазилатлар хазинасига ўзбек халқининг ислом ақидалари доирасида шаклланган кадриятлари бўлиб қўшилади, бинобарин, башарият маънавий тараққиётига қўшилган муносиб ҳисса бўлиб қолади.

Хулоса қилиб айтганимизда, кўпгина ислом кадриятлари дунёвий асосларга эга бўлиб, уларга риоя қилиш бошқа диний кадриятларда бўлгани каби кишиларни саботматонатга, ўтмиш ахлоқ-одоб тамойилларга садокатга, ҳаёт қийинчиликларини мардона, чидам билан енгиб ўтишга ўргатади. Мазкур кадриятлар асрий анъаналаримиз ва маданиятимизга, яшаш тарзи мушкулотларимиз ва гоҳо тушқунликка учраган руҳиётимизга боғлиқ бўлгани учун ҳам ҳаётимизга яқин ва бизга тушунарлидир.

Ҳозир ҳам бир қатор ислом кадриятлари ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Маънавий ва моддий ҳаётнинг турли соҳаларида ислом нури ила йўғрилган кадриятлар изчиллик билан сакланиб, давом этиб келмоқда. Тўйлару маъракаларда, турли таомилларда, турмушнинг турли онларида хайрли анъаналар кўпинча Қуръон суралари, оятлари, ҳадис намуналари орқали одамлар қалбидан ўрин олмоқда. Бундай эҳтиром'ўтмиш авлодлар урф-одатларига садокат рамзи сифатида қабул қилинмоқда ва ардоқланмоқда. Оддий халқ. — зиёли ҳам, ишчи ҳам, деҳқон ҳам фақат тинчлик ва ҳаёт фаровонлигини орзу қилади. Буни амалга оширишда эса асрий эзгу ақидалар, кадриятлар тимсоли бўлган ислом анъаналари ҳам маънавий ва амалий ёрдам беради.

### ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Ислом дини тарқалгунга қадар бизда қандай маданият бор эди?
2. Урта Осиёга ислом динининг кириб келиши билан халқимиз маданиятида қандай ўзгаришлар содир бўлди?
3. Ҳозирги кунда маданиятимиз ривожланишига ислом динининг таъсири қандай?

Ҳозирги тоифадаги одам—*Нота sapiens* бундаитакминан 40—50 минг йил муқаддам вужудга келгач, ижтимоий ҳаёт аста-секин шакллана бошлади. Ижтимоий ҳаётни қарор топтириш, одам руҳий оламидаги хайвоний хирс-туйғуларни чегаралаб, инсоний хис-туйғуларни барқарор қилиш эҳтиёжлари заминидан ҳар бир минтақада ўзига хос маънавий маданият вужудга кела бошлади. Маънавиятни қарор топтиришнинг дастлабки ижтимоий шакли — табу, яъни ибтидоий жамиятларда муайян хатти-ҳаракатлар ва нарсаларга тегиш, истеъмол қилишни тақиқлашдир. Табу жамиятни ижтимоий бошқариш, инсон руҳини поклашда ижтимоий назоратни йўлга қўйишни тарихий шакли бўлган. Масалан, унинг ёрдамида қарилар, аёллар ва гўдақларни сўйиб ейиш (каннибализм) тақиқлангани, бундай йўл тугган одамларга нисбатан жамоатчилик нафрати кўзгатилиб жазолангани, яъни уруғдан чиқариб юборилгани жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Натижада кексалар муайян уруғ аждодининг овчилик, чорвачилик ва бошқа соҳаларда тўплаган тажрибасини авлоддан-авлодга ўтказиб, ижтимоий тараққиётга ҳисса қўшиш, жамиятда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш имкониятига эга бўлдилар. ЁКИ бўлмаса, бир уруғ ичидаги қизларга уйланишни тақиқлаш натижасида гўзал қизларни талашиш оқибатида уруғ-қабилани муносабатларида юзага келган жиддий зиддиятни бартараф этиш мумкин бўлди. Энг муҳими, ўша тақиқларни жорий этиб, уни амалга оширган кишилар, ўзлари буни сезмаган ҳолда, уруғ-қабилани кони айнаб кетишининг олдини олиб қолдилар. Айни чоғда бошқа уруғ ва қабилалар билан келишишга имкон яратдилар. Табиийки, ибтидоий жамиятда тақиқланмаган барча нарсалар, хатти-ҳаракат ва фаолиятга руҳсат берилган эди.

Яшаш учун биргалашиб курашиш жараёнида моддий неъматлар топиш ва истеъмол қилиш, ибтидоий жамиятни барқарор этиш учун изланишлар олиб боришга тўғри келди. Бу ҳол инсон тафаккурининг ривожланиши ижтимоий онгининг такомиллашиб бориши йи таъминлади. Оқибатда одамзод ўзини қуршаб тур-

ган табиий ҳодисалар тўғрисида ўйлаш, уларга ўз муносабатини билдириш, бу ҳодисаларга таъсир кўрсатишдаги ўз ўрнини аниқлашга ҳаракат қилди.

Натижада, биринчидан, одамзод жамоаси аъзолари ўртасидаги ва, иккинчидан, у ёки бу хайвон ёхуд ўсимлик, шунингдек нотирик нарсалар билан уруғнинг алоқалари мавжудлиги тўғрисидаги тасаввурлар тотем юзага келди. Уз тақиқлари билан уруг-к.абилалардаги муносабатларни яшилашга муваффақ бўлган кекса уругдошлар, уларнинг қабрларига сигиниш дастлабки тотем объектлари эди.

Уруг-қабилачилик муносабатларидаёқ қохинлар, сеҳргарлар табақаси вужудга келдики, улар ақлий меҳнат намояндалари эдилар. Жамиятда маънавий маданиятнинг қарор топиши, унинг таъсирида афсонавий дунёқарашнинг шаклланишида ана шу одамларнинг ҳиссалари катта бўлди. Шу заминда аввал кўпхудочилиққа, кейинроқ яккахудочилиққа асосланган динларнинг пайдо бўлиб, муайян тизим тусини олиши инсоният маънавий тараққиётида жуда катта қадам бўлди. Уша табу ва тотемлар сеҳргарлик эътиқодлари асосида гуноҳ ва савоб категорияларида ўз ифодасини топиб муайян жамиятда маънавий-ахлоқий муҳитнинг соғломлаштириш, инсон онги ва қалби (рухи) нинг ноқланиб боришига хизмат қилди.

Диннинг муқаддас китобларида худо номидан баён этилган тақиқ ва руҳсатларга шубҳа бидан қараш, уларни ислоҳ қилиш майллари, табиат ва жамият ҳодисаларига тажриба ва кузатишдан келиб чиқиб ёндашишнинг кучайиб бориши натижасида ҳар бир жамиятда хурфикрловчи кишилар пайдо бўлди.

Албатта, хурфикрлиликнинг пайдо бўлиши, ривожланишининг умумий қонунияти бор. Аммо у қонуният ҳар бир минтақада тарихан ўзига хос шаклларда, мазмунда содир бўлган. Бинобарин, ҳар бир минтақадаги хурфикрлилик ўша жойдаги маънавий маданиятдан озик олиб намоён бўлган. Айни чоғда маънавий маданият ривожини учун зарур воситага ҳам айланган.

Агар Марказий Осиёга нисбатан хурфикрлилик ривожини, унинг маънавий маданиятдаги ўрни хусусида фикр юритадиган бўлсак, у ижтимоий ҳодисага илмий ёндашиш учун хурфикрлиликни тарихий даврларга бўлиб тадқиқ этган маъқул, деб ўйлаймиз. Бизнинг фикримизча, Марказий Осиёдаги хурфикрлилик» .6 даврга бўлиш мумкин.

1. Афсонавий дунёқараш, тасаввурлар ҳукмрон бўлган даврдаги хурфикрлилик.

2. Кўпхудочилиқ ва оташпарастлик диний эътиқодлари ҳукмрон бўлган даврдаги хурфикрлилик.

3. Зардуштчилик ва унинг турли мазҳаблари ҳукмрон бўлган даврдаги хурфикрлилик.

4. Ислоҳ ва унинг турли оқим ва мазҳаблари ҳукмрон бўлган даврдаги хурфикрлилик.

5. Марксча-ленинча материалистик дунёқараш ҳукмрон бўлган даврдаги хурфикрлилик.

6. Ўзбекистон мустақил тараққиёт даврига киргандан кейин шаклланаётган хурфикрлилик.

Маълум тарихий даврда олам, табиат ва жамият ҳодисалари, унда одамнинг ўрни ва роли ҳақидаги муайян жамиятда етакчи ёки ҳукмрон бўлган дунёқараш, у асосда шаклланган тасаввурлар, барқарор бўлиб қолган қарашлар ҳақлигига шубҳа билан қараш, ишончсизлик, тафаккур усулининг анъанавий тарзлари доирасидан чиқиб эркин фикр билдириш, ҳақиқатни излаш ва топишда ақлга, илм-фан далиллари, ижтимоий тажрибага таяниб янги фикрлар, ғоялар билдириш, назарий қоидалар яратиш хурфикрлиликдир. Хурфикрлилик айни чоғда маънавий маданиятни такомиллаштириш, ижтимоий муносабатларни инсоний изга солиш ҳаракати ҳамдир.

Ана шу таърифдан келиб чиқиб хурфикрлиликка муносабат билдирсак, муайян жамиятда афсонавий дунёқараш, тасаввурлар ҳукмрон бўлган даврларда кузатиш ва амалиёт натижасида чиқарилган, барқарор бўлиб қолган қарашлардан фарқ қиладиган, уларга терс келадиган айрим кишиларнинг фикрлари аста-секин ижтимоий онгда муқим ўрин олиб борган. Қохинлар, сеҳргарлар таъсирида қарор топган, жоннинг ўлмаслиги, арвоҳларнинг хонадонларга келиб туриши, танага боғлиқ бўлмаган алоҳида моҳият—руҳнинг борлиги тўғрисида ғояларга ишонч, шу заминда уларга сиғиниш, мадад тилаш урф-одатлари пайдо бўлган. Жамиятда, ижтимоий онда барқарор бўлиб қолган бундай ғояларга қарши фикрлар халқ достонлари, эртақлар, ашулалар ва кўшиқларда ўз ифодасини топган. Масалан, халқ оғзаки ижодидаги «Ҳасан чопсон» достонида Ваянган мамлақати сарой аҳллариининг киши ўлиmidан сўнг унинг «жони абадий яшаши» тўғрисидаги тасаввурлари устидан кинояли қулинади.

«Қундуз билан Юлдуз» достонида Авазхон кийимига тақилган қимматбаҳо инжу, тош, дур, маржон ва бошқалар ёмон кўздан асраш учун эмас, балки чиройли кўриниш учун тақилгани баён этилади. Халқ. оғзаки. ижодида сеҳргарликка эмас, Ибн Сино каби табиблар, олимлар даволаш усулларига ихлос оширилади.

Ибтидоий жамоа тизимидаги муносабатларда содда фалсафий қарашлар шаклланган. Бунга кўра, оламнинг асосида сув, ҳаво, тупроқ, олов ётади, дунёдага барча моддий нарсалар ана шуларнинг турлича бирикувидан иборатдир. Ана шундай фикрларнинг индивидуал ва ижтимоий онгда ўрин олиши ишлаб чиқариш ва меҳнат малакасида тўпланган тажрибалар, малакалар натижасида афсонавий дунёқарашнинг асосий ғояларига ишончсизлик пайдо бўлди. Унинг оқибати ўлароқ кўпхудочилиқ ва оташпарастлик эътиқодлари шакллана бошлади. Турли уруғ ва қабилаларнинг бирлашиши, элатларнинг вужудга келиши натижасида уруғ-қабилла худолари турли соҳалар худоларига айланди. Баобрў ва қудратли қабилаларнинг худолари бош худо, қолганлари эса соҳа худолари бўлиб қолишди. Жамиятни бошқариш, уни барқарор ҳолда ушлаб туриш учун албатта муайян ғоя, таркиб топадиган маънавий ҳаёт керак. Уша худолар қудратига ишонч ва улардан мадад кутиш муайян давр маънавий ҳаётининг умумий йўналишини ташкил этади.

Бироқ, турли элатларнинг ихтиёрий ёки зўрлик билан қўшилиши, катта давлатларнинг юзага келиши билан Бош худо ва соҳа худолари қудратига ишонч сусайди. Индивидуал ва ижтимоий онгда ундай ғояларга терс фикрлар қарор топа бошлади. Бунинг натижаси сифатида Марказий Осиёда жаҳонда биринчи бор яккахудочиликка асосланган зардуштийлик дини шаклланди ва унинг муқаддас китоби «Овасто» юзага келди. Александр Македонскийнинг босқинчилиги туфайли Бактрия давлатининг дини бўлиб қолган зардуштийликнинг дастлабки яккахудочилик ғояларига путур етди. Эрон шоҳларининг хатти-ҳаракатлари билан у оташпарастлик ва дуализм динига айланиб қолди.

Шуни таъкидлаш, ўринлики, зардуштийликда пешонага ёзилган тақдир борлиги тўғрисида ақида йўқлиги, инсон ирода эркига катта ўрин берилганлиги у дин доирасида эркин фикр билдириш унча хавфли бўлмаган. Шунингдек, «Овасто»да меҳнат аҳли улғ-

лакали, қулдорлик қораланади, мўътадил жамият илоҳийлаштирилади. Бу ҳолат исломгача Марказий Осиёда хурфикрликка қарши кучли ғоявий асос бўлмаганидан, демакки, бу жойда ҳаётбахш хурфикрлик учун муайян шарт-шароит мавжудлигидан дарак беради. Шунинг учун бежиз змаски, «Шоҳнома» асарининг муаллифи ҳақиқий исломдан олдинги ўз халқи ҳаётини улғлаб, «Зардушт йўлини тутмаган жаннатни кўролмади» деб дадил ёзган. Фирдавсий ҳам Марказий Осиёда Исломгача таркиб топган ижтимоий тартибларни улғлаган. Бироқ, зардуштийлик ва унинг турли оқимлари илмий адабиётларда етарли ўрганилмагани учун у дин ғоялари ҳукмрон бўлган даврлардаги хурфикрлик ўз тадқиқотчиларини кутади. Фақат шуни таъкидлаш ўринлики, иуда-христианлик тасаввурлари билан бирлашиб кетган зардуштийлик таъсирида эрамининг III асрига келиб монийлик (манихейлик) дини таълимоти юзага келди ва унинг таъсирида аввал Яқин ва Урта Шарқда, сўнгра Ғарбда павликанлар, богомоллар, катарлар, альгибойчилар мазҳаблари шаклланди. Бир дин ва мазҳабнинг ичида бошқа оқимлар ва мазҳабларнинг пайдо бўлишининг ўзи ҳам хурфикрликнинг диний шаклда намоён бўлиши оқибатидир.

Умуман хурфикрлик диний қарашлардан ажралган ҳолда, алоҳида ва унга зид тасаввурлар ва бундан келиб чиқадиган ҳаракат бўлмаган. Тарихан у муайян диний қарашлар доирасида вужудга келиб, муайян даврда у ёки бу даражада ривожланган.

Қичик-қичик подшоликларга парчаланиб, тожу тахт учун ўзаро урушлар туфайли ҳолдан тойган ягона Турон халқларияи босиб олиш араблар учун унча қийин бўлмади. Бироқ эркесвар халқни буйсундира олиш, исломни қабул қилиши учун қуч билан бирга макр ҳам керак бўлди. Шундай бўлса-да араб босқинчилари ва ислом ғояларига қарши кучли халқ ҳаракатлари маздакийлик-хуррамийликнинг демократик талаблари ва тамойиллари асосида вужудга келгайи тасодифий эмас.

Араб империяси юзага келгач, катта ҳудуддаги турли диний эътиқод ва маданиятларга мансуб халқларни нуқул ақидапарастликка асосланган ислом маънавияти билан бошқариш қийинлиги тобора сезиларли бўла бошлади. Империяни сақлаб қолиш, унда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муносабатларни барқа-

роллаштириш, йирик давлатни бошқариш усулларини такомиллаштириш эҳтиёжлари илм-фанни ривожлантиришни тақрзо этди. Ислом ақидапарастлиги асосида бунга эришиб бўлмас эди. Шунинг учун VIII аср охири IX аср бошларидан эътиборан араб халифотида мутакаллимлар билан мутазилийлар ўртасида ғоявий кураш кучайди. Мутакаллимлар Қуръон оятларини эркин таҳлил этншга мутлақо қарши бўлсалар, мутазилийлар у ақидалардаги мазмунни ақл ёрдамида, мантик кучи билан англаш тарафдори эдилар. Улар фатализмни инкор этиб, инсон ирода эркига эга эканлигини исботлашга ҳаракат қилдилар. Мутазилийларнинг фикрича, пешонага ёзилган тақдир борлигига ишонч Аллохнинг обрўйига путур етказди, чунки ёмон хатти-ҳаракатлар ҳам унинг иродаси махсули бўлиб қрлади. Хорижийлар эса халифаликнинг мерос сифатида авлодан-авлодга ўтишига қарши фикр билан майдонга чиқдилар.

Ислом ғояларига нисбатан хурфикрлик нукта назарларида туриши, унинг ақидапараст оқими ва социал вазибаларига шубҳа билан қараш, мавжуд ижтимоий-сиёсий тартибларга адолат тамойиллари асосида муносабат белгилаш марказий халифалик ҳукмдорлари ғазабини кўзғатди. Халифа Мутаваккил (847—861) Қуръон яратилган дейдиган ҳар қандай киши кофир ва, бинобарин, ўлимга маҳкум деган фармон чиқарди. 897 йилда қўлёзма кўчирувчилар ва китобфурушларни илоҳиёт, диалектика (илму жадал), фалсафа ва мантиққа оид китобларни кўчирмаслик ва сотмаслик ҳақида қасам ичириш бўйича фармони олий чиқарилди. Арасту издошларининг фалсафа, мантиққа дойр китоблари, илмий асарлари омма олдида гулхан қилиб ёндирилди. Ислом ақидапараст мафкурачиларидан бири бўлган Аш-Шахрузурий «агар кимда-ким файласуфлар ақидаларига очикдан-очик эътиқид кидса, уларни ўлдиринг ёки бўйсунинг мажбур қилиш керак» деб чиқди.

Араб ҳукмдорлари иродасининг ифодаси сифатида шариатда Ханбалия мактаби ва исломда Ал-Ашъорий каломи шаклланди. Ханбалиялик шариатдаги энг консерватив мактаб бўлгани сабабли Ашъорий қарашларига мувофиқ келарди. Шу тариқа 940 йилларда Бағдодда Ашъорий калом тизими узил-кесил ғалаба қозонди. Унинг имон талаблари 1041 йилда расмий исломнинг эътиқид рамзи сифатида қабул қилинди.

Араб марказий халифалиги диний доирадаги хурфикрликка қарши кўрилган бундай жиддий чоралар, !,| ii 1E-омлар натижасида у ерлардаги фан, маданият |рбоблари, архитектурлар, хаттотлар, мутазилийликка МОЙИП хунармандлар ва бошқа касб эгалари тоҳирий- .i.р ва сомонийлар салтанати ҳукмронлик қилаётган Марказий Осиёга қрчиб, оилалари билан кўчиб кела (нннладилар. Файласуф, табиб, кимёгар Абу Бакр ар-Гоайнинг Бухорога келиши катта воқеа бўлди. Чунки у диний жамоалар ва ташкилотларнинг нуфузига (авторитета) қарши бўлиб, хурфикрлик мавқеида мустаҳкам турган ўша даврнинг баобрў кишиси эди. Абу Паср ал-Форобийнинг Дамашқдан бу ерларга келишининг аҳамияти беқиёс эди. У «Таълим ас-соний» («Иккинчи таълим») асарида қадимги юнон фалсафасининг эпг мухтасар шарҳини бериб, хурфикрлик ривожига бебахр ҳисса қўшди. Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино ва бошқалар сомонийлар, хоразмшоҳлар, ғазнавийлар ўртасида «талаш» бўлгани ҳам бежиз эмас эди.

Мутазилийлик ғоялари Марказий Осиёда кенг ёнилиб, илм-фан, фалсафий фикр марказлари вужудга келди. Марказий Осиё халқларининг исломгача бўлган эътиқодлари, маданияти, архитектура анъаналари,, адабиёт ва санъати ҳам жонлана бошлади. Турк тилида китоблар чиқди. Турк тилига давлат мақоми бериш, маънавиятда миллийликни қарор ^топтириш майллари кучайди. Холис гапирганда, исломнинг тез орада халқ эътиқодига айланишида унинг ғоялари, эътиқодлари зардуштнйлик билан яқинлигининг ҳам таъсири катта бўлди: Чунки асрлар давомида халқ эътиқид қилиб келган зардуштийликнинг оламнинг яратилиши, гуноҳларнинг ёзиб борилиши, ўлимдан кейин нариги дунёдаги ажр, жаннат ва дўзах, қил кўприк ва халоскорнинг келиши каби ғоялари исломда ҳам тўласича ўз ифодасини топган эди. Аммо зардуштийликнинг асосий ғояси — табиат ва жамиятда, инсон қалбида эзгулик билан ёвузлик руҳи ўртасидаги абадий-муросиз кураш, бунда Охурмазда тартибларига риоя қилувчилар эзгуликни қарор топтириш учун ёвузликка қрриши курашиб, охир-оқибатда ғалаба қозонишлар тўғрисидаги таълимот инсон ақл-идроки ривожига йўл очарди. Илм-фанни ривожлантириш эса эзгулик ифодаси ҳисобланарди. Шунинг учун ҳам исломгача-

зардуштийлик ибодатхоналарининг барчасида дунёвий илмлар ўргатилар, унга ихлос «учли эди.

Мутазилийлар таъсирида исломда вужуди мумкин ва вужуди вожиб (вахдат-ул мавжуд ва вахдат-ул вужуд) диний-фалсафий оқимлари шаклланди. Вужуди мумкин (ёки вужудиюн — пантеизм) оқими вакиллари — Ал-Киндий, Ибн Рушд, Ал-Мааррий, Форобий, Ибн Сино, Умар Хайём ва бошқалар мавжудотни иккига — вужуди мумкин ва вужуди вожибга бўлганлар. Вужуди мумкин сабаб-оқибат алоқаларига эга бўлиб, унинг мавжудлиги бошқа нарсадан эмас, балки ўз мохиятидан келиб чиқади. Шу назарий қоидадан келиб чиқиб, Форобий бутун мавжудотни 6 даражага бўлади. Шулардан биринчиси вул^уди вожиб — Аллох; қолган бештаси ақл, жон, шакл, материя, осмон — вужуди мумкин. Бу даражалар бир-бири билан сабаб-оқибат шаклида боғланган бўлиб, биринчи сабаб ўз сабабига эга эмас. Ибн Сино ҳам «Рисола фи-тақсим .ал мавжудот» асарида вахдат-ул мавжуд ва вахдат-ул вужудни шу тарзда таърифлайди. Вахдат-ул вожиб — Аллохни билдиради, лекин у Қуръондагидек ҳамма нарсанинг ижодкори эмас, балки сабаб, яъни умумий мавжудотнинг биринчи сабаби ва унинг бир қисми сифатида талқин этилади. Бундай қараш эса табиат ходисаларини (инсон табиатини ҳам) мустақил ички сабаблари асосида тушунтиришга имкон бериб, илм-фан равнақиға кенг йўл очади.

Мутазилийларнинг қарашлари ва вахдат-ул мавжуд диний-фалсафий оқим ғоялари қўшҳақиқат тўғрисидаги катта назарий қрида шаклланишига сабаб бўлди. Бунга кўра, илохий ва дунёвий (илмий) ҳақиқатлар бор бўлиб, илохий ҳақиқатга фақат алоҳида одамлар — пайғамбарлар, азиз-авлиёлар етишиши мумкин. Дунёвий ҳақиқат эса ақл ёрдамида, илм-фан йўли билан англаб олинади.

Мутакаллимлар билан мутазилийлар ўртасидаги ғоявий қурашда вахдат-ул мавжуд ва вахдат-ул вул<уд ҳамда қўшҳақиқат тарафдорлари билан унга қарши кишилар ўртасида диний-фалсафий қурашдан ҳукмдорлар ҳам четда қолишмади. Зеро улар мадрасаларда, хусусий муаллим (мулла)лар қўлида таҳсил кўрган, бинобарин, қандай муллада дарс олганликларига қараб дунёқарашлари шаклланган. Марказий Осиё ҳукмдорлари орасида вахдат-ул мавжуд тарафдорлари шунинг учун бор эдики, бу нуктаи назар илм-

ми, маданият, иқтисод ривожига кенгрок йўл очарди. Шунинг учун халифа Маъмун (823—830 йиллар) мутазилларни қўллаб-қувватлаб, уларнинг ғояларини ўз мнлатининг мафқураси асосига қўйди. Сомонийлар мипириғига биноан Имом Хўла Абул Қосим Ҳаким I лмарқандий Сунна ва жамоа имони рамзини ёзди. У нслом ақидавий таълимотини тадқиқ қилишда раъй-ВВ қиёсни, яъни ақл ва мантиқ услубларини қўллаган Лбу Ханифа ал-Нуъмон Ибн Собит Куфий—(Ҳанафия шариат мактаби асосчиси) имон-эътиқоид негизида ёзилган эди. Бунда мутазилийлар таъсирида бўлган Лбу Мансур ал-Матурудий таълимотининг ҳам таъсири катта бўлди. У табиётшунослик, қадимги юнон фалсафасини ўрганиш, ҳунармандчилик, санъат ва адабиётни ривожлантириш тарафдори эди. Матуридийлар инсон ақлу қудрати ва ирода эркини ҳам тан олардилар.

Мутазилийлар билан мутакаллимлар ўртасидаги ғоявий қурашларда Абу Ҳамид Ал-Ғаззолий калом шаклланиб ислом фалсафаси юзага келди. Баъзи араб тадқиқотчилари упи табиат фалсафаси (натурфилософия) ҳам деб аташади. Ал-Ғаззолий аввал сўфийлик қарашларига мойил бўлса-да, кейинчароқ улар таълимотини танқид қилиш асосида ўз каломини яратади.' Бироқ у ўзи истамаган ҳолда тасаввуфни назарий лиҳатдан асослаб қўяди. Ғаззолий таълимотича, инсон Аллоҳ каломини — Қуръон оятларини ўзлаштиргунга қадар ирода эркига эга, уни ўзлаштириб олгач, бутун иродаси Аллоҳ иродаси билан уйғунлашиб (эмансипациялашиб) кетади. Бинобарин унинг хатти-харакатлари, бутун фаолияти Аллоҳ иродасининг ифодаси бўлиб қолади.

Маълумки, Шарқ фалсафасининг етакчи йўналиши инсон қалбини, руҳини поклашга, унда комил инсонлик сифатларини вул<удга келтиришга, шу негизда ил(тимой муносабатларни инсонийлаштиришга қаратилган.' Уткинчи мол-дунё, мансаб-мартабалар эмас, балки маънавий бойлик, ахлоқий поклик, ҳалоллик, инсоф-диёнатлилик одамни инсонга айланишининг муҳим шартини, деган фикрлар Шарқда тасаввуф (суфийлик)нинг шаклланишига, кенг ёйилишига сабаб бўлди.

Тасаввуф вахдат-ул мавжуд ва вахдат-ул вужуд диний-фалсафий ғоялар ҳамда Арасту қарашларидан озик олиб риволланган Шарқ фалсафаси таъсирида исломнинг алоҳида оқими сифатида вужудга

келди. У мураккаб диний-фалсэвий оқим бўлиб, хилма-хил шаклларга, мазмун ва йўналишга эга. Тадқиқотчиларнинг фикрича, унинг 17 та асосий сулуки (йўналиши) мавжуд. Шарқшунос олим Б. Э. Бертельс «Суфийлик шунча кенг ва ҳар томонламаки, унга истаган концепция, дунёцарашни киритиш мумкин», деган эди.

Тасаввуфда иккита асосий ғоявий йўналиш кўзга яққол ташланади: бу ўткинчи дунё, мол-мулк, мансаб-та ихлос қўйиш Аллоҳни унутишга, имонсизликка олиб келади, деган ғояга таянганлар тарқидунёчиликни тарғиб этганлар; азрўзи азалда пешонага ёзилган тақдир •борлигига, одам ундан крчиб кутула олмаслигига ишонтиришга интилганлар. Иккинчи йўналиш бу дунё Аллоҳ-таоло томонидан одамлар, уларнинг инсонлардек яшаши учун яратилгани, одам шу дунёдаги эзгу ишлари билан у дунёда худо висолига мушарраф бўла олишига, бинобарин, ундан кўрқиш асосида эмас, Аллоҳни севиш, унинг висолига етиш учун оғир, машаққатли покланиш йўлидан боришни ташвиқ этганлар.

Юсуф Ҳамадоний, Абдулҳолик Ғиждувоний, Нажмиддин Кубро, Ҳожа Аҳмад Яссавий сулуқларининг бевосита таъсирида Марказий Осиёда Накднбандийлик сулуки вужудга келиб, у Яқин ва Урта Шарқ мамлакатларига кенг ейилди. Ҳожагон сулуқини бошлаб берган А. Ғиждувоний бундай деган: «Эй фарзанд, барча ҳрлатда илм, амал ва тақво билан бўл, салафлар изидан юриб, суннат ва жамоати маҳкам тут, фикр ва хадисни ўрган». Яна бундай фикрлар бор: «оз сўзла, юз е, оз ухла», «ҳалол е, шубҳадан холи бул...». А. Ғиждувонийнинг 8 та табаррук сўзи (рашҳа) га Б. Накшбанд 3 та манзил қўшиб, ўз сулуқини асослади.

Ҳожа Аҳрор Вали (Убайдуллоҳ) нақшбандийликнинг тарғиботчиси сифатида тамадан жирканиш, тухфа олмаслик, бир касбни мукамал эгаллашга чакирди. Тасаввуф тариқатига кирганлар учун касб-корнинг ёмони йўқ, ёмони бирон касб билан шугулланмаслик, текинхўрлик, тамагирликка одатланиш ҳисобланади. Шунинг учун машҳур шоир Саккокий — пичоқчилик, Шайх Абу Ҳафиз Ҳаддод—темирчилик, Шайх Абул Аббос Омилий — қассоблик, Шайх Баннон — ҳаммоллик, Шайх Абул Ҳасан — дурадгорлик билан шугулланишган, Ҳожа Аҳрор Вали ходимгар (массажчи) бўлган. Макшбандийлик имони унинг «Дил ба ёру даст ба

КОр», яъни «Дилинг Аллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин» деган талабида яққол гавдаланади. Улар амал деганда биринчи навбатда Аллоҳ номини дилга жо қилиб, ижтимоий-фойдали меҳнат билан шугулланишни, тама па текинхўрликдан ҳазар қилишни тушунганлар. Накшбандийлик сулуқини қабул қилган Амир Темур, Улугбек ва бир қатор Туркистон ҳоконлари дарвешликни қораладилар, улардан шу дунё ишлари билан шугулланиб, ҳалол яшашни талаб этдилар. Дарвешлар фойдали меҳнат билан банд бўлишлари учун давлат шароит яратиб бериши тўғрисида фармони олий чиқарганлар. Буни бажармаганларни жазолаганлар.

Тасаввуфнинг сўл қаноти диний-фалсафий таълимот сифатида ақидапарастлик исломга нисбатан муҳолифият бўлиб, Яқин ва Урта Шарқда, айниқса Марказий Осиёда табиий ва фалсафий фанлар ривожига ўз ўрни ва мавқеига эгадир. Марказий Осиё мутафаккирларини Совет даврида ўша даврдаги ислом ақидаларига қарши, ҳатто сал бўлмаса атеистга чиқариб қўйилди. Ижтимоий ҳодиса, маънавиятга синфий (партиявий) муносабат тарихий жараёнларга шундай гайриилмий ёндашувни, уларни мафкура ва сиёсат талабларига бўйсундиришни тақозо этарди.

Қадимда, Урта аерларда рухонийлар ва илоҳиётчилар жамиятда бирдан-бир ўқимишли кишилар эдилар. Айни чоғда улар одоб-ахлоқ таянчи ва тимсоли ҳам ҳисобланардилар. Бинобарин, муайян дин ақидалари ҳар қандай тафаккур учун бошланғич ибтидо ва асос эди. Муайян минтақа халқлари имон-этиқодига айланган муайян дин (ислом, христианлик, будда ва ҳоказо) ижтимоий онгнинг барча шакллари мазмунида, биринчи навбатда фалсафа, адабиёт, санъатда, ахлоқ ва эстетикада ўз ифодасини топган эди. Динга, ундаги худо идеясига қарши қаратилган ҳар қандай фикр мавжуд тузумга ва салтанатга норозилик ва қаршилик сифатида тушуниларди. Айни чоғда диний жамоат ва ташкилотларнинг мафкуравий таъсири натижасида жамоатчилик фикри ҳукмрон ғояларга шубҳа билан қаровчиларга қарши қаратиларди. Шунинг учун араблар империяси худудиди ва Турк давлатларида яшган мутафаккирлар ўз хурфикрликларини диний пардалар остида берганлар, аммо улар Аллоҳга, унинг асосий ақидалари ҳақлигига имон келтирган шахслар эдилар. Шундай бўлишига қарамай, ақидапараст уламолар, тургун фикрлардан манфаатдор истеъдодсиз

хукмдорлар ақл ва адл йўлини тутган, ҳақиқатни излаб топишга даъват этган мутазилийлар, қадарийларни ҳам, ваҳдат-ул вужуд нуктаи назарида туриб илм-фани ривожлантириш, адабиёт ва санъат асарлари орқали одамлар эстетик дидини оширишга интилган мутафаккирлар, эркин фикрли дин ахллари ва илоҳиётчиларни қувғун остига олдилар, қатли-ом этдилар, зиндонда чиритдилар. Чунончи, Беруний хукмдорлар тазйикига қарамай хурфикрлилик ғояларига содиқ қолди, Махмуд Ғазнавий уни бир неча марта ўлим жазосига ўқм қилди. Абу Али ибн Сино хурфикрлиги учун бир неча марта қувғун остига олинди, «кофирлик»да айбланиб, жамоатчилик нафратини унга қарши қўзғатмоқчи бўлдилар. У сарсон-саргардонликда ўзга юртларда ўлиб кетди, тўғрироғи, ўлдирилди. Умар Хайём ўз давридаги такводорларга киноя қилиб, бундай ёзган эди:

Узни доно билган у уч-тўрт нодон,  
Эшак табиатин қилур намоён.  
Булар суҳбатида сен ҳам эшак бўл,  
Бўлмаса «кофир» деб қилишар эълон.

Туркистонни мўғул босқинчилари босиб олишгач, Уйғониш давридаги хурфикрлилик анъаналари ривожига давлат йўли билан ғоз қўйилди. Фақат уларнинг ҳокимиятига барҳам берилгач, XIV—XV асрларда ўша анъаналар тикланди, айниқса нақшбандийлик ғоялари маънавий ҳаётнинг деярли барча йўналишлари мазмунини ташкил этди. Бу даврда золим подшолар, амалдорларга қарши, шунингдек динни қурол қилиб олиб, текинхўрлик билан ҳаёт кечираётган зоҳидларга қарши фикрлар кенг қулоқ ёзди. Айниқса, халқ оғзаки ижоди, унинг жанговар жанри бўлган аския, қизикчиликларда хурфикрлилик ёрқин намоён бўлди.

Темурийлар салтанати қулагач, шайбонийлар ислом ўзбек империясини барпо этиш учун урушлар олиб боришди. Аста-секин сиёсат ва ҳуқуқда ислом ақидапарастлиги ҳаётда муқим ўрнашиб, индивидуал ва ижтимоий онгда қарор топа бошлади. Ҳокимият тепасига аста-секин ваҳдат-ул вужуд тарафдорларининг келиши натижасида хурфикрлиликнинг ҳар қандай кўриниши «кофирлик» деб эълон қилинди. «Қофирлик»да айбланган кишиларни қатл этиш эса «савоб» ишлар қаторига кирар эди. Ягона Туркистон уч хонлик ва яна

майда султонликларга ажраб кетгач, улар ўртасидаги шнимсиз урушлар, салтанатни мустаҳкамлаш учун ижтимоий онгни жиловлашга қаратилган мафкуравий фаолият халқ оммасининг тинка-мадорини қуритди. Ҳокимиятни бошқараётган арбобга ёқмайдиган ҳар қандай кишини «кофирлик»да айблаб, қатли-ом этишнинг дахшатли механизми шаклланди. Хурфикрлилик байроқдори бўлган ёзувчилар, шоирлар қувғун остига олинди. Масалан, Бобораҳим Машраб тасаввуф нуктаи назаридан камтарона ҳаётни тарғиб қилгани, золимларни қош этгани учун дорга осилди. Бухоро амири Пасруллахонга Қўқон хонлигини босиб олиш учун бир баҳона керак бўлгач, Нодирабегим ва унинг ўғли «кофирлик»да айбланиб, қатл этилдилар. Шундай қилиб, ваҳдат-ул вужуд тарафдорларининг ҳокимият тепасига келиши Туркистоннинг парчаланиб кетиши, ислом доирасидаги хурфикрлиликнинг чекланишига сабаб бўлган омиллардан бири ҳисобланади. Натижада, миллат фидойиси Махмудхўжа Бехбудий айтганидек, бой маънавий маданиятга эга бўлган Марказий Осиё халқлари 500 йилга Оврупо халқлари тараққиётидан орқада қолдилар. Аммо бу даврда хурфикрлилик бутунлай бўлмади, деган фикрга келмаслик керак. Халқ орасида Насриддин афанди латибалари, аския-қизикчиликлар йўли билан, шунингдек бадиий адабиётнинг фидсий намояндалари золим бойлар, риёкор рухонийлар, баднафс амалдорлар кирдикорларини қош этиб, уларга нисбатан халқ нафратини қўзғадилар. Гулҳанӣ, Махмур, Турди, Махтумқули ва бошқаларнинг асарларида хурфикрлилик мотивлари кўп эди. Муқимий ўша давр солиқ солувчиларининг тамағирликлари, инсофсизликларини қош этди. Амалдорларга нисбатан бундай деди: «Додхоҳим, додхоҳлик сенга хос, лорасиз ўтмас сенга юз илтимос».

Умуман ҳар бир даврда хурфикрлилик ўзига хос равишда намоён бўлади. Ҳамма даврлар ва барча мамлакатларда ижодий фикр юритувчи, ижтимоий ҳодисаларга теран фикр билан ёндашувчи, ўз даврининг билимдони ҳамда халқи, Ватани ишки, унинг истиқлоли, истиқболли орзу-армонлари билан яшовчи фидойи, кўркмас, забардаст, иродали кишилар бўлган. Улар қарор топган ҳуқумрон ғоялар, амалдаги сиёсат ва мафкурага ўз муносабатларини кўркмасдан билдирганлар, ўз нуктаи назар (ҳақиқат) ларини қаттиқ туриб химоя қила олганлар, бу йўлда қувғунлар, зиндонлар,

•қатли-омлардан ҳам |қўрқмаганлар. Ана шундай мард одамлар саъй-харакати туфайли маънавий маданият ривожланди, такомиллашиб борди. Токи 1917 йил Октябрь тўнтаришига қадар Марказий Осиёдаги хурфикрлилик ислом доирасида у ёки бу даражада ўзини намоён этди. Аммо Шарқ Уйғониш даври (IX—XII) ҳамда XIV—XV асрлар алломаларининг илм-фан ривожини, фалсафий фикрлар равнаки йўлидаги фидоийликлари бизнинг кунларимиз учун ҳам, бундан кейинги авлодлар учун ҳам олий ибрат мактаби бўлиб қолиши шубҳасиз. Шарқ мутафаккирлари, айниқса Марказий Осиё олиму фузалоларининг ҳаётбахш, хуш-чакчак хурфикрлилик анъаналари Ғарбий Оврупо Уйғониш даври учун асос бўлганини холис фикрловчи Оврупо олимлари тан оладилар.

Россияда 1917 йил Октябрь ойида давлат тўнтариши бўлиб, большевиклар ҳокимият тепасига келишининг бир қанча сабаблари бор, албатта. Улардан бири, оч-ланғоч ва ночор қолган халқ оммаси қандайдир ўзгариш бўлишини кутарди. Минг йиллар давомида христианлик руҳида тарбияланган славян халқлари халоскор қачонлардир келади ва у албатта золимларнинг адабини бериб, чинакам тенглик, эркинлик, фаровон ик бошланади, деган ғояга эътиқод қўйган эдилар. Ана шундай шароитда марксизм ғоялари билан қуролланган большевиклар партияси халққа нон, деҳқонларга ер, ишчиларга завод ва фабрикалар эгадорлигини ваъда қилиб, ҳокимият тепасига келиб олдилар.

Сирасини айтганда, большевиклар илгари сурган ғоялар, берган ваъдалари барча халқларнинг асрлар бўйи қилиб келган эзгу орзуларига мувофиқ келарди. Яъни ижтимоий адолатли тузум, умумий фаровонлик, тенглик, эркинлик, халқлар дўстлиги тўғрисидаги ғоялар умуммиллий ва умумбашарий қадриятлар эди. Шунинг учун 1917 йилда ўша ғоялар ҳақлигига чиндилдан ишониб, унга имон-эътиқод қилган фидоий одамлар етишиб чикди. Хатто ёшлар орасида жаҳр инкилобига оила қуришдан воз кечган, ҳалол-поклик, ахлоқлилик намуналарини кўрсатган кишилар бор эди. Уша ғояларни рўёбга чиқариш учун юзага келган умумий ижтимоий ҳаракат туфайли янги шаҳарлар бунёд бўлди, собиқ Иттифоқ қудратли бир давлатга айланди, жумладан, Ўзбекистон фан-техника салоҳиёти хозирги давр маданияти жиҳатидан қисқа муддатда ривожланган Ғарб мамлакатлари даражасига етиб олди.

Бироқ, ўша умумбашарий ғояларга эришиш воситалари ўзининг ноинсоний асосларига эга бўлгани ошқорлик, демократик ҳаракатлар бошлангач, маълум бўлди. Айниқса, дин туфайли тарихан қадриятга айланган маънавиятга жиддий путур етди, одоб-ахлоқ издан чикди.

Сиёсий арбобларга баҳо бериб, муносабат белгилашда улар илгари сурган шиорлар, ваъдаларга қараб эмас, балки улар олиб борган сиёсат оқибатларига қаралади. Эҳтимол, Лениннинг ниятлари яхши бўлгандир, аммо унга эришиш воситаларининг нотўғри белгилангани ёмон оқибатларга олиб келди.

Маълумки, христианлар уч юзди яқка иллоҳ — Ота худо, ўғил худо (Исох — Масих) ва Муқаддас рух худого сиғиниб келганлар. Большевиклар шиорларида ўша христианликнинг асосий ғоялари ўз ифодасини топгандек бўлди. Гўё Уғил худо — Исох-Масих (халоскор) қайта туғилиб, Ота худо амрини адо этиш учун раҳнамоликни бошлаб юборди. «Ота — худо» — Маркс ўз фахрий ўрнида муқим қолган ҳолда, «Уғил худолар» ўзгариб борди. Россияда аввал Ленин, Сталин; кейин Хрушчев, Брежнев, Андропов, Горбачев фаровон ва эркин турмушдан дарак бериб, одамларни гўё «Ота худо» — Маркс йўлидан бошлаб бораётганликларини таъсирли мафкура ва макрли сиёсат билан эсга солиб турдилар. «Коммунизмга олиб борадиган барча йўл — ахлоқли», — деган Ленин концепциясини амалга ошириш натижасида тарихда мисли кўрилмаган жазо тизими қарор топтирилди. Большевиклардан бошқача фжкрловчи кишиларни қатли-ом этиш «социализм»ни қарор топтириш эди.

Большевизмнинг асосий ғояларига бирдан-бир муҳолиф — дин ва диний ташкилотлар эди. Уларни большевизмга бўйсундиришнинг турли воситалари ўйлаб топилди. Шулардан бири жанговар (сиёсий) атеизмни қарор топтириш эди.

Рус большевиклари ва уларнинг миллий республикалардаги гумашталари (тўғрироғи, алданган кишилар) сиёсий атеизм шиорлари остида динга, диний жамоалар, ташкилотлар ва уларнинг арбобларига қарши уруш эълон қилдилар. В. И. Ленин граждандарга виждон эркинлиги бериш тўғрисида Декретга қўл қўйиб, амалда ҳаёсизларча динга эътиқод қўйганларни 2-навли граждандарга айлантириш сиёсатини белгилади ва уни амалга оширишни большевиклардан қаттиқ талаб

килди. Рус большевиклари диктатураси шароитида марксизм дунёвий динга айлантирилиб, КПСС раҳбарлари истаги, хошишига қарши чиққан, ақидага айлантирилган марксча-ленинча дунёқарашга заррача шубҳа билан қаровчи ёки унга қарши бирон-бир фикр билдирувчиларни «халқ душмани», «миллатчи» ёки «диссидент» деган тавқиладнат билан ўлдирдилар, турма ва сургунларда чиритдилар. А. Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Усмон Носир, яна номи маълум ва номаълум, халқимизнинг хурфикрлаш қобилиятидан маҳрум бўлмаган, манқуртга айланмаган юзлаб, минглаб ўғил-қизлари Урта аср инквизициясидан кам фарқ қиладиган жазо воситалари орқали ҳаётдан жуда эрта кўз юмдилар. 73 йилни ўз ичига оладиган бу даврдаги хурфикрликни ўрганиш, тадқиқ этиш ва зарур илмий хулосалар чиқариш нихоятда зарурдир. Чунки индивидуал ва ижтимоий онгни кишанлаб қўйишга, халқ оммасини сиёсатдан амалда четлаштиришга қаратилган ўша сиёсат, нодон сиёсатчиларнинг ўзбошимчалиги, манманлиги амалда жамиятни инқирозга олиб келиб қўйди, маънавий ва миллий маданият тараққиётига жиддий путур етказди.

Давлат монополиясига айлантирилган мулкни тоталитаризмсиз бошқариб бўлмайди. Аммо тоталитаризм шароитида ишлаб чиқаришни экстенсив йўл билан ривожлантириб, 30—40-йилларда собиқ СССРда эришилган иқтисодий юксалишлар таназзулга юз тута бошлагани 50-йиллардаёқ аён бўла бошлади. Иқтисодчи олимлар, файласуфлар, ёзувчилар, умуман эркин, теран фикрловчи зиёлилар иқтисодий ва маънавий ҳаёт турғунликка қараб кетаётганини англаб, гоҳ ошқора, гоҳ пинхона (айланма йўллар, қочириқ иборалар билан) юқори партия элитасига таъсир эта бордилар. Сталин вафотидан кейин партия элитаси якка мулкчилик, якка мафкурачилик шароитида 30 йил бадалида иқтисодий ва мадаий-маърифий ислохотлар ўтказишга уриниб, бирон-бир жиддий натижага эриша олмади. М. С. Горбачев маъмурияти «қайта қуриш» шиорлари остида, яна мулкчиликнинг ёски шакллари сақлаган ва партия элитаси диктатураси шароитида кенг ислохотлар ўтказмоқчи бўлди. Натижа бўлмагач, партия дастурига ўзгартиришлар киритилди, бозор муносабатларига ўтишга қарор қилинди.

Хурфикрли зиёлиларнинг қаттиқ талаби ва мантик тўла фикрлари бежиз кетмади. «Қизил империя» деб

1Л11иган йирик мустамлакачилик режими — СССР ипп кулади. Унинг харобалари устида пайдо бўлган мустақил республикалар ҳеч бир иккиланмасдан икчиликнинг давлат монополиясига барҳам бериб, икчиликнинг хилма-хил шакллари қарор топтириш осуда бозор муносабатларига ўтиш йўлини танладилар. Ўзбекистон раҳбарияти Россияда фарқли равишда бозор муносабатларига аста-секин, босқичма-...шч ўтиш ва умуман Президент Ислам Каримов |Сослаган иқтисодий ислохотларнинг 5 тамойилига таянган йўлни танлади.

Ўзбекистон раҳбарияти иқтисодий ислохотларни му-п;п1)фақиятли ўтиши ва қарор топиши аввало одамларнинг эркин, соғлом фикр юритишларига, тафаккур гарзи ва рухий оламларининг жиддий равишда ўзгартириш жараёнлари билан боғламоқда. «Эндиги вазифа,— деди Президент И. А. Каримов Олий Мажлис 1-сессиясида қилган маърузасида,— кишиларимиз -мустақил фикрлашга ўрганиши, ўзига ишончнинг орта боришидир. Чунки тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур тазийқдан, қулликдан қутулмаса, инсон тўла озод бўла олмайди». Фақат маънавий қарор топтириш орқалигина имонли комил инсонлар шахси шаклланиши, демак, эркин, хур, теран фикр юритувчи инсонлардан иборат гражданлик жамияти вулқудга келиши мумкин.

Утмиш тарихий тажрибаларидан жиддий хулосалар чиқариб, хурфикрликка кенг йўл очиш асосида тараққиётнинг чинакам инсоний изга тушиб олиш истиқболи очилди. Тараққиётимизга жиддий тўсиқ бўлиб турган, айниқса ёш ишбилармон, тадбиркорлар йўлида **FOB** бўлиб турган бюрократия, тамагирчилик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчиликка барҳам бериш зарур. Бунинг учун ўша шижоатли, қатъиятли, иродали аждодларимиз анъаналарини тиклаш, республикамизда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш учун жувонмардлик ҳаракатларини вужудга келтириш муҳим бўлиб турибди.

Мустақил тараққиёт йўлига дадил кириб олган Ўзбекистонда хурфикрликни ривожлантириш йўллари кидириш, топиш, шу асосда тараққиётга эришиш, янгича тафаккурга асосланган, синфий тамойиллар ва конфронтацион (номуросачилик) руҳидан холи бўлган тадқиқотларга кенг ўрин бериш муҳимдир. Утиш даврининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда хурфикрлик шакл-шамойилларини, йўналишларини аниқлаш

кийин, аммо зарур вазифа бўлиб турибди. Бунда виждон эркинлиги тўғрисидаги Қонунга қатъий амал қилган ҳолда турли эътиқод эгаларининг Батан истиқлоли йўлида бирлашиб ҳаракат қилишларининг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Бирлик учун ягона ғоя керак. Ўзбекистонда рўйхатга олинган 16 та диний ташкилот бўлиб, ислом уларнинг биттасидир. Ундан ташқари ақлидрок ҳақиқатлари, фан аксиомаларига ишонган, эътиқод қўйган кишиларнинг жуда катта гуруҳлари турли диний эътиқод эгалари билан бирга яшаштилар, меҳнат қиляптилар. Ана шу 16 та эътиқод эгаларининг тинч-тотув яшашлари, хур фикр юритишлари, ягона мақсад—имонли комил инсонлар шахсини шакллантиришлари учун ўз имкониятлари доирасида саъй ҳаракат белгилашлари Ўзбекистонда маънавий ҳаётнинг асосий йўналишини ташкил этмоғи фавқулодда аҳамиятга моликдир. Тараққиётнинг ҳозирги босқичи фикрлар хилма-хиллигига кенг йўл очиш, ўзгача фикрларни қаноат билан тинглаб, тўғри хулосалар чиқариш маҳоратига эга бўлишни тақрзо этмоқда. Инсон ҳуқуқлари Ини ҳурмат қилиш, уни поймол этишнинг ҳар қандай кўринишига қарши курашиш ҳуқуқий демократик давлат учун бораётган ижтимоий ҳаракатнинг таркибий қисмига қиради. Ҳозирги замон фан-техникаси, билимлари билан ошно бўлган юксак маданиятли шахсларга эътиқодни танлаш эркини бериш, турли йўналишдаги, мазмундаги имон-эътиқод эгаларининг ўзаро ҳурмат, иззатда яшашларига эришиш учун тафаккурнинг янгича тарзи зарур бўлиб турибди.

#### **ТАҚРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР**

- 1. Ижтимоий ҳаётни тартибга солишнинг илк шакллари аҳамияти қандай?**
- 2. Марказий Осиёда хурфикрлик ривожининг асосий босқичлари, уларнинг хусусиятлари қандай?**
- 3. Хурфикрликка нилмий таърифнинг аҳамияти нимада?**

Х И Б О Б

### **МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИНИНГ ДИНГА МУНОСАБАТИ**

- 1. XIX АСРНИНГ ОХИРИ ВА XX АСРНИНГ БОШЛАРИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ИЖТМОИЙ-ИҚДИСОДИЙ ВА СИЁСИЙ-МАДАНИЙ ШАРОИТ**

Хурфикрликнинг тарихий ривожланиши шуни кўрсатадики, у қадимги дунёда вужудга келгандан токи исломнинг бошигача бир қанча босқичларни босиб ўтган. Бу даврларда хурфикрлик гоҳ секинлик билан, гоҳ тезлик билан ривожланган. Жамият ривожлана борган сари хурфикрлик ҳам янада юқорида босқичларга кўтарила борган.

Хурфикрлик ғояларининг ривожланиши, қонуний ҳудуд сифатида жамиятнинг илғор қатламларини ипатирихал тузум тарафдорларига қарши қаратилган ижтимоий кураш шакли билан боғлиқ эди. Шу нуқтаи назардан хурфикрлик анъаналари муҳофаза қарашларга қарши курашда шаклланган ва ўзининг ривожланиш босқичида халқлар маънавий маданиятининг бойишига ўз хиссасини қўшиб келмоқда.

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Урта Осиё халқларининг маърифатпарварлик, хурфикрлик и оялари, уларнинг динга ва диний мутаассибликка бўлган муносабати дастлаб халқ оғзаки ижодида, сўнгра бадиий адабиётда акс этган.

XIX асрнинг 70- йилларида Туркистон бошқа тараққий этган мамлакатларга нисбатан ижтимоий-иқтисодий, маданий ривожланиш даражасидан анча орқада эди. Ягона марказлашган давлат эмас эди. Туркистон 3 та хонликка: Қўқон, Бухоро ва Хива хонликларига бўлинган эди. Улар ўртасидаги низолар мамлакатнинг иқтисодий-маданий ҳаётининг ривожланишига катта салбий таъсир кўрсатар эди. Бу ҳам ўз навбатида меҳнатқашлар оммаси онгининг ўсишига салбий таъсир кўрсатган эди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистонни чор Россияси забт этган. Чоризмнинг Туркистонни ишғол этиши қисқа муддатли ҳарбий сиёсий ҳаракат бўлмай, қарийб чорак асрни ўз ичига олган ва Туркистон халқлари ҳаётида муайян из қолдирган зиддиятли тарихий ҳудуддир. Истило Қўқон хонлигининг ғарбий чегараси

хисобланган Окмачит қалъаси (Қизил Урда) нинг 1853 йилда босиб олинishi билан бошланган. Чоризмнинг Туркистондаги истилочилик ҳаракати 1876 йилда шу хснлик маркази — Қўқоннинг таслим бўлиши билан тугалланган.

Чор ҳукумати Туркистонни эгаллаб олгач, маҳаллий халқларнинг ахволи янада оғирлашган. Чоризм бу ерда ҳарбий-бюрократик мустамлакачилик тартиби ўрнатган.

Чор истибдод ҳукумати Туркистонни эгаллаб олар экан, унга биринчи навбатда хом ашё манбаи, ўз мамлакатининг қорхоналарида ишлаб чиқарилган молларни харид қилиш бозори сифатида қараган. Маҳаллий золимлар — хон, феодал, бой, мулла, судхўрлар томонидан аёвсиз эзиб келинаётган, сон-саноксиз солиқлар оғирлигидан қашшоқлашаётган меҳнаткашлар оммаси эндиликда икки томонлама зулм остида эзила бошлаган. Меҳнаткаш омма оддий инсоний ҳуқуқлардан маҳрум этилиб, «халқлар жаллоди» — чоризм исканжасида яшашга мажбур бўлган.

Улкани бошқариш учун тайинланган ҳамда чексиз ҳақ-ҳуқуқларга эга бўлган чор генерал-губернатори ва унинг тўралари маҳаллий эзувчиларнинг вакиллари билан тил топишиб, халқни очикдан-очик талай бошлаган. Чоризм сиёсати маҳаллий халқларни колоқликда, жоҳилликда сақлаб туришга қаратилган эди. Шунинг учун улар ўлкада диний таассубни авж олдирган, халқ ўртасида пайдо бўла бошлаган ҳар қандай янгиликни бўғишга интилар эдилар. Шу билан бирга улар маҳаллий халқларни руслаштириш сиёсатини ҳам олиб борган. Бу ходисаларнинг ҳаммаси халқларни сиёсий, маданий жиҳатдан нисбатан орқада қолишига сабаб бўлган.

Шунга қарамай, Туркистонни Чор Россияси босиб олганидан сўнг ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларда анчагина ўзгаришлар юз берган. Улка иқтисодиёти янги тараққиёт босқичига кўтарила бошлаган. Туркистонда секин-аста саноат қорхоналари қурила бошлаган. 1880—1890 йилларда 63 та қорхона қурилган. Шундан 22 таси пахта тозалаш заводлари эди. 1890—1900 йиллар давомида 111 та қорхона, жумладан 52 та пахта тозалаш заводи, 3 та ёғ-мой заводи, 6 та босмаҳона, механика устахоналари ва бошқалар очилган. Бу ҳол ўз навбатида товар ишлаб чиқаришнинг, бинобарин, савдо-сотикнинг ривожланишига ёрдам

берган. Лекин Туркистон ярим мустамлака ўлка сифатида фақат хом ашё етказиб берарди, марказ эса қайта ишларди, Бу Туркистон иқтисодининг тез суръатлар билан ривожланиши учун тўсиқлик қилган.

Чор Россияси Туркистонни босиб олгандан сўнгги энг биринчи ўриндаги иқтисодий сиёсати пахтачиликни ривожлантириш эди. Чоризм пахта етиштириш учун қанча тадбирлар ишлаб чиққан. Агар 1890 йилда 1382 минг пуд пахта етиштирилган бўлса, 1910 йилда 25488 минг пуд, 1915 йилда эса 93918 минг пудга етди. Чоризм аҳолидан кўплаб солиқлар оларди, ноқонуний ўллар билан бошқа бойликлар ҳам тортиб оларди. У ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш учун ўлкага рус дехконларини ҳам кўчириб келган эди.

1900 йилда Туркистон аҳолисини 4,15 фоизи кўчиб келганлар эди. Улар энг яхши ерларнинг 2659 минг десятинасини ўз қўлларига олганлар. Ушбу ўзгаришлар натижада ўлкани сиёсий ҳаётида ҳам ўзгаришлар юз берган, жамиятнинг социал табақаланиши кенг тус олган.

Ўлкада тарих, археология, этнографияга оид музейлар очилган. Илмий жамиятлар тузилган. 1870 йилда Тошкентда кутубхона (ҳозирги А. Навоий номидаги кутубхона) очилган. Йирик шаҳарлар — Фарғона, Хива, Андижон, Самарқанд, Тошкентда бир қанча босмаҳона ва литографиялар очилган.

Вилоятлар	Ма- читлар	Имом- лар	Ма- таб- лар	Ундаги ўқув- чилар сон	Ма- раса	Унда- ги ўқув- чилар сони	Эшон- лар сони
<b>Сирдарё</b>	<b>2 665</b>	<b>2 565</b>	<b>1 809</b>	<b>19 453</b>	<b>49</b>	<b>1099</b>	<b>175</b>
<b>Фарғона</b>	<b>6 134</b>	<b>6 092</b>	<b>1 143</b>	<b>11 145</b>	<b>159</b>	<b>5230</b>	<b>45</b>
<b>Самарқанд</b>	<b>3 165</b>	<b>3 180</b>	<b>1 680</b>	<b>14 185</b>	<b>69</b>	<b>1606</b>	<b>171</b>
<b>Жам и</b>	<b>11 964</b>	<b>11 680</b>	<b>4 632</b>	<b>44 783</b>	<b>277</b>	<b>7935</b>	<b>391</b>

Навоий, Фузулий, Машраб, Муқимий, Фуркат каби шоирларнинг шеърӣ тўпламлари нашр қилина бошланган. Ўзбек тилида газета чиқа бошлаган. Пушкин, Лермонтов, Крилов ва бошқаларнинг асарлари ҳам ўзбек тилида нашр этилган.

Ўлкада бу пайтга келиб маҳаллий, диний мактаблар сони ҳам ортиб борган. Юқоридаги жадвалда Тур-

кистонда 1899 йилгача бўлган мактаб, мадрасалар, уларда ўқувчиларнинг сони берилган '.

Бу даврга келиб аҳолининг саводхонлик даражаси Россия даражасида эди. Чор ҳукумати ва маҳаллий зодимлар ўз ҳокимиятларини мустаҳкамлаш учун диний мактаб, Мадраса ва уларда хизмат қилаётган (мулла, эшон, шайх) лардан ҳам фойдаланишга ҳаракат қилардилар. Бу мактаб, мадрасаларга раҳбар тайинлашда ўзларига содик кишиларни қўйишган. Бунинг генерал Духовскийнинг Россия харбий ноziрига 1898 йил 8 августда ёзган хати ҳам тасдиқлайди. У ўз хатида ислом Туркистонда ҳукмронлик қилаётганлар (чоризм назарда тутиляпти) учун хавфли эмаслиги, улар билан келишиб ишлаш мумкинлиги, маҳаллий зодимлар хатто чоризмга тўла бўйсунган ҳолда иш олиб бораётганларини таъкидлаган.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистонда ғоявий-сиёсий кураш янада кучайиб, учта йўналиш вужудга келган: а) феодал-клерикал, б) жадидлик, в) демократик йўналиш.

Феодал-клерикал йўналиш намояндалари асосан эксплуататор синфлар — амалдор, бой, судхўрлар манфаатини ҳимоя қилардилар. Янгиликка қарши чиқардилар, патриархал-феодал тузумни, диний мистиками тарғиб қилардилар.

Жадидлик (араб, жадид сўздан олинган бўлиб, янги деган маънони билдиради). Бу йўналиш намояндалари диний предметлар билан дунёвий фанларни қўшиб ўқитишни ёқлаб чиққанлар. Улар чоризм сиёсатини каттиқ қоралардилар, патриархал-феодал тузумни, тескаричи дин ахллари танқид қилардилар; турмушни яхшилашга, таълимни ўзгартиришга ҳаракат қилардилар. (Кейинчалик жадидлик яна бир нечта оқимларга бўлиниб кетган.)

Демократии йўналишнинг кўзга кўринган намояндалари (маърифатпарвар шоирлар) Аҳмад Дониш, Фуркат, Муқимий, Аваз Утар, Ҳамза, қозок ва киргиз оқинлари Ч. Валихонов, Ибрай Олтинсарин, Абай Қўнонбоев, Токтагул Сатилганов, Тоголок Молдо, Барпи Аликулов ва бошқалар Урта Осиё хурфикрлиги тараққиётида сезиларли из қилардилар. Улар ижтимоий ҳаётнинг турли масалаларини хал этишда бир-

» ЦГА Уз ССР Ф. И.— I. ОП II д. 1725. Л. 203.

бпридан фарқ қилсалар-да, лекин улар учун умумий храктерли бўлган хусусиятлар мавжуд эди.

Мамлакатда ислом мафқураси ҳукмронлик қилиб турган пайтда улар ўлканинг иқтисодий, маънавий, маданий жиҳатдан қоқоқлигини тугатиш, халқ оммасини шутисодий ва маданий зулмдан озод этиш, уни маърифатли қилиш йўллари ахтардилар. Маълумки, улар уаларининг ижтимоий-фалсафий қарашларини, илгор гоиларини бадий адабиётда, поэзия жанрида ифодалардилар. Бу маърифатпарварлар меҳнаткашлар аҳолипи яхшилаш, илм-маърифат, адолатли тузум ўрнатиш, халқлар дўстлиги гоиларини тарғиб этиш каби масалаларга катта эътибор берганлар.

Улар жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий қоқоқлигини, кишилар онги, дунёқарашини, хатти-ҳаракатлари ва буларнинг сабаби кишиларнинг реал ижодий фаолиятларида, табиатан шундай бўлишини таъкидлардилар. Бунинг сабабчиси ўша даврдаги феодал-клерикал ҳукмрон мафкура эканлигини ҳам ўз қарашларида таъкидлашди.

## 2. УРТА ОСИЁ МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИ ИЖОДИДА ХУРФИКРЛИК ҒОЯЛАРИ

Туркистон халқларининг илгор маърифатпарварларидан бири Аҳмад Донишдир (1827—1897). У «Наводи р-ул-вак्रे», «Бухоро мангит амирларининг тарихи», «Бухородан Петербургга саёҳат» каби асарларида лгтрономияга, фалсафага оид масалалар тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган эди. А. Дониш фикрича, инсон келажакини, тақдирини ўзи хал қилиши билан белгилайди. Агар инсонлар тақдирга ишониб меҳнат қилмасан, мени шундай яратган деб юраверишса, улар нилпшадилар, бундай одамлар ақлсиздирлар, дейди. А. Дониш кишиларни фойдали меҳнат қилишга чақирди, меҳнат туфайли инсон ўз бахтини топади, дейди.

А. Дониш ўз асарларида динни никоқ қилиб ўз шифаатини, бирни ўн қилишни кўзлаган ҳукмдор, Шайх, қозиларни аёвсиз қош қиларди. У меҳнаткаш инсонларни ачинарди, унинг оғир турмушидан қўнганларни қўнганларди. Бу ҳақда у хусусан бундай деб ёзган: «Ҳамма жойда, шариатдан ташқари, ҳаром-ҳариш, қилган ишлар очикдан-очик қилинмоқда. Бошда минорада айтилган азондан бошқа ислом алоқасида қилган ишлари ва қилган ишлари бўлиб, улар ўртасида ер билан осмонча

фарк бор... Ислом халифалари шахват нафсларига берилиб, айшу ишратга киришадилар. Дин омонати топирилган диёнатни асровчи уламолар эса мансабпарастлик балосига чўмиб кетиб... амирлар, хркимларнинг хизматларида уларнинг ёрдамчилари бўлиб қолдилар»<sup>1</sup>.

Дониш Россияга 3 марта сафар қилган. У ердаги меҳнаткаш халқ ҳаёти, маданияти, таълим-тарбия системаси билан танишган. Уларнинг илм-фан, айниқса табиёт илмида эришган ютуқлари А. Донишда катта таассурот қолдирарди. У ўз халқини ҳам шундай илм-фан сирларини ўрганишга, дунёвий фанларни ўқишга чақирарди.

Зокиржон Холмухаммад ўғли Фурқат (1858—1909) ўз асарларида маърифат ва маданиятни, меҳнаткаш халқнинг фикр-хисларини, орзу-умидларини, интилишларини ифодаларди. Фурқат лирикаси ҳаётбахш оптимистик ғояларга бой бўлиб, реал ҳаётнинг гўзал инъикоси эди. У ўз шеърларида кишиларни бу дунёдаги ҳаётни севишга, ҳаёт гўзалликларидан лаззатланишга чақирарди. Фурқат ўзининг «Фасли навбахор», «Баҳор айёмида», «Истар кўнгил» каби шеърларида бу дунёдаги ҳаётни, бахтни, инсон муҳаббатини ҳамма нарсадан устун қўярди. Бу дунёдаги ҳаётни жаннат деб таърифларди:

Жаннатнинг гулларидан гулзорингиз чиройли,

Хуру пари юзидан рухсорингиз чиройли.

Фурқат ўз халқининг оғир аҳволига ачинарди; бу халқнинг эркин ва озод бўлишини орзу қиларди. У ўз шеърларида меҳнаткаш халқнинг турмуши ҳақида олижаноб истак ва орзуларни куйларди. Ҳақсизлик, адолатсизлик, қулликка нисбатан нафратини билдирарди. Эркин, озод ва қувноқ ҳаётни куйларди. Бу жиҳатдан унинг «Сайдинг қўя бер, сайёд» шеъри характерлидир. Асарда сайёд зулм, адолатсизлик, зўрлик тимсоли сифатида акс этса, сайёд эса тутқунлик ва қуллик тимсолидир. Бу билан Фурқат эксплуататор синф вакиллари— феодал-бойлар, чиновниклар, судхўрларнинг адолатсизлигини, халққа ўтказаятган зулмини қораларди, меҳнаткаш халқ ҳаёти оғирлигини, у, тутқунликда эканлигини изтироб, аянч билан таъкидларди.

Фурқат яшаган даврда мустамлака қуллиги, социал адолатсизлик ҳукмрон эди. Гарчанд у, бу тузумга, ҳақ-

**Ўзбекистонда прогрессив ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихига оид материаллар. Тошкент, 1957, 347- бет.**

снзликка нисбатан очик курашмаган бўлсада, унинг юксак орзу-умидлари ҳукмрон табақалар томонидан рад этилганлиги ўз шеърларида аксини топган. «Оҳ-ким», «Этмадим», «Доғман», «Бу нечук савдо» каби асарларида жамият тартибларидаги ҳақсизлик ва адолатсизликдан шикоят қилади. Узи билан жамиятдаги ҳукмрон гуруҳлар ўртасида, жамиятнинг илғор қисми—«доно»лар билан тескаричи қисми—«нодон»лар ўртасидаги қарама-қаршилиқларга тўхталиб ўтади.

Фурқат дунёқарашидаги ўзгаришлар, маърифатпарварлик ғояларининг шаклланишида маълум маънода ўзи яшаган давр таъсир кўрсатган. У ўзининг «Илм хосияти», «Виставка хусусида», «Гимназия» шеърларида маданиятсизликни, хонлар даврини нафрат билан эслайди. У ўз халқини илм-фанни ўрганишга, маданий тараққиётга интилишга чорлайди; халқнинг оғир ва мусибатли ҳаётининг сабаби, нодонлик ва жаҳрлатда деб билган. Шунинг учун ғайрат билан халқ. ўртасида илм-маорифни ва маданиятни тарғиб қилган.

Яна Фурқат ўзининг «Уч ароба», «Туф» каби сатирик шеърларида дин никоби остида халқни талаётган, судхўрлик ҳисобига бойиётганларни аёвсиз танқид қилган. Фурқатнинг бу танқиди эксплуататор синф вакилларидаги иззат-нафсларига тегмасдан қолмасди. Уни таъқиб қила бошлаган. Натижада у ўз юртини ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлган.

Маърифатпарварлик ва хурфикрлик ғояларини ёйишда қозоқ халқининг йирик файласуфи Ч. Валихоннов ҳам сезиларли из қолдирган. У ўз ижтимоий қарашларида диний онг ҳукмронлигига, эски, схоластик ўқитиш услубига, халқлар оммасини зулмат ва қоронғиликда сақлашга қарши курашган.

Ч. Валихоннов ижтимоий ҳаёт масаласида, динга бўлган муносабатида материалистик мавқеда турган. У диний онгнинг гносеология илдизларини очиб беришга ҳаракат қилган. Унинг фикрича, инсоннинг билиш фаолияти чексиз, ҳеч қандай ташқи кучларга боғлиқ эмас. Эҳтиёж, зарурият, оламни, унинг ажойиботларини билиш, ўлим ва ҳаёт масалалари, инсоннинг табиатга муносабати — шомонликни келтириб чиқарган.

Чўқон Валихонновнинг замондоши, педагог-новатор шоир Ибрай Олтинсарин (1841—1889) фаолияти маърифатпарварлик ғоялари билан суғорилган. Унинг фикрича, крзоқ халқи маданий тараққиётининг пастлигига, иктисодий қолоқлигига маълум маънода диний таъ-

лим-тарбия системаси ҳам дахлдор. Шунинг учун у болаларни янги усулда ўқитишга катта эътибор берган.

Олтинсарин педагогик фаолиятининг муҳим хусусиятларидан бири шунда эдики, у эскича ўқитиш системасига эҳтиёткорона—диндорлар ҳис-туйғуларини ҳаққрат қилмай кураш олиб борган. Кўп кишилар муллалар таъсирида янги мактабга фарзандларини ўқишга беришга кўрқишарди. Шунда у мактабда ислом асосларини ўқитиш учун қрзок тилида «Шариати ислом» ўқув қўлланмасини ёзган. Шу тариқа у мактабга кўплаб болаларни жалб этган. У «Келинг болалар, ўқийлик», «Кипчоқ Сейиткул» каби шеърлари ва бошқа асарларида болаларни илм-маърифат олишга, меҳнатни севишга чақирган. Узининг тарбиявий шеърлари билан қозоқ халқи орасида маърифат тарқатишни кўзлаган эди.

Фуркатнинг замондоши Муҳаммад Аминхўжа Муқимий (1850—1903) дунёқарашида антиклерикал ва хурфикрлик гоялари муҳим ўрин тутган, Муқимий динни, унинг асосларини бутунлай рад қилмаган. Унинг баъзи асарларида худога ишониш, табиат ҳодисаларини диний таълимот асосида талқин этиш ҳрллари учрайди.

Муқимийнинг лирик шеърларида, табиатга бўлган муносабатида эса хурфикрлик майллари учрайди. У ўз замондошлари Фуркат, А. Дониш каби суфизм таълимотига, диний хурофотларга салбий муносабатда бўлган. Муқимий лирикасининг асосида инсонга, ҳаётга, озодликка бўлган муҳаббат ётади. У ўз шеърларида озодликни, инсоннинг орзу-умидларини, бахтини куйлаган, келажакка оптимистик руҳ билан қараган, яхшилик, адолатнинг ғалаба қилишига ишонган. Агар сўфийлар аскетизмни, бу дунё лаззатларидан воз кечишни тарғиб қилган бўлсалар, Муқимий кишиларни ердаги ҳаётдан, бахтдан баҳра олишга чақирган. У табиат гўзаллигини, баҳорни, инсон муҳаббатини шарафларди. Унинг муҳаббати ижтимоий, тарихий мазмунга эга эди. Унингча, шоирнинг вазифаси муҳаббатни, реал ҳаётни куйлашдир. Шу маънода Муқимий лирикаси чуқур оптимизм руҳи билан суғорилган ҳаётий лирикадир. Бу ҳаётийлик Муқимий лирикасининг асосий ва етакчи хусусиятини, ижтимоий қийматини ташкил этган.

Маълумки, Муқимий ижодида сатира катта ўрин тутган. Унинг бир қанча сатиралари диндан никрб сифатида фойдаланганларни фош қилишга, уларнинг жа-

миятдаги зарарли қилмишларини фош этишга қаратилгандир. Муқимий динни одамларни алдаш воситасига айлантириб, уни суиистеъмол қилаётган шахсларни каттик танқид қилган.

Муқимийнинг «Асроркул» сатираси ҳам текинхўр, 1<аллоб шахсларга қаратилган. У бу сатйрада кўринишидан «сўфинамо» «хироти саллалар», «ок тўн»ларга ўралган, аммо юраги қозондан ҳам қора, текинтомок, очкўз, ҳасис, хийлакор шахе образини яратди. Бундай кимсалар олади-ю, бермайди, уйда бўлса ҳам, нон сўраб келишмасин деб дарвозасини беркитиб қўяди. Муқимий халқ ҳисобига яшовчи, жамият учун фойда келтирмайдиган, зараркунанда шахсларга жамиятда ўрин йўқ, дейди.

Фуркат ва Муқимийнинг хурфикрлик, маърифат-парварлик гояларини Завкий (1853—1921) давом эттирган. У ўз асарларида меҳнаткаш халқнинг манфатларини ҳимоя қилган, жамиятдаги ижтимоий тенгсизликни, адолатсизликни танқид қилган. Унинг фикрича, табиий келиб чиқиши жиҳатидан ҳамма кишилар тенг бўлиши керак. Барча адолатсизликлар сабабчиси эксплуататор синф вакиллари эканлигини таъкидлади. Чунки улар оддий халқ яратган барча моддий ва маънавий бойликлар ҳисобига яшайди, дер эди, у. Яна Завкий ўз замондошларини янгича таълим ва тарбия олишга, дунёвий билимларни эгаллашга чақирган.

Машхур қирғиз халқ оқини, демократ шоир Тўхтағул Сотилғонов (1864—1933) ўз асарларида эксплуататор синф вакиллари — чор амалдорлари, маҳаллий бойлар диндан никоб сифатида фойдаланганларини фош этган, ўз халқининг бахт-саодатини, орзу-умидларини куйлаган, халқининг оғир турмушидан нолиган ва ташвишланган.

У ўзининг «Эшон халфа», «Беш қрбон», «Орзимат» каби шеър ва асарларида диндан ўз манфаати йўлида фойдаланувчи шахслар устидан захархандалик билан кулган, ҳақиқат учун астойдил кураш олиб борган. Халқ оқинининг бундай чиқишларидан ғазабланган маҳаллий ҳокимият амалдорлари ундан ўч олишга ҳаракат қилишган эди. 1898 йилда уни Андижон кўзғалонида иштирақ этган деб Сибирга 7 йилга сургун қилганлар. Сотилғонов у ерда кўп нарсаларни тушуниб етган. Қирғиз халқининг асл душмани чор амалдорлари ва улар билан тил бириктириб, камбағаллар қонини сўрган маҳаллий бойлар эканлигини англаган.

Қозоқ классик адабиётининг асосчиси Абай Қўнонбоев (1845—1904) ўзининг маърифатпарварлик фаолияти билан демократик майлдаги қозоқ адабиёти тараққиётига катта ҳисса қўшган.

У қрзоқ халқ оғзаки ижодидаги илғор анъаналар таъсири остида халқ манфаатини қуйловчи асарлар яратиб, маърифатпарвар даражасига қўтарилган олган.

Абай ўз қарашларида имом ва муллаларни танқид қилган. Унинг фикрича, эски таълим системаси, у ерда олинган билим замон талабига жавоб бермайди, ҳаётда ҳеч қандай ўзгариш ясамайди.

Унингча, фан диндан юқори туради. Фан кишилар учун ғайритабиий эмас, балки у инсон бахти, унинг манфаати учун хизмат қилади.

Хавалик маърифатпарвар, демократ шоир Аваз Утар ўғли (1884—1919) ўз асарларида Фуркат, Муқимий, Хоразмий, Оғаҳийларнинг тараққийпарварлик анъаналарини давом эттирган. У ўз халқининг маърифатли, саводли бўлишини орзу қиларди. «Озодлик», «Мактаб», «Бахт», «Тил ҳақида» шеърларида кишиларни қўшни халқлар тилларини ўрганишга чақирган, халқ орасида маориф ва таълим ишларини тарғиб қилган. Унинг фикрича, маориф иши бутун халқ иши бўлиши керак, бусиз жамият ривожланиши мумкин эмас. У янги типдаги мактаблар очиш учун ҳаракат қилган, ҳақиқий билим шу ерда олинишини таъкидлаган. Ҳамма жойда мактаблар очиб, уларни қўпайтирамиз,— дерди у. Унинг фикрича, фан ва мактабда таълим олиш халқни озодликка, тараққиётга, гуллаб-яшнашга олиб келади. Албатта, бу ўринда Аваз қарашларининг ижтимоий жиҳатдан чекланганлиги кўриниб турибди. Лекин у ўз асарларида антиклерикал ғояларга муҳим аҳамият берарди. Бу ўринда унинг «Икки шайх», «Ўламоларга хитоб», «Йўқ, бўлинг», «Халқ», «Сипоҳийларга» каби шеърлари муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг (1889—1929) ижодий фаолиятида уни маърифатпарвар-демократ мавқеида турганини кўрамиз. Унинг шу даврда яратган «Янги бахт» романида, «Миллий ашулалар» тўпламида ўз халқини билим олишга, илм-фанни чуқурроқ ўрганишга чақирган, хурофотни танқид қилган. Унинг фикрича, халқнинг маънавий қолоқлиги илм-фанни, таълим-тарбияни ўзлаштирилмаганлигидадир. У фақат билим, олиш билангина табиат қонуниятларини билиш мумкин дерди. 1912 йилда у Қўқонда янги мактаб очиб,

камбағалларнинг фарзандларини ўқита бошлаган. У болаларга дунёвий фанларни — география, астрономияни ўқитган. Лекин кўп ўтмай маҳаллий ҳокимият мактабни ёпиб қуйган.

Ҳамза ижодида хотин-қизларга муносабат муаммоси алоҳида ўрин тутди. У ўз асарларида уларнинг оғир турмушини, ҳуқуқсизлигини таъкидлаш билан бирга уларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқли, маърифатли бўлишини, жамоат ишларида иштирок этишини орзу қилган ва бунинг учун кураш олиб борган. «Тухматчилар жазоси», «Заҳарли ҳаёт», «Бой ила хизматчи» асарларида, «Гортишув», «Ўзбек хотин-қизларига» ва бошқа шеърларида ўз орзуларини акс эттирган.

Ҳамзанинг фикрича, баъзи дин пешволари меҳнаткаш халқни эксплуатация қилади, улар ҳисобига яшайди, дин эса уларга бойиш қуроли сифатида хизмат қилади.

Тўхтағул Сотилғонов ва Тўғолоқ Мўлданнинг хурфикрлилик ғояларини оқин-демократ шоир Барпо Алиқулов (1884—1949) давом эттирган. У ўз асарларида XX аср бошларидаги Қирғизистондаги мавжуд ижтимоий тузумни, ислом мафқурасини, маҳаллий ҳукмрон синф вакиллари танқид қилган. Унинг қўлаб дoston ва шеърларида қирғиз халқининг антиклерикал ғоялари илгари сурилган.

Барпо Алиқулов асарларида қўтарилган ижтимоий адолатсизлик масалалари антиклерикализм, табиатдаги ҳодисалар эса хурфикрлилик ғоялари руҳи билан суғорилган.

У инсоннинг ахлоқий, ҳуқуқий асосда бахт-саодатга эришишини ва ҳаёт ранг-баранглигини, инсон гўзаллиги ва маънавий бойлигини, аклини, адолатлилигини ва ҳақгўйлигини қуйлайди. Лекин ўз сафдошлари сингари унинг қарашлари тарихан чекланганлиги учун табиат ҳодисаларини, инсоннинг озодликка чиқиш йўлларини кўрсатиб бера олмаган.

XIX аср охири ва XX аср бошларида ижод қилган Урта Осиё маърифатпарварлари ўз асарларида мавжуд ижтимоий тузумни, эски ўқитиш системасини, диний ниқоб қилиб олган руҳонийларни танқид қилсаларда, дунёвий фан ва билимларни тарғиб этсаларда, улар дунёқарашининг тарихан чекланган муайян томонлари бор. Шунга қарамасдан Урта Осиё илғор маърифатпарварлари ўз халқларининг ижтимоий-фалсафий ва сиёсий фикрлари ва маданиятининг, демократик адабиётининг ривожланишига катта ҳисса қўшдилар.

- 1. Туркистоннинг Россия забт этишидан олдинги ижтимоий-иктисодий аҳволи қандай эди?
- 2. Туркистонни Россия забт этганидан кейинги аҳволи қандай ўзгарди?
- 3. Урта Осиё маърифатпарварларининг илгор фикрлари нимадан иборат бўлган?
  - а) узбек маърифатпарварлари;
  - б) крзок маърифатпарварлари;
  - в) киргиз маърифатпарварлари.

Х II Б О Б

## ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

Миллий истиқлол ва ижтимоий-иктисодий, маънавий тараққиёт йўлидан бораётган ўзбек халқида миллий онгининг ўсиб бораётганлиги туфайли ўз ўтмишига кизиқиш тобора кучаймоқда. Бу, қонунийдир. Уз миллий маданиятини кадрлаш, ўз тарихининг шонли саҳифаларини эъзозлаш, ўз оиа-юрти билан фахрланиш муайян миллат, элат, халққа мансубликни англашнинг муҳим жиҳатидир,

Маънавий маданиятга бундай қарашда дин билан кизиқиш ҳам табиий тарзда юзага келади. Чунки бундай маданият илгари диннинг муайян шакли билан мустаҳкам болганган, бир-бирига сингиб кетган. Бунинг боиси шуки, этник ва диний элементларнинг халқлар ижтимоий тараққиётида асрлар давомида ўзаро таъсир этиб келаётганлиги натижасида дин халқлар миллий психологиясига сингиб кетган. Шу тарзда у одамларга хос ижтимоий ва шахсий ҳаётдаги барча соҳаларни — сиёсат, маданият, оила-никоҳ муносабатларини, анъана ва урф-одатларни, хатто турмуш тарзини ҳам қамраб олган.

Кишиларни ўтмишга, ундаги қадриятларга, маънавий маданиятга диалектик қараш руҳида тарбиялаш уларга шахсий ва ижтимоий ҳаётда тўғри йўл топишда ёрдам беради. Бундай йўл топа олмаган кишилар ўзларини қийин аҳволга солиб қўядилар. Ҳаддан ташқари четга чиқишлар эса кўпинча ҳақиқатнинг аён бўлмай қолишига олиб келади. Масалан, даҳрийликнинг эркин фикрлиликка, илм-фанга, исломнинг эса ўз диний қадриятларига муносабатлари шулар жумласидандир.

Ислом қадриятларига ҳозирги даврдаги мусулмон илоҳиётчилари ҳам ҳолисона, ҳақиқатгўйлик билан қараяптилар. Улар бу динга ўтмишда хос бўлиб, унга ташқаридан кириб келган, унинг ақидаларига мувофиқ келмайдиган хурофот, бидъатга хос уйдирма ва урф-одатларни қораламоқдалар; илк исломни бу «қуйқиндилар» дан тозаламоқдалар; исломнинг айнан ўзига хос бўлган қадриятларини тикламоқдалар. Бу ҳозирги замон исломида, расмий руҳонийлар фаолиятида гоёт ижобий, диндорлар учун жуда фойдали тадбирдир. Буни назарда тутиб, даҳрийлик, хурфикрлилик ҳам ўзиининг илгариги хатоларидан бирини, диндаги ижобий қадриятларни тан олмаслик, менсимасликка мойиллигидан воз кечмоқда.

Умуман динда, хусусан исломда, айниқса унинг илк босқичида анчагина ижобий қадриятлар бор. Улар, бизнинг фикримизча, асосан қуйидагилардан иборат:

1. Исломнинг вужудга келиши ўша даврдаги араб халқлари тарихида, ижтимоий тараққиётида катта ижобий бурилиш билан боғлиқ бўлган. Бу бурилиш натижасида, биринчидан, уруг-қабилачилик тузуми емирилиб синфий жамиятга ўтилган; ислом бу жамиятнинг мафқураси бўлган; иккинчидан, марказлашган араб давлати — халифалик вужудга келган, унинг давлат дини ислом бўлган; учинчидан, адабий араб алифбоси, тили, адабиёт (фольклори) шакллана бошлаган; тўртинчидан, халифалик таркибига кирган юзлаб давила ва элатларга таъсир этган ўрта аср араб маданияти вужудга келган; бешинчидан, ибтидоий арабларга хос айрим ярамас одатлар, чунончи, оилада тўнғич бола киз туғилса, тириклайин кўмиб юбориш одати тақикланган; олтинчидан маъжусийлик динига барҳам берилиб, 360 та фетиш (санам)нинг 359 таси Каъбадан чиқариб ташланган. Бу ишларда машҳур давлат, жамоат ва диний арбоб Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ва унинг сафдошларининг роли, обрўси, таъсири катта бўлган.

2. Марказий Осиёда араблар ҳукмронлиги ўрнатилган ўрта аерларда илм-фан куртаклари, фалсафада, илоҳиётда, хурфикрлиликда ягона араб тили қарор топган эди. Бироқ бу хрл кейинчалик ерли халқларнинг ўз тилларида — форсий, туркий, сўнгрқк ўзбек, туркман, бошқа тилларда шуларга хос маданият ривожланган. Бу мада-

ниятда ислом таъсири шубҳасиз кучли бўлган. Масалан, ўқитишни олайлик. Улкада болаларга ёшлигидан таълим "бериш учун айрим дунёвий илмлар ҳам ўқитилган. Марказий Осиё мутафаккирлари, маърифатпарварлари ва олимларининг деярли ҳаммаси олдин мадрасаларда, диний дорилфунунларда ўқишган.

Гарчи ўқув юртларида руҳонийлар ўз диний манфаат, эҳтиёжларини кўзлаган бўлсалар-да, шулар воситасида хат-саводлилик ва илмтиликка, маърифатга, маданиятга ҳам йўл очилган. Бу ўқув юртларидан саводли кишилар, хатто олимлар ҳам етишиб чиққан. Демак, ислом бу соҳада ҳам муайян маънавий кадриятлар яратиб, ижобий роль ўйнаган.

3. Араб босқинчилари VIII асрда Марказий Осиёни эгаллаб олгач, олдин бу ерда узлуксиз содир бўлиб турган ўзаро урушлар тўхтатилиб, ўлка ягона марказлашган халифаликка бирлаштирилган. Унинг ҳукмрон мафкураси, давлат дини ислом бўлган. Бу ҳам сиёсий, ҳуқуқий, диний жихатларда юз берган ижобий ходиса эди.

4. Ислом маданият соҳаларида энг йириги, кенг тарқалгани — меъморчиликка ҳам ўз ижобий таъсирини ўтказган. Гарчи диний меъморчилик обидаларини ислом эмас, руҳнийлар эмас, балки бинокор уста, мохир архитектор, чапдаст меъмор, оддий ўқувчилар барпо этган бўлсалар-да, Мадраса, масжид, макбара, хонақоҳ, такъяхоналар дин йўлида, унга атаб қурилган, унга хизмат қилган: диний бошқармалар, бирлашмалар ҳисобига тушган маблағларга, руҳонийлар ташаббуси, иштироки асосида бунёд этилган. Руҳонийлар бу обидаларни сақлаш, таъмирлаш, кенгайтириш, безашга ҳам ҳисса қўшганлар. Демак, диний обидалар асло биргина ислом туфайли, у орқали, унинг маблағлари, моллари ҳисобига қурилмаган бўлса-да, улар дин манфаатига, эҳтиёжларига мослаб қурилган.

5. Ислом билан боғлиқ бўлган амалий санъат ва ёзувларнинг юзага келишида, ривожланишида ҳам бу диннинг ва дин аҳллариининг муайян ижобий роли, тутган ўрни, яратган кадриятлари бор. Гарчи Қуръон оятлари, диний дуо, ривоятларнинг ёзувлари исломни мустаҳкамлашга хизмат қилган бўлса-да, китобларни дастхат қилиш, чоп этиш, безаш, муковалаш санъати ҳам, каллиграфия, хаттотлик, яъни ҳуснихатнинг ривожланишида ҳам исломнинг муайян кадриятларининг роли бор.

6. Исломнинг фольклорга, крфияли проза (наср), поэзия (шеърийат) га ижобий таъсири ҳам анчагинадир.

Қуръон муаллифлари, унинг тафсирчилари, ҳадис шарҳловчилари, илоҳиётчи, уламо ва мударрислар ҳам ёзма ижодда биргина динни эмас, ёзма адабиётни ҳам ривожлантирганлар.

Демак, адолат юзасидан олганда, исломда мусулмон руҳонийлари фаолиятида юқорида қайд қилинган ва шулар сингари кадриятлар мавжуд бўлган. Улар энди янада бойитилмоқда.

**АММО** юқорида қайд қилинган кадриятларда биринчи ўринда халқ оммасининг истеъдоди, ақл-заковати намоён бўлган. Ислом эса рағбат (стимул), яъни туртки, воситачи, тезлатувчи, истеъмол этувчи, ишга солувчи бўлган. Бинобарин, ислом бу кадриятларни яратувчи эмас, балки «ишлатувчи», «истеъмолчи» си бўлган.

Хулоса шуки, юқоридаги ғоя, далил, фактлардан ислом анчагина моддий ва маънавий кадрият яратганлиги билиниб турибди. Бу унинг ижобий томони. Биз илгари атеизм нуктаи назарида туриб, буни адолатсиз равишда инкор этган бўлсак, энди асло инкор этмай-миз: исломнинг инсоният маънавий кадрияти тараққиётидаги ролини ошқора, одилонга тан оламиз. Чунки унинг роли маънавий кадрият билан ҳамоҳанг, унинг тараққиётига муайян ҳисса қўшган. Барча динлар, жумладан, ислом ҳам умуминсоний маданиятнинг унсури, яъни унинг қисмларидан биридир.

## 2. ЎТМИШДАГИ УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ИСЛОМ ВА ДАХРИЙЛИК УЧУН ҒОЯТ БОЙ МАНБАЛАРДИР

Республикамызда эркин фикрлик ва дахрийликнинг бой тарихи ханузгача етарли ўрганилмаган. Натижада буларни ишонтирарли равишда, катъият, эҳтирос билан ёқлаш у ёқда турсин, хатто мусулмон илоҳиётчилари билан бу ҳақда мулоқот, мунозара қилишга қийналамиз. Ваҳоланки, маънавий кадриятлар тарихи дин ҳеч қачон одамларнинг ақли ва калбини танҳо, батамом эгаллаб ололмаганлигидан далолат беради.

Ҳар қандай жамиятнинг маънавий маданиятида, ҳусусан ижтимоий онгида, икки даража — назарий онг ва оддий онг бор. Булар бутун Динга ёки унинг айрим ғояларига қарама-қарши турадиган даражаларига қараб иккига бўлинади. Дунёни илмий билиш жараёнида олами диний тарзда инъикос эттириш шаклига қарши чиқиш

мафкурада ва маданиятнинг, фалсафанинг турли хил доираларида, жумладан хурфикрлилик ва дахрийликда намоён бўлиб келмоқда.

Динга тескари бўлган ғоялар ҳамма замонларда ҳам дахрийлик шаклида юзага чиқаверган эмас. Динга танкидий муносабатнинг гоҳ ошкора ёки пинхона, гоҳ асосланган ёки журъатсизлик, гоҳ шубха ва гумонсираш билан караш каби турли шакллари жаҳон халқлари маънавий маданиятига хос бўлган. Ислом доирасида бу шакллар орасида бидъат ва шаккоклик кенгроқ тарқалган.

Маънавий маданиятнинг элементи бўлган хурфикрлилик илгор ижтимоий табақаларнинг манфаатлари, оламни билиш, илмий-техник тараққиёт билан, одамлар билими ва онгининг етуклик даражаси билан боғлиқ бўлган. Шунинг учун Марказий Осиёда, жумладан, Узбекистонда ҳам хурфикрлиликнинг келиб чиқиши ва ривожланиши крнуниятли хусусиятга эга бўлган.

Марказий Осиё халқлари тарихи бу ўлка халқларининг бошқа халқларга хос маданий кадриятлар билан чиндан алоқадор эканликларидан далолат беради. Масалан, бу ерга ислом киритилганидан сўнг ҳам Зардуштийликнинг маздаийлик оқими эътиқод қилиш давом этаверган. Унинг қолдиқлари ҳозир-ҳам бор. Бу ўлкада яна буддистлар бўлган. Христианликнинг I аср бошларида Византияда пайдо бўлиб, Эрон, Ироқ, Сурия, Ҳиндистонга ёйилган иесторианлик оқими бу ўлкага ҳам қисман тарқалган эди. Унинг хрмийлари ислом ҳукмронлиги тугайди, деб каромат ҳам қилишдан хайикмаганлар. Бирок, исломга қарши уринишлар муваффақият қозонмаган за бу диннинг таъсири кучаяверган. Унга қарши майллар ҳам кучаяверган, аммо уни енга олмаган. Бу диннинг юкррида қайд қилинган кадриятлари устун келган.

Хурфикрлилик за қисман дахрийлик ғояларининг равнаки IX—XII асрларга тўғри келган, сўнг эса тушкунликка учраб борган; лекин XIV—XV асрларда пантеистик йўналишдаги маърифатпарвар шоирлар ижодида хурфикрлилик ғоялари, майллари давом этаверган. Масалан, бу ўринда Юсуф Хос Ҳожиб, Паҳлавон Маҳмуд, Навоий, Улуғбек ижодларини эслатиб ўтиш мумкин. Булар ҳақида биз олдинги бобларда батафсил фикр юритганмиз.

Юксак даражада ривожланган Шарқ маданияти вужудга келтирган хурфикрлилик христианлик Оврўпаси-

да илгор ғояларнинг тарқалишига катта туртки бўлган. Араб мусулмон маданиятидан ўтган «қувнок эркин фикрлилик» XVIII аср материализмига замин тайёрлаган.

Хурфикрлилик ғоялари араб халқи орасидан чиққан ал-Маарий, Убайд Законий, ибн Туфайл, ибн Дирхам, ар-Ровандий, ал-Қиндий, ар-Розий, Ибн Рушд ва бошқалар ижодида, амалий ҳаракатида ҳам ёркин намоён булган. Буларнинг айримлари, айниқса, ал-Маарий, ар-Ровандий, ар-Розийнинг эркин фикрлари илк дахрийлик даражасига етиб борган. Демак, хурфикрлилик ислом доирасида содир бўлган.

Ўтмишдошларимиз ҳақида гапирадиган бўлсак, дархрл мавзу саховат, мурувват ва шафқатга бориб тақалаверади. Бу хрл ҳадисларда ҳам, буларнинг муаллифи деб ҳисобланадиган Муҳаммад ва унга замондош бўлган алломаларнинг асарларида, «Минг бир кеча» ривоятларида, Ҳаким Термизий, Исмоил Бухорий, Форобий, Беруний, Ибн Сино ижодлари дурдоналарида ҳам тараннум этилган.

Илгарилари ўтмиш ҳақида, жумладан диннинг, айниқса исломнинг кадриятлари тўғрисида ёзадиган, гапирадиган бўлсак, дарҳол ўтмишни идеаллаштириш, динга тилёғламалик қилиш деган ёрлик ёпиштиришарди. Улар билмасдиларки, биз хавода муаллак яшай олмас эдик; ҳозирги кунимиз ўтмиш пойдеворига қурилганлигини билиб, билмасликка олардилар. Натижада халқимиз реал, моҳияти дунёвий, пардасигина диний кадриятлардан узоклашиб кетган эди. Энди адолат тантана қилмоқда.

Динда умуминсоний кадриятлар жуда кўп. Ҳозирги замон руҳонийлари ҳам дахрийлар каби унутган бу кадриятларни тикламоқдалар; замона эҳтиёжи ва манфаатларига хизмат қиладиганларини қайта тилга киргизмоқдалар. Биз уларга бу хайрли ишда иттифокчи ва хайрихоҳмиз.

Хрзирги диний уюшмалар раҳбариятининг халқ оммаси, жумладан оддий диндорлар орасида ҳурмат ва обрўга тобора кўпроқ эга бўлиб бораётганлигининг ўз сабаблари бор. Булардан бири, улар дунёвий билим, илм-фан, маданият, маънавият, эътиқод ва имонни тан олиб, эътироф этмоқдалар.

Хрзир олий ислом ўқув юртларида 19—20 турдаги фанлардан дарё ўтилиб, имтиҳон олинади. Бу ўқув предметларининг ярмидан кўпи дунёвий билимлар эканлиги ҳаммамизга маълум. Бу ҳол ҳозирги замон руҳонийла-

рининг илм-фандан иборат кадриятларга ҳар қачонгидан ҳам катта эътибор бераётганликларининг ишончли, диққатга сазовор далилидир. Яна бу — Муҳаммаднинг «Илмга нисбатан гўё чўпон каби посбон бўлинглар, лекин илмни фақат ривоят қилувчи бўлманглар», «Илм ўрганиш ҳар бир мўмин учун фарздор», «Шаҳид қонидан кўра олимнинг сиёҳи муқаддасдир», «30 кун рўза тутгандан кўра бир соат илм ўрганган афзалдир», «Илм ибодатдан афзалдир»—деган даъвату ҳикматларига ҳозирги замон дин ахллари собитқадамлик билан амал қилмоқдалар. Биз ҳам уларни тарғиб қиламиз.

Ислоннинг муҳим талабларидан бири ҳар бир инсон имонли, эътиқодли бўлиши лозимлигидир. Имонли ва эътиқодли бўлишни дингина эмас, даҳрийлик ҳам талаб этади. Фақат у имон ва эътиқод деганда илмий тарздаги, дунёвий имон ва эътиқодни назарда тутати. Даҳрийлик, ҳурфикрлилик шундай имон, эътиқодни тан олиш билан бирга динга ишонувчиларнинг диний эътиқодини инкор этмайди, ҳурмат қилади. Буни виждон эркинлиги ҳақидаги қонун аниқ-равшан тақозо этади.

• Мустақил Ўзбекистоннинг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциясининг 31-моддасида барча фуқароларга истаган динга эътиқод қилиш ёки қилмаслик эркинлиги берилган. Диний эътиқод эса муайян бир диннинг талабларини бажариш ва унинг илоҳий таълимларига сидқидилдан ишонишни билдиради. Масалан, ислонга бутун қалби, вужуди билан ишонган, имонли, тақводор кишиларгина ана шундай эътиқод соҳибаларидир.

Биз халқимизнинг диний эътиқодини энди ғоят ҳурмат қиламиз, уни умуминсоний маънавий маданиятнинг узвий қисми, деб қадрлаймиз. Чунки диний таълимотда биринчи навбатда инсоний элементлар устун туради. Пайғамбару чорёрлар, рухонию уламолар, даставвал, инсон бўлганлар, сўнгра эса, моддий, ижтимоий, синфий, шахсий манфаатлар тақрзоси ила дин ахли бўлиб, ўзларича халққа хизмат қилганлар.

Умуминсоний кадриятларни сақлаб қолишга, ҳимоя қилишга даҳрийларгина эмас, рухонийлар ҳам ожизлик қилмоқдалар. Чунки уламолар диний кадриятларни сунъий равишда кенгайтириб, ҳаддан ташқари умумлаштириб юбордилар. Бироқ, дин ва унинг раҳнамолари умуминсоний кадриятлардан кўра кўпроқ диний кадриятлар ҳақида қайғурадилар.

Имом Термизийнинг «Жомеъ» деб номланган, Исмоил

Бухорийнинг «ас-Саҳиҳ ал-Бухорий», «ал-адаб ал-Муффрид» деган ҳадислар тўпламларида бошқа масалалар билан бирга одоб, панд-насихат, ўғитларга алоҳида эътибор берилган.

Бу масалаларга Термизийнинг «Шамоилю набавия» деган китобида ҳам катта ўрин берилган. Бу асар ислон кадриятларигагина эмас, умуминсоний кадриятларга ҳам ғоят бойдир.

Бухорий ва Термизий тўплаган, шарҳлаган ҳадислардаги ҳикматларнинг ҳушахлоқлилиқ, одоблилиқ, ҳалоллик, покликдан берадиган сабоғининг манбаи, аслида динда ҳам, даҳрийликда ҳам эмас. Бу манба халқ оммасининг битмас-туганмас, пурҳикмат ижодий булоғида, теран ақл-заковатида, булоқдек жўш уриб турган истеъдодидадир. Бу меросдан тўла баҳраманд бўлмаганимиз учун ҳам на дин ва на даҳрийлик айбдор. Бунинг учун мафкура соҳасига билар-билмас «рахбарлик» қилиб, ўтмишга нафрат уйғотган нигилистлар, уни рўй-рост инкор қилиб, истисно этганлар айбдор.

Энди, шукурлар бўлсинким, аҳвол ўзгарди. Ҳатто олим, машҳур ёзувчи ҳам динга хос кадриятларга ҳолисона баҳо бермоқдалар. Масалан, Чингиз Айтматовнинг юбилейида ундан хорижий меҳмонлар кейинги асарларингизда дин ҳомийлари, унинг арбобларини мадҳ эта бошлаганлигининг сабаблари нимада, деб сўраганларида, ҳозирги даврни тасвирлаб, бундай жавоб берган экан: «Шундай бир даврда дин одамлар ўртасидаги ахлоқ-одобни, меҳр-шафқатни барқарор этар экан, нега ундан юз ўгириш керак? Нега ҳеч бўлмаганда диннинг яхши жиҳатларини олиб, ундан фойдаланиш мумкин эмас?... Одамларни дин яхшилиқка чорлар экан, мен тарафдори бўламан. Асарларимда диндорларга, дин арбобларига мурожаат этавераман»<sup>1</sup>.

Бу гапларда ҳақиқат дурдоналари бор. Дин маънавий маданиятнинг бир элементи экан, унда дунёвий, ғоя, билим, инсоний тафаккур дурдоналари бор экан, ундан юз ўгиришда ҳеч бир маъно йўқ. Унда ажодларимиз ижодининг маҳсуллари тўлиб-тошиб ётибди. Буни Чингиз Айтматов ҳам яхши билади. Унинг «Кунда» (Плаха) романида дин ва дин арбоблари ҳақида изҳор қилинган фикрларидан билишимизча, улар ҳам бундай ижод маҳсулидан фойдаланаётган экан.

Ҳадислардаги даъват, панд-насихатларнинг ҳозирги

<sup>1</sup> Келажак ўтмишдан бошланади. «Мулоқот», 1991, 1-сон, 34-6.

замон билан ҳамоҳанг бўлгани, айниқса мамлакатимиздаги турли миллатлар орасида ноҳуш воқеалар юз бериб турган давр тақозосига мувофиқ келадигани одамларни дўстлик, ҳамкорликка чакириқлардир. Ҳадисларнинг бирида «Саломлашиб юринглар, одамларга таом едиринглар... ўзаро биродар бўлинглар» дейилган. Уларнинг яна бирида, «Мўъминлар ўзаро дўстлашишда, раҳм-шафқатда ва меҳру оқибатда гўёки бир тананинг аъзолари-дир. Унинг бирор аъзоси оғрив, унга кўшилиб қолган аъзолари ҳам бедорлик ва ҳаракат билан алам чекади».

Ҳадисларда жаранглаб эшитилган юқоридаги даъватлар диндорларга ҳам, динга ишонмайдиганларга ҳам маъқул, керакли, фойдалидир. Фақат, бу «ислом партияси» деган сунъий, ўринсиз уюшма тузмоқчи бўлган кимсаларга ёқмаяпти. Улар барча миллат, элат, халқлар дўстлиги учун жон куйдириш ҳам фарз, ҳам қарз бўлган ҳозирги даврда булар орасига нифоқ, раҳна солишга уринмоқдалар. Улар ҳақиқий мусулмон ҳам эмас, собиткадам даҳрий ҳам эмас. Аксинча, бу ғаламислар мусулмонларнинг душмани, динсизларнинг қушандасидир.

Ҳадисларда хайрия, яъни саховат, мурувват, шафқат, ҳадя, хайру садақ каби масалаларга; жуда кўп ўрин ва эътибор берилган. Уларнинг бирида «садақа ва хайру эҳсон қилиш йўли билан ризқу насибаларингизга барака тиланглар», дейилса, иккинчисида, «Тангри ғам, ташвишли одамларга ёрдам берадиганларни дуст тутати» деб таъкидланади; учинчисида «очларга овқат беринг, беморларни бориб кўринг ва ҳожатманднинг ҳожатини чиқаринг» дейилади. Яна бирида «бир-бирингизга эҳсон қилинган, чунки эҳсон муҳаббатни оширади ва дилдаги ғамликларни йўқотади», деган даъватлар, хикматлар олға сурилади.

Юқоридаги ва унга маънодош бўлган ҳадисларда мусулмонлар пайғамбар мўминларни инсонпарварликка чакирган, бу даъватлар мусулмонларда исломга нисбатан ишонччи, ҳурматни бениҳоя оширгани юртимизда амал қилаётган ислом, илк ислом анъаналарини қайта тирилтираётгани яққол билиниб турибди. Афсуски, Урта асрларда, ҳозирги шарқдаги феодал-теократик мамлакатларда бу кадриятлардан ному нишон кўринмайди. Бу кадриятлар демократия, эркин фикр юритиш, инсонпарварлик, мустақиллик даврида юзага чиқаётди.

Ҳозирги замонда умуман диннинг, хусусан исломнинг эл-юртимиз аҳолиси орасида тез ва осон доврқ қозониб, руҳонийлар нуфузининг ортаётганлигининг сабабларидан

бири шундаки, улар хайрия ишларига худди ҳадисларда айтилганидек, беминнат бош кўшмоқдалар. Бу ҳақда оммавий ахборот воситалари бераётган далилу мисоллар ҳаммамизга маълум бўлиб, оғиздагина эмас, амалдаги хайриянинг исботидир,

Атоқли халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов айтганидек, «Шахсга сиғининг ва ундан кейинги «ура-ура» даврлар таъсирида биз ота-буваларимиз меросига мурожаат этишдан чўчидиган... бўлиб қолдик. Мурожаат этганимизда бизда ҳам ҳақиқий дехқонлар, зиёлилар, олим мутафаккирлар етарли эди. Бу ҳол яхши оқибатларга олиб келмади, албатта»<sup>1</sup>. Яна шу мўтабар инсон ибораси билан айтсак, шафқат, меҳрибонлик ва саховат боболаримизнинг асосий фазилатлари бўлган. Булар уларнинг авлодларига меросдир. Масалан, машҳур лимончи Зайниддин Фаҳриддинов бунёд этган лимонарийни, унинг минг тонналаб етиштираётган оромбахш мевасини халқ мамнун бўлсин деб, ўз элини маъмур этиш ниятида вужудга келтирган.

Шуни эътироф этишимиз керакки, дингина эмас, балки илм-фаннинг биргина ўзиёқ инсонни юксак фазилатли қилишга қодир эмас. Бунинг учун ижтимоий тузум, моддий омил, иқтисодий замин, ахлоқий тарбия, бой маънавий ҳаёт ва ҳоказолар мавжуд бўлиши керак. Бунда диннинг айрим реал кадриятлари иштирок этиши мумкин. Бу фикрнинг чинлигини қуйидаги факт тасдиқлайди. Маълумки, ислом рукнларидан бирига, унинг кадриятлари қаторига ҳаж қилишни киритилган. Ҳажга бориб келган кишини тақводор диндор, юксак фазилатли инсон деб тавсифлайдилар. Бироқ ҳаж қилиш барча ҳожиларнинг ҳам албатта, пок, ҳалол, ростгўй, тақводор бўлишларига кафолат беролмайди. Масалан, 1990 йили ҳажга бориб келганларнинг ҳаммалари чинакам эътиқод мухлислари сифатида иш тутдиларми? Бу саволга «Мулоқот» ойномаси уюштирган ва Ўзбекистон ФА фахрий академиги Зайниддин Фаҳриддинов, Халқ рассоми, ганҷкор уста Маҳмуд Усмонов, халқ артисти З. Муҳаммаджонов, таниқли шоир Б. Бойқобилов катнашган давра суҳбатида ойнома муҳаррири бундай деб жавоб берган: «Эътиқод ва виждон эркинлиги ҳақида қонун қабул этилган айни пайтда дин аҳлларининг ҳалоллиги ҳақидаги масала ҳам кўндаланг бўлиб қолапти. Дин аҳллари ўртасидаги турли баҳсли ҳоллар қўлоққа чалинмоқда.

<sup>1</sup> «Мулоқот», 1991 йил, 1-сон, 31-бет.

Очиғини айтганда, илгари турли кинғир ишлар учун озодликдан махрум этилган кимсалар ёки рухий мадад олиш ўрнига мол-дунё ортириш пайида юрганлар ҳам хажга борувчилар орасига сукилиб кирганга ўхшайди. Бундай ҳолда эътиқоддан путур кетмайдими?!»<sup>1</sup>.

Бу фикрга далил сифатида суҳбатдош кўйидаги мисолни келтирган: «Кеча бир танишим таникли журналистни хижолат чекиб турган бир ҳолатда учратдим. Махалламдаги хаждан қайтган кишини зиёрат қилгани борганлар 50—100 сўм билан «қўл узатишар» экан. Умуман бу ҳолни қандай тушуниш мумкин! Нахотки, эътиқод пул билан белгиланса?»

Бундан изтироб чеккан суҳбатдош Ф. Зайниддинов яна бир қўшимча мисол ва қимматли ғояни изҳор этган. «Ислоҳ ақидаларида динни, Қуръонни сотиб бўлмайти, дейилади. Қуръонни ёд билган одамга садоқат билдириш, уни эъзозлаш бошқа масала». Бу фикрни янада тараққийлатган З. Муҳаммаджонов бундай лўкма ташлайдилар: «Ҳар қалай, халқни ўз ортидан эргаштирмоқчи бўлганлар, ким эканидан қатъи назар, аввало покиза, ҳалол бўлиши шарт. Халқимиз жуда ҳам сезгир, ҳар қандай қинғирликни тез пайқайди»<sup>2</sup>.

Бу мулоҳаза ва фактлар кишиларни қандай эътиқодга мансублиги ва қандай дунёқарашга эришишидан қатъи назар аввало, ҳалол, виждонли инсон бўлиши, ҳуқуқий, адолатли давлат кураётган Ўзбекистоннинг ҳақиқий халқпарвар фуқароси бўлишини тақозо этади.

### 3. МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ЖИХАТДАН ЕТУҚ, БАҲАМОЛ ИНСОН — ОЛИЙ КАДРИЯТДИР

Ҳар бир инсон хоҳ Аллоҳга, хоҳ инсоният ақл-заковатига ишониб, имон келтирсин, умумлаштириб олганда, инсоният жамиятининг бир бўлаги, аъзоси бўлгани учун, умуминсоний кадриятлардан фойдаланаётганлиги учун жамият олдида масъулдир. Бинобарин, униси ҳам, буни си ҳам бу жамият манфаатларига, ахлоқига зид бўлган, унга путур етказадиган ҳеч қандай иш қилмаслиги керак.

Буни устига ҳар бир инсон, айниқса ҳар бир шахс диндор ёки даҳрийлигидан қатъи назар, муайян бир синф, ижтимоий гуруҳнинг аъзоси, вакилидир. Шунинг учун янги Конституциянинг бутун бошли 2- бўлими

<sup>1</sup> «Мулоқот», 1991, 1-сон, 34-бет.

<sup>2</sup> Уша жойда.

Исон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинлик- мри ва бурчлари» га бағишланган. Булар диний туйғу, Мвнфаат, эҳтиёж, мажбуриятлардан анча устундир.

Инсоният жамиятида турли олижаноб фазилатларга л,: бўлган одамларни миллионлаб учратамиз. Уларнинг •Иг юксак фазилати ижтимоий меҳнатга бўлган амалда- .4 11 муҳаббатидир, сўнгра ўзини ўраб олган борликни, \шшг асосини, фан, маданиятни, жумладан, фалсафани билишга. интилишидир, ундан кейин бошқа кишиларга ме\р-шафқатдир, хайрия, беғараз муруватпешалик, кис- каси, кенг маънодаги инсонпарварликдир.

Жамиятимизда инсон энг юқори, бебаҳо ўрин тутади. Шунинг учун бу жамиятда инсон инсонга дўст, ўртоқ, биродар деган ахлоқий шиор ҳукмрон. Инсонга меҳр-му- хаббат, унга беқиёс ишонч, ундаги фазилатларни кўра билиш, уларни тан олиш ҳар бир кишидаги ижобий хис- латгина эмас, балки шу билан бирга олижаноб фазилат- дир.

Ҳар бир халқнинг, жумладан ўзбек халқининг энг ихши кишилари жамият тараққиётида фахрли, салмокли, самарали ўрин тутганлар. Уларнинг олий қимматли хиз- мати мазкур халқнинг маънавий бойлигидан, ахлоқий поклигидан далолат беради. Чунончи Хоразмий, Форо- бий, Ибн Сино, Беруний, Навоий, Умар Ҳайём, Улуғбек, Бобур, Муқимий, Фурқат, Огаҳий, Бердах, Завқий, До- пиш, Сатторхон, Ҳамза, Айний, Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом ва бошқалар ўз халқларининг бошларига тушган мусибат, кулфатларга ҳамдард бўлганлар, нажот йўлини реал оламдан излаганлар. Жамиятдаги тенгсизликни қ,аттик қоралаганлар; оддий халқнинг қалбига яширин- ган тафаккурни, доноликни, гўзалликни олқишлаганлар. Уларнинг барчаси инсон кадр-қиммати хамма кад- риятлардан юқори қўйишга интиланлар.

Барча инсоний фазилатлар орасида ўз-ўзини, ўз из- зат-нафсини, кадр-қиммати англаш фазилати хам ҳар бир шахс учун ғоят зарурдир. Бу фазилат ўз кучига, қобилиятига ишонишни, бошқалар учун кераклигини ан- лай билишни қарор топтиради ва ривожлантиради. Уз кадр-қиммати билиш инсонни виждонсизлик, худбин- лик, хижолат чекишдан сақлайди; ўзини ўзгалар таҳқир- лашига, камситишига асло йўл қўймайти, шу сабабли бўлса керак, ўз кадр-қиммати, иззат-нафсини ҳурмат қиладиган инсон ўзгаларни камситмайти, таҳқирламайти, хўрламайти. У ҳеч қачон — хоҳ хизмат жойида, хоҳ кўча-кўйда, оилада, тўй-ҳашамларда пасткашлик қил-

майди; ярамас кирдикорлардан ўзини тияди, ўзини ҳам-миша вазмин тутади, тутакмайди, бошқалар кайфиятини бузмайди, диний эътикрдини масхараламайди, асабини таранглаштирмайди. Чинакам инсон бировга бекорга озор бермайди; лекин ёмон, бадкирдорларга хайрихохлик ҳам қилмайди, ахлоқсиз одамлар танобини тортиб кўяди. Инсонпарвар, одобли инсон, шахе бошқаларни ҳам нотўғри хатти-харакат қилишдан тийишга интилади. У ўзи уддасидан чикмайдиган ишга ваъда бермайди, ваъда бердими, албатта бажаради.

Умуминсоний қадриятлар билан диний қадриятлар орасида муштарақлик (умумийлик) ва тафовут бор. Умумийлик шундаки, ҳар иккиси ҳам реал, чин, мавжуд моддий, маънавий қадриятларни тан олади, улуғлайди, кадрлайди, мадҳ этади. Тафовут шундаки, умуминсоний қадриятлар моддий асосга эга, ижтимоий-иктисодий жиҳатлардан кафолатланган, яъни конституция, давлат, жамоат кафолат беради.

#### ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Ислоҳ динига хос ўтмишдаги ва ҳозирги ижобий қадриятларга нималар қиради?
2. Хурфикрлик ва даҳрийлик қадриятларига хос афзалликлар нималардан иборат?
3. Ҳадислардаги қайси қадриятларга ижобий баҳо бериш мумкин ва лозим деб ҳисоблайсиз?

ХШ БОБ

#### ИМОНЛИ ОДАМЛАР ИТТИФОҚИ МУАММОСИ ВА УЗБЕКИСТОН ДА ИЖТИМОИЙ-АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ ҚУРИШ МАСАЛАСИ

Ҳозирги ер юзида яшаётган одамлар тана тузилиши, мия хажми ва қурилмаси жиҳатидан қадимги замон одамларидан сифат жиҳатидан фарқ қилади. Фарқ аввало онгда намоеън бўлгани учун ҳозирги тоифани Ақл-идрокли одам зоти (Homo sapiens<sup>1</sup>) деб аташ фанда раем бўлган. Чунки бу тоифа нутқ тили ва мураккаб тафаккур қилиш қобилятига эга бўлиб, у жамиятда фаолият кўрсатади.

Бирок, умуман олганда, ақл-идрок ривожидан даражасига асосланадиган муносабатларга қараб баҳо беради-

<sup>1</sup> 5,5 миллион йил муқаддам австралонитек (жанубий одам)лар ва 2—1,7 миллион йил бурун укувли одамлар (Homo habilis) пайиу бўлган.

бўлсак, одамнинг ҳозирги мавжуд бўлган тоифаси .1 М I гула такомилига етмаган, дейиш мумкин. Бизга Миълум бўлган кейинги 4 минг йилдан ортиқроқ тарих- . . . . .300 йилига яқинигина нисбатан тинч ўтгани, қилган Ввқтларда планетанинг у ёки бу жойида урушлар борга- ми бу тоифа одам том маънода Ақл-идрок эгаси экани- далолат бермайди<sup>1</sup>.

Иккинчи томондан, яшаш учун кураш усули жиҳати- мп хайвондан ҳам даҳшатлироқ одамлар (қотиллар, I I |н;лар, босқинчилар, порахўрлар в. б.) ҳар бир мамла- Катда хануз борлиги, ўзгаларнинг кўз ёши, азоб-уқубати (вазига роҳат-фароғатда яшашдан уялмайдиган кишилар м.нжудлиги бунга далилдир.

Шу ўринда одам зоти табиатидаги хайвоний қусурга <I>иробийнинг муносабатини айтиш жоиз. Бу мутафаккир O II м зотини ақлли жонивор деб атаган. Хайвон турлари \ 'ртасида ва бир турнинг ўз ичида кураш қонунияти бор- .iiii ини Форобий биринчи бўлиб англаган эди. Хайвонот оламида амал қиладиган бу қонун одамларда ваҳшийлик • мфатлариини тугдириб туришига эътиборни жалб этган • т. Фозил ва жоҳил шаҳар аҳли ўртасида юз берадиган курашда ақл-идрок тантана қилишига Форобий қаттиқ ишонган ва жамиятдаги муносабатлар пировардида ин- сонийлашишига умид боғлаган эди.

' Форобийнинг таъкидлашича, «барчаси ҳақ ёки барча- си уйдирма» деган икки қарама-қарши фикр бир-бирини пело истисно этмэйди, балки бири иккинчисини такозо >тади; улар алоҳида ҳолда эмас, балки фақат биргалик- да, уйғунликда бўлгандагина ҳақиқат рўёбга чиқиши мумкин. Форобийнинг юқоридаги ғояси бизнинг замона- мизда янгича тафаккур қилиш услубининг юзага келиши ва қарор топиши учун нечоғлик аҳамиятга молик экан- лигини англаш қийин эмас. Хусусан, илоҳиёт ва фалсафа намояндалари ўз назарий қарашларида, амалий фаоли- ятларида бу қоидага амал қилсалар, одамзоднинг бата- мот инсонга айланиш жараёнини тезлаштирган бўлар-<sup>1</sup> дилар.

Илм-фан аҳллари — донишмандлар қанчалик аччиқ ва кўнгилсиз бўлмасин, ҳақиқатга тик қараб келганлар, илмий ҳақиқатлар тантанаси учун фидойилик кўрсатган- лар. Бу ҳақиқат шундан иборатки, ҳрзирги одам зоти қандайдир мўъжиза орқали ёки биологик тасодиф ту-

<sup>1</sup> Қаралсин: *Канто А. С. Философия мира: истоки, тенденции, перспективы.* М., 1990,— С. 5.

файли пайдо бўлмаган, балки шу она-табиат узок тарихий-тадрижий (эволюцион) тараққиётининг махсули ва натижаси ўлароқ алоҳида тур сифатида вужудга келган. Бинобарин, биз ўзимизни қанчалик улуғламайлик, барибир, одамнинг ҳозирги зотида социал-моҳият биологик моҳият билан биргаликда мавжуддир. Қаерда ва қачонки маънавий-руҳий ва ахлоқий муаммолар каби ниҳоятда нозик соҳага эътиборсизлик бўлар экан, ўша ерда одам зотида биологик моҳият юзага шундоқкина қалқиб чиқиб, хайвоний инстинктлар, хирслар ривожлана бошлайди. Бундай жараёнга бефарқ қараб бўлмайди, чунки, борди-ю, лоқайдлигимиз туфайли унга йўл очилса, одамлар жамияти ўрнига одамсимонлар галаси шаклланиб қолиши ҳам мумкин. Шу ўринда «одам» тушунчаси билан «инсок» тушунчаси ўртасидаги фарқни англаб олиш лозим. (Тушунчаларда ифодаланган ҳақиқий мазмун асосида муносабат белгилашга одамларни ўргатиш илмфан ахлининг бурчидир.)

«Одам» тушунчасида сутэмизувчи хайвонларнинг бир тури англашилади. Шу маънода ҳамма одамлар, ақл-идроққа эга бўлган мавжудотдир. «Инсон» тушунчасида муайян тарихий даврдаги муайян жамият ва маданият қабул қилган одоб-ахлоқ маромлари, тартиб-интизом қонун-қоидаларига ихтиёрий равишда риоя қилиб, шу асосда ҳаракат йўналиши белгилаш қобилияти ва иродасига эга бўлган, мабодо бу доирадан беихтиёр чиқиб қолса, виждон азобига тушиб, ўзини-ўзи кечирмайдиган олий бир зот, яъни жамиятлашган одам тушунилади. Демак, биз бошимиздан кечираётган тарихий давр одамнинг инсонга айланиши учун жуда кучли ижтимоий зарурият пайдо бўлганлиги билан эътиборни ўзига тортади.

Албатта, одамнинг барқамол инсонга айланиши учун бир қатор объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар керак. Моддий фаровонликни таъмилаш асосида бу муаммони ҳал қилиш мумкин, деган майллар тобора кучайиб бораётган замонамизда умуминсоний муаммога бундай қарашлар ўзининг бирёқламалиги билан хавфлидир. Чунки маънавий олами қашшоқ бўлган, яъни имонсиз, эътиқодсиз одам эҳтиёжини ҳар қандай тўқин-сочинлик, қуркам кийимлар, безаклар, шинам бино ва ашёлар билан қаноатлантириб бўлмайди. Одам табиатидаги бу ҳолатни эътибордан соқит қилиш катта хатоликка йўл қўйиш бўлади. Фақат маънавий олами бой, ахлоқи пок кишиларгина мавжуд моддий шароитларга шукроналар келтириб яшаган ҳолда, янада яхшироқ ҳаёт учун шароит

мин йўлида астойдил меҳнат қиладилар, ижтимоий фиоллик кўрсатадилар, бошқаларга тақлид объект, Ибри I ва намуна бўладилар.

Иутқтили ва мураккаб тафаккур қилиш қриблиятига HI Пўлган одамнинг бу зоти фақат табиат бағридагина iMEic, аини чоғда жамият қўйнида ҳам яшайди; жамият унинг иккинчи ва аммо ниҳоятда зарур моҳияти намоён

иши учун шароит ролини ўйнаши лозим. Ана шу зарурият туфайли Ер юзининг ҳамма жойида одамлар Муайян тарихий даврда гала-гала яшашдан уруғ-уруғ, . VIM-ра қабила-қабила бўлиб яшашга ўтдилар. Ақлли Одам зотининг муайян жамоа ва жамият бағрида мўътаiii.i ҳаёт кечириши, бу жамият умумий манфаатлари ...расида фаолият йўналиши белгилаши учун муайян м.п.павий-ахлоқий қадриятлар зарурлигини ҳатто ўтмиш аждодларимиз хис этганлар. Қоҳин, афсунгар ва кекса цвлод вакиллари хатти-ҳаракатлари таъсирида афсона-141.1 дунёқараш шаклланиб, ақл-идроқли одамларнинг пмои ва эътиқодлари шу дунёқараш илгари сурган ғоя, 1 .: чриятларни олий ҳақиқат сифатида қабул қилиб, муносабат белгилашга асосланган. Тараққиётнинг муайян босқичида ҳар хил минтақаларда, турли тарихий даврларда жуда содда фалсафий қарашлар юзага келган. Бу иатурфилософиянинг йўналишларидан бири сифатида вввало ибтидоий диний тасаввурлар, сўнгра уруғ-қабила, миллий, ниҳоят, ҳозирги жаҳон динлари — буддизм, \>истианлик ва ислом пайдо бўлган.

Ақл-идроқли одам зотининг кейинги 2,5—1,5 минг йил мчпдаги имони ва эътиқрди асосан диний дунёқараш ОЛға сурган ғоялар, қадриятларни ҳақиқат сифатида қабул қилиш, (улар ҳақиқатми йўқми — бундан қатъи назар) уларга астойдил ихлос қўйишга асосланди. Барча лийнй ташкилотлар, дин арбоблари ва ахллари одамнинг бу зоти учун муайян маънавий-ахлоқий қадрият ппхоят.да зарурлигини хис этадилар. Шунинг учун ҳам жаҳрн динлари, хоҳ миллий ва ёки уруғ-қабила динлари бўлмасин, уларнинг намояндалари ўзлари қадрланган гоаяларни, ахлоқ нормаларини боланинг жуда ёшли-иданок унинг онгига сингдириб боришга асосий эътиборни қаратадилар, жамоатчиликнинг қаттиқ назоратини \Ч1атиш лозим деб ҳисоблайдилар. Афсуски, инсониятнинг бу ноёб тарихий тажрибасига, кейинги ўн йилликлар \.|номида назар-писанд қилмай қараш, ҳатто уни хурфот деб тавсифлаш учун дунёвий давлат маҳкамалари- i.iii фойдаланиш кенг туге олди. Моддий фаровонлик

таъминлангач, ижтимоий мухрфазага эга бўлган одамлар гўё ўз-ўзидан инсоний сифатларга эга бўлиб қолаверади, деган ҳаёлий бир фикр қарор топиб, у давлат сиёсатининг негизи бўлиб қолган эди. Бироқ, шундай шароитда ҳам, кўпгина диний ташкилотлар, дин аҳллари одамнинг маънавий оламини қашшоқлаштиришга қаратилган ҳатти-ҳаракатларга ўз имкониятлари доирасида қаршилик кўрсатиб, халқ оммаси ўртасидаги таъсирини сақлаб қолишга эришдилар. Натижада оддий онгда имон фақат диндан келиб чиқади, диндор одамгина имонли бўлиб, маънавий-ахлоқий жиҳатдан пок шахе сифатида камол топади, деган фикр ёйилиб кетди. Бундай фикр-мулоҳаза эндиликда дунё миқёсида ижтимоий онг соҳаларини ҳам тобора кўпроқ қамраб олиб, ҳатто зиёлиларнинг кўзга кўринган арбобларининг дунёқарашларида ҳам мустаҳкам ўрин олиб бормоқда.

Илм-фан аҳллари учун ижтимоий, хусусан оддий ва яқка шахе онгида қарор топиб қолган бир гайриилмий нуқтаи назарга эътиборни қаратиш жоиз. Тарихий заруриятлар туфайли юзага келган диний дунёқараш билан бир вақтда фалсафий қарашлар ҳам мавжуд бўлиб, унинг ғоя, қадриятлари атрофида ҳам имон, эътиқод шаклланиб боради. Зеро, бундай имон, эътиқод эгалари ҳаётни инсонга монанд тарзда қайта қуриш, мамлакатлар, халқлар ўртасида тинчлик, дўстлик, ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосланган, нисбатан ижтимоий тенглик ва адолат қарор топадиган жамият ер юзида юзага келишига астойдил ишонадилар. Бу жараён муайян қонуниятлар таъсирида ривожланиб борса-да, аммо ана шу объектив ҳодисага таъсир кўрсатадиган инсон омили салмоқли бўлиши мумкинлигини эътироф этадилар; шундай қарашга ихлос қўйиб, шу асосда ҳаёт йўналишини белгилаб оладилар.

Имон — одамнинг инсонга айланиб боришини муҳим маънавий шартидир. Имон одамнинг муайян ғоя ва ахлоқий қадриятлар реал ҳақиқат эканига ишончидап иборат маънавий-руҳий ҳолат бўлиб, ақл-идрокли одам онги ва аҳволи-руҳияти (психикаси)нинг нодир ҳодисаси ва одам ўз-ўзини англаб олишнинг ноёб воситасидир. «Фикрловчи материя» бўлган одамнинг ҳозирги зоти муайян имонга эга бўлмаса, у ўз-ўзини англаб олиши қийинлашади; имонсиз одамлар учун ўз ҳузур-ҳаловати, шахвоний хис-туйғусидан бошқа маънавий «қадрият» қолмайди. Натижада имонсиз одамлар ўғри, хиёнатчи, порахўр, тамагир, босқинчи (рэкётчи), фоҳиша —

.....кон зоти учун ҳақратли қусурларга эга бўлиб

- **MI** У (бекстондагина эмас, балки бутун дунё ҳам-
  - **I** пшИммннг мўътадил яшашига тўсиқ бўлиб турган
  - **Im(hi)** ходиса — одамларда, айниқса ёшларда муайян ш.И.М.-ИМНН гоъзий-ахлоқий қадриятлар қадрсизланиб,
  - .....а имони ва эътиқоди йўқ ўзига хос одамлар гала-
  - и нужудга келиши хавфи пайдо бўлмоқда. Шунинг

фалсафий дунёқарашлар асосида шаклланган имон-Ипи hi, эгалаоининг дин аҳллари билан бирлашиб, ана м. I пмоий офатга қарши курашишлари тарихий зару. РИ и бўлиб турибди. Имонсиз одамлар стихияли тарзда I мрнпинг инсонга хос бўлмаган манфаатлари негизида I I шқачон бирлашиб олганлар. Уларнинг энг кўзга ча. лпадигаи галаларини дунё бўйича «мафия» деб атала- I I I Дна шу ижтимоий бузуқиларга қарши астойдил ва и :чпл курашдагина чинакам инсоний имон, эътиқод | ввор топиши мумкин. Демак, имонсиз одамлар уюшган олда инсоният жамиятини ҳалокат ёқасига олиб бориш учун астойдил ҳаракат қилаётган эканлар, нега ҳаёт маъноси асосан бир-бирига яқин, лекин дунёга, ундаги парса, ходисалар, улардаги алоқадорликларга баҳо бериб, ўз муносабатини белгилашда фарқи бўлган имонли Одамларнинг ягона иттифоқ бўлишлари мумкин эмас? Бундай иттифоқ мумкингина эмас, ҳатто зарурдир, . Фалсафий қарашларни ҳам, диний қарашларни ҳам Олим ва уламолар, бинобарин, одамлар ижод қилган. Уларнинг фалсафий ва диний қарашларини кўпинча бир-бприга мутлақ даражада қарама-қарши қўйиш ақлли I<sup>1</sup> амлар иши эмас. Ҳар бирида ҳам мавҳум ва реал ҳақиқатлар бор. Шу сабабли ижтимоий онгнинг бу шакллари ўртасидаги тафовутларни ҳаддан зиёда бўрттириб, қабартириб, улардаги муштаракликни йўқ қилиб кўрсатиш тарихий ҳақиқатга мие эмас. Зеро ҳозирги жаҳон динларининг пайдо бўлиши ва шаклланишида қадимги содда фалсафа<sup>1</sup> — натурфилософиянинг таъсири бўлган. Чунончи, у христианликнинг шаклланишида қадимий араб афсоналари заминиде вужудга келган Тавротнинг таъсиридаи ташқари, стоиклар\* фалсафаси ҳам катта рол ўйнаган.

Барча динлар фалсафий-ахлоқий фикрларни жуда содда тарзда назарий онгга эга бўлмаган кенг халқ оммасига тушунарли этиб, унинг қалбидан ўрин олишига асосий эътиборни қаратган. Масалан, Муҳаммад ибн

\* Қадимги Юнонистондаги фалсафий мактаб.

Абдуллох хадисларида «Динда хаддан ташқари ғулув (яъни чуқур) кетманглар. Чунки сизлардан илгари ўтган қавмлар динда хаддан ташқари ғулувлари сабабли ҳалок бўлганлар»<sup>1</sup> дейилиши тасодифий эмас. Бу даъват зоҳидликка, мутаассибликка қарши қаратилган. Зоҳидликни ҳозирги мусулмон уламолари ҳам қоралайдилар, улар ҳар бир мўъмин дунёвий ва охиратий манфаатларни уйғунлаштириб бориши зарурлигини ғоят ўринли тарзда уқтирмақдалар.

Қадимги дунё ва Урта асрда яшаган кўпгина файласуфлар одам ҳамма нарсани билишга кодир эмас, бинобарин, бошқаларнинг фикрига ишониш, ихлос қўйиш, эътиқод қилиш натижасида оламни, ўз-ўзини англаб боради, деган фикрни илгари сурган эдилар. Яна улар одам зоти дунё нимага асосланади, деган саволга жавоб бериш ҳаёт-мамот масаласи эканлигини ҳис этганлар. Оқибатда субстанция (бош асос) масаласи ўша замонлардаёқ кенг муҳокама, мунозараларга сабаб бўлган эди. Айрим файласуфлар дунё моддий нарса (материя)га асосланади деса, бошқалари дунё мавҳум, яъни умумий юя (рух) га асосланади, дер эдилар. Улар мана шу олий рухнинг борлигига чуқур ишонч (имон) мавжуд бўлиши лозимлигини доимо уқтириб келганлар, диний ваъз-насихатлар, ахлоқ-одоб маромлари гарчи умуминсоний маънавий эҳтиёжлар асосида, одамларнинг муайян жамият ва маданият эътирофи этган қонун-қоидаларга ихтиёрий равишда амал қилишлари зарурат негизида вужудга келган бўлса ҳам, диний ташкилотлар, дин аҳллари умуминсоний кадриятларда ўзига ҳамоҳанг бўлганларини авайлаб, эъзозлаб авлоддан-авлодга ўтказишнинг тарихий тажрибада синалганларини муқаддаслаштирганлар. Шу механизм ёрдамида инсоний фазилатларни тарғиб этиш орқали ўзлари ҳам биринчи навбатда руҳкий, уламо эмас, инсон бўлганликлари учун эъзоз-эҳтиромга эга бўлганлар, ҳозир ҳам бўлмоқдалар. Динларнинг дунёқарашга доир ақидаларнинг ғайриилмийлигини исботлашга берилиб кетиб, улар билан биргаликда сакланиб келаётган хайрли анъана, маданий-ахлоқий кадриятларни назар-писанд қилмайдиган қарашлар таркиб топди. Ошқоралик, фикрлар хилма-хиллигига йўл қўйиш сиёсати шарофати ила ана шу бирёқламалик барҳам топмоқда; умуминсоний муаммоларни ҳал этиш учун диний

<sup>1</sup> Ахлоқ-одобга оид хадис намуналари. Тошкент, 1990. 62- бет.

|| илмий имон соҳибларининг самарали ҳамкорлиги удга келса, ажаб эмас.

1>унинг учун, аввало «имон» тушунчаси билан «дин» тушувида айниқлаштиришдан иборат қарашлар ИЛМИЙ эмас, бинобарин, зарарли эканлигини омма англаб ОЛИШ и лозим. Ҳамма динлар, жумладан исломни ҳам маълум маънода имоншунослик деса бўлади. Зеро унинг барча ибодатлари, маросимлари, ҳайитлари, рамзлари ипша бир мақсадга — одамларни Оллоҳга, унинг панд-пасихатлари мажмуаси бўлган Куръоннинг барча. оятлари илоҳийлигига қаттиқ ишонган, ўз ҳаётини шу руҳий Ҳолат асосида белгилайдиган шахслар — аҳли исломни камол топтиришдан иборат.

Хўш, илмий ҳақиқатларга, фалсафий қарашларга ишонган одамлар-чи? Ана шу таянч-ишонч асосида \ам муайян руҳий ҳолат таркиб топиб, ҳаёт йўналиши вужудга келаётган экан, уларни имонсиз-эътиқодсизлар каторига қўшиб юбориш адолатданми? Ҳозир биз яшаётган жамият учун хавф солиб турган ҳолат кўпгина одамлар, айниқса ёшларда таянч-ишонч асосида вужудга ксладиган руҳий ҳолатдан иборат имон, эътиқод суюқлашиб, сусайиб бораётганидир. Муайян имон, эътиқод руҳи ёшларнинг онгига, қалбига гўдаклигидан оила, қариндош-уруғ, ўқув ва меҳнат жамоалари, жамиятдаги ижтимоий муассасалар воситаси ила сингдириб борилади. Ақл-идрокли одам зоти нима учун туғилганини, ҳаётнинг маъноси нимадан иборатлигини англаб, ўз хатти-ҳаракатларида, фаолиятида ўзи яшаётган жамиятдаги қонун-қоидалар, одоб-ахлоқ нормаларига қаттиқ риоя қилишга одатланиб бориши лозим. Бунинг учун жамоатчиликнинг қаттиқ ва изчил назорати зарур. Сўз билан иш бирлиги, шартномаларга амал қилиш, ҳалол меҳнат билан кун кечириш, оилани боқиш, тарбиялаш, инсофли, диёнатли, адолатпарвар бўлиш, саҳийлик, мурувватлилик, ўз халқи, унинг маданияти ҳақида қайғуриш, миллий ифтихорнинг оёкости қилинишига йўл қўймаслик фақат имонли одамлартагина хос фазилатлардир. Зеро, имонли одамлар ўз хатти-ҳаракатларини ўлчайдиган мезон—муайян (юявий-ахлоқий кадриятга эга бўладилар.

Диний имон эгаси бўлган шахе учун асосий орзу диний ибодатлар, маросимларни бажариш, диний панд-Насихатлар асосида ҳаёт йўналишини белгилаб, реал ҳолатда бахтиёр бўлиш ва охиратда жаннатдан жой олишидир. Илмий ҳақиқатлар атрофида имони шаклланган Пичслар учун эса асосий идеал (юксак орзу) ҳаётнинг

маъноси шу яккаю ягона оламда чинакам инсоний муносабатлар, умумий фаровонлик ва адолатни қарор топтириш учун курашда бахтиёрликка, эл-юртининг иззатикромига сазовор бўлиб, хаётида ўзидан яхши ном қилдириб, авлодлар қалбида умрини давом эттириш, яъни ижтимоий абадийликка мушарраф бўлишдир. Диний маънодаги имон билан дунёвий (илмий) маънодаги имон, эътиқод орасидаги тафовут ана шундадир.

Жамиятни демократик асосда қайта қуриш, ундаги ҳамма муносабатлар чинакам инсонпарварлик асосларида шаклланиб боришининг зарур шартларидан бири диний ва дунёвий имон эгаларининг ана шу тарихий вазифани ҳал этиш учун ягона бир иттифоқ бўлиб ҳарқат йўналиши белгилашига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Чунки ҳрмма динда, жумладан исломда ҳам бу дунё муаммоларига назар-писандсиз қараш қаттиқ қораланади. Ҳар бир дин аҳли ўз эътиқодида турган ҳолда жамиятни демократлаштириш, инсонийлаштириш учун дунёвий имон, эътиқод эгалари билан бирлашиб, ахлоқсизликка, ўғирлик, товламачилик, мансабинисуистеъмом қилиш, босқинчилик, порахўрлик, тамагирлик, тошбағирлик, умуман имонсизликнинг барча қўринишларига қарши курашни кучайтирсалар, яшаб турган умумий уйимиз — жамиятимиз тезроқ покланиши, ҳамма соҳада ибратли ишлар қарор топиши мумкин ва лозим.

Исоннинг икки моҳиятдан келиб чиқадиган ва доимо бир-бири билан ёнма-ён мавжуд бўлиб турадиган маънавий-руҳий ҳолатини асло эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Булар сирасига поклик ёки нопоклик, саҳийлик ёки очкўзлик, меҳр-шафқатлилик ёки тошбағирлилик, инсофлилик ёки ноинсофлик, виждонлилик ёки виждонсизлик, эзгулик ёки ёвузлик каби руҳий ҳрлатлар қиради. Муайян вазият такрзоси билан улар бир-бирига ўтиб туради. Гўё одамда икки қиёфа ва икки қалб бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлиб туради. Биологик моҳият туфайли қалбдаги ҳайвоний майлларга эрк бериб юборилса, одам инсонлик сифатларидан қадам-бақадам маҳрум бўлиб бораётганини ўзи ҳам англамай қолади; бу ножинс майлларнинг ёвуз руҳи қарор топиб қолмаслиги учун одам онги, қалби доимо изчил равишда эзгулик руҳидан озик олиб туриши лозим. Аслини олганда, илмий қарашлар ўз олдига одам моҳиятидаги ёвузлик руҳини бартараф этиб, эзгулик руҳини қарор топтириш мақсадларини назарда тутати. Демак, одамни инсонга айлантириш маъносида атеизм билан теизм (художўйлик) ўз олдига қўйган мак-

! |лар бўйича уларда муштараклик мавжудки, биз бош-| |Н! кечираётган ҳозирги тарихий давр шу муштарак МйҚСадлар йўлида ижтимоий кучларнинг бирлашиши, ... [фок бўлишини тақозо этади.

Одамзотда эзгулик руҳини қарор топтиришда маросимчиликнинг роли катта. Ҳозир Марказий Осиё халқ-**ii**, жумладан ўзбек халқи кадрлаб келаётган кўпгина маросимларнинг чуқур тарихий илдизлари бор. Маса-III, Наврўз байрами, гул сайллари тантаналари, ҳосил (Рўзи меҳр) байрамлари исломдан бурунги бу ердаги IЛI^лар эътиқодларини гавдалантиради. Ҳозир ўзбеклар ;ал қилиб келаётган тўй, фасл, қасб ва дафн маросимларининг асосий кўпчилиги асло исломдан келиб чиқ-Майди. Шундай бўлишига қарамай, СССР мавжудлиги-ца имон, эътиқодининг тайини йўқ кишилар уларда курофот, бидъат элементларини қўриб, ана шу маросим-Ларни ўтказган ёки унда қатнашган кишиларга нисбатан адолатсиз муносабатларни қарор топтиришга уриндилар. Ёпобарин, ижобий маросимларни анъанага айлантириш VIM одамларга эзгулик руҳини сингдириб, уларда имон-аътиқодни қарор топтиришга хизмат қилар экан, Худога ишонувчилар билан инсоният Ақл-заковатига ишонувчи-лар бу масалада ҳам ҳамкорлик, ҳамнафаслик вазияти-ia маросимчиликнинг тантанавор, одамларнинг оилавий бюджетларига ортиқча завола келтирмайдиган тарзда \ | казишга бош-қош бўлишлари мумкин.

Имон, эътиқод, одоб-ахлоқ масалалари бўйича диний ва илмий қарашларнинг қай бирини танлаш, маъқуллаш ар бир кишининг виждонига ҳавола бўлиб қолиши ўринлидир. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Ииждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» ги Қонун ҳам, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Ин-СОН ҳуқуқлари Декларацияси» ҳам шуни талаб этади. Дни аҳллари билан маданият намояндалари имон, эътиқод, одоб-ахлоқ масалалари бўйича кенг мунозаралар Олиб боришлари мумкин. Бу тадбирнинг афзаллиги шун-цаки, бундай мунозараларга одамлар, хусусан ёшлар | уда кизиқиб қарайдилар. Мунозара соғлом вазиятда, шмонларнинг муаммони аниқ тасаввур этганлари ҳолда гиши мақсадга мувофиқ бўлади. Мунозарада томонлар \ |иининг ҳақлигини намоён этиш ниятида ўзаро бир-ьмрларига таъна тошлари отишдан тийилишлари лозим кади. Бундай мунозаралар аниқ далил, исботланган РОЯ, тасдиқланган факт, ёркин мисол, илмий ҳулоса, ишончли таълимот, конкрет фикрга асосланган бўлиши

Кі рақ, Мақсад одамнинг чин инсонга айланиб боришида ИМОН >этикрд ва одоб-ахлоқнинг ижобий мавқеи, актив ролига қаратилса, томонларнинг ўзаро поёни йўқ, демак, самарасиз тортишувлардан холи бўлишлари учун имкон тугилади.

Насимий, Умар Ҳайём, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Навоий, Турди, Фароғий, Машраб каби ҳам илоҳиётчи, ҳам файласуф шоир ва алломаларнинг ҳаёт йўллари имонли бўлиш машаққатларини англаб олишга ёрдам беради. Улар мансуб бўлган тасаввуфнинг ваҳдатул вужуд йўналиши одамнинг чин инсонга айланиши йўллари кидириб, нажот йўли худога сигинишда эмас, балки уни севиш хис-туйғуси орқали баркамолликка эришишдадир, деб ҳар бир киши имонли инсонга айланиши мумкинлиги ғоясини илгари сурган. Улар ижодининг умумий йўналиши одам қалбини ҳайвоний хирслардан озод этиб, инсоний рух — худога ишонч, имон нури билан тўлдиришга қаратилган. Шу маънода улар золим амалдор, ҳоким ва зоҳидлардаги ҳайвоний хирслардан келиб чиқадиган қусурларни қаттиқ танқид қилганлар. Одамни инсонликка даъват этган тасаввуфнинг кўпгина намояндалари шунинг учун «кофир» деб эълон қилиниб, терисига сомон тикилган (Насимий), дорга осилган (Мансур ибн Халлож, Машраб), қувғун остига олинган (Умар Ҳайём), сургун қилинган ва ҳоказо.

Тарихий ҳақиқатҳам, бизнинг кунлардаги воқеликлар ҳам одамнинг ўз ҳайвоний моҳиятидан узилиб, чин инсонга айланиш жараёни жуда машаққатли, азоб-укубатли, хавфли йўл бўлганлигидан далолат беради. Тўла маънодаги ва имонлиликнинг юқори мақомида турган кишилар ва диндорлар мана шу қийин йўлни ўз ихтиёрлари билан танлаб олганлар. Улар бу йўлда учрайдиган барча азоб-укубатлар, машаққат ва маҳрумликларга бардош бериб, уларни енгиб ўтишга астойдил интилганлар ва ҳар қандай вазиятда ҳам имон-этикодларига содиқ бўлиб қрилганлар.

Сиёсий қарашларга монанд равишда Марказий Осиё халқлари тарихи ва маданиятида муҳим роль ўйнаган, тараққийпарварлик нуктаи назарларида туриб фикр юритган барча файласуф, илоҳиётчи, шоир, ёзувчи ва ҳатто ҳокимлар учун асосий этикод. манбаи бўлган, хусусан одамнинг инсонга айланиши аҳамиятини англашга ёрдам берадиган тасаввуфга муносабат қайта кўриб чиқиладигани ғоят аҳамиятлидир.

Фан йўлига ўзини бағишлаган инсон ҳам токи бошқа

\ р-халоватлардан воз кечиб, ўзини илм йўлида фидо қилиб, у билан қўшилиб кетмаса, жиддий бир янгилик [рата олмайди. Умуман ҳар бир касбга муқаммал эга булиш учун муайян босқичлар (маънавий ва жисмоний | ппаққатлар) ни босиб ўтиш, аммо ҳамма макрмда \ нши ўша касбга бағишлаш, сафарбар этиш лозим бў- Ы чи. Бундай рухий (психик) ҳолатсиз одамзот бирон- бир нарсага мушарраф бўлиб, ўз истеъдоди ва қобили- Ятлни намоеён этиши амримаҳол. Демак, тасаввуфда Жуда улкан дунёвий ҳақиқат борки, буни англаб этиш учун у таълимотнинг устки томони — ҳрдисаси остидаги мочиятини англай билиш лозим. Моҳият шуки, хоҳ ишлаб чиқариш, хоҳ сиёсат, мафкура, маданият ва бошқа соҳа- бўлмасин, ҳақиқатга этишиш йўли ниҳоятда машаққат- лидир. Шу йўлни босиб ўтишга бардош бера олган одам- 1'ина чин инсонга'айланиши мумкин, яъни ҳақиқат адо- лат, касб-корга муҳаббат тимсоли бўлиб қоладики, бундан сўнг уни танлаган йўлидан қайтариш мумкин SMас. Чунки бу йўл унинг учун ҳаёт мазмуни, ҳаётнинг у и, ҳатто ундан ҳам афзалроқ бўлиб қолади.

Жамиятни демократлаштириш учун даставвал тўра- чиликка асосланган система ҳамда бу системанинг қарор топиб туришининг механизми бўлган маъмурий-буйрук- бозлик маҳкамасини тағ-томири билан йўқотиб, ўрнига ҳуқуқий демократик давлатни, халқнинг доимий назора- ти остида турадиган бошқариш усул-идораларини барпо қилиш лозим. Афтидан, бу жараённинг бориши қийин ксчишининг сабаблари бор. Биринчидан, маъмурий-буй- рукбозлик усулида бошқариш демократик усулга нисба- тан осон ва қулай. Бу усулда раҳбарликка нисбатан халқ- нинг назорати деярли йўқ даражада бўлгани учун мод- шн бойликлардан чегириб қолиш имконияти кенгайди, бинобарин, бошқаришнинг бу усулига кўниккан одамлар кўринар кўзга ўзларини ҳуқуқий Давлат, демократия мрафдори этиб кўрсатган ҳолда, иложи борица эски | | ул-идорани бироз пардозлаган шаклда ушлаб қолишга чракат қиладилар. Иккинчидан, кишиларнинг ижтимоий онги ва кундалик турмуши қаттиқ тартиблар шароитида шаклангани учун ҳали демократик ўзгаришлар зарур- чигини тўла хис этмайди, демак, демократик усул идо- раии қарор топтиришдан ўзини четга олиш майллари кучли. Учунчидан, асосан бир партиявийлик система ша- роитида қарама-қарши томонлар — рақобатчилар бўл- ИИЙди. Маълумки, диалектиканинг энг муҳим қонунла- ридан бири қарама-қаршиликлар бирлиги ва қураши та-

раққиётнинг негизи ҳисобланади. Бу қонун ҳаракати эътиборга олинмаса, ўз-ўзидан турғунлик юзага келади, демократии ўзгаришларга нисбатан кўпчиликнинг лояқатлиги давом этаверади. Бинобарин, тафаккурнинг янги усули қарор топа олмайди.

Жамиятни демократлаштириш ва инсонийлаштиришдан барча имонли кишилар манфаатдордир. Имонсиз одамлар ижтимоий жараённинг бундай тусе олишидан манфаатдор эмаслар. Бинобарин, улар бу жараёнга тиш-тирноқлари билан қаршилик кўрсатишлари табиий. Зеро имон, эътиқод эгалари барчаси бирлашса, текин-хўрларча ҳаёт кечириш, маънавиятсизлик, эътиқодсизликнинг қарор топишига ўрин қилмайди. Имон, эътиқодли одамлар шу муаммони ҳал этишдаги иттифоқи юқоридаги тўсиқлар ва қаршиликларни бартараф этиш учун қафолат бўлур эди. Бу, ўз навбатида, илгари бўлганидек, диний ақидаларга ишонувчилар билан илмий ҳақиқатларга ишонувчиларнинг бўлиб ташланишига йўл қўймасликни тақрзо этади. «Орани бузу — ҳукмрон бўл» принципини қарор топишига шу жиҳатдан ҳам йўл қўйиб бўлмайди. Буни диний арбоблар ҳам, сиёсат тепасида турган ва имон-эътиқодга эга бўлган шахслар ҳам назарда тутиб, фаолият йўналишини белгиласалар, Узбекистонда ижтимоий адолатга асосланган жамият қарор топиб, жаҳон маънавий-маданияти хазинаси янги қадриятлар билан бойиб бораверади.

#### ТАҚРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Ҳозирги одам зотининг пайдо бўлиши ҳақида қандай ғоялар бор?
2. Имон-эътиқодли одамлар тушунчаси нимадан иборат?
3. Ҳозирги шароитда диний ва дунёвий имонли одамлар иттифоқини вужудга келтиришнинг аҳамияти нимада?
4. Дунёвий имон асослари нимада?

#### XIV БОБ

#### МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ИЛМИЙ ДУНЁҚАРАШ ҚАРОР ТОПИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Республикада сўнгги 50—60 йиллар давомида «юз берган» ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар кишиларимизнинг маънавий ҳаётида ўз аксини топди. Узбек халқининг тарихий тақдирида содир бўлган бундай ўзгаришлар дин, диний ташкилотлар, диний маросимларга бўлган янгича

муносабатнинг қарор топишига, эркинликнинг қучайишига объектив асос бўлди.

Ҳақиқий, мустақкам ижтимоий-иқтисодий заминларнинг шакллантиришига кишиларда воқеликни тўғри инъикос эттиришга замин ҳозирлаб, хурфикрлилик қарор топиши учун объектив шароитни яратади, илмий дунёқарашнинг улар онгига сингишига олиб келади. Лекин юқрида қайд қилинган йилларда юз берган қийинчиликлар, камчиликлар, бузилишлар шуни иўрсатдики, республикада ижтимоий-иқтисодий шароит соҳасида кўп қийинчиликлар ҳам бўлган экан, шахс эркинлигини юзага келтириш соҳасида ҳам етарли шароитлар яратилмаган экан. Шунинг учун илмий дунёқарашни қарор топтириш учун иқтисодий соҳадагина эмас, ижтимоий онг соҳасида ҳам туб ўзгаришларни амалга ошириш зарур эди. Инқилобдан олдинги Туркистон аҳолиси маданий жиҳатдан Россиянинг марказий қисми аҳолисига нисбатан яна ҳам қоқокрок эди. Яқин вақтларга саводхонлик ўзбеклар орасида 2 фоиз қоқокрок деб ҳисобланар эди. Бироқ, бунда диний ёзувларни ўқиш, ёзиш соҳаларидаги саводхонлик ҳисобга олинмаган эди. Аслида эса профессор Б. Аҳмедов таъкидлаганидек, бу ўлкада ўз мачити бўлмаган бирон қишлоқ, мадрасаси йўқ бирор шаҳар бўлмаган. Мачит бор жойда бошланғич мактаб бўлган. Мадраса эса ўзига хос ўрта ва олий ўқув юрти ҳисобланган. Шуларда ёшларга диний билимлар билан бирга қисман дунёвий билимлар ҳам берилган, улар ўқиш-ёзишни ўрганганлар. Аммо хотин-қизлар ўртасида саводлили ниҳоятда паст даражада бўлган. Улардан бармоқ билан санарли ишиларгина ўқиш-ёзишпи билганлар. Ўлкада руҳонийларнинг аҳолига таъсири қучли бўлган. Улар орасида дунёвий билимли, маърифат тирқатувчилари ҳам бўлган. Жуда кўплаб мачитлар, «муқаддас» зиёратгоҳлар деб номланувчи жойлар мавжуд бўлган. Фарғона водийсида маҳаллий миллатга мансуб ҳар минг аҳолига ўрта ҳисобда 2 тадан 4 тагача мачит тўғри келарди. Чоризм мустамакчилик зулми ўқимонлиги сабабли иқтисодий ва маданий соҳадаги олоқлик, кишилар турмушида, муносабатларида, онгидиний ақидалар ва ахлоқий ўғитларнинг ҳукмронлиги, дунёвий билимларнинг маълум даражада сустлиги и.1 хоқозолар инқилоб арафасидаги аянчли аҳволдан млолат берар эди. Бу инқилоб ғалаба қилганидан [1]Иин халқ оммаси ва унинг оз сонли зиёлилари олдида иш г мураккаб муаммоларни ҳал қилиш, маҳаллий халқ-

лар онгини тубдан ўзгартириш вазибалари турар эди. Буларни хал қилиш диний анъаналар тарқалган Туркистон тупроғида айниқса долзарб эди. Чунки, Туркистон ислом тарқалган барча ўлкаларда ҳам катта таъсирга, ибрат ва намунага эга эди. Бу ҳудудларда кўплаб тилларда гаплашадиган ўнлаб элатлар яшар эди. Уларнинг баъзилари ўз ёзувларига эга, баъзиларида ёзув йўқ, уларнинг бир хиллари кўчманчи, бошқа хиллари ўтрок ҳаёт кечириб, деҳқончилик билан шуғулланар эди. Бу ҳудуддаги аҳолини фақат диний этикрд бирлаштирар эди. Кенг халқ оммаси онгига ислом дини ғоят сингиб кетган эди. Дунёвий, илмий дунёқараш деярли шаклланмаган эди

Бундай тарихий ҳолат, аҳвол билан ҳисоблашмасдан бўлмас эди. Маҳаллий диний ва этник ўзига хосликни ҳисобга олмасдан илмий дунёқарашни шакллантириш иши самарасиз бўлар эди. Айниқса бу ишни ношудлик, шомашошарлик, укувсизлик билан олиб борилса, одобсизлик билан иш юритилса, меҳнатқашлар оммасини диний белгисига қараб бир-бирдан ажратиб қўйиш мумкин эди. Шу сабабдан бу ишни бажариш учун ҳар томонлама, эҳтиёткорлик билан, диний муаммони биринчи ўринга чиқармасдан иш юритишни талаб этилар эди. Бундай вазиятда илмий дунёқарашни шакллантириш учун ўзига хос дастурни ишлаб чиқиш зарур эди.

Бу муаммога ижодий ёндошиб, мусулмон ўлкаларида бу ишни хал қилишнинг бирдан-бир йўлини ишлаб чиқиш долзарб иш эди. Мустахлақчилик эксплуатацияси зулмидан қаттиқ эзилган қашшоқ Шарқ халқларига нисбатан юксак инсонпарварлик руҳида муносабатда бўлиш талаб этиларди. Исломига этикод қилувчи мусулмон халқларига муносабат бу ҳудудларнинг ривожланиш даралосини ва халқнинг ҳаётига бу дин таъсирининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда белгиланган бўлиши лозим эди. Янги ҳокимият ўрнатилган дастлабки кунларда амалга оширила бошлаган иктисодий, ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий ҳужжатлар (декретлар, декларация, мурожаат ва қарорлар) амалий ишлар билан мустаҳкамланган. Бу ҳол динга, диний жамоаларга оз бўлса-да маълум кишиларнинг муносабатларини ўзгартира бошлаган, илмий дунёқарашнинг шаклланишига замин ҳазирлаган. Иктисодий, маданий-оқартув соҳаларидаги кенг миқёсли, тез суръатли тадбирлар меҳнатқаш мусулмонларни янги ҳокимият қурилишига жалб қилишга ёрдам берган. Республикамизда илмий дунё-

қарашни меҳнатқашлар онгида шакллантира бориш учун аввало шахдам қадамлар билан иктисодий, изданий қолоқликни бартараф этиш зарур эди. Бунинг учун улқамизда зарурий ўзгаришларни амалга ошириш учун "лар қачонгидан ҳам кўпроқ эътибор бериш лозим эди. Акс ҳолда асрий иктисодий, ижтимоий қолоқликдан чиқиб бўлмасди. Республика халқи ва раҳбарияти, айниқса, халқ орасида ташвиқот-тарғибот ишларини олиб борган зиёлилар сезгирлик, эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлилар, халқ оммасига реакцион кайфиятдаги кишилар таъсири кучли бўлмаслигига эътибор бердилар. Ўрни пайтда бундай кишилар бутун кучлари билан янги ҳокимиятга хайрхоҳ бўлмаган айрим жойларда, лқумладан, Фарғона, Марғилон, Қўқон ва бошқа вилоятларда аҳрли ўртасида турли яширин хатлар тарқатиб, расмий ҳуқуматга қарши курашишга, унинг амалга ошираётган тадбирларига тўсқинлик қилишга чақирган эдилар. Ўрниқса, бундай кирдикорлар деҳқон хўжаликлари бирлаштирилаётган, ер-сув ислохоти ўтказилаётган жойларда кучайган. Динни ниқоб қилиб олган бундай кишиларнинг хатти-ҳаракатларини йирик ер эгалари, қулоқлар англаб-англамасдан қўллаб-қувватлаганлар. Жумҳурият/П'лардаги фаоллар, узокни олдиндан кўра оладиган зиёлилар бундай хатти-ҳаракатларни фош қилганлар. Халқ оммасига бундай ҳаракат оқибатларини тўғри тушунириб беришга интиланлар. Кўплаб ерсиз, кам ерли, батрак, чоракорларни деҳқонларнинг асрий орзуси — ер билан таъминланиши тесқаричилик кайфиятидаги кишиларнинг фаолиятини улар томонидан тўғри тушуниб олишга катта ёрдам берган. Уз ўрнида деҳқонлар оммаси онгида ҳам илғор ғоялар қарор топа бошлашига кўмак берилди бошлаган эди.

Умуман бу ва бошқа тадбирларга қарамасдан 20—30-йилларда Ўзбекистон ҳудудида илмий-материалистик дунёқарашни шакллантириш катта қийинчиликларга дуч келди. Бу ҳолат қуйидаги хусусиятларга эга эди:

1. Узининг онглилиги, уюшқоклиги билан бошқа пшфлардан фарқланиб турадиган ишчилар синфи бу ҳудудда жуда озқидикии ташкил қилар эди. Булар орасида эса маҳаллий миллат вакиллари яна ҳам кам эди. Бу эса илғор кайфиятдаги ишчилар синфига хос бўлган илмий дунёқарашнинг ерли аҳрли ўртасида кенг тарқалишига ҳалакит берар эди.

2. Бу ҳудуддаги маҳаллий аҳоли ўртасида дунёвий билимлар ҳам етарли тарқалмаган эди. Саводхонларнинг

асосий Қуиі'ііі.'ітк эса диний мактаб, мадрасаларда ўқи- ган эди. Уларнинг жуда ҳам кам қисми илмий дунёқараш билан қуролланган эдш,

3. Айниқса **20-** йилларда бу ўлкада мусулмонларнинг оилавий турмуш муносабатлари шариат ва одатга тўла равишда асосланган эди.

4. Бу ҳудудда илмий дунёқарашнинг турли тармоқ- лари — диншунослик, эркин фикрлилик, исломшунослик масалалари бўйича кадрлар етарли эмас эди. Борларин- нинг ҳам асосий қисми маҳаллий миллат, элатларнинг вакиллари эмас эди.

5. **20-** йилларда бу ҳудудда яшайдиган халқларнинг она тилларида чоп этилган, ҳаттоки оммабоп адабиётлар ҳам жуда кам эди. **20—30-** йилларда шаҳарларда, айниқ- са қишлоқларда маданий-оқартув масалалари ҳам етар- ли эмас эди. Асосан қишлоқда жамоат биноси сифатида мачитларгина мавжуд эди. Буларда дунёвий тадбирлар ҳам ўтказилар эди. Ҳатто оила бошлиқларининг рўйхати олинар, қишлоқ хўжалик техникаси таркатилар, давлат берган уруғ тақсимланар эди. Баъзан мачитларда намоз ўқилгандан кейин, қишлоқ, овул шўроларига ноиблар сайланарди. Ҳатто маҳаллий шўроларнинг ҳужжат- лари ҳам мачитларда сақланган вақтлар ҳам бўлган.

Аммо шу даврда мачит, мадрасаларга, хусусан рух- онийларга нотўғри муносабатда бўлиш бошланган эди. Турли йўллар билан мачит ва тарихий обидаларни ёпиб қўйиш, баъзи рухонийларни қатағон қилиш ҳоллари бўлган. Натижада халқ ижоди билан қурилган кўпгина тарихий обидалар, мачит ва мадраса бинолари ишдан чикканлигига биз гувоҳмиз. Бу хатолар ҳозир тузатил- моқда. Деярли ҳар бир қишлоқ, кўпчилик мавзеларда янги масжидлар қурилмоқда.

**1925—1941** йилларда ислом олдинроқ тарқалган ҳу- дудларда анчагина ижобий жараёнлар содир бўлган. Айниқса, ер-сув ислохотининг ўтказилиши республика қишлоқларида секуляризация жараёнининг тезлашувига катта ёрдам берган. Иирик ер эгаларининг муайян қисми (суғориладиган ерларда **20**, лалми, боғ ерларда **45** гек- тардан ошиғи) дехқонлар фойдасига бепул олиб берили- ши секуляризация жараёнига қулай имконият яратган. Лекин айрим ерларда тескарича кайфиятдаги рухоний- ларнинг таъсири билан баъзи бир кам ерли, ерсиз де Ц қонлар ўзларига берилган ерларни олиш учун ҳаракат қилмаганлар. Масалан, Тошкент округида **3037** хўжа- ликдан **193** нафари ўзларига берилган ерларни қайтариб

берганлар. Баъзи жойларда вақф ерлари ҳам қайтариб берилган. Лекин шунга қарамасдан ер-сув ислохоти қишлоқ дехқонининг иктисодий жиҳатдан мустақилроқ бўлиш, ўз моддий аҳволини яхшилаш имконини қарор топтирди. **1925—1945** йилларда содир бўлган секуляри- зация жараёнига, айниқса маданий-маърифатнинг амал- га оширилиши катта ижобий таъсир қилган. Бу жараён- да, **1928** йилда республика халқ таълими тизимида ўтка- зилган ислохот катта ўрин эгаллаган. Натижада мусул- монлар маънавий ҳаётида ҳам сезиларли ўзгаришлар бўлган. Меҳнатқаш оммага дунёвий таълим берилиши халқ таълимини секуляризация қилишга олиб калган. Бу жараён илмий дунёқарашнинг кенг тарқалишига қулай имконият яратган. Республика халқларининг маъ- навий ҳаётида саводсизликни тугатиш ишлари муҳим ўрин эгаллаган. Бу жараён айниқса **1929** йилдан бутун ўлкада кенг қулоч ёйган.

**1930** йилга келиб саводсизликни тугатиш мактабла- ридаги ўқувчиларнинг сони **1929** йил охиридагига нис- батан **250—300** фоизга ошган. **1932** йилда эса уларда бир иеча минг ўғил-қизлар ўқитилар эди. **1931** йилга келиб ёппасига саводхонлик Ўзбекистонда **67,8** фоизга етган. **1926** йилда эса бу саводхонлик **10,6** фоиз эди, холос. Улуғ Ватан уруши йилларида Ўзбекистон халқлари ҳаё- тида ҳам туб ўзгаришлар содир бўлган эди. Бутун рес- публика халқи бир жон, бир тан бўлиб фашизмга қарши курашга отланган. Собик СССРнинг марказий районла- )идан кўплаб завод ва фабрикалар республикамизга кўчириб келтирилган. Бу ерда кўплаб янги шаҳарлар бунёд этилган. Аҳолининг миллий состави ўзгарган. Бу ҳудуддаги халқларнинг барчаси Улуғ Ватан уруши жанггоҳларида қатнашганлар. Биргаликда умумий душ- манга қарши кураш, табиийки, уларнинг дунёқарашла- ри, интилиш, кизиқишларида ҳам муайян ижобий ўз- гариш ясаган.

**1943** йил Тошкентда бўлиб ўтган мусулмон вакиллари цурултойи ислом масалалари билан шуғулланувчи Урта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасини гаъсис этган эди. Бундан ташқари мамлакатимизда Закавказье мусулмонлари (Боку шаҳрида), Шимолий Кавказ мусулмонлари (Буйнакс шаҳрида), Сибирь ва Собик СССРнинг Европа қисми мусулмонлари (Уфа шаҳ- рида) диний бошқармалари ташкил этилган эди. Ҳозир- III вақтда эса уларнинг сони янада ортди. Табиийки, бу \п.] иккинчи жаҳон уруши йилларида диндорларнинг

диний эҳтиёжларига ҳам эътибор берилганлигининг далилидир.

Урушдан кейинги халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш. йилларида Ўзбекистон халқларининг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётларида муайян ўзгаришлар юз берган эди. Бу урушда вайрон бўлган халқ хўжалигини тиклаш соҳасидаги ютуқлар ўзбек халқи онгида ҳам илмий дунёқарашни шакллантиришда катта роль ўйнади. Иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий соҳаларда жиддий камчилик, нуқсон ва хатоларга йўл қўйилганлигидан қатъи назар, халқимизда юксак ифтихор туйғуларини, илмий тадқиқот, фан, техника ютуқларини ривожлантиришга ундаган. Ёшларни табиат, жамият, фан сирларини чуқур ўрганишга даъват этган. Бу ҳол табиийки, кишиларда илмий дунёқарашни қарор топтиришга хизмат қилган.

1950—1990 йилларда республикада иқтисодий-ижтимоий соҳаларда жиддий ўзгаришлар содир бўлган. Бу йилларда ислом илгаритдан тарқалган республикаларда аҳолининг маълумотлилик даражаси янада ошди. Ҳар минг киши ҳисобига олий, тўла ва тўлиқсиз ўрта маълумотлилар собиқ СССРда 1989 йилда 812 нафар кишини ташкил қилган бўлса, бу рақам Ўзбекистонда 867 кишини ташкил қилган. Халқ хўжалигида банд бўлган ҳар 1000 кишидан собиқ СССРда 1979—1989 йилларда 760 нафари олий ва ўрта маълумотли киши бўлса, бу рақам Ўзбекистонда 821 кишини ташкил қилган. Республика ўрта, ўрта махсус, олий ўқув юртларининг, маданий-оқартув муассасаларининг кўпайиши аҳоли ўртасида сиёсий, тарбиявий ишларнинг янада кучайишига катта имконият яратган. Аҳолининг катта қисми илмий дунёқарашнинг асосига эга бўлган. Бу соҳада собиқ «Билим» жамиятининг роли, унинг аъзоларининг фаолияти катта аҳамиятга эга бўлган. Бизнинг фикримизча, аҳоли онгида бундай дунёқарашнинг вужудга келтирилиши куйидаги хусусиятлар билан тавсифланади: биринчидан, воқелигимиздаги байналмилаллашув жараёни иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий соҳалардаги ўзгаришлар ахрли дуиёқарашини илмий йўналишда шаклланишига катта таъсир қилган; иккинчидан, ахрлининг замонавий фан, техника, ютуқларидан баҳраманд бўлиши, бу жараёнда унинг кенг миқёсда фаолият кўрсатиши илмий дунёқарашнинг шаклланишига ижобий таъсир қилган; учинчидан, аҳоли кенг қатламларининг дунёвий билимларга эга бўлиши учун умумий таълим мактаблари,

ўқув юртларига, сиёсий-иқтисодий ўқувга кенг жалб қилиниши ҳам бу соҳада катта ўзгаришлар ясади; тўртинчидан, аҳоли кенг қатламлари ўртасида олиб борилган мафкуравий, сиёсий-тарбиявий, маданий-оқартув ишлари асосан дунёвий билимлар назариясининг халқ оммаси томонидан ўрганилганлиги ҳам бу соҳада ўзипинг катта самарасини кўрсатган. Лекин юқрида қайд ёилинган соҳада эришилган ютуқлар билан бир қаторда анчагина камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Дин, диний маросимларга нисбатан маъмурий-буйрукбозлик, мажбур қилиш усулларидан ҳам фойдаланилган эди. Ишонтириш, қайта ишонтириш, тушунтириш усули орқага суриб қўйилган эди. Айниқса, республикада миллий-умуминсоний кадриятларга эътибор берилмаган, европача тайёр андозаларни бу ерга ҳам кўчиришга интилинган, миллий хусусиятлар жуда кам ҳисобга олинган, тарбиявий жараёнларда байналмилаллашувга катта эътибор бериб, миллий ифтихор, миллий тарбия миллатчилиikka такаб қўйилган эди.

Республика халқларининг ёзуви, ҳарфларининг алмапшнуви бу халқларни бой ўтмиш меросидан маҳрум қилиб, уларни қисман миллий кадриятлардан ажратиб қўйган, кўп ҳолларда сиёсий-тарбиявий ишларда юзакичилик, дабдабозликларга, расмиятчиликка, ким ўзарга ва ҳоказоларга йўл қўйилган эди.

Илмий дунёқарашни шакллантиришда ўқув юртларининг кўпайиши муҳим ўрин эгаллаган. Жумладан, Ўзбекистонда ҳозирги вақтда 9 мингга яқин умумтаълим мактаблари, 230 дан ортиқ ўрта махсус, 50 дан ортиқ олий ўқув юртларининг ишлаб турганлиги, юз минглаб олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассисларнинг халқ хўжалигининг турли соҳаларида хизмат қилаётганлиги меҳнаткашларда илмий, дунёвий дунёқарашни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумҳурияда илмий-тадқиқот муассасалари, ўқув юртларида ишлаб турган 35 мингдан ортиқ илмий ходимлардан 1200 нафари фан докторлари, 16 мингдан ортиги фан номюдлари эканлиги ҳам ҳозирги замон фан-техникаси ичуқларини меҳнаткашлар орасида тарғиб қилишда катта ишлар олиб борилаётганлигидан далолат беради.

Республикада, меҳнаткашларнинг илмий дунёқарашини шакллантиришда Ўзбекистон халқ демократик иартияси, Ёшлар Иттифоқи, маданий-оқартув муассасалари, оммавий ахборот, ташвиқот-тарғибот воситалари алоҳида ўрин эгалламоқда. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон

тонда 6500 дан ортик оммавий кутубхона, 4 мингга якин клуб ва маданият саройлари, 35 музей, 30 театр, 4,5 мингдан ортик кинотеатрлар самарали ишларни амалга оширмоқда.

Ўзбекистонда нашр қилинаётган ўнлаб ойнома, юзлаб рўзнома, минглаб китоблар сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни, халқимизнинг миллий кадриятлари ахамиятини оммага тушунтириб бериш соҳасида катта ишларни амалга оширмоқда. Ҳозирги даврда динга, руҳонийларга, ўтмиш меросига муносабат бирмунча ўзгарганлиги жумҳуриятда диний фаолиятнинг анча жонланишига олиб келмоқда. Айниқса, христианлик қабул қилинганлиги 1000 йиллигининг ўтказилиши, улуғ муҳаддис Ҳаким Термизий таваллудининг 1200 йиллигининг ўтказилиши, динга ишонувчиларга демократик эркинликлар берилганлиги Ўзбекистонда ҳамдиндорлик даражасининг ортишига, диний муассасалар сонининг кўпайишига олиб келди. Жумҳурият ойномалари «Фан ва турмуш», «Мулоқот», «Сирли олам», «ЁШЛИК» каби ойномаларда ислом дини, ҳадислар, ислом одоби, Муҳаммад лайғамбар ҳаёти ҳақида материаллар бериб борилмоқда. «Мовароуннахр мусулмонлари» ойномаси, «Ислонури» ҳафтаномаси ўзбек тилида кўп нусхада нашр қилинмоқда. Лекин айни пайтда, бу жараён илмий дунёқараш тарғиботчиларидан сабот ва матонат билан ишлашни, диндор юртдошларимизнинг иззат нафсига тегмасдан, фан ва техника ютуқларини холисона, илмий асосда тушунтириб беришни қатъиян талаб қилади.

#### ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Республикамизда инқилобдан кейинги дастлабки йилларда ижтимоий-иқтисодий шароит қандай эди?
2. Илмий дунёқарашнинг ерли халқлар онгида шаклланиш жараёни қандай юз берган эди?
3. Сиз ҳозирги шароитда кишиларимизда қандай дунёқараш шаклланишини маъқуллаган бўлар эдингиз?

XV БОБ

#### МУСТАКИЛ ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЛАРИДА ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИ

##### 1. ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИНИНГ ЖОРИЙ ҚИЛИНИШИ

Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар масала ижтимоий ҳаётда муҳим ва мураккаб масала бўлиб кетган. Чунки унинг замирида шахснинг ҳуқуқи, демокр

тия, адолатпарварлик ва инсонпарварлик каби катта ижтимоий, сийсий, ҳуқуқий ва ахлоқий тушунчалар туради. Виждон эркинлиги кишиларнинг руҳий оламига, унинг соғлом ва баркамоллигига бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам бу масаланинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва бажарадиган вазифалари ғоят муҳимдир. ГЗирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставидан тортиб, барча халқаро ҳужжат ва шартномаларда, ҳамма мамлакатларнинг конституция ва қонунларида виждон эркинлиги масаласи ўз ифодасини топган. 1948 йилда қабул қилинган инсон ҳуқуқлари умумий декларациясига мувофиқ ҳар бир инсон фикрлаш, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқ ўз дини ёки эътиқодини ўзгартириш эркинлигини, ўз дини ёки эътиқодига ўзича, шунингдек бошқалар билан биргаликда амал қилиш қафолатини ибодат қилишда ва диний маросимларда яқка тартибда ва одамлар орасида бирга қатнашиш эркинлигини ўз ичига олади.

Бундан ташқари бу масала яна бир мураккаб ҳодисани — турли дунёқараш, эътиқодда бўлган кишилар ўртасидаги, давлат билан дин, диний ташкилотлар билан давлат ўртасидаги муносабатларнинг амалда ҳуқуқий таъминланишини ҳам назарда тутди.

Одамлар доим турли дунёқараш ва эътиқод билан ншаганлар ва яшайдилар. Ҳар кимнинг ўз ички дунёси, ўз эътиқоди бўлади. У ўз ҳаётида ана шуларга амал қилади, шулар билан яшайди, уларни ҳимоя қилади. АММО бундай хилма-хиллик, қарама-қарши ақида ва ғояларнинг мавжудлиги муросасиз зиддиятларга, жиддий тўқнашувларга олиб келмаслиги, одамлар, қавму миллатлар, дину мазҳаблар, мамлақату давлатлар ўртасидаги яхши муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланишига тўсиқ, сунъий **FOB** бўлмаслиги керак. Ҳамма гап шундаки, эътиқодлар ўртасида низолар туғилмаслиги лозим.

Виждон эркинлиги қандайдир бир мавҳум тушунча эмас, у албатта маълум ижтимоий вазиятда намоён бўлади. Шунинг учун уни конкрет тарихий, ижтимоий шароитсиз, объектив ва субъектив омиларсиз тасаввур қилиш қийин. Бундан ташқари «виждон эркинлиги» тушунчасини илмий талқин қилишда албатта миллий, мафкуравий, маданий ва синфий омилларни ҳам назарда тутиш керак.

Виждон эркинлиги динга ишонувчиларни мажбуран ўз эътиёждаридан қайтариб, динни маъмурий тарзда

гақиқлаб кўйишнинг ҳар қандай назарий ва амалий кўрипишларига чек қўяди. Шунингдек, у жамиятдаги барча динлар, черков ва диний бирлашмалар, турли динларга эътиқад қилувчи кишиларни тенг ҳуқуқли деб билади, бирон бир динни имтиёзли, бошқа динлардан устун қилиб қўймайди. Шу билан бирга жамиятда илмий дунёқарашнинг қарор топишини виждон эркинлигининг амалда намоёи бўлиш белгиларидан бири деб ҳисоблайди.

Октябрь инқилобидан кейин виждон эркинлиги илмий принципга асосланган давлат ва дин ўртасидаги янги муносабатни изчиллик билан амалга оширишни кўзда тутилди. Бу соҳада 1918 йил 23 январда РСФСР Халқ Комиссарлари Кенгаши томонидан эълон қилинган «Черковни давлатдан ва мактабни черковдан ажратиш тўғрисида» ги декрет дастлабки қадам бўлди. Бу декретда давлат органлари ёки диний ташкилотлар томонидан фуқароларнинг виждон эркинлигига зўрлик ва тазйиқ кўрсатишнинг ҳар қандай кўринишларига чек қўйиш; уларга динга бўлган муносабатларини амалга оширишда тўла эркинлик бериш; динга муносабат билан боғлиқ бўлган шахснинг ҳуқуқларини илгаригидек чеклаб қўйишларни бекор қилиш; ҳамма расмий актларда динга бўлган мансублик шартларини олиб ташлаш асосий мақсад эканлиги кўрсатилди. Диний ташкилотларга ўз функцияларини тўла амалга оширишлари учун барча шарт-шароитлар яратилиши лозимлиги алоҳида уқтириб ўтилди. Шундай қилиб, декрет асосида ҳар бир кишига хоҳлаган динга эътиқад қилиш ёки эътиқад қилмаслик ҳуқуқи берилади. Декрет совет давлатининг динга нисбатан муносабатининг негизи бўлиб, унинг асосий ғоя ва принциплари иттифоқдош республикалар Конституциялари ва шу соҳадаги қонунларида ўз ифодасини топди ва кейинчалик буларни ривожлантиришга ҳаракат қилинди. Жамиятда юз берган катта ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ўзгаришлар, миллионлаб меҳнаткашларнинг бундан бўёнги ҳаёт қурилишида уларнинг дунёқарашларига, маънавий ҳаётига ҳам сезиларли таъсир этди.

Лекин бу объектив жараён ғоят зиддиятли ва нотекис ўтди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор эди. Бир томондан, Октябрь инқилоби Россия ва у босиб олган ўлкалардек бир қолоқ, жоҳил, турли халқлар маънавий ҳаётида дин узок, йиллар ҳукмронлик қилган мамлакатда содир бўлди. Янги тузумнинг давлат ва дин муносабатларида

кескинлик билан амалга оширилаётган чора-тадбирлари жиддий қаршилиқларга дуч кела бошлади, кураш «ё ҳаёт, ё мамот» тусига кирди. Ички аксилинқилобий кучлар ва халқаро интервенция диндан Шўролар хокимиятига қарши курашда ҳар томонлама фойдаландиларки, бу ҳрдисалар, албатта, оқибатсиз қолмади, иккинчи томондан, ана шундай мураккаб шароитда диний ва миллий масалаларни қонуний ва оқилона ҳал этишдз тажриба ва сабру тоқат етишмасди. Адолат, инсон, ақлу заковат, инсон ҳуқуқларини, қонунчиликни поймол қилмаслик каби жиҳатлардан маъмуриятчилик, зўравонлик, ўта инқилобий жанговарлик ҳиссиётлари устун келди, оқибатда қонунсизлик, тазйиқ кўрсатиш усули билан иш кўриш одат тусига айланди. Динга қарши очик жанг эълон қилинди. Шахсга сиғиниш даврига келиб борган сари дин ва диндорларга бўлган муносабат кўпроқ жиддийлаша борди. Атеизм фалсафа илмининг таркибий қисмидан унинг деярли «асосий» ва «бош» масаласига ва шу йўл билан ҳукмрон мафкураининг «ўткир» қуролига айлацтирилди. Амалиётда эса аҳолини атеистлаштириш, мамлакатни оммавий атеизм мамлакатига айлантириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди ва уларни амалга ошириш учун куч ва воситалар ишга солинди. Дин социалистик жамият учун зарарли саркит, душман ходиса деб уқтирилди, динга ишонувчилар эса ҳар томонлама қолоқ, пассив, жоҳил кишилар деб баҳрланадиган бўлди. 1925 йилда мамлакатда жанговар худосизлар уюшмаси тузилди, унинг аъзолари сони тез орада 3,5 миллион, кишидан ошиб кетди. Жанговар худосизлар «Динга қарши кураш — социализм учун кураш» шиори остида иш олиб бориб, дин ва диндорларни «фош» этувчи, аслида эса уларни ҳақрат қилувчи турли хил оммавий тадбирлар уюштиришга, адабиётлар, журналлар, плакатлар, кинофильм ва санъат асарлари яратиб, кенг аҳоли ўртасида динга нисбатан ҳурматсизлик ва нафрат уйғотишга қиришиб кетдилар.

Ҳаётни қайта қуриш, маданий инқилобни амалга ошириш, «одамларни эскилик саркитларидан халос қилиш» ва шу каби шиорлар остида ва кўпинча маъмурий ва ўзбошимчалик йўллари билан минглаб черков, масжид, ибодатхоналар, мактаб, семинария, академиялар ёпиб қўйилди, дин пешволари, рухонийлар ва кўпгина динга ишонувчилар қатағон қилинди.

Бундай мудҳиш жараёнлар айниқса чекка ўлкаларда, шу жумладан Марказий Осиёда ғоят кескин ва даҳшатли

туе олди. Биргина жумхуриятимиз худудида 24 мингдан ортик маежид ёпилди, уларнинг биолари бузиб ташланди. Маҳаллий аҳоли мусулмонлар учун азиз, муқаддас бўлган халқнинг тарихий ва маданий мероси ҳисобланган юзлаб обидалар, мақбаралар, мактабу мадрасалар харобаларга айлантирилди. Тошкент шаҳридаги 26 мадрасадан 1930 йилда 23 таси бузиб ташланди. Диндорлик учун одамлар қувғун қилиндилар, уларнинг молу мулклари мусодара этилди. Бундай қонунсизликларга чидолмай, шаҳар ва кишлок аҳолисидан анчагина қисми қўшни мамлакатлар—Афғонистон ва Шарқий Туркистон (Уйғуристонга) қочиб кетишга мажбур бўлди. Аҳолини «тезроқ саводхон ва маърифатли қилиш» байроғи остида асрлар бўйи халқнинг маданий бойлиги, маърифат қуроли, миллий ғурури бўлиб келган араб каллиграфиясига асосланган алифбо бекор қилиниб, 11 йил ичида (1929—1940 йилларда) аввал лотин, сўнг рус имлолари мажбурий жорий этилди. Бу катта маънавий фалокат эди, албатта, чунки маҳаллий халқлар бу билан ўз ўтмишидан, бой тарихий ва маданий меросидан, аждоду авлодлари яратган бойликлардан маҳрум бўлишга маҳкум этилди. Қадимий маданият ва маърифат ўчоғи бўлган замин, дунёга машҳур олимۇ мутафаккирлар етиштириб берган халқлар энди «саводсиз», «қолок», «маданиятсиз» га чиқариб қўйилди.

Араб алифбосидаги барча китобу рисоалар тақиқ остига олинди, уларга «хавфли, ёт нашрлар» тамғалари босилди. Бебаҳо ва ноёб китоблар эса ўлжа сифатида марказларга олиб кетилди. Юз минглаб китоблар, шу жумладан фалсафа, ҳуқуқ, тарих, физика, химия, тиббиёт, астрономия ва техника фанларига оид адабиётлар гулханларда ёқиб ташланди, эски китобларни сақлаганлар эса жиноятчи ҳисобланиб, жавобгарликка тортилди.

Виждон эркинлиги принципларини изчиллик ва қатъият билан амалга оширишда барқарорлик етишмас эди. Масалага ёндашиш ва уни ҳал этишда кўпинча мавсумийлик, гоҳ у чеккага., гоҳ бу чеккага оғиб кетишларга йўл қўйилар эди. Масалан, Улуғ Ватан уруши йилларида аҳвол бирдан жиддий ўзгарди. Динга ишонувчилар ва ишонмовчиларни, давлат билан диний ташкилотларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш мамлакат хавф остида турган пайтда нақадар хатарли эканлиги ҳаммага маълум эди. Кўпчилик диний уюшмалар, динга ишонувчилар душманга қарши курашнинг биринчи кунлариданок ўз ватанпарварлик бурчларини амалда намоиш қила бош-

ладиларки, буни сезмаслик ва ҳисобга олмаслик мумкин эмас эди. 1943 йилда илгари тугатиб юборилган православ черкови патриархлиги яна тикланди, худди шу йили Урта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси ташкил этилди. Бухорода Мирараб мадрасаси иш бошлади, мусулмонларга ҳаж қилишга руҳсат этилди.

Аммо 1960 йилларга келиб аҳвол яна жиддийлаша бошлади. Турғунлик даврида диний бирлашмаларни рўйхатга олиш, диндорларнинг конституцион ҳуқуқлардан фойдаланиши нихрят даражада чеклаб қўйилди. Оддий бир маежид ёки ибодатхонани очиш масаласи ҳам бевожита Москвада ҳал қилинадиган бўлиб қолди. Кейинги 25 йил мобайнида (1961—1986 йиллар) мамлакатда мусулмон диний уюшмаларнинг сони 1546 тага камайиб кетди

Агар 1984 йилда мамлакат бўйича ҳаммаси бўлиб 7 та мусулмон уюшмаси рўйхатдан ўтказилган бўлса, 1985 йилда —2 та, 1986 йилда —2 та, 1987 йилда эса 7 та, тўрт йил мобайнида жами бўлиб 18 та уюшма рўйхатдан ўтказилди ёки бошқача қилиб айтганда, бутун мамлакат бўйича 18 маежид очилди, холос<sup>2</sup>. Аммо бунинг натижасида диндорлик камайгани йўқ, динга ишонувчилар эътиқодларини ўзгартирганлари ҳам йўқ. Дин маҳалла, хонадонлар, кишилар қалбига, ички дунёсига янада чуқурроқ кириб бораверади. Руҳсат этилмаган ибодатхоналар, маежидлар, «махфий» диний мактаблар сони кўпаяверади. Шундай қилиб, динга нисбатан қўлланилган кўп йиллик маъмурий-зўравонлик сиёсати жамиятимизга жуда катта зарар келтирди.

## 2. МУСТАКИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ВА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУННИНГ ҲАЁТГА ТАТБИҚ ҚИЛИНИШИ

Қайта қуриш, янгиланиш жараёни ҳамма соҳалар каби виждон эркинлиги, давлат ва дин, динга ишонувчилар ва ишонмайдиганлар ўртасидаги муносабатлар соҳасини ҳам ўз таъсирига қамраб олди. Эндиликда бу соҳага тамоман янгича қараш, яъни умуминсоний қадриятлар, умумхалқ манфаатлари, инсон ҳуқуқини ҳимоя қилиш, мамлакатда янгича, демократик ва инсонпарварлик муҳитини барқарор этиш, миллатлараро муно-

<sup>1</sup> Қаралсин: «Наука и религия», 1987 йил, 11-сон, 23-саҳифа.

<sup>2</sup> Қаралсин: «Наука и религия», 1990 йил. 1-сон, 2-саҳифа.

сабатларни уйгунлаштириш, одамларнинг тинч, осойишта ва фаровон яшашига пухта замин яратиш манфаатлари нуктаи назаридан қараш талаб этилади. Назарияни эскириб кетган, догмата айланган тушунчалардан, якка-хркимликка хизмат килдириш, бўйсундириш усул ва методларидан халос қилина бошлади.

Шуни мамнуният билан қайд этиш лозимки, кейинги йилларда давлат билан диний ташкилотлар ўртасида ўзаро муносабатда жуда катта ўзгаришлар содир бўлмоқда. Диннинг жамиятдаги қонуний ўрни тикланипти, ҳамма диний уюшмалар, мазҳаблар ва гуруҳларнинг очик ва дахлсиз фаолият кўрсатишларига имкониятлар яратилмоқда. Масалан, Ўзбекистон ҳукумати мусулмонларнинг истакларини инобатга олиб, ислом дунёсининг энг муқаддас ёдгорликларидан бири Халифа Усмон «Алусхаф» ини улар ихтиёрига қайтариб берди. Қатор тарихий обидалар диний ташкилотлар ихтиёрига ўтказилди, янги масжидлар очилмоқда. Давлат диний асарларни чоп этишга ёрдам берапти, «Ислом нури» рўзно-маси чоп этилмоқда. Макка ва Мадинани зиёрат этишга бораётган мусулмонлар кўпайди. Диний байрамлар, саналар, машхур диний арбобларнинг таваллудига бағишланган анжуманлар катта тайёргарлик билан кенг қўламда нишонланмоқда. Диний ташкилотларнинг халқаро алоқалари кун сайин кенгайиб бормоқда.

Мустақиллик туфайли виждон эркинлиги принципларини тиклаш ва унга огишмай амал қилиш бу давр, кундалик ҳаёт талаби ва заруриятига айланиб қолди. Зарурият қонуний негизга таянмоғи керак, қрун эса ҳар доим ҳаракатда, ишда бўлмоғи даркор. 1991 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги янги Қонунни қабул қилди. Қонун лойиҳасини тайёрлашда кенг жамоатчилик вакиллари, халқ депутатлари, олимлар, мутахассислар, турли миллат ва дин вакиллари фаол иштирок этишди. Бу қонун ўз руҳи ва мазмуни билан илгариги қрунлардан катта фарқ қилади.

Қонуннинг «Умумий қоидалар» бобида виждон эркинлигининг асосий принциплари, вазифалари, уларни амалга ошириш йўллари, қридалари ва қафолати, фуқароларнинг бу соҳадаги ҳуқуқ ва бурчлари баён этилган.

Қонуннинг 3- моддасида ҳар бир фуқаро динга муносабатини ўзи мустақил аниқлаши, у ҳар қандай динга эътиқрд қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқрд қилмаслик ҳуқуқига эга эканлиги ва бу ҳуқуқ эса Ўзбекистон Рес-

публикасининг Конституцияси томонидан қафолатланажаги таъкидланган.

Янги қрун ота-оналарга ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга ўз болаларини динга ўз муносабатларигэ мувофиқ равишда тарбиялаш ҳуқуқини беради.

Ўзбекистон фуқаролари динга муносабатларидан қатъи назар, республика қонунлари олдида тенг ҳуқуқлидирлар. Уларнинг ҳуқуқларини динга ёки дахрийликка муносабатларига қараб чеклаб қўйиш ёки қимтиёзлар бериш, улар ўртасида нифок ва нафрат қўзғотиш ёки фуқароларнинг туйғуларини ҳақоратлаш каби ҳаракатлар қонун асосида қораланади ва бу ишда айбдор бўлган кишилар қонун олдида жавобгардирлар. Уз диний эътиқодини сабаб қилиб қонунда белгилаб қўйилган бурчларини бажаришдан ҳеч ким бўйинтовлаши мумкин эмас.

Янги қрунда Ўзбекистон Республикасида дин ва диний ташкилотлар давлатдан ажратилганлиги қўрсатилган. Бу дегани давлат диний масалалар билан шугулланмайди, диний ташкилотлар (масжидлар) диний бошқарма ишларига аралашмайди. Дин ва диний ташкилотлар ҳам давлат (ҳокимият) ишларига аралашмаслиги лозим. Давлат диний ташкилотлар зиммасига бирор давлат вазифасини юкламайди, диний ташкилотларнинг фаолияти қрунларга зид келмаса, унга аралашмайди. Диний ташкилотлар давлат вазифаларини бажармайди, сиёсий партиялар фаолиятида қатнашмайди, да уларни маблағ билан қўллаб-қувватламайди, давлат қонунлари ва ҳуқуқ-тартиботга риоя қилади. Лекин диний ташкилотлар жамоат ишларида иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Фуқаролар динга бўлган муносабатларидан қатъи назар, таълимнинг хилма-хил турлари ва даражаларини эгаллашлари мумкин. Белгиланган қоидалар асосида давлат органида рўйхатдан Низомга асосан ўтиш, фуқаролар учун диний ташкилотлар махсус ўқув юртлари ташкил этишлари мумкин. Ҳар бир фуқаро ўзлари танлаб олган тилда якка ўзи ёки бошқалар билан биргаликда, шу жумладан уйда ва диний ташкилотлар ҳузурида диний таълим олишлари мумкин.

Ёш болаларга ташкилий равишда диний билимлар бериш улар фақат мактаб ёшига етгандагина, мактабдаги дарслари тамом бўлгач, шу ўқувчиларнинг ота-оналарини ёки ота-оналар ўрнини босувчи кишиларнинг Ёзма руҳсатномалари бўлгандагина руҳсат берилади.

Ёш болалар вояга етгач, диний билим олиш-олмаслигини ўзлари хал қиладилар.

Диний таълим берувчилар махсус диний маълумоти бор кишилар бўлиб, болаларни ўқитиш учун диний бошқарманинг, марказнинг рухсатномасига эга бўлиши керак. Хусусий диний таълим беришга йўл қўйилмайди.

Бу қонун-қоидаларни бузганлар қонун олдида жавобгардирлар. Янги Қонунда диний ташкилотлар (жамиятлар, марказлар ва бошқармалар) нинг фаолияти, ҳуқуқ ва вазифаларига алоҳида ўрин берилган.

Диний ташкилотлар (диний жамиятлар, бошқармалар, марказлар, монастирлар, диний ўқув юр-тлари, бирлашмалар ва бошқалар) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмаган ўз Низомлари асосида иш юритадилар. Ўзбекистон Республикасида диний характерга эга бўлган партиялар, республикадан ташқаридаги диний партияларнинг бўлим ёки филиалларини тузиш ҳам ман этилади. Диний бошқармалар ва марказлар ўз Низомларига кўра диний ўқув юр-тлари ташкил этишлари ва уларда масжидлар, диний бошқармаларда, марказларда ишлайдиган рухонийлар тайёрлаши мумкин. Диний ўқув юр-тлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтиши шарт.

Давлат қармоғидаги ўқув юр-тлари учун қабул қилинган ҳуқуқий нормалар диний ўқув юр-тлари учун ҳам баб-баравар тааллуқлидир.

Қонунчиликка мувофиқ диний жамиятнинг ташкил топишида 18 ёшга тўлган ва ундан катта ёшли бўлажак жамият аъзолари туман халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри Адлия вазирлиги идораларига ўз Низомлари ва аризасини топширадилар. Низоми рўйхатдан ўтказилган диний жамиятгина ҳуқуқий шахс мақомига эга бўлади. Юқрида кўрсатилганидек, ҳар қандай фуқаро 18 ёшга тўлгандан кейин диний жамиятга аъзо бўлиши мумкин. Диний жамият ташкил этиш учун унга бир хил эътиқодга эга бўлган камида 10 киши аъзо бўлиши керак.

Диний ташкилот Низоми давлат қонунларига зид бўлмаслиги керак. Агар диний ташкилот Низоми Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги» Қонунига ва жумҳуриятнинг бошқа қонуний ҳужжатларига зид бўлса, диний ташкилотнинг ушбу Низоми рўйхатга олинмайди.

Диний жамият амалдаги қонунчиликни ва республи-

ка Конституциясини бузса ёки диндорларнинг кўпчилиги жамиятни рўйхатдан ўчиришни илтимос қилса, бундай шароитда диний ташкилот фаолияти тўхтатилади. Жамиятни рўйхатга олган тегишли маҳаллий орган идораси бу ҳақда ўз қарорини чиқариши шарт.

Диний ташкилотлар ўз мулкларига эга бўладилар. Бинолар, дин билан боғлиқ буюмлар, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва хайрия ишларига мўлжалланган иншоотлар, пул маблағлари ҳамда диний ташкилотлар фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган бошқа мол-мулк диний ташкилотларнинг мулки ҳисобланади. Маҳаллий ҳокимият ва давлат идоралари саждагоҳ иморатлари ва давлат мулки бўлган бошқа мол-мулкни диний ташкилотларга мулк қилиб бериши мумкин. Шуниси эътиборга моликки, диний ташкилотларга тушадиган молиявий ва мулкий хайриялардан, шунингдек, фуқаролардан тушган маблағлардан солиқ ундирилмайди.

Қонун асосида диний ташкилотларга ишлаб чиқариш, таъмирлаш-қуриш, кишлоқ хўжалиги корхоналарини, шунингдек, ҳуқуқий шахс ҳуқуқига эга бўлган хайрия муассасалари (етимхоналар, интернатлар, шифохоналар ва бошқалар) таъсис этиш ҳуқуқи берилган. Уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятидан келадиган фойдадан ижтимоий ташкилотлар корхоналаридан олинадиган ҳажмда солиқ олинади.

Қонунда фуқароларнинг диний эътиқод, расм-русум ва маросимларда қатнашиш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқларига катта ўрин берилган.

Диний ташкилотлар одамлар эркин кела оладиган ибодат ёки диний йиғилишлар жойларига, шунингдек, у ёки бу дин муқаддас ҳисоблайдиган жойларга (тавоф жойларга) асос солиш ва саклашга ҳақлидирлар. Ибодат, диний расм-русум ва маросимлар ўтказиш маҳаллий ҳокимият томонидан тақиқланмайди. Улар ибодат қиладиган бинолар ва унинг атрофидаги ҳудудларда, тавоф этиладиган жойларда, диний ташкилотларда, муассасаларда, қабристонларда фуқароларнинг хонадонлари ва уй-жойларида ҳеч қандай тўсқинликсиз ўтказилади. Касалхоналарда, госпиталларда, қариялар ва ногиронлар уйларида, дастлабки қамоқ жойларида ва жазони ўташ жойларида ибодатлар ва диний маросимлар улардаги фуқароларнинг илтимосига мувофиқ ва маъмуриятнинг кўмаклашувида ўтказилади.

Ўзга ҳрлларда оммавий ибодатлар, диний расм-ру-

сумлар ва маросимлар, митинглар, кўча юришлари ўтказиш учун белгиланган тартибга амал қилинади.

Фуқаролар ва диний ташкилотлар ўзлари хоҳлаган тилдаги диний адабиётни, шунингдек, диний маросимларда фойдаланиладиган бошқа буюмлар ва материалларни сотиб олишга ва фойдаланишга ҳақлидирлар. Диний ташкилотлар диний адабиёт, диний мазмундаги ахборот материалларини тайёрлаш, экспорт ва импорт қилиш, тарқатиш ва уларни ишлаб чиқарадиган корхоналарни таъсис этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Диний ташкилотлар хайрия, меҳр-мурувват фаолиятини амалга оширадилар. Фуқаролар ва диний ташкилотлар халқаро алоқаларда қатнашадилар, тавоф қилиш, йиғилишларда ва бошқа диний тадбирларда қатнашиш учун чет мамлакатларга чиқишга ҳақлидирлар. Диний ташкилотлар диний таълим олиш учун фуқароларни чет элга юборишлари ва чет эл фуқароларини таълим олиш учун қабул қилишлари мумкин.

Диний ташкилотлар фуқароларни ишга олишга ҳақлидирлар. Улар ўртасидаги меҳнат муносабатлари битим ва шартномаларда ўз ифодасини топади. Диний ташкилотларда меҳнат шартномаси асосида ишловчи фуқаролар касаба уюшмаларининг аъзолари бўлишлари мумкин. Улар давлат ва жамоат корхоналари ва ташкилотлари ишчилари ва хизматчилари билан баравар солиқ тўлайдилар, ижтимоий таъминланиш ва сугурта қилиш хизматларидан фойдаланадилар, умумий асосда пенсия олишга ҳақлидирлар.

Қонуннинг охириги, олтинчи боби давлат идоралари ва диний ташкилотлар ўртасидаги муносабатларга бағишланган. Бу муносабатлар эндиликда, албатта, шакл ва мазмунга эгадир. Давлат идоралари диний ташкилотларнинг ички ишларига аралашмайдилар. Мазкур қонуннинг 29-моддаси алоҳида эътиборга моликдир. Унда баён этилишича, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунни бузган мансабдор кишилар ва оддий фуқаролар қонун олдида жавоб беришлари кўрсатилган.

Хўш, ушбу жумҳурият Қонуни аввалги виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонундан қандай фарқи бор ва унда нималарга кўпроқ урғу берилган?

Биринчидан, мазкур қонунда диндорларнинг эркин эътиқод қилишига алоҳида эътибор берилган. Авваллари, агар ҳар бир диний маросимга турли баҳоналар билан танқидий баҳо берилган бўлса, эндиликда бу нар-

сага чек қўйилди. Иккинчидан, қонунда диндорлар ҳам, даҳрийлар ҳам Ўзбекистон қонунлари олдида тенг ҳуқуқлиги кўрсатилган. Ундан ташқари авваллари диний ибодатхона очиш учун 20 вояга етган кишилар ёки 18 ва ундан ортиқ кишилар Ўзбекистоннинг тегишли органларига ариза беришлари керак бўлса, эндиликда уларнинг сони 10 кишига камайтирилган.

Учинчидан, қонун виждоний эътиқодга, унинг дунёвий ва диний шакллариغا эрк беради, уларни мустақил, тенг мавжудлигини ва низосиз иш олиб боришларини таъминлайди, уларни қўллаб-қувватлайди, ғайриқонуний тажовузлардан ҳимоя қилади. Чунончи, виждон эркинлиги ҳуқуқини 1992 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳимоялайди. Унинг 31-моддасида «Ҳамма учун виждон эркинлиги қафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди» дейилган. Шундай экан, Ўзбекистон Конституцияси ва виждон эркинлиги қонунига биноан ҳар бир фуқаро диндор бўлиш ёки бўлмасликни шахсан ўзи белгилайди. Диндорлар билан даҳрийлар орасида бу масалада муносабатларни кескинлашувига йўл қўйилмайди, ҳар қандай экстремистик ҳаракатлар қораланади ва бу ишларни ташкилотчилари ва қатнашчилари қонун олдида жавоб берадилар. Қонун бошидан-охиригача виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар фаолиятини амалга оширишни жумҳуриятда тинчлик, осойишталик, ҳамжихатликни таъминлаш билан, жамоат хавфсизлигини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини доимо муҳрфаза қилиш билан бирга олиб боришни кўзда тутди. Қонун диндан давлатга ва Конституцияга қарши тарғибот олиб бориш, нифоқ, нафрат кўзғатиш, миллатлараро адоват уйғотиш ҳамда давлат манфаатларига ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясига қарши қаратилган бошқа хатти-ҳаракатлар қилиш, қонуний равишда ва демократик йўл билан тузилган ҳокимият ва бошқарув идораларига ҳамда давлат вакилларига нисбатан ғайриқонуний усуллар билан тазйиқ ўтказиш учун фойдаланишга мутлақо йўл қўйилмайди. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотлар бирон-бир сиёсий партиялар фаолиятида иштирок этмайдилар ва уларга молиявий ёрдам бермайдилар. Диний ташкилотлар бошқа идоралар каби жумҳуриятимизда осойишталик, халқлар тинчлиги, Ўзбекистоннинг мустақиллиги

йўлда олиб бораётган ишларига муносиб хиссаларини кўшишлари лозим.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президентга И. А. Каримов таъкидлаганидек, «Янги Конституциямизнинг ижобий жиҳатлари, янги томонлари, аввалги Конституциялардан фарқлари, авваламбор бу Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра янги ҳужжатдир. Унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ. Жаммики дунёвий неъматлар орасида энг улуги — инсон деган фикрни илгари сурган ва шу асосда «Фуқаро — жамият — давлат» ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга ҳаракат қилинган»<sup>1</sup>.

Конституцияда хурфикрлик, виждон ва диний эътиқад эркинлиги масалаларига катта эътибор берилган. Ўнда диннинг тарбиявий аҳамиятига янада кўпроқ эътибор берилиши лозимлиги кўрсатилган.

#### ТАКРОЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Виждон эркинлиги деган илмий тушунчани қандай тушунасиз?
2. Собиқ СССРда виждон эркинлигини таъминлашда қандай камчиликларга нўл қўйилди?
3. Ҳозирги шароитда виждон эркинлиги ва диний ташкилотларга нисбатан қандай ижобий силжишлар бўлди?
4. Виждон эркинлиги масаласига янгича ёндашилган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ижобий жиҳатлари нималардан иборат?

#### XVI БОБ

### ОЛАМ, ИНСОН, ЖАМИЯТ ТЎҒРИСИДАГИ ИЛМИЙ ТАЪЛИМОТЛАР

XIX асрнинг охирида физик билимлар доирасида «олам манзараси» атамаси қўллана бошлаган. Олимлардан Г. Герц биринчилардан бўлиб предметларнинг ички ва ташқи ҳолатлар йиғиндисини физик олам манзараси деб атади. Бундай атамадан кенг фойдаланган М. Планк олам манзарасини илмий ва амалий жиҳатдан фарқлади. Амалий жиҳатдан у инсоннинг олам ҳақида секин-аста бир бутун тасаввурлари пайдо бўлишини тушунди. Илмий жиҳатдан эса, М. Планк объектив дунёнинг моделини мутлақ ҳрдиса сифатида талқин этди.

«Олам манзараси» нинг ҳозирги фундаментал тушун-

<sup>1</sup> И. А. Каримов. «Ўзбекистон келажиги буюк давлат». Тошкент, «Ўзбекистон», 1992 й., 37—71-бетлар.

часини ишлаб чиқишда бундай йирик табиатшунос олимларнинг асарлари катта аҳамиятга эга. Шунга асосан ҳрзирги вақтда фундаментал фанлар қўлга киритган тушунча ва принциплар асосида оламнинг илмий манзарасини энг умумий тушунчалар системаси деб изоҳланади. Бундай умумий тушунча барча фанлар кашф этган илмий йўналишлар ва уларни амалиётда синаш орқали тўпланган ижобий тажрибалар асосида шаклланади ва дунёқарашга молик муаммоларни ҳал этишга хизмат қилади.

Дунёқараш инсоннинг объектив олам ҳақидаги қарашларининг мажмуи, унда ўзининг тутган ўрни, объектив борлиққа муносабати ҳамда шу қарашларга мое тушадиган ҳаётий мавқеи, ишончи, идеали, фаолияти, оламни ўрганиш ва билиш принципларидир. Аммо дунёқараш бу билан чегараланмайди, балки у инсон, жамият ва дунё ҳақида тўпланган ва маълум принципларга асосланган қарашлар йиғиндисидир. Бинобарин, бундай дунёқараш кишиларда турли даражада — ижтимоий-сиёсий, фалсафий, диний, ахлоқий, илмий-назарий даражада талқин этилади.

Дунёқараш ижтимоий ва индивидуал онгнинг мавқеи ҳисобланиб, у ўз моҳиятига кўра тарихий жараён сифатида кишилик жамияти пайдо бўлиши билан боғлиқ. Ҳар қандай дунёқарашнинг шакллантирувчи манбаи ижтимоий борлиқ ва жамиятнинг моддий шарт-шароитлари ҳисобланади.

Кишилик жамияти тарихий тараққиётида дунёқарашнинг вужудга келиши ва шаклланиши ҳар бир даврнинг ўзига хос хусусияти билан боғлиқ бўлган. Масалан, ибтидоий жамоа тузумида ва дастлабки синфий жамиятда табиий-илмий билимларнинг куртаклари бўлган, ҳолос. Айни вақтда табиат ва инсон ҳақида диний тасаввурлар асосий ўрин эгаллаган ўша давр одамларида илмий билимларнинг ва ҳаётий тажрибаларнинг етишмаслиги шунга олиб келган.

Кишиларнинг кундалик ҳаётий фаолиятида тирик ва нотирик табиат, одам организми ҳақидаги ижобий билимлар узлуксиз тўплана борди. Аммо бу билимлар асотирлик (мифологик), сўнгра диний дунёқараш билан муросада яитган ҳолда ички яширин зиддиятлар ҳам годир бўлиб турган. Шу вақтда дин ҳомийлари ҳам табиатни тадқиқ қилишда, осмон ёритгичларини кузатишдан четда қолмадилар, тўпланган билимларни келажак авлод учун зарур деб ҳисобладилар.

Қадимги Шарқ кохинлари фан ва илмий билимлар билан кизиқишда биринчилардан эканлиги тарихдан маълум. Хусусан, улар математика, астрономия ва медицина соҳаларини ўргандилар, тўпланган билимлардан ўзларининг иқтисодий ва мафқуравий манфаатларини мустаҳкамлашда фойдаландилар.

Бироқ, маълум тарихий боскичга келиб табиат ва олам ҳодисалари ҳақидаги тўплана борган илмий билимлар диний қарашлар билан келиша олмаслиги маънавий маданиятда намоён бўлди. Турли қабилаларда шаклланган диний, афсонавий қарашларда табиат ҳодисаларини ва инсон ҳаётини сабабият асосида тушуниш элементлари бор эди. Олам манзарасининг афсонавий тушунчаси ибтидоий одам онгининг хусусиятига боғлиқ эди. Яъни улар учун табиат — уруғ жамоаси, осмон, ер, сув, инсон ва ҳоказолар эса қон-қариндошлик муносабатларида бўлган жамоанинг аъзоларидир.

Асотирлар ва диний тасаввурларга нисбатан янги шакл аввало Марказий Осиё, Хитой, Ҳиндистон, сўнгра қадимги Юнонистон натурфилософиясида майдонга чиқади. У ўзининг турли боскичларда ривожланишидан қатъи назар, стихияли-материалистик характерга эга эди. Ана шулар асосида оламнинг диний тушунчасига қарши демократ Эпикур, Лукреций Карларнинг, натурфалсафаси юзага келди.

Демокритнинг атомистик таълимоти к.уйидагиларга асосланади: 1. Материя пайдо ҳам, йўқ ҳам бўлмайди; 2. Ҳеч нарса сабабсиз ва заруриятсиз содир бўлмайди; 3. Атом ва бўшлиқдан ташқари ҳеч нарса мавжуд эмас; 4. Сўзлар ҳарфлардан иборат бўлганидек, турли предметлар турли атомларнинг бирикишидан пайдо бўлади.

Атомистик назария тарафдорларининг олам бепоянлиги, табиий зарурияти ва ҳаракатнинг доимийлиги ҳақидаги илғор фикрлари ўз замонасига нисбатан тараққийпарвар ғоялар эди, холос.

Аммо ўрта асрдаги хурфикрлиликнинг ёрқин намоён-даси икки ҳақиқат ҳақидаги назарияга асосланган эди. XII—XIV асрларда вужудга келган бу назария философия ва илоҳиёт илмида ҳар бири ҳақиқатга мустақил йўл билан эришишни ёқлади. Икки ҳақиқат назариясининг асосчиси араб файласуфи Ибн Рушд эди. Сигер, Братантский, Дуне Скотт, У. Оккам ва бошқалар бу назарияга таяниб оламнинг яратилмаганлиги, худо ва дунёнинг абадийлиги, ҳар бир одам танининг ўлимга маҳкумлиги ҳақидаги фалсафий ҳулосалари илоҳиётнинг

шулар ҳақидаги фикрига нисбатан юксак ҳақиқатни ташкил этади, деган ғояга асосландилар. Булар кишиларда ҳаётга ақл кўзи билан қараш қобилиятини шакллантириб, ўз фикрлари орқали илоҳий тасаввурларга қарши қобилиятини шакллантириб, ўз фикрлари орқали илоҳий тасаввурларга қарши табиат сирларини ўрганиш энг аввало инсоннинг ердаги ҳаёти учун аҳамиятли бўлган юксак «ҳақиқат» деб билдилар.

Табиатшуносликнинг кейинги тараққиётида Улуғбек ва унинг шогирдлари олиб борган астрономик кузатишларнинг натижалари, Н. Коперникнинг кашфиёти коинот манзарасининг пантеистик (худо билан табиат бир деб қараш) тушунчасини вужудга келтирди. Бу кашфиётлар ерни коинотнинг маркази деб келган фикрни пучга чиқариб, унинг куёш атрофида айланувчи планеталардан бири деб исботлади. Худони эса табиат билан ҳамма жойда бирга деб қаради. Аммо турли пантеистик қарашларни бир-биридан фарқ қилиш лозим.

XVII—XVIII асрларда математика ва механика фанларининг ютуғига асосланган оламнинг механистик маъзараси деистик (худони тан олувчи, лекин уни табиат тараққиётига дахли йўқ деб билиш) қарашларни келтириб чиқарди. Деизмга инглиз файласуфи Черберри асос солган; унинг вакиллари материалистик-маърифатпарварлар Толанд, Локк, Вольтер, Руссо, Лессинг, Ломоносов, Радищев ва бошқалардир.

XIX асрда эса табиатшунослик инсон ва олам ҳақида материалистик тушунча ҳосил қилиш учун бой материал тўплади. Биринчидан, табиат ҳодисаларини механик тушунчаси ўрнига олам ҳодисаларининг кўп хиллиги аниқланди; иккинчидан, бу предмет ва ҳодисаларнинг ўзаро алоқадорлиги ва ўзаро ривожланиши кўрсатилди. XIX асрнинг ўрталари ва иккинчи ярмида табиатшуносликда вужудга келган буюк кашфиётлар ичида табиат ривожланиш жараёнида биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган уч кашфиётни кўрсатиш мумкин. Булар ўсимлик ва ҳайвонлар организмнинг хужайралардан тузилганлигининг очилиши, энергиянинг сақланиш қонунини экпериментал асосланиши ва ниҳоят, Ч. Дарвиннинг организмлар ҳақидаги эволюцион назариясидан иборат. Бу уч кашфиёт табиатга зскича қарашларни рад этиб, янгича фикр юргизиш учун мустаҳкам замин яратди.

Табиатшуносликдаги ривожланишнинг юксак босқичи XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида радиоактивлик, электрон, ёругликнинг босими каби кашфиётлар

диалектик тафаккур усулинийг шаклланишига асос бўлди. Табиатшуносликдаги кашфиётлар ва диалектик тафаккур усулинийг қарор топиши нигилистик тарзда (қУРУҚДан-қурук инкор этиш) усулидан ҳамда-фанни илоҳиёт асирлигидан озод этди. Оламни диалектик, материалистик билиш томон ўтиш фанга зид барча қарашларга нисбатан Ғарбий Европада мурасасизлик кайфиятини ривожлантирди. Асосан ХХ асрда ер остидан ва ғорлардан ҳозирги одамларнинг аجدодлари суяклари топила бошлади. Натижада одамнинг келиб чиқиши ҳақида илмий фикр юритиш имконияти вужудга келди. Одамнинг рухий (психик) фаолиятини илмий тушунишда И. М. Сеченовнинг (1829—1906) «Бош мия рефлекслари» номли асари катта роль ўйнади. Унда барча онгли қарашлар ўз характери билан рефлекторли хусусиятга эга эканлиги кўрсатилди. Бу ташқаридан бўладиган таассуротга инсон марказий нерв тизимида акс таъсир реакциянинг вужудга келишидир. Сеченов таълимотига черков ва руҳонийлар қарши чиқиб, уни тақиқлашни талаб этдилар. Аммо унинг ғояларини тўхтата олмадилар. Сеченов таълимоти И. П. Павлов томонидан давом эттирилди ва ривожлантирилди. Павлов ўзининг шартли рефлекслар ҳақидаги назариясида инсон мияси рухий фаолиятининг қонунларини илмий ва изчил материалистик асосда тушунтириб берди. Бу даврда физиология соҳасида Сеченов, Павлов ва бошқа физиологлар томонидан қўлга киритилган ютуқлар инсон психик фаолияти тўғрисидаги қарашларни мустаҳкам илмий асосга кўя бошлади. Фан тараққиёти туфайли оламдати барча нарсаси ва ҳодисаларнинг илмий тушунчаси вужудга келди. Бир бутун олам ва ундаги нарсалар бир-бири билан узвий боғлиқ, доимо ҳаракатда ва ривожланишда, табиий сабабга эга деган тасаввурлар мустаҳкамлана борди.

Табиатшунослик фанининг ривожланиши ХХ асрда табиат ва инсон ҳақидаги тушунчаларимизни янада янги далиллар билан бойитди. Электронни бепоён ва чексизлиги исботланмоқда, ҳозирги кунда уларнинг ва умуман элементлар заррачаларининг фанда 200 дан ортиғи маълум. Астрономия фани коинотни тадқиқ қилишда, юлдуз ва галактика (бизнинг Қуёш системамиз ҳам шунга кирди) ни ўрганишда муҳим ютуқларни қўлга киритмоқда. Оламни тадқиқ қилишда қўлга киритилган ютуқлардан бири галактикага нисбатан бир неча маротаба катта коинотнинг маълум доирасини қамраб олувчи метагалактиканинг кашф этилиши бўлди. Галактика ва уларнинг тўп-

ланишидан пайдо бўлган метагалактика, унинг радиусини кенгайтиргандек тарқалиши исботланган. Кўпчилик олимларнинг фикрича, галактикаларнинг бундай ҳолати 13—15 миллиард йил аввал материянинг ғоят катта портлаши натижасида вужудга келган. Ҳозирги замон астрономик асбоблар орқали қузатиш мумкин бўлган юлдузлар ва галактикалар олами бугунги кун фанида ривожланувчи объектлар деб қаралмоқда. Бунда бир хил объектлар ички жараёнлари тартибига тушмаган ёш борлик ҳисобланса, бошқалари деярли миллиард йиллар давомида ўз ҳолатини ўзгартирмаган бўлади, учинчилари — емирилишга яқин туради. Фан инсон учун оламнинг бепоёнлигини кашф қилиш билан унинг фаолияти чексизлигини ҳам кўрсатади.

Кейинги ўн йилликлар давомида биология ва унга яқин бўлган фанларнинг комплекс ишлари натижасида эришилаётган муваффақиятлар ҳаётни диалектик-материалистик тушунишни чуқурлаштирмоқда, ҳаёт фаолиятида оксил моддалар билан бир қаторда мураккаб органик бирикма — нуклеин кислоталари муҳим роль ўйнашини аниқламоқда. РНК (рибонуклеин кислота) аминокислоталардан оксил моддасининг ҳосил бўлиши синтезини таъминлаётган, ДНК (дезоксирибонуклеин кислота) структурасида организм наслига ўтказувчи белгилари мавжуд бўлган моддалар бор. Организм фаолияти жараёнида содир бўладиган жуда кўп реакцияларнинг тартибли ва келишган ҳолатдаги ҳаракатини таъминловчи модда — махсус оксил моддаларнинг катализаторлари ферментлари таъсирида бўлиши аниқланди.

ДНК молекуласига таъсир қилувчи оддий оксил модда — инсулиннинг сунъий синтез усули билан олиниши, нуклеин кислоталари ва қатор оксил моддалар химиявий структурасининг аниқланиши фанни ерда ҳаётининг пайдо бўлиши сирларини тўлароқ очишга тобора яқинлаштирмоқда.

Инсоннинг меҳнат ва тарихий жараёнининг субъекти сифатидаги диалектик ўзаро алоқадорлигининг ҳақиқий мезони тарихни материалистик тушуниш асосида вужудга келди. Тарихни материалистик тушунишгина инсонга ўз табиатини ўзгартириш имконини берди, зарурият сифатидаги субъектив ва объектив шароитларга муносабат билдириш имкониятини яратди. Инсон учун дунё ўзича, табиий тарзда мавжудлиги билан эмас, балки инсоният фаолиятига бўлган муносабати билан аҳамиятлидир. Яъни инсон фаолияти унинг табиатга ва бошқа инсонлар-

га бўлган муносабатига унинг ўзига хос хусусиятлари ва ижтимоий борлиқ характерига боғлиқдир.

Фан бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айлангандан сўнг инсоннинг фақат турмуш тарзига эмас, балки унинг онгига, дунёқарашига таъсир кўрсатиши аниқланган. Ижтимоий фаолиятда содир бўлаётган силжишлар ижтимоий ва табиий-илмий билимларни ўзаро алоқадорлигини муҳокама қилишга олиб келмоқда. Ташки оламнинг мавжудлиги ва ривожланишига инсоният фаолияти таъсирини ортиб бориши билан кўпчилик олимлар фанда умумназарий йўналиш ишлаб чиқишга ҳаракат қилмоқдалар. Бу изланиш физика, математика, биологияга асосланмаган янги фан — экологияни келтириб чиқарди. Бу янги фан соҳаси табиат ва жамиятга қарашлардаги йирик ўзгаришларни ўз ичига олувчи инсоният фаолиятини, борлиқ-объектнинг бир бутун фаолиятини билишни ўз ичига олади. Шунинг учун экологияга мустақил фан соҳаси деб қарамасдан, табиат ва жамиятнинг турли соҳаларини ўрганувчи умумилмий йўналиш деб қараш лозим. Ҳозирги экологик ҳолат биосферанинг мавжудлигида инсоният асосий сабабчи эканлигини кўрсатмоқда. В. И. Вернадский ер биосферасини тарихий ривожланувчи система деб кўрсатиш билан, унинг янги «Ноосфера» ҳолатига ўтишини аниқлади

Жамият тарихида биринчи марта ақл-идрок соҳаси тантанаси даври келажакка бўлган буюк ишонч шакллана бошлади. Ноосфера қарор топиши учун маънавий ва маънавийга дойр барча йўналишлар, чунончи, фан ва дин, илоҳиёт ва фалсафа асрий антагонизмдан воз кечиб, жамият маънавий-ахлоқий муҳитини соғломлаштириш учун ўзаро иттифок тузиши зарурат бўлиб қолмоқда. В. И. Вернадскийнинг табиий-илмий хулосаларида илмий билишнинг тамомила янги объектлари мавжудлиги ҳозирги замон олам манзарасининг илмий тушунчасида дунёқараш ва методологик асосни ташкил этиши лозим.

Шундай қилиб, тафаккурнинг экологик услуги ўз таркибига кирувчи умумдунё миқёсидаги масалаларни қамраб олиши, ноёблик, рационалликка интилиш ва воқеликка илмий қарашнинг янги тарзи учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Тафаккурнинг экологик услуги инсон билан табиат ўртасида вужудга келётган жараёнларни кенг кўламда инъикос этиши билан ҳозирги

замон олам манзарасига инсоннинг ўзини ҳам универсал мавжудот сифатида қўшиш имкониятини яратди.

Шунингдек, тафаккурнинг экологик услуги янги тарихий планетар тафаккур пайдо қилиш эҳтиёжини вужудга келтириб, оламга рационал қарашнинг инсонпарварлик асосларида ишлаб чиқиш заруриятини келтириб чиқарди. Олам манзараси ҳақидаги тасаввурларимиз аввалги даврлардагидек тарихий жараён сифатида фан ва ҳаётини тажриба ютуқлари билан янада бойиб боради.

## ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Инсон ва олам ҳақидаги ҳозирги замон табиий-илмий билимларнинг аҳамияти нимада?

2. Табиий-илмий билимлар таракқиётида олам илмий манзарасининг шаклланиши қандай содир бўлди?

3. «Тафаккурнинг экологик услуги» нимадан иборат? Унинг ҳозирги замон оламининг илмий манзарасини ишлаб чиқишдаги аҳамияти қандай?

<sup>1</sup> Қаралсин: *Вернадский В. И. Биосфера. М., 1967. с. 356.*

М У Н Д А Р И Ж А

Сўз боши	3
/ боб. «Диншунослик асослари» курси	4
// боб. Диинлар тарихини ўрганишнинг илмий ва методологичи тамойиллари	11
III боб. Дин — ижтимоий-тарихий ходиса	19
IV боб. Марказий Осиё халқлари тарихида дин	33
V боб. Ислон — жаҳон дини, унинг турмуш тарзи ва маданиятдаги ўрни	62
VI боб. Қуръон — Шарқ халқларининг маданий мероси	92
VII боб. Ҳадислар — диний-ахлоқий дастурлар манбаи	116
VIII боб. Шариат — ислон диний ҳуқуқ қонун-қоидаларининг мажмуи	133
IX боб. Марказий Осиё халқлари маданияти ва унинг ислон билан алоқадорлиги	154
X боб. Маънавий маданият ривожиди хурфикрлиликнинг тутган ўрни	171
XI боб. Марказий Осиё маърифатпарварларининг динга муносабати	188
XII боб. Диний кадриятлар ва хозирги замон	200
XIII боб. Имонли одамлар иттифоқи муаммоси ва Ўзбекистонда ижтимоий адолатли жамият қуриш масаласи	212
XIV боб. Марказий Осиёда илмий дунёқараш қарор топишининг ўзига хос хусусиятлари	224
XV боб. Мустақил Ўзбекистон қонунларида виждон эркинлигининг таъминланиши	232
XVI боб. Олам, инсон, жамият тўғрисидаги илмий таълимотлар	244

ОСНОВЫ РЕЛИГИОВЕДЕНИЯ

*На узбекском языке*

Издательство «Ўзбекистон» —1995,  
700129, Ташкент, Навои, 30.